

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

ДИНШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА



«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2013

Тузувчи – муаллифлар:

А.Очилдиев, *фалсафа фанлари доктори, профессор*

Д.Рахимжонов, *тарих фанлари номзоди, доцент*

Н.Мухамедов, *тарих фанлари номзоди, доцент*

З.Исоқова, *тарих фанлари номзоди, доцент*

А.Аллоқулов, *катта ўқитувчи*

Ж.Нажмиддинов, *илмий тадқиқотчи*

Ж.Каримов, *илмий тадқиқотчи*

Ж.Алиев, *илмий тадқиқотчи*

А.Аҳмедов, *илмий тадқиқотчи*

Н.Каримова, *илмий тадқиқотчи*

Д.Турдиева, *илмий тадқиқотчи*

Масъул муҳаррир:

И.УСМОНОВ,

тарих фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

Ҳ.Йўлдошхўжаев, *тарих фанлари номзоди, доцент*

Ш.Зиёдов, *тарих фанлари номзоди*

М.Алимова, *тарих фанлари номзоди*

Ўқув қўлланма Тошкент ислом университетида Диншунослик соҳасини такомиллаштириш бўйича 2013–2016-йилларда амалга ошириладиган чора–тадбирлар Дастури доирасида яратилди.

Мазкур қўлланма олий таълим тизими талабаларига мўлжалланган бўлиб, Республика олий ўқув юртларида “Маънавият асослари”, “Диншунослик” ва “Дунё динлари тарихи” фанларини ўқитишда, шунингдек, Республика Маънавият тарғибот маркази бўлимлари, хотин–қизлар кўмиталари масъуллари, маҳалла фаоллари учун қўлланма сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ушбу қўлланма Тошкент ислом университети Ўқув–услубий кенгашининг 2013 йил 25 июндаги 5–сонли йиғилиши қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2013 йил 23 августдаги 2261–рақамли тавсияси билан нашр этилди.

КИРИШ

Дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиши осон бўлмайди.

Ислом Каримов

Маълумки, дин доимо башарият диққат марказида бўлган. Тарихнинг муайян босқичларида у мутлақ ҳукмрон куч бўлган бўлса, баъзи босқичларда инкор этилган ва унга қарши “уруш” эълон қилинган. Жамиятдаги мавқеидан қатъи назар у доимо ўрганиш, тадқиқот объекти бўлиб келган.

Глобаллашув натижасида рўй бераётган миллатлар, ирқлар, динлараро мулоқотнинг ўзига хос аҳамият касб этиши контекстида, динларни ўрганиш янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни дамда, Ер қуррасининг баъзи минтақаларида диний асосдаги келишмовчилик ўчоқларининг алангалагани, шунингдек, баъзи ноҳолис тадқиқотчилар томонидан динлар ўртасидаги тўқнашув “назария”ларининг илгари сурилиши дин ва бағрикенглик масалалари билан шуғулланувчи диншунослик фанининг янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди.

Кўпмиллатли ҳамда кўпконфессияли бўлган Ўзбекистонда ҳам, мустақилликка эришилган илк йиллардан оқ дин, бағрикенглик масалаларига катта эътибор берилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ юртимизда диншунослик соҳаси ҳам ривожланиб бормоқда. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 1999 йил 7 апрелда Тошкент ислом университетининг ташкил этилиши ҳам бу борада катта қадам бўлди. Университетнинг Вазирлар Маҳкамаси томонидан

тасдиқланган низомида ҳам диншунослик асослари, йўналишлари, илмий тадқиқот тамойиллари, уларни жамият ҳаёти ва ривождаги ўрни билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қодир юқори малакали кадрлар тайёрлаш вазифаси белгиланган. Шу жиҳатдан ҳам, университетда яратилаётган диншуносликка оид ўқув адабиётлари бугунги кунда фан олдида турган бир қатор долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилган. Жумладан:

– сўнги даврда дунёда рўй бераётган қонли тўқнашувлар асосан диний ва миллий асосда юз бераётганини ҳисобга олиб, талабаларда бағрикенглик маданиятини шакллантириш, уларга динларнинг тинчликпарвар, инсонпарвар ғояларини очиб бериш;

– динлар тарихи, моҳиятини очиб беришда эски, бир ёклама, атеистик ёндашувдан воз кечиш. Талабаларга динлар борасидаги илмий мактаблар, назариялар ҳақида объектив билимларни бериш;

– турли динларни ниқоб қилиб олган экстремистик ва террорчи ташкилотларнинг аслида ҳеч қайси динга тўғри келмаслигини очиб бериш;

– Ўзбекистон Республикасида мавжуд конфессиялар ўртасида тотувликни таъминлашга ҳисса қўшиш.

Диншунослик асослари фанини ўқитишдан мақсад миллий ва диний қадриятларнинг тарихан муштарақлиги, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлиги, бу қадриятларнинг ҳозирги мустақил Ўзбекистон шароитидаги аҳамиятини янада аниқроқ ёритиб бериб, талабаларда динга нисбатан тўғри ёндашувни шакллантириш ва жамият учун юксак маънавиятли кадрларни тарбиялашдан иборат.

“Диншунослик асослари” қўлланмаси талабаларда дин, унинг турли шакллари, таълимотлари, йўналишлари, мазҳаблари ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқара оладиган, диний ва дунёвийлик муносабатларини асосли таҳлил қила оладиган тўғри дунёқарашни шакллантиради. Бунда

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун, Жиноят, Фуқаролик, Оила кодексларидаги дин ва виждон эркинлиги ҳақидаги кўрсатмалар, қоидалар дастурул амал бўлиб хизмат қилиши лозим. Дин ва қонун ўзаро муносабатларини яхши билиш Республикада демократик, ҳуқуқий жамият қуриш пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Диншуносликнинг муҳим масалаларига бағишланган мазкур ўқув қўлланма олий таълим тизими талабаларига мўлжалланган бўлиб, Республика олий ўқув юртларида “Диншунослик асослари”, “Маънавият асослари”, “Диншунослик” ва “Дунё динлари тарихи” фанларини ўқитишда, шунингдек, Республика Маънавият тарғибот маркази бўлимлари, хотин-қизлар қўмиталари масъуллари, маҳалла фаоллари учун қўлланма сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин.

Мазкур ўқув қўлланмани тайёрлашда ўзбек, рус, араб ва бошқа чет тилларидаги диншуносликка оид манбалардан фойдаланилди. Тузувчилар ушбу ўқув қўлланмани тайёрлаш жараёнида ўзларининг қимматли маслаҳатларини аямаган барча устозларга ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

1–МАВЗУ. ДИНШУНОСЛИК ФАНИГА КИРИШ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Режа:

1. Дин.
2. Диншунослик фанининг юзага келиши.
3. Диншунослик фани соҳалари.
4. Диннинг жамиятдаги функциялари.
5. Динларни таснифлаш.

Таянч тушунчалар:

Дин, эътиқод, йўл, мазҳаб, религия, «religio», «relegere», трансцендент, имманент, культ, диншунослик, “ал–Фирақ”, “ар–Раѓд”, “ад–Диёнот”, “ал–Милал”, дин феноменологияси, дин социологияси, дин психологияси ва дин фалсафаси.

Мавзу ўқув мақсади:

Талабаларда диннинг моҳияти, диншунослик фанининг юзага келиши тарихи, диншунослик фани соҳалари, диннинг жамиятдаги функциялари, динларнинг таснифи ҳақида тушунча ва тасаввурларни шакллантириш.

ДИН Диннинг моҳияти турлича изоҳланса-да, унинг асосида ишонч, эътиқод туйғуси ётади. Дарҳақиқат, дин ишонмоқ туйғусидир. Ишонмоқ туйғуси инсониятнинг энг теран ва рухий-маънавий эҳтиёжларидандир.

Дин арабча сўз экани барчага маълум. Лекин дин тушунчасини тўлиқ англаб олиш учун, унинг ҳам луғавий, ҳам истилоҳий маъноларини алоҳида-алоҳида олиб танишиб, таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Араб тилидаги манбаларда қайд этилишича, дин сўзи “دان” (“dâna”) феълидан ясалган бўлиб, “кимгадир бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ, итоат этмоқ, кимдандир қарздор бўлмоқ, эътиқод қилмоқ, қилган ишига яраша мукофотламоқ”; “дийнун” сўзи эса, “дин, имон, ажр–мукофот, қилинган ишга яраша берилган ҳақ” каби маъноларни билдиради.

Ўзбек тили луғат адабиётларида “дин” – ишонч, ишонмоқ, эътиқод, мулк, ҳукм, ҳисоб, жазо, тадбир, бўйсунуш, итоат қилиш, ибодат, парҳез, йўл тутиш, одат қилиш, эътиқод қилиш маъноларини билдириши келтириб ўтилади.

Исломдан аввал туркий халқларнинг дин тушунчасини ифодалаш учун турли даврларда “drm”, “darm”, “nom” ва “den” каби сўзларни ишлатганлари маълум. Улардан “drm”, “darm” дин, ақида маъносида санскритча (қадим ҳинд тили) “dharma”дан (Пали тилида dhamma); “nom” дин ишонч, қонун маъносида суғд тилидан кириб келганлиги айтилади.

Ўзбек тилидаги “дин” маъносини берувчи атамалар барча тилларда мавжуд. Жумладан, зардуштийларнинг манбаси “Авесто”да “дин” сифатида “daena”, қадимги форс паҳлавий тилида “den”, “din”, “dena”, “daena” сўзи ишлатилиб, «йўл», «мазҳаб», «маросим», «услуб», «тарз» каби маъноларни билдирган. Иброний тилида истифода қилинадиган «dath» сўзи «дин» тушунчасини ифодалаш учун умумий термин бўлиб, «ҳукм», «амр» ва «қонун» маъноларини англатган.

Рус тилида дин маъносини англатадиган «религия» сўзининг келиб чиқиши борасида луғатларда бир қанча ёндашувлар келтириб ўтилган. Улардан баъзиларига кўра мазкур атама лотинча «religio» сўзидан келиб чиқиб, «диёнат, диндорлик, тақводорлик, художўйлик, мўминлик, тақво, муқаддас нарса ёки жой, қадамжо, зиёратгоҳ, ибодат–топиниш–сиғиниш ва у билан боғлиқ диний маросимлар» деган маъноларни англатади.

Иккинчи гуруҳ тилшунослар «religio» сўзи семантик, маъно ва морфологик жиҳатдан «telegege» сўзи билан боғлиқ бўлиб, «янгидан тўпламоқ, янгидан танлашга киришмоқ, қайта ишлаб чиқиш учун олдинги синтезга қайтиш» каби маъноларни англатади, деб таъкидлайдилар.

Олимлар муайян эътиқод дин деб аталиши учун **уч** асосий хусусиятга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар. Булардан **биринчиси**, ғайритабиий илоҳ (ёки илоҳлар) ҳақидаги тасаввурнинг мавжудлиги. Ҳар бир динда топиниш объекти – Худо бўлиши шарт ҳисобланади.

Мавжуд динлардаги Худо ҳақидаги тасаввурларни шартли равишда иккига – *трансцендент* ва *имманент* илоҳларга бўлиш мумкин. Трансцендент илоҳларга инсонлар оламидан ташқарида, инсонларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, қусур ва нуқсонлардан холи Худолар киради. Бунга мисол сифатида том маънода ислом динидаги Аллоҳ таоло ва қисман христианликдаги Ота Худо, яҳудийликдаги Яхвеларни келтириш мумкин.

Имманент илоҳлар деганда эса табиатнинг бир бўлаги сифатида тасаввур қилинган, инсонларга ўхшаб кетадиган, бироқ ғайриоддий яратувчилик, бузгунчилик, ризклантирувчилик каби кучларга эга бўлган Худолар киради. Бундай турдаги илоҳлар кўпинча ё антропоморф (инсон қиёфасида) ё зооантропоморф (ярим одам ярим ҳайвон) ёки зооморф (ҳайвон) шаклда тасаввур қилинади. Бунга мисол сифатида Қадимги Миср, Юнон, Рим цивилизациялари, замонавий Ҳиндистон, Хитой, Япония динларини санаш мумкин.

Иккинчиси, Худо билан инсонларни боғлаб турувчи культ ёки культлар мажмуаси. Юқорида айтилганидек ҳар бир динда топиниш объекти – Худо бўлиши лозим. Яратувчи билан инсонни боғлаб турадиган ибодат ва маросимлар мажмуи (қурбонлик, рўза, байрамлар) культ деб

аталади. Культлар кундалик ёки мавсумий, якка тартибдаги ёки жамоавий каби кўринишларда бўлиши мумкин. Жумладан, ислом динида “Намоз мўминнинг меърожи” (яъни Аллоҳ таолонинг хузурига кўтарилиши) ҳисобланса христианликдаги “сирли маросимлар”да Мукаддас Рухнинг ўзи иштирок этади деб ҳисобланади. Шу тариқа, мавжуд барча динларда культлар воситасида эътиқодчилар ўз илоҳлари билан боғланадилар.

Учинчиси эса эътиқодчиларни ўзида жамлайдиган диний ташкилотларнинг мавжудлиги. Диний ташкилот – бу бир дин издошларининг жамоавий равишда ўз диний расм–русум, ибодат маросимларини ўтказадиган, диний таълим оладиган муассасаларидир. Бу, исломда – масжид, мадраса, христианликда – черков, семинария, яҳудийликда – синагога ва ҳоказо.

ДИНШУНОСЛИК ФАНИ- НИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

Динлар тарихи, улар билан боғлиқ жараёнлар, диннинг инсон ҳаётининг турли жабҳалари билан ўзаро таъсирлашувини ўрганувчи фан “Диншунослик” деб аталади.

Диншунослик барча ижтимоий фанлар қатори ҳам ўзининг ўрганиш объектига эга. У диннинг пайдо бўлиши, ижтимоий моҳияти ва жамиятдаги ролини тадқиқ қилиш билан бирга диний эътиқодларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, уларнинг жамият тараққиётидаги эволюциясини илмий жиҳатдан ўрганади.

Динларни ўрганиш узоқ тарихга эга. Ҳар бир инсон ён–атрофидагиларнинг эътиқоди, қайси динга мансублигига кизиқади, улар ҳақида билишни истайди. Бу борадаги илк маълумотларни Қадимги Греция ва Рим ёзувчилари асарларида кўришимиз мумкин. Улардан энг машҳури “тарих отаси” номини олган Геродот (мил. авв. V аср) ўзи тадқиқ қилган халқларнинг динлари ҳақида маълумотлар келтирган. Бу кизиқиш Ўрта аср Европасида ҳам мавжуд

бўлган. Лекин бошқа динлар ҳақида фикр билдирувчилар, христианларнинг эътиборини жалб қилмаслик ва уларни ўша динларга кириб кетмасликлари таъминлаш мақсадида, у динларга нисбатан салбий фикр билдириш, уларни ёмонлаш орқали уларга ёндашишни маъқул деб топганлар.

Ислом оламида ҳам динларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар узоқ тарихга бориб тақалади. Милодий VII–VIII асрлардаёқ диний тортишув (мунозара)ларни ўз ичига олган “мақола”лар (кейинчалик “мақолот”), VIII –IX асрлардан эътиборан эса бошқа динларга “раддия”лар ёзила бошланган. Кейинги асрлардан эса “ал–Фирақ” (Фирқалар), “ар–Радд” (Раддия), “ад–Диёнот” (Динлар) ва “ал–Милал” (Халқлар) йўналишидаги адабиётлар вужудга келган.

“Ад–Диёнот” (Динлар) йўналишида ёзилган илк асар Ҳасан ибн Мусо ан–Навбахтийнинг (ваф. 910) “ал–Ароъ вад–диёнот” (Эътиқодлар ва динлар) китоби ҳисобланади. Кейинчалик Масъудий (957) ўзининг “ад–Диёнот” (Динлар), Масбиҳий (1029) “Даркул буғяти фий васфид диёноти вал ибодоти” (Динлар ва эътиқодлар васфида мақсад меъёри) китобларини ёзганлар. Шунингдек Берунийнинг (973–1048) “Таҳқиқун ма лилҳинд мин макулатин, мақбулатин фил–ақли ав марзулатин” (Ақлга мақбул ёки номаъқул бўлган Ҳиндистонга оид изланишлардан) номли китоби ҳам шулар сирасига қиради.

“Ал–Фирақ” (Фирқалар) йўналишида ёзилган китобларга Абу Мансур Абдулқодир ал–Бағдодийнинг (ваф. 1038) “ал–Фарқ байнал–фирак” (Фирқалар орасидаги фарқ) асари ҳамда Абул–Маолий Муҳаммад ибн Убайдуллоҳнинг (ваф. 1092) “Байнал–адён” (Динлар орасида) асарларини киритиш мумкин.

“Ал–Милал” йўналишида Қози Абу Бакр Бақиллонийнинг (ваф. 1012) “ал–Милал ван–нихал” (Динлар ва халқлар), Абу Муҳаммад Али Ибн Ҳазмнинг (ваф. 1064) “Китобул–фасл фил–милал вал–аҳвои ван–нихал” (Динлар, ҳаво ва халқлар ҳақида ажралувчи китоб), Абул–Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулқарим аш–Шаҳристонийнинг (ваф. 1183) “ал–Милал ван–нихал” асарларини санаш мумкин.

“Ар–Радд” (Раддия) йўналишида ҳам кўплаб асарлар дунё юзини кўрган. Уларга Имом Ғазолийнинг (ваф. 1111) “ар–Раддул жамил” (Гўзал раддия), Ибн Калбийнинг (ваф. 819–821) “Китобул–аснам” (Бутлар китоби) асарларини алоҳида қайд этиш лозим.

Ислом оламида қиёсий диншунослик соҳасида ҳам салмоқли ишлар қилинган. Улардан Абу Райҳон Берунийнинг “ал–Осорул боқия” (Боқий асарлар), Ибн Надимнинг (ваф. 990) “ал–Фихрист” (Мундарижа), Муҳаммад ибн ал–Хузайлнинг (ваф. 840) “Китобул–Мажус ва китобус–санавия” (Мажусийлик ва кўпхудолилик китоби), Абул–Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ас–Сарахсийнинг (ваф. 899) “Рисола фи васфи мазоҳибис–собиййн” (Собийларнинг мазҳаблари васфи ҳақида рисола), Абу Зайд ал–Балхийнинг (ваф. 941) “Китобу шароъийил адён” (Динлар шариатлари китоби) асарларини санаб ўтиш мумкин.

Замонавий Диншунослик эса бир ярим асрга яқин даврга бориб тақалади. Ғарбда, замонавий маънодаги динлар тадқиқотлари Макс Мюллер (1823–1900) томонидан бошлаб берилган. Олим 1856 йилда “Қиёсий мифология” ва 1870 йилда нашрдан чиққан “Динларнинг асоси ва шаклланишига оид дарс баҳолари” номли асарлари билан бошқа динларни тадқиқ қилишга йўл очган ва каттагина эътибор қозонган. У Англиядаги машҳур Оксфорд университетида динлар тарихидан маърузалар ўқиган. Ўзининг “Шарқнинг муқаддас китоблари таржима силсиласи” асарида у илк бора “religious studies” (диншунослик) сўзини қўллаган. Мюллер ва унинг замондошлари динларни илмий тадқиқ қилишда филологияни муҳим деб билишган ва диннинг асл моҳиятига фақатгина тил орқали қилинган изланишлар билангина этишиш мумкин, деган фикрни олға сурган.

Бироз кейинги даврларда Голландияда С.Р.Тиле ва Шантепи дела Соссе бу борада изчил фаолият олиб борганлар. Шундай қилиб даврлар ўтиши билан Париж, Брюссель ва Рим каби марказларда диншунослик университетлар таълим дастурларидан жой олган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб диншунослик соҳасида олиб борилган изланишлар шаклланган. Бу даврда турли минтақаларда зикр қилинган соҳада бир қанча мутахассислар етишиб чиққан. Улардан Р.Петтазони, М.Элиаде, Ван дер Лью, Р.Отто, Г.Меншинг, Ж.Вах, Ф.Хеилер, Г.Думезил, Э.Г.Парриндер, С.Г.Ф.Брандон, Эрик Ф.Шарп, Ниниан Смарт, М.Китагава, Р.С.Зейхнер, Уго Биенчи, В.Кантвелл Смит, Аке В.Стром, Ханс Ж.Шойпс ва Михаел Пай ва ҳоказолар.

ДИНШУНОСЛИК ФАНИ СОҲАЛАРИ

Диншуносликнинг тарих, фалсафа, психология, социология, археология ва бошқа ижтимоий фанлар билан мустаҳкам боғлиқлиги диншунослик назариясини бойитишга хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, диншунослик фанининг куйидаги соҳалари мавжуд:

Дин феноменологияси. Феномен, намоён бўлувчи, кўзга кўринувчи нарса бўлиб, феноменология кўзга кўринувчи нарсанинг систематик шаклда тадқиқ қилинишидир. Диннинг кўзга кўринувчи, ташқарида акс этувчи жиҳатларини ўрганувчи илм соҳаси “Дин феноменологияси” дейилади. Дин феноменологияси, тарихий шаклланишларни эътиборга олмаган ҳолда диний факт ва воқеликнинг бизга намоён бўлган жиҳатларини асосий ўринга кўтаради. Турли динларнинг ибодат ва маросимларини, муқаддас жой, замон, нарса ва шахсиятларини тадқиқ қилиб, муштарак жиҳатларини топишга ҳаракат қилади.

Дин феноменологияси диний туйғу ва бу туйғунинг кўринишлари деярли бутун дунёда бир–бирига ўхшашига ишора қилади; барча динларнинг асли ва ғоясининг бир эканлигини исботлашга ҳаракат қилади. Шунинг билан бирга диний рамз (белги)ларда яширинган маъноларни очиш ва мажозий сўзларнинг муқаддас мазмунини ёритиш каби ишлар ҳам унинг вазифаларига киради.

Дин феноменологияси материалларини динлар тарихидан олади. Лекин у бу материалларга тарихийликдан

ҳам кўра кўпроқ систематик жиҳатдан ёндашади. Шундай қилиб диний асослар, диний феномен ва шаклланишларни муқояса қилади. Дин феноменологияси бошқа дин илмлари билан баъзи нуқталарда бирлашишига қарамасдан, мустақил бир илм соҳаси сифатида, баъзан фарқланган жиҳатлари ҳам бўлиб туради.

Дин социологияси. Дин – жамият муносабатларини, бу муносабатлар ортидан келиб чиқувчи воқеа–ҳодисаларни ўрганади. Шу туфайли бу илм соҳаси ижтимоий диний муассасаларни, диннинг давлат, халқ, оилага нисбатан муносабатини, дин соҳасида юзага келувчи ижтимоий воқеа–ҳодисаларни, турли дин жамоаларининг жамият билан бўлган муносабатларини асосий мавзу сифатида тадқиқ қилади. Демак, дин социологиясининг мавзуси, жамиятнинг асос шакллари ва диннинг ташқи кўринишлари билан ижтимоий жараёнлар, уларнинг тузилиш ва қонунларидан иборат экан. Бошқача қилиб айтганда, бу илм соҳаси, тарих бўйича хусусий ва мушоҳадага суянувчи дин ва жамият тадқиқотларини, диннинг ижтимоий ҳаётдаги кўринишларини ўрганади.

Дин социологияси, бир томондан жамият, бир томондан диний илмларга таянади; бу икки асос устида яқдилликни келтириб чиқаришга ҳаракат қилади.

Дин психологияси. Бу илм соҳаси, замонавий психология билан биргаликда шаклланган ва унинг бир тармоғига айланган. Дин психологияси, аввало инсонга оид бўлган диний ҳаётнинг турли жиҳатларини психологик жиҳатдан ўрганади. Яъни дин психологияси диннинг психологик жиҳатини, шахснинг диний тажрибасини ва бу тажрибанинг турли кўринишларини баён қилишга ҳаракат қилади. Натижада у диннинг инсон руҳидаги асосий хусусиятлари хатти–ҳаракатларга бўлган таъсири тўғрисида атрофлича тўхталади. Руҳ–жасад алоқаси билан атроф–маданият таъсирларининг барчасини ичида ўрганувчи диний эътиқод, шахсларнинг ички оламидаги турли ривожланишларни кўрсатиб беради. Шу сабабли Дин психологияси диний тажрибадан бошлаган ҳолда инсон турларини атрофлича

ўрганиб, ўзига хос типологияларни кашф қилади; буюк диний шахсиятларнинг ички ҳаётлари билан қизиққан ҳолда уларнинг руҳий ҳолатлари билан шуғулланади. Кишининг диний ҳис, тушунча ва яшаш тарзи дин психологиясининг асосий мавзусидир. У шахсда дин туйғуси ва ҳиссининг қандай қилиб келиб чиққанлиги ва шаклланишини, ихтидо (ҳидоят топиш) ёки инкор ҳодисаларини, диндан келиб чиққан руҳий кескинлик ва шубҳаларни тадқиқ қилади.

Дин психологияси умумий психологиянинг барча методларидан фойдаланган ҳолда ўзига тааллуқли бўлган мавзуларни муҳокама қилади. Бу илм тури, диндорликнинг шахс руҳиятидаги силжиш ва таъсир жараёнининг тадқиқ қилинишида умумпсихологиядаги тамал асослар, берилган маълумотларга (рақамлар)га қараб анкеталар, тестлар ва кузатувлардан фойдаланади.

Дин фалсафаси. Дин социологияси, Дин психологияси каби асосий мавзуси “дин” бўлган Дин фалсафаси, “дин”ни фалсафадан келиб чиқиб тадқиқ қилади. Бу тадқиқот асносида ақлий ва бетараф йўл тутади. Бу илм тури, қандайдир бир Яратувчи куч эътиқодига фалсафий бир асос топишга ҳаракат қилади. Шу туфайли ҳам Дин фалсафаси соҳасида фаолият кўрсатувчиларнинг мақсади диннинг ҳақ ёки ботил эканлиги масаласи билан машғул бўлиш эмас, диний ҳукмларнинг мантиғи ва моҳиятини очиқ беришдир. Бу мақсад билан улар, энг аввало Худонинг мавжудлиги билан боғлиқ далилларнинг танқид ёки таҳлилини қилади, бу далилларнинг қанчалик асосли ёки асоссиз эканлиги масаласини кўриб чиқади.

Дин фалсафасини бошқа дин илмларидан ажратиб турувчи жиҳат бу, ундаги ҳукм бериш, хулоса яшаш хусусиятидир. Бошқа дин илмлари, баҳо бериш, муносабат билдириш методига суянган ҳолда диний масалаларни ҳал қилишса; Дин фалсафаси, улар ясаган хулоса ва эришган натижалардан кенг миқёсда фойдаланади ва бу натижалар сабабли бир қанча ҳукмларни чиқаради. Ҳатто Дин фалсафаси, динни мақсад қилиб олган илм турлари қўлга

киритган натижалар ва бу натижаларга эришиш учун улар кўллаган методлар ҳақида ҳам ҳукм чиқариши мумкин.

Дин фалсафаси, диннинг моҳияти, инсоннинг диний ҳақиқатлар билан бўлган боғлиқлигини ўрганади. Бу илм турининг эътиборида бўлган мавзуларнинг бошида Худонинг борлиги, сифатлари, яратувчи–коинот муносабати, яратиш, оламнинг яратилишидаги мақсад, қайта тирилиш, пайғамбарлик ва ваҳий каби кенг миқёсда метафизик бир характерга эга масалалар асосий ўринни эгаллайди. Бундан ташқари илм–имон, илм–дин, дин–маданият (дин–санъат, дин–тил–адабиёт) диний тажриба, диний ҳис каби асослар ҳам бу илм турининг сарҳадларига киради.

Дин тарихининг юқорида маълум қилинганлар билан яқиндан алоқасидан ташқари, у суянувчи бир қанча илм турлари ҳам мавжуд. Уларнинг ичида биринчилардан бўлиб тарих ўрин олади. Тарих, макон ва замон тайин қилган ҳолда ўтмишдаги воқеа–ҳодисаларни ўрганувчи бир илм тури бўлиши билан бирга, мозий ва ҳозирдаги динларнинг тарихий шаклланиши жиҳатидан Динлари тарихига яқиндан кўмакчи бўлади.

Диний матнларнинг ўрганилиши, табиий равишда, тилга боғлиқ. Демак, яна бир томондан Динлар тарихи суянадиган илм тури – бу филологиядир. Бундан ташқари мифология (ривоят ва афсоналар), этнология, археология, санъат тарихи, фольклор ва шунга ўхшаш бир қанча илм турлари борки, улардан ҳам динлар тарихи изланишларида бевосита фойдаланилади.

ДИННИНГ ЖАМИЯТДАГИ ФУНКЦИЯЛАРИ

Диннинг “функция” ва “роль” тушунчасини фарқлаш лозим, улар бир бири билан боғлиқ, лекин ўхшаш эмас. Функция – бу диннинг жамиятдаги ҳаракат усули бўлса, роль – бу функцияни бажариш натижаларининг жами йиғиндисидир. Диннинг бир нечта функциялари мавжуд: дунёқарашни шакллантириш, компенсатор, коммуникатив, регулятив,

интеграллаш—дезинтеграллаш, маданиятни тарғиб қилиш (культуротранслирующая), легитимираллаштириш—легитимирални олиб ташлаш.

Дунёқарашни шакллантириш функцияси динда инсон, жамият, табиатга нисбатан аниқ бир қарашларнинг турлари мавжудлиги туфайли амалга оширилади. Дин ҳаётни (мавжудотни) маълум нуқтаи назардан тушуниш (дунёни тўла ва ундаги айрим ҳодиса ва жараёнларни алоҳида тушунтириш), дунёни кузатиш (ҳис қилиш ва идрок этиш орқали дунёни акс эттириш), дунёни ҳис қилиш (ҳиссий қабул қилиш ёки рад этиш), дунёвий муносабат (баҳо бериш) ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Диний дунёқараш Яратганга нисбатан энг олий туйғу ва мезонларни белгилайди. Бунда мавжуд борлиққа тушунча бериш динга ишонганлар учун турли чеклашлар доирасидан чиқиш имконини беради, ёрқин келажак, ҳузур—ҳаловатга эришиш учун умид, азоб—уқубат, бахтсизлик, ёлғизлик, тушкунликдан озод бўлишни кўллаб—қувватлайди.

Компенсаторлик функцияси ҳам одамлар онгининг қайта шаклланишини, турмушнинг объектив шарт—шароитларини ўзгартиришдаги чекланиш, қарам бўлиш ва ожизликни тўлдиради. Рухий эркинлик орқали реал жабр—зулм бартараф этилади; ижтимоий гуруҳлар гуноҳга ботиш ва азоб чекиш борасида тенг ҳуқуқли бўлади; диний ташкилотлар томонидан бериладиган хайр—эҳсонлар, меҳр—шафқат, тарбия, даромадларни қайта тақсимлаш мазлумларнинг мусибатини енгиллаштиради ва ҳ.к. Умуман олганда, руҳий зарбаларни бартараф этиш, тасалли бериш, катарсис ва маънавий озуқа олиш каби компенсациянинг психологик аспекти муҳим аҳамиятга эгадир.

Коммуникативлик функцияси мулоқотни таъминлайди. У ҳам диний, ҳам диний бўлмаган фаолият ва муносабатларда вужудга келади, ахборот алмашиш, ўзаро таъсир кўрсатиш, инсонни инсон томонидан идрок этиш жараёнларини ўз ичига олади. Диний онг икки хил мулоқотни белгилайди:

диндорларнинг ўзаро бир–бирлари билан мулоқоти ва диндорларнинг ибодат, намоз, медитация, махфий қарашлар пайтидаги медиатор ва воситачилари томонидан гипостазир жонзотлар (худо, фаришта, ўлганларнинг руҳи, авлиёлар ва б.) билан мулоқоти.

Регулятивлик функцияси маълум бир ғоялар, кадриятлар, йўл–йўриқлар, стереотип қолиплар, фикрлар, анъаналар, русумлар, институтлар орқали индивид, гуруҳ ва жамоаларнинг фаолияти, муносабатлари, онги ва ахлоқини бошқаришдан иборат. Айниқса, меъёрлар тизими (диний ҳуқуқ, ахлоқ ва ҳ.к.), намуналар (тақлид учун кўпсонли мисоллар), назорат (қоидалар бажарилишини кузатиш), рағбатлантириш ва жазо бериш (ҳақиқий ва ўлимдан кейин тақдирланишига ваъда бериш) муҳим аҳамиятга эга.

Интеграцион–дезинтеграцион функцияси индивид, гуруҳ ва институтларни бир томондан бирлаштиради, бошқа томондан уларни ажратади. Интеграция шахслар, айрим ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар, бир бутун жамиятдаги барқарорлик ва чидамлилиқни сақласа, дезинтеграция уни заифлашишига олиб келади. Интеграцион функция маълум бир маънода ягона диний эътиқод мавжуд бўлганда амалга оширилади. Агар шахсларнинг диний онги ва ҳулқ–атворида бир–бирига мувофиқ бўлмаган ғоялар, ижтимоий гуруҳ ва жамиятда бир–бирига қарама–қарши конфессиялар пайдо бўлса, диннинг функцияси дезинтеграцион бўлади.

Маданиятни тарғиб қилиш функцияси олдин маданиятнинг маълум бир қатламлари – ёзув, китоб босиш, санъатнинг умуман ривожланишига ёрдам берган бўлса, ҳозирда баъзи маданий феноменларни рағбатлантириб, баъзиларини инкор этган ҳолда диний–маданий кадриятларни сақлаш ва кўпайтириш, илмий–маънавий меросни наслдан наслга қолдириш вазифаларини бажаради.

Легитимлаштириш–легитимларни олиб ташлаш функцияси баъзи жамоат тартиблари, институтлар, муносабатлар, меъёрлар, намуналарни мажбурият сифатида

қонуний қилиш ёки уларнинг баъзиларини қонундан чиқариш вазибаларини амалга оширади. Дин маълум ҳуқуқий талаб ва мажбуриятларни илгари суради ва унинг асосида баъзи кўринишларга, уларга маълум муносабатни шакллантирган ҳолда баҳо беради. Бунда мажбурий ва эътироз қилиб бўлмайдиган характер муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан қисқа хулоса қилиб айтганда, дин инсоният тарихида, *биринчидан*, умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига синдириб олиб, уларни ҳамма учун мажбурий ҳулқ–атвор қоидаларига айланттирган; *иккинчидан*, одамларнинг баҳамжиҳат яшашига кўмалашган; *учинчидан*, одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган ҳамда ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган; *тўртинчидан*, умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан–авлодга етказишга ёрдам берган ва шу йўл билан маданият ривожига катта таъсир кўрсатган.

ДИНЛАРНИ ТАСНИФЛАШ

Динларни ўрганишда уларнинг тарихи, эътиқодий асослари, ақидалари, шунингдек, бир–бирига таъсири каби жиҳатларини эътиборга олиш керак.

Диншунослар турли илм–фан соҳа вакиллари бўлиб, динларни ўзлари хос бўлган илм йўналиши нуқтаи назаридан ўрганиб, турлича ёндашганлар. Шунинг учун улар ўртасида баъзи тафовутлар бўлиши табиий. Масалан, дин тарихи билан шуғулланувчи олимлар динларнинг юзага келиш тарихига кўра даврий жиҳатдан ёндашиб тадқиқ этганлар. Бошқа бир гуруҳ олимлар динларни пайдо бўлган ва тарқалган минтақаларига кўра тадқиқ этганлар. Айрим диншунослар диний нуқтаи назардан ёндашиб ўрганганлар.

Динларни таснифлашда минтақавий ёндашувнинг ўзига хос жиҳати шундаки, минтақадаги айнан бир диннинг иккинчи динга таъсири ва ўзаро қоришуви ёки турли минтақа динларининг ўзаро ўхшаш жиҳатлари ёки фаркли

томонларини ўрганишдан иборат. Динларни куйидаги омиллар асосида таснифга бўлиш мумкин:

1. *Қитъаларда тарқалишига кўра* Африка, Осиё, Европа, Америка ва Австралия динлари тарзида таснифлаш. Бирок бу унчалик муносиб тасниф эмас. Чунки, шундай динлар ҳам борки, улар бир неча қитъаларга тарқалган. Хусусан, ислом ва христианлик деярли барча қитъаларда мавжуд. Шунингдек, баъзи қитъаларда озчиликни ташкил этувчи бошқа динлар вакиллари ҳам бўлиши билан бирга, деярли аксар аҳоли бир динга эътиқод қилади. Масалан, Европада асосан христианлик кўп тарқалган, ислом дини Америкага нисбатан Африкада кўпроқ тарқалган. Осиё қитъасида ислом, ҳиндуийлик, буддавийлик, конфуцийлик, синтоийлик динлари аралаш тарқалган. Баъзан бир қитъада пайдо бўлган дин бошқа қитъада кенг ёйилган. Масалан, христианлик Фаластинда вужудга келган бўлса—да, асосан Осиё қитъасидан ташқарида тарқалди.

2. *Жўғрофий минтақасига кўра* Шарқ динлари ва Ғарб динлари тарзида таснифлаш. Бу дунёнинг қутбларга бўлинишига монанд сиёсий ва маданий тафовутни акс эттирувчи кенг жўғрофий таснифдир. Шарқ динларига ҳиндуийлик, буддавийлик, конфуцийлик, синтоийлик, даолик ва бошқа Узоқ Шарқ динлари киритилади.

Ғарб динларига яҳудийлик, христианлик ва ислом динлари киритилади. Аслида ислом динини Ғарб ёки Шарқ дини деб бўлмайти. У жўғрофий жиҳатдан Шарқда юзага келиб, Ғарб мамлакатларида ҳам кенг тарқалган. Яҳудийлик ва христианлик ҳам аслида Шарқ динлари бўлиб, Яқин Шарқда вужудга келган ва Ғарб мамлакатларида кенг ёйилган.

3. Қадимги динлар *сиёсий минтақаларга кўра* Месопотамия динлари, Сурия минтақаси динлари, Кичик Осиё ёки Онадўли динлари, Форс динлари тарзида таснифланади.

4. *Динларнинг мамлакатлар ҳудудларига кўра* Фаластин динлари, Арабистон яримороли динлари, Мексика динлари,

хинд динлари, Хитой динлари, Япон динлари тарзида таснифланади.

Узоқ Шарқ динлари каби баъзи минтақа динларини диний мавзусига кўра аниқ белгилаш имкони бўлмаган кўп ҳолларда жўғрофий тасниф қулай илмий таснифдир. Масалан, яхудийлик, христианлик ва ислом динларини тавҳид (яккахудолик, монотеизм) асосида умумлаштирилса, Узоқ Шарқ динларини ягона диний тушунча асосида умумлаштириб бўлмайди. Бундай ҳолатда муаммонинг ечими сифатида жўғрофий таснифга мурожат қилиш мумкин.

Динлар унга эътиқод қилувчиларнинг сони, микёси, ўзининг маълум миллат ёки халққа хослиги ёхуд миллат танламаслигига кўра турли гуруҳларга бўлинади. Бу гуруҳлар сон жиҳатдан қанча бўлишидан ёки назарий жиҳатдан қанчалик етук бўлишидан қатъи назар, уларни мутлақлаштириб бўлмайди. Чунки ҳар қандай тасниф маълум бир жиҳатга эътибор бериб, бошқа қирраларни қамраб ололмайди. Ҳозирги кунда дин типологиясида динларнинг куйидаги таснифлари мавжуд:

- тарихий–географик жиҳатга кўра;
- этник жиҳатга кўра;
- эътиқод қилувчиларининг сонига кўра;
- ҳозирги даврда мавжудлиги жиҳатидан (тирик ва ўлик диний тизимлар) ва ҳ.к.

Бугунги кунда диншуносликка бағишланган адабиётларда асосан куйидаги тасниф келтирилади:

1) примитив диний тасаввурлар (уруғ–қабила динлари) – тотемистик, анимистик тасаввурларга асосланган, ўз уруғидан чиққан сеҳргар, шаман ёки қабила бошлиқларига сиғинувчи динлар. Улар миллат динлари ва жаҳон динлари ичига сингиб кетган бўлиб, ҳозирда Австралия, Жанубий Америка ва Африкадаги баъзи қабиаларда сақланиб қолган;

2) миллат динлари – маълум миллатга хос бўлиб, бошқа миллат вакиллари ўзига қабул қилмайдиган динлар. Уларга яхудийлик (яхудий миллатига хос), ҳиндуизм (ҳиндларга хос), конфуцийчилик (хитой миллатига хос), синтоизм (японларга хос) киради;

3) жаҳон динлари – дунёда энг кўп тарқалган, кишиларнинг миллати ва иркидан қатъи назар унга эътиқод қилишлари мумкин бўлган динлар. Улар сафига одатда буддизм, христианлик ва ислом динларини киритадилар.

Бундан ташқари динлар таълимотига кўра монотеистик – яккахудолик (яхудийлик, ислом) ва политеистик – кўпхудолик (ҳиндуизм, конфуцийчилик) динлари ва ҳ.к.га бўлинади.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Диншунослик фанини ўқитишдан мақсад нима?
2. Диншунослик фанининг ривожланиш босқичлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Диншунослик алоҳида фан сифатида қачон шаклланган?
4. Европалик илк диншунослардан кимларни биласиз?
5. Диншуносликнинг қандай соҳалари мавжуд?
6. Динга қандай таърифлар берилган?
7. Динни ўрганишда қандай ёндошув турларини биласиз?
8. Дин жамиятда қандай вазифаларни бажаради?
9. Диннинг регуляторлик вазифаси деганда нимани тушуна-сиз?
10. Диннинг компенсаторлик вазифаси нималардан иборат?
11. Диннинг интеграторлик вазифасига нималар киради?

Мустақил иш топшириқлари

1. “Мустақиллик ва дин” мавзусида реферат тайёрланг.
2. Дунё динларининг фарқли ва ўхшаш жиҳатлари ҳақида сўзлаб беринг.
3. “Дунё динлари тарихи” фанининг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Турли олимлар томонидан динга берилган таърифлар ҳақида кўргазмаларни слайд тайёрланг (MS Power Point).

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008
4. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
5. Гуннар Скирбекк, Нилс Гильё. Фалсафа тарихи. –Т.: Шарқ, 2002.
6. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Т: “Тошкент ислом университети” нашриёт–матбаа бирлашмаси, 2005.
7. Фалсафа қомусий луғати. –Т.: Шарқ, 2004.
8. Қаҳҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. –Т.: Тафаккур, 2009.
9. Мень А. История религии. – М.: 1994.
10. Петер Антерс. Религии современности. История и вера. –М.: Прогресс–Традиция, 2001.
11. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.
12. Яблоков И.Н. Основы религиоведения. – М. 1998.

2–МАВЗУ. ДИНЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАР

Режа:

1. Диннинг пайдо бўлиши ҳақидаги ёндашувлар
2. Анимизм.
3. Тотемизм.
4. Фетишизм.
5. Шаманизм.
6. Сехргарлик.

Таянч тушунчалар:

Диний тасаввур, қабила худолари, тотемизм, фетишизм, анимизм, шомонлик, мифология, худолар пантеони, зооморфизм, антропоморфизм.

Мавзу ўқув мақсади:

Талабаларда илк диний эътиқодларнинг вужудга келишидаги тарихий–тадрижий босқичлари, кишиларда илк диний эътиқоднинг шаклланиши, илк диний эътиқодларнинг қачон ва қайси минтақаларда вужудга келганлиги, инсонларнинг у эътиқодларни қабул қилишидаги қарашлари, илк диний эътиқодларнинг диний, илмий, маънавий, тарихий ва замонавий кўринишлари ҳақида тушунча ва тасаввурларни шакллантириши.

ДИННИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ҲАҚИДАГИ ЁНДАШУВЛАР

“Инсон қачондан бери Худога ишониб келади?”, “Дин қачон пайдо бўлди?” каби саволлар доимо олимларни қизиқтириб, ўйлантириб келган. Мазкур изланишлар неча асрлардан бери давом этиб келаётган бўлса–да, ҳали ҳануз бу борада бир тўхтамга келинмаган. Умумий маънода, бугунги кунда

фанда динларнинг шаклланиши тарихига оид икки хил қараш мавжуд.

Биринчи қарашга кўра диннинг пайдо бўлиши бевосита инсониятнинг яралиши билан боғлиқ. Худо илк инсонларни яратиши билан уларга Ўзини танитди, натижада инсон илк динга эътиқод қила бошлади. Бундай қараш фанда **“теологик ёндашув”** деб номланади. Бугун мавжуд бўлган ҳар қандай дин ўзининг тарихини инсоният яралиши – илк инсон билан боғлашни кўришимиз мумкин. Жумладан, ислом динида – Одам ва Ҳавво, яҳудийлик ва христианликда – Адам ва Ева, зардуштийликда – Говмард ва бошқалар. Мазкур таълимотлар динларнинг муқаддас манбаларида баён қилинган.

Теологик ёндашувга кўра, турли буюмларга сиғиниш ва кўпхудолик, жумладан анимизм, тотемизм, фетишизм ва шомонлик яқкахудоликдан кейин юзага келган.

Динларнинг келиб чиқиши ҳақидаги иккинчи қараш фанда **“материалистик ёндашув”** деб номланади. Мазкур қарашларнинг пайдо бўлиши антик даврга бориб тақалиб, илк бор қадимги юнон файласуфлари қарашларида акс этган. XVII асрга келиб Европада черков ҳокимиятининг сусая бошлаши, хурфикрлик намояндалари – дин танқидчиларининг пайдо бўлиши, XIX асрнинг иккинчи ярмида Чарльз Дарвин томонидан “Турларнинг келиб чиқиши” (1859) номли асарнинг чоп этилиши ҳам туртки бўлди. Кейинчалик мазкур қарашлар Август Комт ва Людвиг Бухнерлар томонидан энг чўққисига кўтарилди. Унга кўра дин бу ижтимоий ҳодиса, инсон тафаккури, эмоциялари маҳсулидир. Мазкур қараш тарафдорлари фикрича, динлар соддадан – мураккабга, умумийликдан – хусусийликка, кўпхудоликдан – яқкахудоликка томон узоқ тарихий эволюцион жараёни босиб ўтган. Унга кўра, илк даврдаги ибтидоий одамнинг жисмоний, физиологик, асаб–эндокрин, биологик, психологик ва бошқа соҳалари ўзига хос хусусиятларга эга эди. Бу нафақат унинг ҳаёти ва фаолиятига, феъл–атвориға, балки унинг фикрлаш даражасига, кучли ҳаяжонланишиға, тасаввур этишиға, мустаҳкам, ҳақиқий

ёки сохта мантиқий қонуниятларни кашф этишига таъсир кўрсади. Уйқу, туш ва нафас олиш каби ҳолатларда танани бошқарувчи ва ўлим билан ундан ажратиб турувчи, ҳаёт бағишловчи қандайдир куч мавжудлигига ишонган аждодларимиз, мазкур куч ҳаракат қилувчи ҳар бир нарса: дарё, қуёш, ой, дарахт каби мавжудотларда бор деб тасаввур қилганлар. Натижада, инсон кўркуви, ҳурмати, эҳтиёжи ва зарурати даражасида уларга сиғина бошлаган.

Материалистик мактаб тарафдорлари фикрига кўра, кўркув динларнинг келиб чиқишида асосий роль ўйнаган ҳиссий ҳолатдир. Жумладан, инглиз файласуфи Герберт Спенсер (1820–1903) ҳам ибтидоий қабила динларининг келиб чиқишига кўркув натижасида “аждодларга сиғиниш” сабаб бўлганлигини таъкидлайди. Спенсер ижтимоий ҳисоб–китобларга суянган ҳолда, ҳаёт кўркувининг динлардаги ўрнига алоҳида диққатни тортади. Бу кўркувнинг аждодларга нисбатан ибодатнинг барча кўринишлари шакллантирганлигини ва тангриларнинг устун ёки қаҳрамон бўлган аждодлардан танланганлиги фикрини илгари суради; ҳар бир динда аждодларга алоҳида эътибор қаратилганлигига ишора қилади.

Таниқли психолог Зигмунд Фрейд (1856–1939) ҳам диннинг келиб чиқишини айнан кўркув ҳисси билан боғлайди. Унинг фикрига кўра, матриархат даврида ўзига жуфт топиш учун ёш йигитлар оталарини ўлдириб, ҳатто ўз оналарига ҳам уйланганлар. Вақт ўтиши билан ўғил ўз отасининг жонига қасд қилганидан виждони қийналиб, отасининг руҳи ундан қасос олишидан кўркиб, унга ибодат қила бошлаган. Фрейд бу назарияни “эдип комплекси” деб атади.

Макс Мюллер (1823–1900) фикрига кўра, диннинг келиб чиқиши табиат ҳодисаларининг инсонга берган даҳшатидан келиб чиққан ва у “натурализм” дейилади. Натурализм, физикавий муҳитда учрайдиган қувват ва мавжудотларнинг идеаллаштирилиши, шахслаштирилиши ва илоҳийлаштирилиши демакдир. Ушбу фикрни илгари сурган Макс Мюллер ҳиндуизмнинг муқаддас китоби

Ведаларга суянган. Ведалардаги худо номларининг табиат ҳодисалари билан алоқадор эканлиги фикрини ўртага ташлаган; мисол учун “Агни”нинг “олов”, “Дяус”нинг “кўк” (осмон) маъноларини билдиришини, бу сўздан французча “Dieu” (лотинча Deus), испанча “Dios” (Худо) сўзларининг келиб чиққанини маълум қилган. Мюллер деярли барча динларда худо номлари, аввал олов бўлиши билан бирга, табиат ҳодисаларини билдиришини; табиат кучларига ғайритабиий баҳо бериш мойиллигини уйғотганлиги ва тил ўзгаришлари натижасида динлардаги барча муқаддас тасаввур ва эътиқодларнинг юзага келганлигини билдирган.

Мазкур мактаб тарафдорлари динларнинг юзага келиши ва шаклланиши анимизм, тотемизм, фетишизм ва шаманизм каби босқичларда юзага келганини таъкидлайди.

АНИМИЗМ

Анимизм (лотинча – жон, рух) жон ва рухларга сиғиниш бўлиб, ҳали қабила жамоалари шаклланмаган даврларда пайдо бўлган. Инглиз этнологи Э.Тейлор 1871 йилда анимизмни илк диний тасаввурларнинг дастлабки босқичи сифатида эътироф этган. Рухларнинг борлигига ишониш, табиат кучлари, ҳайвонлар, ўсимликлар ва жонсиз нарсаларни жонли деб тасаввур қилиш, аждодлар руҳини илоҳийлаштириш анимизмнинг моҳиятини ташкил этади. Э.Тейлор фикрига кўра, ибтидоий одамлар одам ўлгандан кейин унинг жони танасидан ажралади ва абадий яшайди, деб ҳисоблаганлар. Шу сабабли қабрга мархумнинг қуллари, уй ҳайвонлари, таомлар, кийим–кечаклар, уй–рўзғор буюмлари ва бошқа анжомларини кўмишган. Ғайритабиий куч ҳақидаги тасаввурлар инсоннинг ҳар қандай муваффақияти – овдаги омади, денгизда қўлга киритган ўлжаси, урушдаги ғалабаси ва бошқалар билан боғланган.

Тейлор назариясига кўра, қадимги одамлар дунёни бир бутун деб англашга уринишган, ўсимликлар олами, ҳайвонот олами ва инсонларни боғлаб турувчи ришта борлигига ишонганлар. Табиатнинг қудратли кучлари – осмон, ер, қуёш, ой, ёмғир, шамол, момақалдирак, чакмоқ, тоғ, дарё, адир ва

ўрмонларни илоҳийлаштириб, уларни “руҳлар макони” деб ўйлаганлар.

Баъзи антропологлар анимизмдан олдин ҳам диний қарашлар мавжуд бўлганини даъво қилиб, улар уни “аниматизм” деб номлайдилар. Аниматизм бир томондан нарсаларнинг ўзига хос ғайритабиий кучга эга эканлигига, бошқа бир томондан эса руҳларнинг мавжудлигига ишонишдан иборат. Бу назарияга кўра “ибтидоий инсон” бошқа–бошқа мавжудотларни шахс сифатида танишдан аввал, бутун бир оламга ёйилган ҳаёт бағишловчи якка “Куч”ни тасаввурига келтирган бўлиши мумкин. Бундай бир тушунча “мана” фикри билан қўллаб-қувватланган бўлиши ҳам эҳтимол. “Мана” сўзи ғайритабиий, кўз билан кўринмас кучни ифодалаш учун ишлатилувчи сўз бўлиб, уни ибтидоий диний тасаввурга кўра кучли, таъсирчан ёки жамият томонидан эътибор билан қаралувчи нарсалар (ҳайвонлар, ўсимликлар, тошлар) ёки кишилар (қабила раиси, сеҳргар, донишманд) да мавжудлигига ишонилган махфий кучни ифодалаш учун ишлатилган. Ибтидоий қабила аъзолари ўзларини кўз билан кўринмас кучлар билан ўраб олинганликларига ишонганлар. Бу эътиқод ҳар бир қабилада ўзгача номлар билан номланган.

Тейлорнинг шогирди бўлган Р.Мареттининг 1909 йилда нашр қилган “Диннинг ибтидоси” номли китобида биринчи марта изоҳланган бу назарияда диннинг келиб чиқишини шахсияти мавжуд бўлмаган умумий динамик кучдан кидириш, излаш кераклигини билдиради.

Анимистик қарашларнинг кўплари тарих қаърида қолган бўлса ҳам, баъзи унсурлари ҳозирги кунгача урф–одат ва анъаналарда сақланиб қолган. Масалан, вафот этган аждодлар руҳига бағишлаб қурбонлик қилиш, худойи қилиш, садақа бериш, ўлган кишиларнинг арвоҳини йўқлаш, чирок ёқиш анимистик маросим кўринишларидир. Анимизм ҳар қандай диннинг зарурий элементи – аждодларнинг руҳлари, тирик кишиларнинг жонлари, табиат кучларининг жонли кўриниши сифатида жаҳон динларида ҳам ўз ифодасини топган.

ТОТЕМИЗМ

*Тотемизм*нинг асоси бўлган “тотем” (Шимолий Америка хиндуларининг “Ожибве” қабиласи лахжасидаги “от–отем” сўздан олинган – “унинг уруғи”) атамасини биринчи марта 1791 йилда Жон Лонг “инсоннинг ҳайвон ва ўсимликлар билан қон–қариндошлиги ҳақидаги ишонч”ни англатувчи сўз сифатида қўллаган. Унинг фикрига кўра, ҳар бир қабила ёки уруғ ўзларини бирор ўсимлик ёки ҳайвон билан атаган ва уларга алоқадор ҳисоблаган. Бу алоқадорлик ўзига хос қариндошлик сифатида англланган. Бундай ҳайвон, ўсимлик ёки буюм муқаддаслаштирилиб, унга сиғинилган.

Қабила бошлиқлари ўз “ҳокимияти” рамзи сифатида бўри, айик, илон, аждаҳо, қисқичбақа, от, бургут, сувсар, балиқ, куёш, ой, юлдуз туркуми рамзи туширилган белгилар тақиб юрганлар. Ҳар бир уруғнинг шажара дарахти бўлган. Шунингдек, “тотем” ҳайвонларнинг тиши, суяги, тирноғи тумор қилиб тақилган, калласи ҳимоя воситаси сифатида осиб қўйилган. Илон ибодатхоналар ҳомийси сифатида талқин этилса, от бор уйга инс–жинслар яқинлашмайди, балиқ бор жойда ёвуз руҳлар чекинади, деб қаралган.

Қондош жамоа аъзолари инсонлар ва уларнинг “тотем”лари – ярми одам–ярми ҳайвон, ярми одам–ярми ўсимлик, турли ҳаёлий жонзотларнинг хусусиятларига эга бўлган аجدодларидан тарқалганига ишонган. “Тотем”нинг зооантропоморф кўриниши билан аралашган ҳолда одам инсон билан унинг тотеми қариндошлиги орасида оилавий муносабатлар, яъни киши вафот этгач, унинг ўз тотемига айланиши ёки қайта туғилиши ҳақида тасаввур пайдо бўлган. Бу эса аجدодлар руҳига сиғинишнинг кучайиши, илоҳий кучларга ишончнинг ортишига замин бўлган.

Тотемизм билан бирга тақиқ (табу) одати ҳам мавжуд эди. Масалан, жинс ва ёшга хос тақиқ жамоани қатъий белгилаб қўйилган никоҳ табақаларига ажратиб қўйган. Қабила аъзоси билан яқин қариндошлар ўртасида жинсий алоқа ўрнатиш ёки никоҳ қилиш тақиқланган. Қабила бошлиғи,

жангчилар, аёллар, болалар истеъмол қиладиган нарсалар ҳам ажратилган. Тотемларни нафақат ўлдириш, уларга зарар келтирмаслик ҳам қатъий талаб бўлган. Тотемларни истеъмол қилиш ман этилган, акс ҳолда касаллик ёки ўлим муқаррарлиги уқтирилган. Ҳар бир таққ қатъий бўлган ва унга амал қилмаслик жиноят ҳисобланган. Таққда белгилаб қўйилган нарсалар муқаддас ҳисобланиб, уни бузганлар ўлимга маҳкум этилган.

Тотемистик тасаввурлар урф–одатларни жонлантирган, кишиларни ўз ўтмиши билан боғловчи ришта бўлган, инсоннинг табиат, ҳайвонот ва ўсимлик олами ҳақидаги илк қарашларини акс эттирган. Тотемлар билан боғлиқ кўплаб асотир ва ривоятлар тўқилган. Тотемларга атаб турли маросимлар ўтказилган. Маросим вақтида ибтидоий одам “тотем” ҳайвон қиёфасига кириб, унга тақлид қилиб, турли хатти–ҳаракатларни бажарган.

Тотемистик тасаввурларни табиат ва инсонни боғлаб турадиган тасаввурлар меваси дейиш мумкин. Жумладан, қадимги асотирларда илон одамлар ҳақидаги афсоналар етакчи ўринни эгаллайди. Илонлар олам яралишининг сабабчилари, ўзига хос қиёфа ва сўзларга, ғаройиб билимларга эга донишманд сифатида тасвирланган. Илонлар инсонга оловдан фойдаланиш, овқат пишириш, муסיқа асбобларини яшаш, табиатга оқилона муносабатда бўлиш каби билимлардан воқиф этган, деб ишонишган. Илонлар илоҳийлаштирилиб, коҳин ва руҳонийларнинг мададкори сифатида сиғинилган.

Марказий Осиёда қадимдан бўри, ит, хўроз, кийик, от, тоғ эчкиси тотем ҳисобланиб, уларни инсон ўлгандан кейин нариги дунё билан бу дунё ўртасида воситачилик вазифасини ўтайди, деб тасаввур қилганлар. Шунингдек, кабутар, қалдирғоч, бургут, турна, оққуш, бедана каби қушлар ҳам илоҳийлаштирилган. Тотем ҳайвонларга бағишлаб махсус маросимлар ўтказилиб, уларнинг қиёфасига кириб, ўйинга тушишган.

Тотемизм унсурлари ҳозирда ҳам кўплаб халқлар урф–одатлари, эътиқодлари, анъана ва маросимларида

(Сибирь халқлари айик, ҳиндлар сигир, қирғизлар оқ буғу, хитойликлар мушук, австралияликлар кенгуру, ўзбеклар семургни афсонавий бахт келтиради, деб улуғлайдилар) сақланиб қолган.

ФЕТИШИЗМ

Фетишизм – энг қадимий диний тасаввурлардан бири бўлиб, “фетиш” (португалча – сеҳрланган буюм, нарса, тумор) терминини илк бор Голланд сайёҳи В.Боцман қўллаган бўлса ҳам, француз олими Шарль де Броснинг 1760 йилда ёзилган “Фетишизм ҳақида” асаридан сўнг оммалашиб кетди. Унинг фикрига кўра, ибтидоий одам учун унинг атрофини ўраб турган нарсалар фетиш бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик “фетиш”ларга хос бўлган илоҳий образлар – санам, бут, ҳайкалчалар яратилган. Бут ва туморлар ғайритабiiий дунёдан келадиган илоҳий қудрат тимсоли сифатида тасаввур қилинган. Шомонлар афсунгарлик йўли билан буюмларга “жон ато этиб”, улардан ёнгинларни тўхтатиш, ёмғир ёғдириш, фол очиш учун фойдаланганлар.

Ибтидоий одамлар ҳайвон тишлари, суяклари, тошлар, ўсимлик уруғларидан тумор сифатида фойдаланганлар, қулоқларига майда тошлардан сирға тақиб, уларнинг турли офат ва дардлардан халос этишига, овлари бароридан келишига, ерлари унумдор, хосиллари мўл бўлишига ишонганлар.

Марказий Осиё халқлари ҳаётида “фетиш” ўзига хос тарзда намоён бўлган. Аждодларимиз тош қурошлар, таёқ, тўқмоқ, ёғоч найзалар билан олишувлар, урушлар ва овда ғолиб чиқишиб, уларнинг илоҳийлигига ишонишган. Шу боис қурошларни эҳтиёт қилишган, кадрлашган, доимо ўзлари билан олиб юришган. Қадимги “фетиш” одатларидан бири исириқ тутатиш бўлиб, ундан ёвуз руҳларни ҳайдаш, инсон руҳиятига ижобий таъсир этиш, кўз тегишидан сақлаш мақсадида қўлланилган. Кўзмунчок, тумор ҳам “фетиш” сифатида тақиб юрилган.

Ибтидоий одамларнинг илк диний эътиқодлари шаклланиши жараёнида фетишизм яқунловчи босқич бўлди.

Фетишизм унсурлари ҳозирги даврда ҳам турли халқлар урф–одат ва эътиқодлари (ҳайкал, сурат, тумор, кўзмунчок ва хар хил рамзлар)да сақланиб қолган. Шунингдек, муқаддас жойларга сиғиниш, дарахтларга латта боғлаш, ис чиқариш, қабрларни илоҳийлаштириш, уларнинг мўъжизавий кучига ишониш фетишизмнинг ўзига хос кўринишидир.

ШАМАНИЗМ

Шаманизм (“шаман”сўзи тунгус–манчжур тилидаги “са” – билмоқ феъли билан боғлиқ, “саман” – билувчи киши). Шаманизм анимизм, тотемизм ва фетишизм натижасида юзага келиб, у орқали кишилар ўз тотемлари, ота–боболарининг руҳлари билан хаёлан боғланишни амалга ошириб келганлар. Ўтмишда кўпроқ аёллар шаманлик билан шуғулланганлар. Шаманлар жазавали, тез жунбушга келадиган кишилар бўлиб, одамлар уларнинг руҳлар билан мулоқотда бўлиши, жамоанинг умид ва ниятларини етказиш, уларнинг иродасини талқин қилиш қобилиятига эга эканлигига жуда ишонганлар.

Шаманлар ритуал ҳаракатлари орқали – овоз чиқариш, ашула айтиш, рақсга тушиш, сакраш йўли билан ноғоралар ва қўнғироқлар овозлари остида ўзларини жазавога солиб, ўзини йўқотиш, жазавани юқори натижага етказиш билан афсунгарлик қилишган. Шаман маросим охирида бир ҳолатга келиб ҳеч нарсани эшитмай, кўрмай қолар эди. Шунинг учун унинг руҳлар дунёси билан мулоқоти худди шу ҳолатда амалга ошади деб ҳисобланарди. Бу одамларнинг фикр юритиши, онгининг мустаҳкамланишида катта роль ўйнади ва диний онгининг шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Қадимги туркий халқлар дев, жин, пари, руҳлар борлигига ишониб, улар билан шомонлар орқали боғланиш мумкин, деб ҳисоблаганлар. Шомонлар ҳомий руҳларга атаб қурбонликлар қилганлар, ёвуз руҳлардан сақланиш мақсадида афсунлар ўқиб, покланиш учун “чилла” ўтирганлар. Шомонлик асрлар давомида сақланиб келган ва мунтазам ривожланган. Ҳозирда ҳам шомонлик турли

халқлар эътиқодида сақланиб қолган. Улар “бахши”, “парихон” деб аталади.

СЕХРГАРЛИК

Сеҳргарлик (Магия). Сеҳргарлик (афсун) – одам, ҳайвон ва табиатга ғайритабиий йўл билан таъсир ўтказиш мақсадида бажариладиган ритуал урф–одатлар мажмуасидир. Афсунгарлик урф–одатлари билан махсус кишилар – шаманлар, афсунгарлар шуғулланганлар.

Сеҳргарлик маросимлари якка ҳолда ёки жамоа бўлиб амалга оширилиши мумкин эди.

Сеҳргарлик мақсадига кўра қуйидагиларга бўлинади:

“Яхши ниятда” амалга ошириладиган – “оқ сеҳргарлик” (“белая магия”)

“Ёвуз ниятда” амалга ошириладиган – “қора сеҳргарлик” (“чёрная магия”);

Ҳарбий сеҳргарлик (қурол аслаҳани сеҳрлаш);

Севги сеҳргарлиги (“иссик”, “совук” қилиш)

Тиббий сеҳргарлик (даволаш мақсадида)

Об–ҳаво сеҳргарлиги (ёмғир чақириш)

Сеҳргарлик замонавий динларда ва турли халқлар урф–одатларида сақланиб қолган.

Афсунгарлар осмон жисмларининг ҳаракатига қараб, ҳайвонларнинг суяклари, ичак–чавоклари, кушларнинг учиши ва овози, одамларнинг кафт чизиклари тузилиши, рақамлар, иероглифларнинг жойлашиш тартиби, илонлар ҳаракатига, ўлган одамлар руҳи билан рухий мулоқотга киришганда, тушларни таъбир қилиш ҳамда бошқа нарсаларга қараб келажакни башорат қилганлар, бўлажак офатдан огоҳлантирганлар.

Сеҳргарлик билан шуғулланувчилар халқ орасида афсунгар, сеҳргар, азайимхон, суқчи, эмчи, бахши, парихон, дуохон номлари билан аталган. Сеҳргарлик кучини қайтариш учун олов, кул, нон, пичоқ, пиёз, ҳайвон шохи, дуолар ёзилган туморлар ишлатилган.

Илк афсунгарлик китоблари милоннинг I–II асрида Александрияда вужудга келган. Унда сеҳр–жоду инсоннинг иродавий хатти–ҳаракатларига тўғридан–тўғри таъсир

эти олиши мумкин бўлган ўзига хос ғайритабиий кучлар сифатида эътироф этилган. Сеҳргарликка оид тушунча ва эътиқодлар махсус маросим ва байрамларда ўз аксини топган. Масалан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қурғоқчилик даврида ёмғир тилаш (“Суст хотин”), шамол зарар келтирганда уни тўхтатиш (“Чой момо”) ва керак бўлганда чақириш, офат юз берганда қурбонлик қилиш маросимлари ўтказилган. Шу тариқа илоҳий кучларга ишонишга бағишланган маросимлар асосида кейинчалик диний маросимлар шакллана бошлаган. Сеҳргарлик ҳозирда ҳам турли халқлар урф–одатларида мавжуд. Кўпинча кишиларнинг иродасизлиги, ижтимоий ҳодисалар олдида ожизлиги, табиат кучлари олдидаги кўрқув, мавжуд муаммоларни тўғри таҳлил эта олмаслик оқибатида сеҳргарликдан нажот топишга ишонилади. Сеҳр–жоду элементлари барча динларда қарғиш ва дуолар шаклида сақланиб қолган.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Илк диний тасаввурлар қандай манбалардан олинган?
2. Тотемизмнинг моҳияти нимада?
3. Анимизмнинг қандай замонавий кўринишари мавжуд?
4. Замонавий динларда шомонлик қандай намоён бўлади?

Мустақил иш топшириқлари

1. Динларнинг келиб чиқиши ҳақидаги ёндашувлар ҳақида маълумотнома тайёрланг.
2. Илк диний тасаввурларнинг бугунги кундаги кўринишлари ҳақида кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).
3. Қадимги Марказий Осиё халқлари ҳаётида анимистик, тотемистик, фетишистик ва шаманистик тасаввурларнинг ўрни ҳақида маълумот тўпланг.

Адабиётлар

1. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номли миллий кутубхона нашриёти, 2007.
2. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети нашриёти, 2008.
3. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. – Т.: Mehnat, 2004.
4. Кривелев И.А. История религий. – М.: 1989.
5. Кулаков А.Е. Религии мира. – М.: 1996.
6. Мень А. История религии. – М.: 1994.
7. Петер Антерс. Религии современности. История и вера. – М.: Прогресс–Традиция, 2001.
8. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.
9. Токарев С.А. Религия в истории народов мира., – М., 1965.
10. Яблоков И.Н. Основы религиоведения. – М. 1998.

3–МАВЗУ. ҚАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ДИНЛАРИ

Режа:

1. Қадимги Миср худолари.
2. Юнонистон динлари.
3. Қадимги Рим дини.
4. Месопотамия.
5. Қадимги герман динлари.
6. Славян қабилаларининг динлари.
7. Америка ҳиндулари дини.

Таянч тушунчалар:

“Эльф”, “трол”, “никса”, “гном”, “Ван” ва “Ась”, “Один”, “Валькирия”, “Олам дарахти”, “Перун”, “Сварог”, “Дажбог”, “Хорс”, “Ярило”, “Ном”, Бастет, Анубис, Собек, Гор, Нехебт, Хатхор, Нейт, Сохмет, Нефтида, Геката, Аида, Геракл, Иффокал, Иврином, Борса, Эрота, Зевс, Гера, Артемида, “Сильван”, “Сатурн”, “Марс”, “Юпитер”, “Церера”, “Либер”, “Энмеркар”, “Лугальбанд”, “Гильгамеш”, “Ану”, “Энлил”, “Эа”, “Наг”.

Мавзу ўқув мақсади:

Талабаларда қадимги цивилизациялар диний эътиқодларининг вужудга келишидаги тарихий–тадрижий босқичлари, ўзига хос жиҳатлари, худолар пантеони, гносеологик ва эсхатологик қарашлари ҳақида тушунча ва тасаввурларни шакллантириши.

ҚАДИМГИ МИСР ХУДОЛАРИ

Қадимги Миср дини “Ном”ларнинг раҳнамо – худоларига сиғинишга асосланган. Мил. ав. IV асрда қабилалар “ном”лар деб аталган.

Ҳар бир қабила ўз худосига ибодат қилиш, уни

эъзозлаш билан бир қаторда ўша худо билан қандайдир боғлиқ муайян ҳайвонни ҳам эъзозлаган ва унга сиғинган. Масалан, Элефантинда – кўйга, Дендерада – сигирга, Сиутда – чиябўрига, Гермополда – ибис (лайлакка ўхшаш узун оёқли куш) ва павианга (иттумшуқ маймун), ал–Файюм водийсида – тимсоҳга, Бубастисда эса мушукка сиғинилган. Жанубий Мисрнинг қадимий бирлашишига асос бўлган Нехенда калхат аёл худоси, унга яқин жойлашган Нахабда сув нилуфари, Шимолий Миср бирлашувининг қадимий маркази Бутода муқаддас илон, кўшни Пе жамоасида эса асалари илоҳийлаштирилган.

Мазкур ҳолдан келиб чиқиб, деярли барча маҳаллий раҳнамо–худоларга ҳайвон–одам шаклини бериш одат бўлган. Масалан, мушук кейинчалик мушук бошли Бастет худосига, лочин – Гор худосига айланган. Шунингдек, Тот ибис бошли, Анупис ит бошли, Собек тимсоҳ бошли, Сохмет урғочи шер бошли, Хатхор худоси сигир бошли қилиб тасвирланган. Кўриниб турибдики, Қадимги Миср динларида кўпроқ тотемистик унсурлар сақланиб қолган.

Миср худолари орасида Нехебт, Хатхор, Нейт, Сохмет, Нефтида каби кўп сонли аёл худолар ҳам мавжуд бўлган.

Мисрнинг бирлашиш давридан аввалроқ бутун Мисрнинг умумий худолари култи вужудга келганлигини кузатиш мумкин. Агар бирон–бир қабила Мисрнинг бирлаштирилишида асосий ўринни эгалласа, ўша қабиланинг худоси умумдават маъбудига айланган.

Умумий худолар орасида энг қадимийларидан бири Гор худоси бўлиб, аввал унга Иераконполь ва Эдфуда сиғинганлар. Бу минтақадан чиққан подшоҳлар Мисрнинг илк бирлаштирувчилари бўлганлар (1–2–сулола; мил. ав. тўртинчи минг йилликнинг охири). Улар ўз қабилавий худоларини умуммиср куёш худосига айлантирдилар.

Мамлакат пойтахти Мемфисга кўчирилгач (3–сулола; мил. ав. 3000 й. атрофи) Мисрнинг асосий расмий худоси Птах номли маҳаллий худо бўлиб қолди. Мил. ав. 2700 йиллар атрофида 5–сулола ҳокимият тепасига келгач эса Он

(Гелиополь) шахри билан боғлиқ бўлган Атум (Ра) худоси Мисрнинг олий худосига айланди. 11–12–сулолалар даврида (мил. ав. 2100–1800 й.) жуда ҳам машҳур бўлмаган Амон худоси умуммиср худоларининг асосийсига айланди ва олдинги олий худо Ра билан бирлашиб Амон–Ра шаклини олди.

Мамлакатнинг бирлаштирилиши натижасида маҳаллий худолар ҳам иккинчи даражали маъбудларга айланганлар. Гермополь худоси Тот (Ибис) олимлар ва котиблар раҳнамосига, Сиут худоси Анут нариги дунё ҳукмдорига, Латополнинг аёл худоси уруш худосига, Коптос худоси Мин ажнабийлар раҳнамосига айланди ва ҳ.к.

Қадимги Мисрда подшоҳ – фиръавнларнинг илохийлаштирилиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Мамлакатни бирлаштирган Гор худосига сиғинган қадимий подшоҳлар ўзларини худоларининг паноҳида деб ҳисоблаганлар ва ҳатто, ўзларини унинг номи билан атаганлар. 5–сулола даврдан бошлаб, фиръавн куёш худоси Ранинг ўғли деб саналадиган бўлди. Подшоларни худонинг ўғли деб билиш милоднинг бошларигача давом этган. Подшоҳнинг шахсан ўзи асосий диний маросимларни ижро қилган: ибодатхоналарга асос солган, ёлғиз ўзи худога аталган қурбонликларни адо этган. Рухонийлар фақатгина подшоҳ номидангина иш юритганлар. Фуқаролар унинг хузурида ер ўпиб таъзим қилганлар, подшоҳ номини айтиш тақиқланган, диний рамзларда унинг сурати акс эттирилган. Буларнинг ҳаммаси подшоҳ насабининг худога тегишли деб эътиқод қилинганидан дарак беради.

Қадимги Мисрда дафн маросимлари аста–секин тараккий этиб борди. Аввалда ўлган одам жасадини ёнбошлатиб, баъзи ашёлар билан бирга кўмганлар. Баъзан жасад бўлақларга бўлиб кўмилган. Вақт ўтиши билан, айниқса, подшоҳлар дафн расм–русумлари ўзгариб борган. Сағаналар бора–бора кенг ва мураккаб услубда қурила бошлаган. Аввал ердан озгина юқори кўтарилган пирамида шаклида, кейинроқ эса баланд пирамида шаклини олган. Вафот этган подшоҳнинг жасади мумиёланиб дафн этилган.

Кейинчалик подшоҳ мулозимлари, сўнгрот ўрта табақа кишилари ҳам мумиёланадиган бўлган. Мумиёлашнинг мураккаб технологияси тобора ривожланиб борган. Мумиёлаш рухонийлар томонидан бажарилган. Улар бу ишда жуда моҳир бўлганлар. Мана шунинг учун ҳам улар томонидан мумиёланган жасадлар бугунги кунга қадар сақланиб келмоқда.

Қадимги Мисрда жасадларнинг мумиёланиши ўлимдан кейинги ҳаётга бўлган ишончдан дарак беради. Қадимги мисрликлар эътиқодларига кўра, одам ўлиши билан унинг жасадидан унинг номи (рен), руҳи (ба), жони (ка) чиқиб кетади. Ка – инсоннинг жони жасаднинг тақдири билан боғлиқ ҳисобланган. Ка ўлмас эмас, агар жасад керакли анжомлар билан кўшиб дафн этилмаса, “ка” очлик ва чанқокдан ўлиши мумкин. Агар турли сеҳрли дуолар ёзиб қўйилмаса, “ка”ни нариги дунёдаги махлуклар еб қўйиши мумкин. Жасад яхшилаб мумиёланиб, узок сақланса ёки ҳеч бўлмаса, унинг устихони қанча узок сақланса, руҳи ҳам шунча узок яшайди.

Мисрликларнинг эсхатологик тасаввурига кўра, олий-насаб, бой кишилар ўлгандан кейин нариги дунёда фаровон ҳаёт кечирадилар. Ушбу тасаввурлар ҳақида 6–сулола вакиллари сағаналарида акс этирилган суратлар хабар беради. Бу каби фаровон ҳаётга, уларнинг фикрича, бу дунёда ҳам фаровон ҳаёт кечирганлар етишган ёки бундай ҳаётга сеҳр–жоду билан эришиш мумкин бўлган. Мисрликлар қадимги эътиқодида марҳумлар раҳнаمولари бўлган худолар ҳақида тасаввурлар мавжуд бўлган.

Ўрта подшоҳлик даврида ўлганлар руҳлари устидан ҳукм чиқариш ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлган. Бу таълимотлар пирамидалар матнларида учрамайди. Улар Осирис худосини руҳлар устидан ҳукм қилувчи худо сифатида таърифлаганлар.

Қадимги Миср динлари тарихида сеҳр–жоду катта ўринни эгаллаган. Бизгача етиб келган ёзма ва тасвирий манбалар, ашъвий далиллар халқ ҳаётининг турли соҳаларида Миср тарихининг барча босқичларида сеҳргарликдан кенг

фойдаланилганлигидан далолат беради. Жумладан, тиббиёт билан боғлиқ даволаш–химоялаш сеҳргарлиги бунга яққол мисолдир. Миср тиббиёти, хусусан, доришунослиги нисбатан юқори ўринда турган ва уларнинг барчаси сеҳргарлик тасавурлари билан боғлиқ бўлган. Ундан ташқари, об–ҳаво сеҳргарлиги ҳам амалда кўп қўлланган. Мана шундай маросимлардан бири Ранинг душмани Апогга қарши Фива ибодатхонаси руҳонийлари доим куёш порлаб туриши учун ҳар куни сеҳргарлик маросимларини ўтказар эдилар.

ЮНОНИСТОН ДИНЛАРИ

Мазкур динлар ҳақида қадимги юнон дostonлари, юнон файласуф мутафаккирларининг бизга етиб келган асарлари ва манбаларидан маълумот олишимиз мумкин.

Қадимги юнонлар ҳайвонлар тимсолларини илоҳийлаштирганлар. Ҳўкиз тимсоли биринчи ўринда бўлиб, илон тимсолида эса илоҳий куч эгасини тасаввур қилиб, бир қатор ҳайвон ва қушларни илоҳийлаштирганлар. Бу юнонларда тотемизм тушунчалари кенг ёйилганлигидан дарак беради.

Қадимги юнонларда одам шаклидаги худо тимсоллари кўп учрайди. Худолар кўпинча аёл суратида бўлган. Қуёш ва ойни ҳам илоҳийлаштирганлар. Тошлар ва баъзи дарахтларда илоҳий куч мавжуд деб ҳисоблаганлар. Форлар ва унсурларга ҳам диний тус берганлар.

Тотемизм каби диний тасаввурларнинг баъзи белгилари мирмадан халқининг чумолидан тарқалганлиги ёки илоноёқ Кекропнинг Афина асосчиси эканлиги ҳақидаги афсоналарда баён этилган.

Қадимги овчиликка оид маросимлар, сеҳргарлик урф–одатлари об–ҳаво билан боғлиқ бўлган. Ёмғир чақириш маросимлари ҳам ўтказилган. Юнонлар табиатни ўраб турган турли майда руҳлар: сув руҳлари, ўрмон илоҳларинаяд, дриад, тоғ руҳлари кабиларга ишонганлар. Юнонларда қадим ўтмишда ёмонлик келтирувчи сеҳрга ишонч мавжуд бўлган. У ер ости қора кучлари ҳақидаги тасаввурлар билан

боғлиқ. Қахрли Геката худосининг номи билан кимни йўқ қилмоқчи бўлсалар лаънатлаб, лаънат ва дуои бад қилиш ёвузлик маросимлари тарзида бажарилган. Ёвуз сеҳргарлик катта аҳамиятга эга бўлмаган.

Даволаш ва муолажа қилиш ишларида юнонлар сеҳрдан фойдаланиб, у табобат билан боғлиқ урф–одатлар узок сақланган.

Қадимий юнон эътиқодларидан бири – ўлим ва ундан кейинги ҳолат ҳақидаги тасаввурлардир. Ўлган киши танаси юнонларда ерга қўмилган ёки сағанада сақланган. Юнонлар тасаввурида ўлганлар рухлари ер ости макони Аидада тўпланади. Барча мархумлар ким бўлишидан қатъи назар, Аидада рухлари тўпланиб, унда машаққатли ва ғамгин тақдирга йўлиқадилар. Шу сабабли юнонлар мархумни сўнгги кузатиш маросимини охириги бурч деб билиб, уни катта эътибор билан амалга ошириб, мархумларни озик билан таъминлашга уринганлар.

Юнонлар аслзода қахрамонларни илоҳийлаштирганлар, бунга худоларга бўлган ишончнинг пасайиши сабаб бўлган. Аслзода хонадонларнинг алоҳида ажратилиши билан уларнинг илк аждодлари ҳам улуғлана бошланди. Уларнинг номлари юқори қўйилиб, уни улуғловчи ва унга сиғинувчилар сони ортиб бориб, Геракл, Иффокал, Иврином, Борса, Эрота каби қахрамон худолар пантеони вужудга келди.

Геракл – куёш худоси, таджикотчилар уни дорий қабиласига мансуб Гераклидлар сулоласининг бобокалони ҳисоблаб, халқ қахрамони шахсининг афсонавийлаштирилган кўринишидир. Мил. авв. XII–XI асрларда дорийлар томонидан Пелопоннессанинг катта қисми босиб олиншига сабаб бўлган “Гераклидлар юриши” тарихий воқеаси бўлиб, Гераклнинг бу юришдаги қахрамонликлари бутун Юнонистон бўйлаб машхур бўлди ва у ҳақда афсоналар тўқилишига сабаб бўлди. Гераклнинг осмонга кўтарилиб кетгани ва Эллада худоларидан бирига айланганлиги ҳақидаги афсона тарқалди. Гераклнинг ўғли Фест сикионликларни ўз отасини қахрамон сифатида эмас, худо сифатида улуғлашга мажбур қилди.

Афинада Эрехтей, Бута каби қахрамонлар култи зодагон Бутадлар хонадони қўлида бўлган. Қадимги юнон худолари маҳаллий ва умумий худоларга бўлинган. Маҳаллий худолар ўзаро урушларда ёрдам беради, деб эътиқод қилинган, умумий худолар эса ташқи душманга қарши курашларда ёрдам беради деб ишонилган. Шаҳарларнинг ўз худолари бўлиб, бу Юнонистоннинг сиёсий тарқоқлигидан хабар беради. Гомер даврида юнонларнинг кўплаб жамоаси Олимпия худоларига ибодат қилганлар. Шу ўринда айтиш керакки, Олимпия улуғ худолари пантеонининг келиб чиқиши жуда мураккаб масала ҳисобланган.

Худоларнинг энг улуғи Зевснинг хотини Гера ҳисобланган. У сигир худо кўринишидадир. Иккинчиси Посейдон Пелопоннессада қадимий денгиз худоси бўлиб, унга балиқчилар сифинишган.

Афина шаҳарлар ва қўрғонлар ҳомийси ҳисобланган. Уни “Афина худоси”, “Афиналик аёл”, “Паллада”, “Полиада” каби элликка яқин сифатлари бўлган. “Эллада тавсифи” китобида унга атаб етмиш учта турли ибодатхона, зиёратгоҳлар қурилгани ёзиб қолдирилган. Афина Артемидадан кейинги ўринда бўлиб, афсоналарда у жанговар худо сифатида тўла қуролланган ҳолда тасвирланган. У бойкуш, илон, зайтун дарахти тимсолларида тасаввур қилиниб, Афганининг образида тотемистик жиҳатлар сақланиб қолганлиги белгисидир.

Юнон худоси Артемида—овчи қиз шаклида тасвирланган. Унга атаб ибодатхона ва муқаддас қадамжолар бунёд этилган.

Апполон юнон афсоналарида Зевс ва Летонинг ўгли, Артемидадан акаси ҳисобланади. Апполон сўзининг маъноси баъзида “ҳалок қилувчи”, гоҳо “чорва раҳнамоси” сифатида талқин қилинган.

Зевс олимпия худоларининг улуғларидан бўлиб, “худолар ва одамлар” отаси ҳисобланган. Унда элликка яқин маҳаллий худоларнинг сифатлари жамланган. У ҳақдаги афсоналар Крит ва Фессалияда тарқалган. Зевс номи “ёғдули осмон” маъносини билдиради. Юнонлар яна Асклепий, Пан, Афродита, Арес, Гефест, Гестия, Гермес каби худоларга сифинганлар.

ҚАДИМГИ РИМ ДИНИ

Қадимги Рим динида табиат, деҳқончилик, темирчилик, чорвадорлик, овчилик ҳомийлари бўлган худоларга эътиқод қилиш хос бўлиб, экинзорлар худоси – “Сильван”, “Сатурн”, уруш худоси – “Марс”, обҳаво худоси, кейинчалик Римдаги бош худо – “Юпитер”, бошоқли ўсимликлар маъбудаси – “Церера”, узумлар худоси – “Либер”га сиғинишган. Шунингдек, бошқа халқлар диний эътиқодига хос бўлган дарахт, ер, ҳайвон, қуш, ёвуз кучлар ва жонсиз жисмларга сиғинилган. Қадимги Рим диний эътиқодида фетишизм, тотемизм, анимизм, магия унсурлари мавжуд бўлган.

Август ҳукмронлиги (милоддан аввалги I – милонинг I асри) даврида Рим давлати Арманистон ва Месопатамиядан тортиб, Саҳрои кабир ва Қизил денгиз қирғоқларигача чўзилган қудратли империяга айланган. Забт этилган давлатларнинг бойликлари ёзма ва маданий ёдгорликлари Римга келтирилган. Римликлар уларни ўзлаштириб, меъморчилик, рассомчилик, ҳайкалтарошлик, шеърят, нотиклик санъатида улкан ютуқларга эришганлар.

Рим давлати сарҳади кенгайиши ва Ўрта Ер денгизи давлатига айланиши натижасида Шарқ халқлари маданияти ва дини таъсирида “синкретизм” (юнонча – турли диний эътиқодларнинг қўшилиши) жараёни содир бўлди. Бу эса Рим империяси маданий тараққиётини юксак чўққига кўтарди. Рим маданияти этруск, юнон, эллинизм даври маданияти таъсирида кучайган. Рим архитектура, ҳайкалтарошлик ва рассомлиги юнон санъати билан уйғунликда ривожланган, мухташам саройлар, улуғвор ибодатхоналар, улкан гумбазли Пантеон, йирик амфитеатрлар, колизей ва галереялар бунёд этилган, уларда маъбудлар билан бирга тарихий шахслар, воқеалар ҳам ўз аксини топган.

Римликлар юнон динлари таъсирида инсон қиёфасидаги маъбудларга сиғинганлар. Этрускарларнинг “Юпитер” (юнонларда “Зевс”, барча худолар ва одамлар ҳукмдори), “Марс” (дастлаб дала ва ҳосил, кейинчалик уруш), “Диана”

(юнонларда “Артемида”, ов), Афродита (юнонларда “Венера” муҳаббат ва гўзаллик), “Фортуна” (қисмат), “Ферония” (ер) худоларини ўзлаштириб, уларга атаб ибодатхоналар курганлар. Диний урф–одатлар доираси кенгайиб, худолар шарафига турли маросимлар, олимпиада ўйинлари, ҳосил байрамлари ўтказилган. Жумладан, Олимп худоси шарафига ҳар 100 йилда спорт ўйинлари мусобақаси, ҳар йили дала ишлари тугагандан сўнг ҳосилдорлик худоси “Сатурн” шарафига ҳосил байрами, узумзорлар маъбуди “Либер”, хонадонлар илоҳи “Пенат”, ўрмон, дала тангриси “Сильван”, чорвадорлар ҳомийси “Пан” шарафига турли маросимлар ташкил этилган.

МЕСОПОТАМИЯ

Қадимги дунё динларининг бешиги сифатида Шарқ ва Ғарб цивилизацияси оралиғида яшаган шумерлар, бобилликлар, оссурияликлар яратган маданий ва диний қадриятлар бошқа халқлар маънавий ҳаётига кучли таъсир кўрсатган. Милoddан аввалги VII асрларда Бобил ва Оссурия Қадимги Шарқнинг энг тараққий этган шаҳарларидан бири бўлган. Қадимги Оссурия ва Бобил халқлари диний эътиқодида ўлганлар руҳига ишониш, табиат кучларига сиғиниш кучли бўлган. Ҳар бир табиат ходисаси, касб–ҳунар, савдо–сотик, санъат ва билим – худоларни вужудга келтирган.

Шумерликлар тоғларни ҳам илохийлаштирганлар. Ернинг бош худоси “Энлил” – “Улуғ тоғ” деб аталиб, у Ер билан осмонни туташтирган баланд тоғ тепалигида яшайди, деб тасаввур қилинган. Маъбуда “Иштар” табиат, ҳаёт, туғилиш ҳомийси сифатида эъзозланган. Шумерликлар миҳхатларда дунёнинг пайдо бўлиши, Одам ато ва Момо Ҳаводан олдин бўлган воқеаларни ёзиб қолдирганлар.

Икки дарё оралиғида яшаган қадимги халқларнинг диний эътиқодида табиат кучлари, шунингдек, куёш (“Уту”), ой (Зуэн), осмон (“Ану”), муҳаббат (“Инанна”), юлдуз (“Нинсиана”), сув (“Энки”), чорвадорлар (“Думузи–абзу”),

“Таммуз”) каби маъбудларга сиғиниш, яхшилик ва ёвузлик руҳларига ишониш кучли бўлган.

Бобилликлар худоларга атаб мустаҳкам тош деворларга таянган ва сирланган тахталарга қопланган “зиккурат” (шумерча – кўп қаватли, расадхона кўринишидаги тош минора, Бобил пирамидалари)лар қуришган. “Зиккурат”ларнинг кўриниши салобатли ва гўзал бўлиб, меъморчиликда ҳашаматли керамика илк бор бобилликлар томонидан тадбиқ этилган. Етти қаватли Бобил минорасининг биринчи қавати ялтироқ қора тахталар билан қопланган, яъни “Зухал” (“Сатурн”) сайёрасининг тимсоли сифатида тасвирланган. Иккинчи қават оқ – “Зухра” (“Венера”), учинчиси кизил – “Муштарий” (“Юпитер”), тўртинчиси зангори – “Уторид” (“Меркурий”), бешинчиси тўқ кизил – “Миррих” (“Марс”), олтинчиси кумушранг – “Ой”, еттинчиси олтин – “Куёш” рангида бўлган. Юлдузларнинг инсон тақдирини белгилашига қаттиқ ишонган бобилликлар эътиқодида осмон жисмларининг мавқеи жуда баланд бўлган.

Маъбудлар ярим одам, ярим махлуқ ҳолати (масалан, балиқ, дарахт, аждаҳо, илон, қуш қиёфали)да тасвирланган ҳамда улар ҳақида кўплаб афсоналар (тўфон худолари “Апсу” ва “Тиамат”, Куёш маъбуди “Шамаш” ҳақида) яратилган.

Милоддан аввалги III–II асрларда Бобилда давлат чегараларининг кенгайиши ва мустаҳкамланиши натижа-сида маҳаллий маъбудларга сиғиниш ўрнини якка худога топиниш эгаллади. Бобилда “Мардук”, “Оссурия”да “Ашшур” олий маъбудлар ҳисобланиб, шаҳарлар уларнинг номи аталган. Олий худолар гуруҳи осмон – “Ану”, ер – “Энлил”, донишмандлик – “Эа” худолари “адолат ва куч тимсоли” бўлган. Ҳукмдорлар “қоҳин”лик вазифасини бажарганлар. Ибодатлар махсус қурилган эҳромларда ўтказилган. Маросимда худолар ва ҳукмдорлар шаънига мадҳиялар ўқилган, гуноҳ ва тавба–тазарру маросимлари ўтказилган.

Афсоналарда дехқончилик, овчилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи халқ тасаввурлари акс этган. Қадимги бобилликлар тасаввурида Ер текисликдан иборат, сув устида

муаллақ туради ва Ер юзига қудуқ ва дарё сифатида чиқиб, ёмғирлардан “осмон тўғони” билан ажратилган. Бу тўғонда осмон жисмлари Қуёш, Ой, юлдузлар жойлашган. Ер қаъри зулматдан иборат бўлиб, ўликлар шаҳри, деб ҳисобланган.

“Тўфон ҳақида”ги афсонада донишманд “Зиусудр” омон колганлиги, “Маъбуда Иннина ҳақида”ги афсонада унинг марҳумлар худоси билан баҳслашиши ҳамда эрини қутқариш учун ўликлар шаҳрига тушиши, баҳсда ғолиб бўлгач, эри билан Ер юзига қайтишга муваффақ бўлиши ҳикоя килинган. Шунингдек, “Бургут ва илоннинг бир–бирига душманлиги” ҳамда қаҳрамон Этанининг бургут устида кўкка кўтарилишга уриниши, “Энмеркар”, “Лугальбанд” ва “Гильгамеш” ҳақидаги афсоналар ҳам мавжуд. Бобилликлар афсонавий қаҳрамонларга атаб байрамлар уюштирганлар.

Урук пойтахти қурувчиси “Гильгамеш” ҳақидаги дoston сополтахталарга битилган илк миҳхат асари сифатида етиб келган. Унда тасвирланишича, “Гильгамеш” қудратли ва тенги йўқ Урук шаҳри подшоҳи бўлган. Худолар тупроқдан Энкиду паҳлавонини ясаб, “Гильгамеш” билан курашга чорлайдилар. Уларнинг курашидан Ер ларзага келади, осмонларда яшин чақнайди, ҳаво дим бўлиб, пешоналаридан оққан тердан дарё ҳосил бўлади. Улар куч–қудратда тенг бўлиб, ака–ука тутинишади ва биргаликда душманга қарши курашга отланиб, ўрмонлар ҳомийси баҳайбат маҳлуқ Хумбабай билан олишадилар. Шу тариқа “Гильгамеш” ва “Энкиду” кўп қаҳрамонликлар кўрсатадилар.

ҚАДИМГИ ГЕРМАН ДИНЛАРИ

Қадимги германларнинг дини худолар ҳамда афсоналарга бой бўлиб, қуёш, момоқалдирик, чақмоқ, осмон, суд, уруш, фасллар, ўсимлик, ҳосилдорлик, олов худосига сиғинилган. “Эльф” (немисча – фаришта, руҳ) лар, “трол” (шведча – дев, алвасти)лар, “никса” (немисча – сув париси)лар, “гном” (немисча – ер остида яшовчи митти маҳлуқ)ларга ишонилган. Афсона ва ривоятларда ёвуз кучлар тимсоли бўлган баҳайбат ва даҳшатли ғайритабиий

махлукларга қарши кураш акс этган. Жумладан, “Ван” ва “Ась” худолари ҳақидаги афсонада одамзоднинг дўсти “Ась” худолари ёвуз кучларнинг тимсоли бўлган, ўз насли ва қасамини бузган даҳшатли “Ван” худоларига қарши кураши тасвирланган.

Қадимги герман халқининг олий худоси “Один” (скандинавча – олий табақа, бош) ер ва осмон ҳукмдори, бўрон, жанг, шеърият ва донишмандлик, муқаддас ёзувлар ҳомийси бўлган. “Валькирия” (скандинавча – ўлим фаришталари)лар “Один” худосига бўйсунувчи, жанговар қизлар бўлиб, жангларда ҳалок бўлган мард жангчиларни “вальхалла” (скандинавча – ўликлар диёри)га олиб борганлар ва уларга хизмат қилганлар.

Қадимги герман мифологиясида “Ванадис” (скандинавча – гўзаллик ва муҳаббат), “Гудрун” (скандинавча – уруш, сирли белги ва тилсим), “Тор” (момоқалдиروق, чакмоқ ва деҳқончилик маъбуди), “Циу” (скандинавча – осмон, уруш ва олий суд), “Бальдр” (скандинавча – баҳор, ўсимликлар ва ҳосилдорлик), “Локи” (скандинавча – олов) худолари ҳисобланган.

СЛАВЯН ҚАБИЛАЛАРИНИНГ ДИНЛАРИ

Қадимги славянларнинг дини оилауруғ аждодларига сиғинишнинг ривожланиши билан боғлиқ мураккаб синкретик ҳодиса бўлиб, бу славян қабилаларининг патриархалуруғчилик тузилишига мувофиқ келади. Қадимги славян халқлари табиат ҳодисалари, ҳаракат ва ривожланиш манбаи – ернинг маркази бўлган “Олам дарахти”, деб ҳисоблаганлар.

Қадимги славян дини ҳам политеистик ҳисобланиб, “Перун” (славянча – момоқалдиروق) бош худо бўлган. Шунингдек, “Сварог” (славянча – осмон), “Дажбог” (славянча – қуёш), “Хорс” (славянча – шамол), “Стрибог” (славянча – олов), “Бельбог” (славянча – омад ва бахт), “Волос” (славянча – бойлик), “Макош” (славянча – тўқувчилик) худоларига сиғинилган. Шунингдек, антропоморф – ярим одам, ярим ҳайвон қиёфали “Семик” (славянча – овчилик), “Ярило”

(славянча – деҳқончилик), “Купала” (славянча – чорвачилик), дарахтзор, ўрмон, чангалзор, ўсимликлар худолари ҳам бўлган. Улар ўсимликлар каби кузда “ўладиган” ва баҳорда “қайта тириладиган” худоларга атаб қурбонлик маросимлари ўтказишган. Қуюқ ўрмонлардаги азим дарахтлар худолар билан муносабатда бўлишига ишонган қадимги славян халқлари улардан мадад сўраганлар. Дарёдан соғ–саломат ўтиб олишлари учун сув руҳларига атаб ширинликлар пиширганлар. Тўфоннинг олдини олиш учун товуқ ёки эчки сўйиб, дарёда “қон чиқарган”лар.

АМЕРИКА ҲИНДУЛАРИ ДИНИ

Америка хиндулари динида анимизм, тотемизм, фетишизм унсурлари кучли бўлган, улар аجدодлар руҳига, қабила бошлиқларига сиғинганлар. “Майя”, “ацтек”, “инк” қабилалари қуёш, осмон худолари, картошка, маккажўхори ва бошқа ўсимликларни ўз худолари деб билиб, уларни ер юзидаги барча жонзотларнинг яратувчиси деб сиғинганлар.

Шимолий Америка хиндулари тасавурида жон билан соя битта нарса, деб тасаввур қилинган. Уйқуни жоннинг танани вақтинча ташлаб кетиши, тушни “киши ухлаб ётганида танани вақтинча ташлаб кетиши, бошқа узоқ жойдаги кишиларнинг жонлари билан учрашуви” деб талқин этилган.

Америка хиндулари табиатдаги барча нарсаларни илоҳийлаштириб, ҳар бири ўз руҳига эга, деб ҳисоблаганлар. Масалан, қурбака илоҳийлаштирилиб, мўл–кўлчилик рамзи сифатида эътироф этилган. Ҳиндулар тасавурида, кит – ер ва сувнинг тимсоли бўлса, аёл ва эркак – инсоният тимсоли, бургут – осмон тимсоли, деб ҳисобланган.

Шимолий Америка хиндулари мифологиясида Ер атрофи сув билан қопланган, тўртбурчак шаклдаги улкан орол, унинг тўрттала бурчаги арқон билан боғланган, чекка нуқтаси эса мустаҳкам тош билан маҳкамланган, деб тасвирланган. Коҳинлар эътиқодига кўра, Ер кексайиб, умри поёнига етгач, арқонлар узилиб, тош ўрндан қимирлайди ва денгиз қаърига ғарқ бўлади.

Америка ҳиндулари тасавурида нарса ва ҳодисалар илоҳий кучга эга бўлиб, инсонга бахт келтириши, турли бало–қазолардан сақлайди, деб ишонилган. Улар куёшнинг чиқиши, ёмғирнинг ёғиши ва бошқа табиат ҳодисаларини сеҳр–жоду орқали бошқариш мумкин, деб тасаввур қилганлар. Жонсиз жисмлар – куш патлари, ҳайвон тишлари, суяклари, тошлар, дарахт, ўсимликларга сиғинганлар.

Қадимги Америка ҳиндуларининг урф–одат ва диний маросимлари улар шуғулланадиган касб–корлари – овчилик, балиқчилик, деҳқончилик билан боғлиқ бўлган. Худоларга атаб қурбонлик маросимлари ўтказилган, ҳайвонларни одам қиёфасида тасаввур этилиб, улар ҳам гапириши мумкин, деб ҳисобланган.

Қадимги ҳиндулар тасавурида “Наг” – минг бошли ва қанотли илон илоҳий қудратга эга бўлган донолик тимсоли бўлган. Ривоят қилинишича, “Наг” ер ости дунёси ҳукмрони бўлиб, ер ости бойликларига эғалик қилади.

Нарсаларнинг жони борлиги ҳақидаги тасаввурлар афсона ва ривоятларда акс этган. Қадимги Америка ҳиндулари эътиқодида шомонлик алоҳида аҳамият касб этган.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Қадимги германлар пантеони ҳақида нималар биласиз?
2. Славянларда табиат кучларига сиғиниш нимада намоён бўлган?
3. Қадимги Миср динининг ўзига хос хусусиятлари нималарда акс этган?
4. Фиръавнлар қандай илоҳийлаштирилган?
5. Қадимги Юнон ва Қадимги Рим динлари синкретлашуви нималарда ифодаланган?

Мустақил иш топшириқлари

1. Энг қадимги цивилизациялар ҳақида маълумотнома тайёрланг.
2. Юнон афсоналари ҳақида кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).
3. Рим ҳамда Юнон худолари пантеонини ўзаро қиёсланг.

Адабиётлар

1. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номли миллий кутубхона нашриёти, 2007.
2. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети нашриёти, 2008.
3. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. – Т.: Mehnat, 2004.
4. Кривелев И.А. История религий. – М.: 1989.
5. Кулаков А.Е. Религии мира. – М.: 1996.
6. Мень А. История религии. – М.: 1994.
7. Петер Антерс. Религии современности. История и вера. – М.: Прогресс–Традиция, 2001.
8. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.
9. Токарев С.А. Религия в истории народов мира., – М., 1965.
10. Яблоков И.Н. Основы религиоведения. – М. 1998.

4–МАВЗУ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДИНЛАРИ

Режа:

1. Тангричилик
2. Зардуштийлик
3. Монийлик

Таянч тушунчалар:

Тангри, Эрлик, Умай, Жумай, Олқиш, Ахурамазда, Ахриман, Зардушт, Авесто, Фраваши, Ясна, Яшт, Видевдат, Висперад, Моний, Дуализм, Кефалайя.

Мавзу ўқув мақсади:

Тангрчилик, Зардуштийлик ва Монийлик динларининг келиб чиқиши, асосчиси, муқаддас манбалари, уларнинг пайдо бўлишидаги тарихий жараёнлар ҳақида талабаларда кенг тасаввур ҳосил қилиши.

ТАНГРИЧИЛИК

Тангричилик осмон худоси “Тангри” (Тангрихон)га эътиқод қилган қадимий туркийларнинг дини бўлиб, мил.авв. 2–минг йиллик охири ва 1–минг йилликда вужудга келган. Кўпчилик мутахассислар олий осмон худоси шумерларда – “Дингир”, қадим хитойликларда – “Тянь” ва хуннларда – “Ченли” номи билан мавжуд бўлганидан келиб чиқиб, уларда айнан бир худо – Тангри назарда тутилган, деб эътироф этади. Олимлар мазкур қиёсга таянган ҳолда тангричилик энг қадимги динлардан бири эканини таъкидлайдилар.

Кўпчилик олимлар фикрича, тангричилик хукмдор Канишка томонидан мил.авв. 165 йилда илгари сурилган буддавийликка яқин, аммо мустақил ақидага эга дин сифатида шаклланган эди.

Диний қарашлар содда ва тушунарли бўлгани, диний маросимларнинг қатъий бажарилгани уларнинг минг йиллар давомида авлоддан авлодга ўтиб келишини таъминлаган. Баъзи олимлар тангричиликда “Олқиш” (“Қўшиқлар тўплами”) ёзма манбаси бўлгани ва унда тангричилик ақидаси, маросимлари ва ибодат қилиш тартиблари баён этилганини таъкидлашади.

Тангричилик таълимотига кўра, Тангри бу – Мовий Осмон, Буюк Осмон сохиби руҳи бўлиб, унинг доимий макони осмон деб ҳисобланган. Тангри сўзи туркий халқларда Тенгри ёки Тенгери (олтой), Тенгри (кипчоқ), Танри (турк), Тэнгри (тагар), Тангара (ёкут), Тэнгири (кумик), Тейри (болқор–қорачой), Тэнгер (мўғул), Тура (чуваш) шакли ҳам ишлатилган. Тангри бутун борлиқнинг яратувчиси, чексиз фазода фақат унинг ўзи ҳамма нарсадан воқиф, адолатли ва марҳамат эгаси бўлган эркак қиёфадаги ягона худо сифатида тасаввур қилинган. Бутун борлиқ бўйсунувчи Тангри инсонлар, халқ ва давлатларнинг тақдирини белгилайди деб эътиқод қилинган.

Милодий IV–V асрларга оид Ўрхун Энасой ёдгорликлари битикларида Тангри ягона, азалий, абадий, ҳаёт берувчи, яратувчи, ўлдирувчи, ҳукм қилувчи, ёрдам берувчи, жазоловчи, банданинг дуосини қабул қилувчи, ҳимоя қилувчи ва мағфиратига олувчи, ҳамма нарсани билувчи, инсонларга илм берувчи ва йўл кўрсатувчи сифатлар билан мақталган. Бундан ташқари уларга ҳоконларни тахтга чиқарган ва мустақил давлат тузишларига ёрдам берган ҳам Тангри экани қайд этилган.

Қадимги туркийлар эътиқодига кўра, бутун борлиқ устидан ягона ҳукмдор Тангрихон ўзига бир қатор кўмакчи маъбудларни ҳам яратган. Жумладан, ушбу пантеон Умай (Жумай, она маъбуда), Эрлик (ота маъбуда), Ер, Сув, Олов, Қуёш, Ой, Юлдузлар, Ҳаво, Булут, Шамол, Тўфон, Момоқалдирик, Чақмоқ, Ёмғир, Камалак маъбудларидан иборат бўлган. Тангрихон Ер ва бошқа руҳлар (Юрт эгаси, Сув онаси) билан Ер олами ишларини ҳал қилиб, барча жонзотларнинг умрини белгилаган. Ерда ҳаётнинг сабабчиси

бўлган Умай маъбуди аёл қиёфасида ва “хаёт онаси” деб эъзозланган. Эркак жинсидаги Эрлик ўлим сабабчиси бўлиб, унинг макони Ерости олами ҳисобланган.

Тангричиликда Тангри ва Ер икки қутб сифатида қаралса—да, улар орасида ўзаро ҳамкорлик мавжуд деб эътиқод қилинган. Инсон Ерда туғилиб, Ерда яшаган. У вафот этганда, Ер уни ўз бағрига олган. Ер инсонга фақат моддий бўлагини бера олган. Лекин инсон бошқа мавжудотлардан фарқланиб туриши учун Тангри унга, руҳий куч бўлган “кут” (кувват) ва “сур” (руҳ)ни ато этган деб эътиқод қилинган.

Тангричиликда табиат ва инсон ўртасида чегара дахлсизлигини сақлашга алоҳида эътибор билан қаралган. Агар инсон табиатга меъёрдан ортиқ зарар етказса, унда табиат руҳларининг розилигига эришиш учун қурбонлик келтириш зарур бўлган. Қурбонликлар йирик тоғлар ёки дарёлар олдида оммавий равишда ўтказилган. Дарахтлар орқали маъбудлар озикланади, — деб эътиқод қилинган сабабли қурбонлик қонлари дарахтлар остига куйилган. Лекин, одамлар табиат руҳларини ўзларига ҳамкор сифатида қарашган, уларни қариндош ёки ажодлар руҳлари деб билишган.

Кўринмайдиган Ерости олами барча ёвуз руҳларнинг макони бўлиб, уларга кудратли Эрлик бошчилик қилган. Тўққиз қатламлараро кўчиб юриш имконига эга Ер оламида ҳаёт ва ўлимнинг мавжудлиги туфайли у ерда одамлар орасида маълум вақт бўла олади холос. Ерости оламида Ер оламидан фарқли равишда барча чегаралар кўриниб туради ва бошқа худудларга ўтиш ўзига хос эшиклар ёрдамида амалга ошади. Ерости ва сув олами тирик жонзотлари Эрлик тасарруфига киради. Инсон вафотидан кейин кўмилгач, унинг жисми энг куйи қатламга тушиб боради.

Умуман олганда, қадимий туркийларнинг дунёқарашида борлиқнинг чексизлиги, ҳаётнинг доимий ҳаракат ва мунтазам янгиланишда экани муҳим ўрин эгаллаган. Айни пайтда Руҳнинг кўчиб юришига ишонганлиги боис инсон тириклик чоғида борлиқнинг бир бўлаги сифатида барча диний маросимларни тўла адо этиши лозим, акс ҳолда ёвуз руҳлар қаторидан жой олади, деб эътиқод қилинган.

Тангричиликда диний рамз тўрт томони тенг бўлган салб – “аджи” ҳисобланган. Шундан келиб чиқиб, туркийлар уни пешоналарига қизил рангда чизиб юрганлар.

Қадимий туркийларда бўри тотеми мавжуд бўлиб, уни “Бозкурт” (кулранг бўри) деб аташган. Мовий юнги осмонни англатган Бозкурт туркий халқларнинг абадийлик тимсоли ҳисобланган.

Тангричилик таълимотига кўра, инсон танасига “тин” (жон) рухидан пуфлаш орқали унга жон киради. Инсон “тин битти” (жон тугади, жон чиқди) ҳолатига етмагунча умр кечиради. Инсонга бирор бир нарсани олдиндан сезиш қобилияти “кунел” (кунелем сизе, интуиция) ҳам берилади. Инсон ўлимидан сўнг кут, тин ва сур бир вақтда осмонга кўчади ва асл рух (ажод рухи)га айланади. Қадимий туркийлар мутлоқ ўлимга ишонишмаган, ҳаёт маълум доира ичида бутун фазо бўйлаб айланиб юради, деб эътиқод қилишган. Шундан келиб чиқиб, улар инсоннинг жисмоний ўлимидан кўрқишмаган ва уни ҳаётнинг табиий давом этиши, деб қарашган.

Қадимий туркийлар жанг майдонида қахрамонлик қилган ажодлар руҳига алоҳида эътибор қаратганлар. Аждодлар руҳига сиғиниш туркийларда ўзидан олдинги етти ота-бобоси фаолиятини яхши билиш анъанасини шакллантирган.

ЗАРДУШТИЙЛИК

Спитама қабиласидан бўлган Поурушаспа ўғли Ашога Заратуштра (юнонча – Зороастр, пахлавийча – Зарахуштра “боқий юлдуз” ва “чиройли туяларга эга бўлган”) ушбу диннинг асосчиси ҳисобланади. Зардуштийлар эътиқодига кўра, бу ном унга [Ахура-Мазда](#) (юнонча, Ормузд –“Донишмандлик соҳиби”) томонидан берилган. Зардуштнинг яшаган даври ва жойи ҳақида турли тахминлар мавжуд. Тадқиқотчи М.Бойснинг таъкидлашича, у мил. авв. 1500–1200 йиллар орасида яшаган. Унинг фикрича, Зардушт ўз даъватини Киштосиб Лафрост исмли подшоҳ даврида бошлаган. Бунга у замонавий зардуштийларнинг ҳозиргача мил.авв. 1738 йил шоҳ Виштасп томонидан қабул қилинган

“фасли” календаридан фойдаланаб келаётганларини далил қилиб кўрасатади.

Зардуштийликнинг ватани масаласида икки хил қараш мавжуд. Жумладан, айрим олимлар зардуштийлик Қадимги Эрон ҳудудида кенг тарқалгани, “Авесто”нинг шарҳлари пахлавий тилида ёзилганидан келиб чиқиб, унинг ватани Мидия (ҳозирги Эрон ҳудуди) деб ҳисобласалар, кўпчилик тарихчилар эса “Авесто”да Хоразм Зардуштнинг ватани, Ахура–Мазда билан алоқа боғланган ва озархурра (муқаддас олов) биринчи бор ёқилган жой экани қайд қилинганига асосланиб, Хоразмни эътироф этадилар.

Зардуштийликнинг муқаддас манбаси “Авесто” (“Апастак”, “Овисто”, “Овусто”, “Абисто”, “Авасто” – “жорий қилинган қатъий қоидалар”) санскрит тилига яқин ўзига хос (авесто тили) тилида ёзилган. Унинг “Ғат”лар номли қисми Зардушт қаламига мансуб деб ҳисобланади. Кўпчилик тадқиқотчилар фикрига кўра, Хоразм, Гава (Сўғд), Марғиёна (Марв), Бактрия (Балх), Орол денгизи (Ворукаша ёки Вурукаша) ва Амударё (Даити) каби номларнинг тилга олингани “Авесто” Ўрта Осиёда мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида вужудга келганини тасдиқлайди. Дастлаб “Авесто” матнлари оғзаки равишда сақланиб келган. Унинг энг қадимий қисмлари II минг йиллик охири I минг йиллик бошларига оид бўлиб, кейинги асрларда унинг таркиби турли диний урф–одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун–қоидалар билан тўлдирилиб борилган. Милодий учинчи асрда қонунлардан иборат Авестонинг шарҳи “Зенд” (парфиёнча, “шарҳланган матн”) ёзилган. Замонавий зардуштийларнинг фикрига кўра, “Авесто”нинг тўлиқ қисми етиб келмаган бўлса–да, унинг дастлабки ёзма нусхаси 12 минг қора мол терисига битилган эди. Буюк ватандошимиз Абу Райҳон Беруний “Подшоҳ Доро ибн Доро ҳазинасида (Абистонинг) ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар (Александр Македонлик) оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни қуйдириб юборди.

Шунинг учун ўша вақтда Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди”, деб айтган сўзлари юқоридаги фикрни тасдиқлайди. “Авесто” мил. авв. I асрда Аршакийлар сулоласи даврида илк марта оромий алифбосида кўчирилган. Шопур II (243–273) ва Хусрав I (531–579) замонларида унинг нусхалари яратилган. IX асрда ёзилган “Денкарт” (“Имон фаолияти”, Сосонийлар ҳукмронлиги даврида ёзилган қомусий луғат бўлиб, у ўз ичига бадийий ва тарихий маълумотларни олган. Даставвал 9 бўлимдан иборат бўлган, кейинчалик унинг 2 қисми йўқотилган. Аббосий халифа ал–Маъмун ибн Ҳорун ар–Рашид (813–833) даврида Атурфарнбаг (Атурфат ибн Ҳамат) томонидан тўпланган) асари “Авесто”нинг 21 қисмдан иборат бўлганини қайд этади. Диндорлар кундалик фаолияти учун унинг ихчамлаштирилган шакли – “Кичик Авесто” (“Хурдак Авесто”) яратилган.

VII асрда Эронга исломнинг кириб келиши зардуштийларни Ҳиндистонга кўчиб ўтишга мажбур қилди. Уларнинг авлодлари (форсийлар) Бомбей шаҳрида ўз жамоаларида ҳозиргача “Авесто”нинг бир нусхасини сақлаб келадилар.

“Авесто” – “Видевдат”, “Ясна”, “Виспарад” ва “Яшт” номи билан юритиладиган бўлимларни ўз ичига олади.

22 бобдан ташкил топган “Видевдат” – “Авесто”нинг сақланиб қолган бўлимлари орасида энг муқаммали бўлиб, унда одамлар яшайдиган барча юртлар Ахура–Мазда томонидан яратилгани, касаллик, ўлим, азоб–уқубатлар бўлмаган замон, яъни инсониятнинг фаровон ҳаёти, Зардушт билан Ахура–Мазданинг савол–жавоблари, қасам ичиш, ваъдада туриш, аҳдни бузиш, тозалик, ювиниш асослари каби масалалар ёритилган. “Ясна” – диний маросимларда ўқиладиган дуолар бўлиб, 72 бобдан ташкил топган. Зардуштнинг сўзлари ҳисобланадиган 17 фасл, 338 қитъа, 896 мисра ва 5560 сўздан иборат “Гат”лари ҳам шу бўлимдан жой олган. “Гат”нинг ҳар бир шеъри паҳлавий тилида “Гас” дейилади. Умуман олганда, бу бўлимда оловнинг муқаддаслиги, зардуштийлик маросимлари орасида оловга эътиқод қилиш, Ахура–Мазда нурининг Қуёшда намоёнлиги

ва унинг Елдаги зарраси деб билиниши, оловнинг ҳақни ноҳақдан, энг олий гуноҳ ҳисобланмиш ёлгонни ростдан ажратиб бериши, ёлгоннинг чин эътиқодга хиёнат, деб қораланиши каби эътиқодий тушунчалар ўз аксини топади. “Виспарад” – 24 бобдан ташкил топган бўлиб, маъбудлар шаънига ўқиладиган дуо ва панд–насихатлардан иборат. 22 бобдан ташкил топган “Яшт” эса ҳар бир боби Ахура–Маздадан бошланиб, у томонидан яратилган ва унинг маълум вазифаларини бажарувчи маъбудлар шаънига айтилган мадҳиялардан иборат.

Зардуштийлик таълимотига кўра, Зардушт ўттиз ёшга етганида унга пайғамбарлик вазифаси берилган. У ўз тарафдорлари билан бирга Аивитак суви қирғоқларида хилват (ёлғизлик, чилла)га чиқиб кетган. Хилватнинг 45–кечаси самога кўтарилиб, Вохуманаҳ (Бехмен) деб номланган фаришта бир неча фаришталар билан бирга унинг кўкрагини ёриб, руҳини поклаганлар. Вохуманаҳ уни жаннат, яъни Ахура–Мазданинг хузурига олиб борган. Ўша ерда у диннинг ҳукмлари билан бирга юлдузлар, сайёралар, жаннат, жаҳаннам ва бошқа нарсаларнинг илмини ўрганган. Шундан сўнг Ахура–Мазда унга муқаддас китоб “Авесто”ни инъом этди. Зардушт таълимоти эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашнинг азалий эканига асосланган ахлоқий характердаги дин бўлиб, унда адолатли бўлиш, оқиллик, яратувчанлик ва меҳнатсеварлик билан ягона худога сиғиниш тарғиб қилинган. Бу курашда эзгулик тарафдори Ахура–Мазда охир–окибат ёвузлик тарафдори бўлмиш Анхра–Майнью (юнонча, Ахриман – ёмонлик, бузғунчилик ибтидоси) устидан ғалаба қозонади. Шунинг учун кўпчилик диншунослар зардуштийликни ассиметрик дуализмга мансублигини қайд қилишган.

Таълимотга кўра, биринчи инсон Говмард (форсча – ҳўкиз–одам) бўлган. Биринчи шоҳ Йима (Жамшид) ҳукмронлиги олтин давр ҳисобланган. Унинг даврида кишилар бекаму–кўст, бахтиёр яшаганлар. 900 йил ўтгач, шоҳ Йима ғурурга берилиб, ман этилган сигир гўштини ейди ва ёвузлик рамзи Ахриман ҳукмидаги кучлар бош

кўтаради. Оқибатда оламни музлик қоплайди. Йима Ахура–Мазда амри билан одамлар ва хайвонларни совуқдан сақлаб қолиш учун кўрғон куриб, унга ҳар бир жонзотдан бир жуфтани жойлаштиради. Инсоният тарихининг илк олтин даври тугагач, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш даври бўлган иккинчи давр бошланган. Учинчи даврда Ахура–Мазда ғалаба қилиб, эзгулик салтанати қарор топади, ўлганлар қайта тирилади.

Зардуштийлик таълимотига кўра, дунё синовлардан эмас, балки ёвузликка қарши курашдан иборат, холос. Таълимотда инсоният яшаётган дунё муҳим ҳисобланади. Шунинг учун унда дунёвий лаззатлардан охират учун воз кечиш масалалари илгари сурилмайди.

Зардуштийликка кўра, эзгу амаллар қилиш орқали ёвузликни енгиш мумкин. Ҳар бир зардуштий ҳаётини эзгу фикр – хумата, эзгу сўз – хухта, эзгу амал – хвартша асосига куриши ҳамда ёвуз фикр – дужвартшта, ёвуз сўз – дужухта, ёвуз амал – дужматадан сақланиши зарур.

Ҳар бир инсон виждон амрига биноан эзгулик ва ёвузлик орасидаги фарқни топа олиши лозим. Ҳар ким [Анхра–Майньо](#) ва унинг тарафдорларига қарши курашиши зарур. Жумладан, [Анхра–Майньо](#) яратган чаён, илон ва бошқа турли йиртқич хайвонлар храфстра (жирканчли) деб аталиб, уларни ўлдириш мумкин.

Зардуштий учун ҳар доим пок ҳолда бўлиш аҳамиятли ҳисобланади. Инсон ўзини пок сақлаши учун ёмон ўй–хаёллар, касаллик, ўликларга яқинлашмаслиги ҳатто уларга қарамаслиги ҳам зарур. Истисно тариқасида нопок бўлиб қолган киши янгидан покланиши керак. Инсон жасадини оловда ёқиш, муқаддас оловни ўчириш ва руҳонийларни ўлдириш энг оғир гуноҳлардан саналади. Зардуштийлар реинкарнацияни рад этадилар.

Кўпчилик диншунослар зардуштийликни дуализмга оид деб ҳисобласалар–да, лекин унда Ахура–Маздадан кейинги даражаларда турувчи ўзига хос худолар пантеони мавжуд эканини таъкидлаш лозим. Уларнинг энг буюклари Амэша Спэнта (Абадий муқаддас) – Ахура Мазда яратган

7 махлуқлардан бири. Бошка фикрга кўра, Амеша Спента – Ахура Мазданинг тимсоли, Язатлар – Ахура Мазда яратган куйи рухлар бўлиб, улар Ердаги турли ҳодиса ва ҳолатларга масъулдирлар. Энг машҳур язатлар Сраоша, Митра, Рашну ва Веретрагна ҳисобланади. Фраваши Осмонларда яшовчи ва Зардуштга ваҳий олиб тушувчи махлуқотлар. Шу билан бирга Спента–Манью (ёруғлик, яралиш ибтидоси), Аша Вахишта (адолат, ҳақиқат), Воху Мана (ақл, эзгу фикр, тушунтириш), Хшатра Ваирья (қудрат, қатъийлик, ҳукмронлик), Спента Армаити (муҳаббат, ишонч, раҳм, фидойилик), Хаурватат (саломатлик, мукамаллик), Амеретат (бахт, абадийлик) эзгулик тарафдорлари ҳисобланади. Анхра–Майнью, Друдж (ёлғон), Индра (зўрлик, зулм), Акем Мана (ёмон фикр, адаштириш), Шаурва (қўрқоқлик, пасткашлик), Тарамаити (такаббурлик), Таурви (қасаллик, нуқсонлик), Заурви (қарилик, ўлим) эса ёвузлик тарафдорлари ҳисобланади.

Зардуштийликда ҳар бир диндор шубҳасиз тасдиқлаши зарур бўлган муҳим ақидалар ишлаб чиқилган. Унга кўра, олий меҳрибон худо Ахура Мазданинг ягона ва мавжуд, Гегиг (Ер) ва Меног (Рух) оламлари мавжуд, Зардушт инсоният тарихида Ахура Мазданинг илк пайғамбари, “Авесто”нинг барча қисми илоҳий ҳақиқат, муқаддас олов Худонинг Ердаги тимсоли, Мобадлар Зардуштнинг биринчи шогирдлари ва ваҳийларнинг муҳофазачилари, покланиш маросимларини бажарувчи, муқаддас оловни сакловчи ва таълимотнинг шарҳловчилари, барча яхшиликларнинг барҳаёт фравашилари мавжуд бўлиб, одамларнинг фравашилари Ерда ёвузликка қарши курашиш йўлини танлаганлар, якунда эзгулик ва ёвузлик кучларининг уйғунлашиши, келажакда Саошьянта (халоскор) келиши ва унинг ёвуз Фрашо Керети устидан ғалаба қозониши, охири замоннинг содир бўлиши, ўлимдан сўнг ҳисоб–китобнинг бўлиши, адолатнинг қарор топиши, ёвузликка қарши кураш ва покликни сақлаб қолиш мақсадида зардуштийлик анъаналари ва маросимларга амал қилишнинг зарурлигига эътиқод қилиш шарт қилинган.

Зардуштийликка кўра, инсон вафотидан уч кундан сўнг унинг руҳи жасаидан ажралиб, Осмон (Кўшиқлар уйи)

га олиб борувчи Чинвад кўприги (Ажратиш кўприги)га боради. Чинвадда инсон руҳини эзгулик язатлари Сраоша, Митра ва Рашну ҳимоя қилади. Агар инсон руҳининг эзгу амаллари бир тола соч вазнида ҳам ёвуз амаллардан оғир келса, кўшиқлар уйига боради. Акс ҳолда унинг руҳини дев Визареш дўзахга ташлайди. Чинвадда инсон ўз Даэн (имон)ини учратади. Эзгу амал соҳибига имон гўзал қиз киёфасида кўриниб, уни кўприкдан олиб ўтишга ёрдам беради. Ёвуз амал эгасини эса, жодугар аёл кўприкдан дўзахга йикитиб юборади.

Зардуштийликка кўра, дунёга 3 нафар саошьянта келиши лозим. Улар Зардушт таълимотини қайта тиклайди, киёматга яқин уларнинг охиргиси Анхра–Майнью билан жанг қилиб, барча ёвузлик кучларини мағлуб этади. Барча ўлганлар қайта тирилади ва олов орқали ҳисоб–китоб килинади. Одамлар эриган металл оқимида барча гуноҳ ва нуқсонлардан тозаланади. Яхши одамлар учун олов сут буғидек туюлади, ёмон одамлар эса ёниб кетадилар. Шундан сўнг олам ўзининг асл ҳолатига абадий қайтади.

Зардуштийликда маросимлар қатъий белгиланган тартибда ўтказилади. Ҳар ким амал қилиши лозим бўлган шарт амаллар бўлиб, уларга кўра, барча маросимларни диний малакага эга эркак кишигина амалга ошириши мумкин, иштирокчилар пок ҳолда, Садрэ (оқ рангли махсус зардуштийлик кўйлаги), Кушти (махсус камар) ва бош кийимда бўлиши, аёллар эса сочларини рўмол билан беркитиши, иштирокчилар тик турган ҳолда оловга юзланиб, ибодатлар авеста ёки пахлавий тилида олиб борилиши таъминланади. Маросимда динсиз ёки бошқа дин вакилининг иштироки хосиятсиз ҳисобланади.

Зардуштийлар кунлик Гоҳи – куннинг гоҳ, деб номланувчи вақтларида беш маҳал – Хаван гоҳ (тонгдан пешингача), Рапитвин гоҳ (пешиндан сўнг), Узарин гоҳ (кун ботишдан олдин), Аивисрутрим гоҳ (кун ботгандан сўнг), Ушахин гоҳ (ярим кечадан тонгача) ибодатни амалга оширганлар.

Зардуштийлик маросимлари замирида ҳар қандай нопокликка қарши қураш таълимоти ётади. Бунда покланиш муқаддас олов ёрдамида амалга ошади. Зардуштийлар ибодатхонасида (оташкадэ) узлуксиз равишда муқаддас оловнинг ёниб туриши таъминланади. Баъзи ибодатхоналарда бир неча юз йиллардан бери муқаддас оловлар ўчмасдан келмоқда. Муқаддас оловларни ўчиб қолмаслигини Мобад (диний маросимларни авлоддан авлодга сақлаб қолиш масъулиятини олган, руҳонийлар оиласи)лар таъминлайди. Мобадлар оловни ҳар қандай ҳолатда ҳам асраши зарур бўлган. Янги оловни ёқиш фақатгина истисно вазиятларда амалга оширилади.

Муқаддас оловларнинг Шоҳ оташ Вараҳрам (олий даражадаги Шоҳ Баҳром олови) махсус шоҳона маросимлар, йирик ғалабаларга бағишланиб ёқилган. Уни ёқишда 16 хил олов жамланиб, бирлаштирилган. Ушбу олов билан боғлиқ маросимларни юқори мартабадаги руҳонийлар амалга оширишган. Оташ Адуран (ўрта даражадаги аслзодалар олови) 1000 кишидан кам бўлмаган аҳоли турар жойларида Мобадлар томонидан ёкилади. Бунинг учун жамиятнинг руҳоний, ҳарбий, деҳқон ва хунармандлардан бўлган табақалари иштирок этиши лозим бўлади. Олов олдида Нозуди (руҳоний, амалдор ва ҳукмдорлар шарафига ўтказиладиган маросим), Гавахгиран (тўй маросими), Садрэ пуши (Зардуштий шахснинг махсус кўйлак кийиш ва камар тақиш маросими), Гаханбар (Язатлар шарафига ўтказиладиган йил давомидаги байрамлар) каби маросимлар ўтказилади. Оташ Додгоҳ (куйи даражадаги олов) маҳаллий жамоаларнинг кундалик диний эҳтиёжлари учун ишлатилган. Форсларда бу каби жойлар Дар ба мехр (адолат эгаси Митранинг ҳовлиси) деб аталган.

Зардушт руҳонийлари ҳамма учун очиқ бўлган Додгоҳ (муқаддас олов ёниқ турадиган хона)да туриб, маҳаллий мунозара ва муаммоларни ҳал қилишган. Агар Мобад бўлмаса, унинг ишларини Хирбад (руҳоний оиласига мансуб диний малакаси юқори бўлмаган ибодатхона ходимлари) олиб борган.

Зардуштийликни қабул қилаётган шахс диннинг арконларини тан олиб, Фраван дуосини ўқиши, Садрэ ва Куштини тақиши лозим.

Динни қабул қилиш одатда ўсмирлик вақтидан бошланади. Зардуштийликни қабул қилаётган вақтда киши хушёр ва оғир гуноҳларни қилмаган ҳолда бўлиши лозим.

Бу динни қабул қилмоқчи бўлган кишининг баъзи маросимларни бажариши кифоя ҳисобланса—да, ҳинд зардуштийларнинг дастурига кўра, келиб чиқиши эроний бўлмаган бошқа дин вакиллари эҳтиромга лойиқ эмас.

Шундай бўлса—да, зардуштийликка кўра, инсон вафотидан сўнг унинг ҳукми диний мансубликка эмас, балки фикри, сўзи ва амалларига мувофиқ бўлади. Бошқа диндан воз кечган шахс эса зардуштий билан камида бир йил алоқада бўлган ва бу вақт давомида Мобад ёки Бехдин (руҳонийлар оиласига мансуб бўлмаган, аммо диний малакаси юқори бўлган шахс)лардан таълим олган бўлиши лозим.

Мобад томонидан дам солинган инсонни ички ва ташқи ёвузликдан сақловчи ва худо билан алоқага киришда Садрэ ва Куштидан фойдаланилади. Садре кийиш зардуштий учун фарз амаллардан ҳисобланади. Куштини муҳим маросимлар ва ҳар ибодатдан олдин ечиб ва тақиб туриш лозим. Улар доимо тоза ҳолда сақланиб, йилда икки марта Наврўз (Эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабасига бағишланган янги йил байрами бўлиб, йилнинг кун ва туни тенг 21 мартда нишонланади) ва Мехржон (Ҳосил байрами 23 сентябр куни нишонланади) байрамларида алмаштирилади.

Ит ёрдамида одамдан девларни қувиш ва поклаш учун Соғдид маросими ўтказилади. Маросим хушсиз одамларни тирик ёки ўлик эканини аниқлашда ҳам ўтказилган.

Зардуштийликда дафн маросими ва ундан кейинги тадбирлар мураккаб бўлишига қарамай ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Даслаб киши жасади подёб (ўликни тўлиқ ювиш) маросими олиб борилади. Жасадни кўтарган ва ювган кишилар барашнум (ўликка тегиб кетган ва оғир гуноҳлар қилган кишиларни поклаш) узоқ вақт давом этадиган маросим бўлиб, у итлар ёрдамида амалга

оширилади. Маросимнинг ўлимдан кейинги ҳаёт учун фойдали экани уктирилган ҳолда, ҳар бир диндорга умри давомида бир марта бўлса—да, тавсия қилинади. Ундан ташқари Ясна (Яснанинг 27 бўлими ўқилиши) маросими муқаддас олов олдида Мобадлар томонидан амалга оширилиб, унда дрон (махсус тайёрланган нон) ва хум (хаома, махсус тайёрланадиган ичимлик) иштирокчиларга тарфқатилади.

Анъанавий дафн маросими бўйича жасадни дахма (ердан 4–5 метр баландликда цилиндр шаклида бўлган махсус жой) га қўйилиб, унга ўликлар устма—уст тартиб билан ётқизилади. Таълимоғга кўра, ўлик Ахриманнинг вақтинчалик ғалабаси оқибати бўлгани боис у нопок ҳисобланади. Шунинг учун йирткич куш ва ҳайвонлар ихтиёрига топширилган жасаддан қолган суюқлар териб олиниб, ноус (махсус қутича)ларга солингандан сўнг дахмага қўйилади. Аммо, 1970–йиллар бошларида Эронда жасадни бетон қабрларга кўмиш амалиёти бошланган. Дафн маросимида насуса (кутига кўмувчилар) лар номли ижтимоий табақа вакилларида камидан икки киши иштирок этиши лозим. Дафннинг бир киши томонидан амалга оширилиши катта гуноҳ ҳисобланади. Ноилож вақтда эса итнинг кўмагидан фойдаланиш мумкин.

Зардуштийлик диний структурасида Эрон Мобадлари кенгаши (Анжумани моғоне Ирон) фаолият кўрсатиб, руҳонийлар иерархиясидан ташкил топган. Зардуштийликнинг диний иерархияси Рату (зардуштийликнинг ҳимоячиси, масъум мобад), Мобадан Мобад (мобадларнинг мобади), Сар—Мобад (ёки паҳлавийча, Бозорг дастур, мобадларнинг сардори, катта мобад), Дастур (кўрсатма берувчи, етакчи мобад), Мобад (ўрта мақоли мобад), Хирбад (куйи мақомдаги мобад) ва Мобадёр (мобад оиласидан бўлмаган руҳоний).

Ҳозирги вақтда зардуштийларнинг жебр (Эрон) ва форс (Ҳиндистон) жамоалари сақланиб қолган. Жумладан, Ҳиндистонда зардуштийликка эътиқод қилувчи кам сонли форсийлар бўлиб, улар VII асрда Эронга исломнинг кириб келиши оқибатида Ҳиндистонга қочиб келган форс

зардуштийларининг авлодлари ҳисобланади. Форсийлар дастлаб Катҳиавардаги Диу ва Гужаротдаги Сенженда яшаганлар. Кейинчалик Мумбай (Бомбей)га кўчиб ўтган зардуштийлар сони 100000 киши атрофида бўлиб, ҳозирги кунда Ҳиндистон аҳолисининг 0,007 фоизини ташкил қилмоқда. Ундан ташқари Австралия, Европа, Шимолий ва Лотин Америкаси, Россия Федерацияси ва МДХ мамлакатларида зардуштий жамоалари мавжуд.

Ҳозирги вақтда зардуштийликка эътиқод қилувчилар сони 200000 дан ошади. 2003 йил ЮНЕСКО томонидан зардуштийликнинг 3000 йиллиги нишонланди.

МОНИЙЛИК Дуалистик динларнинг энг йириги бўлган монийликка Сурайк ибн Фатак (216 – 276) томонидан асос солинган. Унинг арабийлаштирилган тўлик номи Х–аср араб манбаларида Моний – Сурайк ибн Фатак шаклида зикр қилинган. Ушбу дин қадимги Бобил динлари, яҳудийлик, христианлик, буддавийлик ва зардуштийликнинг диний таълимотлари асосида вужудга келган. Ўз даврида Монийлик Ғарбда Римгача, Шарқда Хитой ва Ҳиндистонгача бўлган худудда кенг ёйилган ва юқори нуфузга эга бўлган.

II – III асрларда Форс давлати Зардуштийлик динининг кучли босими остида эди. Шундай бўлсада, Моний христиан – яҳудий таълимотлари асосида улғайган. Унинг ота–онаси (Фатак ва Марям) асли Парфия саркардалари авлодларидан бўлган. Монийнинг ёшлиги гностиклар (илк христианликда худо ва дунёнинг яратилиши ҳақидаги таълимотни яратишга уринган диний – фалсафий оқим) ибодатхонасида ўтган ва 12 ёшга тўлганида ўзига илоҳий хабар (вахий) келганини маълум қилган. Ўзига хабар берган илоҳнинг номини Моний яъни “**икки моҳият** (Нур ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик) **руҳи**” деб атаган. Шунга кўра, унинг таълимотини иккихудолик гоёси (гностик дуализм)га асосланган деб айтилади. Шундан сўнг унга Моний – “Рух” лақаби берилган.

241–йил Моний 24 ёшга етганда унга ўз илоҳидан яна вахий келган ва ниҳоят ўз таълимотини очиқ ва баралла тарғиб қилиш вақти етганини билдирган. Шундан сўнг

Моний янги динга асос солишга қарор қилган ва ўзининг диний тарғибот ишларини бошлаган. 242 йилда Форс давлати шоҳи Шопур I нинг тахтга ўтириш ва тож кийиш маросими пайтида Моний биринчи марта ўз таълимотини оммавий баён этиб, ваъз айтган. Шундан сўнг Моний Шопур I нинг вафотига қадар (273 йил) мамлакатда ўзининг диний тарғиботини олиб борди. У ўзини шу диннинг асосчиси ва пайғамбари деб билган ва бутун Форс давлати, Ҳиндистон, Олд ва Ўрта Осиё бўйлаб сафарлар уюштирган. У ўз сафарлари давомида зардуштийлик, ҳиндуийлик, яхудийлик, буддавийлик ва христианлик динлари фаоллари билан мулоқотлар уюштирган ҳамда уларнинг таълимоти, ибодатхоналарининг фаолияти ва тарғибот услубларини ўрганиб, ўз таълимотининг тарғибот – ташвиқот ишларида фойдаланган. Шундай бўлсада Моний, ўз фаолиятини қатл қилингунга қадар Форс мамлакати ҳудудидагина амалга оширган.

Моний ўзини Зардушт, Ситхарта Гаутама (Будда) ва Исо Масиҳларнинг издоши деб билади. Шунга асосланиб Монийликни, синкретик (қоришиқ) характерга эга дейилади.

Аммо айрим маълумотларда Моний ўзининг илк тарғиботини айнан Месопатамияда эмас, балки Ҳиндистоннинг шимолий–шарқий қисмларида бошлагани айтилади. Чунки Моний, у ерда жаҳон динларидан бири бўлган буддавийлик таълимотини ўрганиш билан бир пайтда, ўзининг тарғиботчилик ишларини ҳам бошлаб юборган эди, дейилади.

275 йилда мамлакатда юқори нуфузга эга бўлган Мағлар (зардуштийлик руҳонийлари)нинг қистови билан Форс давлатининг янги шоҳи Баҳром I Монийни зиндонга ташлашга фармон берган ва 276 йилда қатл эттирган. Шундан сўнг Моний издошларининг баъзилари қийноқларга маҳкум этилган, айримлари мамлакатдан бадарға қилинган. Аксарият қисми эса ғарбда Рим империяси, шарқда эса Ҳитой, Уйғуристон ҳамда уларнинг атрофидаги давлатларда паноҳ топиб, монийлик таълимотини ривожлантирганлар.

Монийнинг таълимотида Нур ва Зулмат ўртасидаги азалий кураш асосий ўринни эгаллайди. Унинг мазмун–моҳияти эса, Нурнинг Зулмат устидан ғалаба қозонишига ишонишдир. Монийлик маҳаллий динлар — зардуштийлик, буддавийлик ва христианлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Моний ўзини аввалги динларнинг **“тўғриловчи пайғамбари”** деб эълон қилган. У христианликдан мессионизм ва “Масих” эътиқодини ўзлаштирган.

Борлиқнинг 2 субстанция асоси — ёруғлик, яхшилик ва руҳ олами билан зулмат, ёвузлик ва моддият оламининг ўзаро курашини эътироф этувчи зардуштийлик дуализми монийликнинг асосини ташкил этади. Уларнинг эътиқодича, биринчи оламда Нур (Худо), иккинчисида — Зулмат (Шайтон) ҳукмронлик қилади. Инсон икки унсурдан — Нур фарзанди бўлган руҳ ва Зулмат фарзанди ҳисобланмиш жисмдан иборат мавжудотдир. Шунинг учун инсон Зулмат кучларига қарши курашда Нур кучларига ёрдам бериши лозим деб қаралади. Ушбу икки олам ўртасидаги кураш фалокат билан тугайди, натижада моддият ҳалокатга учраб, руҳ ғалаба қозонади.

Монийлик таълимотига кўра, бу дунё ёвузлик дунёси деб қаралган ва пацифизм (урушмаслик) ҳамда мол–дунё йиғмаслик муҳим ўрин тутган.

Монийлик ўз эътиқод килувчиларидан мол–мулкларидан 1/10 ҳисса хайри–садақа беришни, бир кеча кундузда тўрт маҳал ибодат қилишни, ёлғончилик, қотиллик, ўғирлик, зино, бахиллик, сеҳргарлик ва унга ишонишни, бутпарастлик каби амаллардан узоқ юриш талаб қилган.

Монийлик ўз даврида аҳолининг қуйи табақа вакиллари орасида кенг тарқалган. Бунга сабаб улар Зулмат оламини зодагонларнинг зулмлари қиёфасида тасаввур қилганлар ва бундан халос бўлиш учун Нурга ибодат қилганлар. Бу билан Нурнинг ғалабасига ҳар ким ўз ҳиссасини қўшмоқда деб ишонганлар.

Моний Исо Масихни пайғамбар эканини тан олсада, Мусонинг пайғамбар эканини инкор қилган. Ўзини эса

Юҳанно инжилида башорат қилинган Исо Масихдан кейин келувчи “Параклит” (Фраклит) исмли пайғамбар деб даъво қилган.

Монийлик 763–840 йиллар давомида Турк–уйғур давлатининг расмий дини бўлган. Ўз юртларидан қувилган монийлар, Кичик Осиёнинг чекка ҳудудларига яширинишга мажбур бўлишган. Монийлик умумийлаштирувчи дин бўлгани сабабли тўғридан тўғри “пайғамбар”нинг ёзма буйруқларига асосланади. Унинг асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган.

Монийлик таълимоти у томонидан тузилган “Шопуркан”, “Тирик Ҳушxabарчи” (Моний ва унинг таълимоти ҳақида), “Прагматая” (сирлар китоби), “Кефалая” (Боблар) каби китобларда асослаб берилган ва айримлари рус тилига таржима қилинган.

Монийликдан бугунги кунга қадар биргина Хитойнинг Фуцзянь вилояти Цюаньчжоу туманида жойлашган монийлик ибодатхонасигина сақланиб қолган. Бу дин қанчалик энгиликка ва оддийликка асосланган бўлсада, тарихнинг мураккаб синовларига бардош бера олмади. Натижада у дин сифатида унутилди. Ундан эса, йирик тадқиқотлар учун маълумотларгина қолган холос.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Тангричилик динининг вужудга келиши ҳақида нималарни биласиз?
2. Тангричиликнинг таълимотларининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
3. Тангричилик қадимий туркийлар ҳаётида қандай ўрин тутган?
4. Зардуштийлик қачон ва қаерда вужудга келган?
5. Зардуштийлик асосчиси ким?
6. Зардуштийлик муқаддас манбаси қайси ва у ҳақида нималарни биласиз?
7. Монийлик динининг асосчиси ҳақида қандай қарашлар мавжуд?
8. Монийликнинг муқаддас манбалари ҳақида гапириб беринг.

Мустақил иш топшириқлари

1. Зардуштийликнинг келиб чиқиши ҳақидаги назарияларни атрофлича ўрганиб, шу ҳақда курсдошларингизга маълумот беринг.
2. Зардуштийликда муқаддас саналган унсурлар ва уларни эъзозлаш амаллари ҳақида реферат тайёрланг.
3. Зардуштийлик динининг бугунги кундаги қолдиқлари ҳақида гапириб беринг.
4. Мавзу бўйича кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

Адабиётлар

1. “Авесто” китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи” мавзуидаги илмий–амалий семинар материаллари. – Тошкент, 2000.
2. Аширов А. “Авесто”да мерос маросимлари. – Т., 2001.
3. Исҳоқов М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари. (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида) “Тил ва адабиёт таълими” журнали, 1992. № 2.
4. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир – Ш.Ёвқочев. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006.
5. Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. – Тошкент, 2000.
6. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
7. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: 1997.
8. Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи / Пер. с англ. И.М. Стеблин–Каменского. Послесл. Э.А. Грантовского. 2-е издание, исправленное. – Санкт–Петербург, 1994.
9. Васильев Л. История религий Востока. Учебное пособие для вузов. – 4-е изд. – М.: “Книжный дом “Университет”, 1999.
10. Горелов А. История мировых религий: учебное пособие. – Москва, Флинта: МПСИ, 2006.
11. Струве В. Родина зороастризма / Востоковедение, Москва–Ленинград, 1948.

5–МАВЗУ. ЯХУДИЙЛИК

Режа:

1. Яҳудийлик динининг юзага келиши.
2. Муқаддас манбалари.
3. Таълимоти.
4. Ибодат ва байрамлари.
5. Оқимлари.
6. Яҳудийлик Марказий Осиёда.

Таянч тушунчалар:

Иброний, Танах, Яҳве, Талмуд, Бану Исроил, Мусо, Исроил, Қуддус, Синагога, Мезуза.

Мавзу ўқув мақсади:

Яҳудийликнинг келиб чиқиши, асосчиси, муқаддас манбалари, уларнинг пайдо бўлишидаги тарихий жараёнлар ҳақида талабаларда кенг тасаввур ҳосил қилиши.

ЯХУДИЙЛИК ДИНИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

Дунёдаги энг қадимий миллий динлардан бири бўлган Яҳудийлик тахминан мил.авв. 2 – минг йилликда Мисрда пайдо бўлган. Ушбу дин таълимотига кўра, Худо 400 йил давомида Мисрда қулликда сақланиб келган Иброҳим авлодларини озод қилиб, Миср ерларидан олиб чиқиб кетган Мусо (Моше)га Синай тоғида ваҳий юборди ва яҳудийлик дини юзага келди, деб ҳисобланади.

Ҳозирда дунё бўйича тахминан 15–20 миллион киши яҳудийликка эътиқод қилади. Улардан 4,4 миллиони Исроилда, 6 миллиони АҚШда, қолганлари эса Европа ва дунёнинг бошқа мамлакатларида истиқомат қилади. Яҳудийликнинг муқаддас китобларида Бани Исроил билан Тангри орасидаги “аҳд”га кенг ўрин берилгани унинг энг

муҳим хусусиятларидан биридир. Шунинг учун ҳам, бу дин “Аҳд” дини сифатида ҳам эътироф этилади.

Яҳудийлик ягона Худога, муқаддас китобга ва пайғамбарларга имон келтирилиши билан миллий динлардан, миллийлаштирилиши билан эса, илоҳий динлардан ажралиб туради. Яҳудийликда динийлик ва миллийлик ўзаро бирлашиб кетган бўлиб, уларни бир–биридан алоҳида тушуниш мумкин эмас.

Яҳудийлик дини вакиллари тарихий ва адабий – бадиий манбаларда “яхудий”, “иброний” ва “исроил ўғиллари” каби номлар билан тилга олинади. Бани Исроилнинг 12 қабиласига асос солган, деб ҳисобланадиган Исҳоқ пайғамбарнинг ўғли Яъқубнинг 12 ўғлидан бирининг исми “Юда” ёки “Яхуда” бўлган деган тахминдан келиб чиққан ҳолда унинг исмига монанд равишда “яхудий” атамаси шаклланган. Мусо пайғамбарнинг *“Биз сенга қайтиб, ёлвордик”* сўзларига таяниб баён этилган бошқа бир тахминга кўра, яҳудий сўзи арабча “الي” (ҳода) ўзагидан келиб чиққан бўлиб, “қайтиш” ва “тавба қилиш” маъноларига эга.

Тарихий манбаларда “иброний” атамаси (ибр. “Ибри” – “нариги томоннинг одами, келгинди”) Фрот ва Иордан дарёларининг нариги тарафидан келган кўчманчиларга нисбатан ишлатилган. Бу ном Фаластиннинг Канъон ўлкасида яшовчи маҳаллий халқ томонидан Яҳудийларга нисбатан ҳам ишлатилган ва даврлар ўтиб, ушбу икки сўз синонимларга айланган.

Яҳудийларнинг ўзлари орасида кенг тарқалган қарашларга кўра, “Исроил” атамаси “Худо билан курашиб уни енгган” деган маънони англатади. “Ибтидо” китобининг 32 – боби 28 – матнида келтирилишича, бугунги кунда барча яҳудийларга нисбатан ишлатиладиган “Исроил ўғиллари” номи Яъқуб пайғамбарга Худо томонидан берилган.

Юқоридаги каби ёндашувларни умумлаштирган ҳолда мутахассислар орасида бу халқ Канъон (Фаластин)га жойлашишдан олдин яҳудий, Канъонда иброний, кейинроқ эса Бани Исроил деб номланган ва ушбу уч атама бир–

бирининг ўрнига ишлатилган, деган қарашларда муайян яқдиллик мавжудлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Умуман олганда, яхудийликда насл–насаб отага эмас, балки онага қараб белгиланишидан келиб чиққан ҳолда яхудий онадан туғилганлар бошқа дин танламайдилар. Агар бошқа миллат вакиллари яхудийликка ўтишни истаса, унда у руҳонийлар томонидан белгилаб қўйилган диний қонун–қоидаларга итоат этиши шарт ҳисобланган.

МУҚАДДАС МАНБАЛАРИ

Ҳар бир дин асосларини қамраб оладиган манбалар мавжуд. “Танах” ва “Талмуд” Яхудийликнинг ана шундай манбаларидан ҳисобланади. “Танах” (христианларда “Қадимги аҳд”) “Тора” (“Таврот”), “Навиим” (“Пайғамбарлар”) ва “Кетувим” (“Китоблар”) каби уч бўлимдан ташкил топган. “Танах” номи эса, ана шу уч бўлимнинг ибронийча бош ҳарфларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Мазкур манба “Китве кодеш” (“Муқаддас китоблар”), деб ҳам юритилади.

“Танах” (“Қадимги аҳд”) христианликнинг ҳам муқаддас китобидир. Шундай бўлса–да, уларнинг бўлимлари борасида жузъий фарқлар учрайди. Жумладан, “Библия”да “Қадимги Аҳд” 39 та китобни ўз ичига олса, яхудийликда баъзи қисмлар бирлаштирилгани учун 24 та китобдан ташкил топган.

“Танах”нинг биринчи бўлими “Тора” (ибр. – қонун, амр, дарс, раҳбар)нинг ўзи беш китобдан иборат. У Худо томонидан Мусо пайғамбарга Тур тоғида тахминан мил. авв. 1571 йилда нозил қилинган, деб эътиқод қилинади. Яхудийликда мил. авв. 586 йилда раввинлар ва яхудий дини арбоблари томонидан жамланган “Бобил Тавроти”га таянилса, христианликда унинг юнон тилига таржима қилиниши натижасида “Юнон Тавроти”, шунингдек, таржима қилишда 72 та яхудий руҳоний иштирок этганидан келиб чиқиб “септуагинта” деб номланган “Таврот”га асосланилади.

Беш китобдан иборат “Таврот”ни ифодалаш учун ибронийча “Хумаш”, юнонча “Pentateukhos” (penta: беш,

teukhos: китоб), Ғарб тилларида пентакок (Pentateuch–Pentateuque) каби сўзлар ишлатилади.

50 бобдан иборат “Ибтидо” (ибр. – “Берешит”) китоби “Таврот” таркибидаги биринчи китоб ҳисобланади. Унда илк инсон ва коинотнинг яратилишидан то исроил халқининг Мисрга келиб жойлашишигача бўлган воқеалар тадрижий равишда баён қилинган.

40 бобдан иборат “Чиқиш” (ибр. – “Шемот”) китобида эса, исроил халқининг Мусо бошчилигида Мисрдан чиқиши ва шу воқеа билан боғлиқ тафсилотлар ҳикоя қилинган. 27 бобдан иборат “Ловийлар” (ибр. – “Вайикра”) китобида эса, яхудийлик динининг асосий ахлоқий асослари ва диний кўрсатмалар, гуноҳларнинг каффорати, истеъмоли харом қилинган нарсалар, тақиқланган никоҳлар, диний маросимлар, байрамлар ва қурбонликлар билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Бани исроилнинг чўлда ўтказган ҳаёти ва бошдан кечирган ҳодисалари, қоя тошдан сув чиқарилиши, ўлим ва илон воситасида шифо топиш билан боғлиқ бўлган маълумотлар эса 36 бобдан иборат “Сонлар” (ибр. – “Бамидбар”) китобида келтирилган. Мусонинг ўлими, дафн этилиши, тутилган аза ва шу каби масалаларни ўз ичига олган 34 бобдан иборат “Иккинчи қонун” (ибр. – “Дварим”) китоби эса “Таврот”нинг сўнгги қисмини ташкил этади.

“Танах”нинг 2–бўлими бўлган “Навиим” китоби 8 бобдан иборат. Унда Ҳоқимлар (ибр – Шофтим), I ва II–Самуэл, I ва II Қироллар (ибр. – Малахим), Ёшуъа, Ёирмиях, Ихзқиёл, Ҳашуъ, Йўъэл, Амос, Овадя, Ёноах, Миха, Наҳум, Хаваук, Тзефания, Хагаи, Закарийё, Малахи каби пайғамбарлар фаолияти, жумладан, уларнинг яққахудолик ғоясини тарғиб қилиш борасидаги ҳаракатлари, ҳаёт йўллари ва амаллари ҳақида сўз боради.

“Кетувим” китоби эса, Техилим (Забур), Мишле (Сулаймонинг Масаллари), Ийов (Айюб), Шир аширим (Нашидалар нашидаси), Коҳелет (Воиз), Рут, Эстер, Еремянинг марсиялари, Дониёл, Узайр ва Неҳемя, Дивре Айамим (I ва II Тарихлар) каби қисмлардан иборат бўлиб,

уларда ибодат вақтида ўқиладиган дуолар, шунингдек, тарихий воқеалар баён қилинган.

“Таврот”нинг шарихи сифатида эътироф этиладиган “Талмуд” (ибр. – “ўрганиш”) оғзаки тарзда авлоддан авлодга ўтиб келган. Кейинчалик уларни унутиш хавфи пайдо бўлиши яҳудийликнинг келажагига таҳдид сола бошлади. Бундан ташвишга тушган яҳудий руҳонийлари оғзаки бўлган “Талмуд”ни ёзма шаклга келтирганлар.

“Талмуд” яҳудийлар учун “Таврот” каби аҳамиятга эга бўлиб, унинг ваҳий ва илҳом маҳсули эканига ишонилиб, уни инкор қилган киши яҳудий, деб эътироф этилмайди. Қадимдан “Талмуд”нинг ҳажмига алоҳида эътибор беришган. Шунинг учун ҳам, мавжуд “Талмудлар”нинг барчаси 2947 арақ ва 5894 бетдан иборат.

“Талмуд” “Мишна” (ибр. – “ўрганиш”, “таълимот”) ва “Гемара” (ибр. – “хотима”) каби икки бўлимга бўлинади. 190–200 йиллар оралиғида патриарх Яхуда ҳа–Наси (135–220) томонидан жамланган “Мишна”да Худо томонидан Сино тоғида Мусога ваҳий қилинган яҳудийликнинг диний, ахлоқий асослари баён этилган, деб эътиқд қилинади. “Гемара” эса, “Мишна”нинг баёни ва шарҳидир.

Умуман олганда, овқатланиш, кийиниш, озодалик, кун тартиби, ибодатлар, маросимлар ва байрамларга тааллуқли масалаларни ўз ичига олган “Талмуд”да яҳудийлик маросимлари тизими ишлаб чиқилган, дейиш мумкин. Шунингдек, унда яҳудийлар бутун умри давомида қатъий амал қилиши ва бажариши лозим бўлган 248 та буйруқ ва 365 та тақиқ ҳам мавжуд. Туғилган ўғил фарзанд саккиз кунлигида хатна қилиниши, фақат махсус қассоб – *шойихет* томонидан диний қоидаларга мувофиқ сўйилган гўштнигина истеъмол қилиш, эркакларнинг бир рангдаги (сидирға) матодан узун қилиб тикилган, чўнтаклари белдан пастда жойлашган кийим кийиши, бошни ҳатто уйкуда ҳам ёпиб ётиши зарурлиги ҳақидаги талаблар шулар жумласидандир.

Ибодат пайтида “Талмуд”да келтирилган 248 та буйруқ ва 365 та тақиққа амал қилишларини ўз зиммаларига

олганларнинг ифодаси сифатида қирғоқларида 613 та тугун тугилган махсус ибодат чойшаби – “талес”ни елкаларига ташлаб олишлари ҳам, ушбу талабларнинг яхудийлар ҳаётида нечоғлик улкан аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

ТАЪЛИМОТИ

Яхудийлик таълимоти Худо томонидан Мусога нозил қилинган “Ўн (10) амр”га риоя қилишга асосланади. Уларнинг эътиқодига кўра, Ўн амр Мусо пайғамбарга Тур тоғида икки марта туширилган бўлиб, “Таврот”нинг “Чиқиш” ва “Иккинчи қонун” китобларидан ўрин олган. Бу хусусда “Чиқиш” китобининг 32–бобида: “Сўнгра Худованд Мусога сўзлашувдан фориғ бўлганидан кейин, Сино тоғида иккита шаҳодат лавҳасини берди. Худованднинг кўллари билан ёзилган иккита тош лавҳа...” дейилган. Яхудийларга кўра, Мусо ўз қавмини кўллари билан ясалган бузукқа сиғинаётганини кўриб, бундан ғазабланиб, уни улоқтириб ташлаб синдирганидан кейин Худо қўйидаги Ўн амрни қайта туширган:

– Дунёни яратган, якка–ю ягона Яхведан бошқа илоҳ йўқлигига имон келтириш;

– Яхведан бошқага ибодат қилмаслик;

– Худонинг номини бўлар бўлмасга тилга олавермаслик;

– Шанба кунини муқаддас билиб, у кунда дам олиш;

– Ота–онани ҳурмат қилиш;

– Қотиллик қилмаслик;

– Зино қилмаслик;

– Ўғрилиқ қилмаслик;

– Ўз яқинлари (яхудийлар) ҳаққига ёлғон гувоҳлик бермаслик;

– Ўз яқинлари уйига, аёлига, қулига, ҳайвонларига, умуман унга тегишли бўлган нарсаларга кўз олайтирмаслик.

Шанба кунини муқаддас, деб билиш яхудийлар наздидаги энг муҳим эътиқодлардан биридир. Бу борада “Ибтидо” китобида: “Шанба кунини муқаддас деб билишинг учун эслагин. Олти кун ишлаб, ишингни қилиб оласан.

Аммо еттинчи кун, Худованднинг дам олиш кунидир. Сен ва ўглинг ҳам ҳеч қандай иш қилмайсан. Қизинг, кулинг, жорийанг, уйингдаги меҳмонинг ҳам. Чунки олти кунда Худованд осмон, ер, денгиз ва улардаги барча нарсаларни яратди. Еттинчи кун эса дам олди. Шунинг учун ҳам, Тангри сабт (шанба) кунини муборак қилди ва улуғлади”.

Шанба кунда шубҳасиз амалга оширилиши керак бўлган диний расм–русумлар бор. Яхудийлар наздида шанба кунининг ҳурматига тажовуз қилишдек катта гуноҳ йўқ. Бу кунда дам олиш фақатгина инсониятгагина хос эмас. Уларнинг эътиқодига кўра, ер, яъни тупроқ ҳам ҳар етти йилда бир марта дам олиши керак. Сабт деб номланувчи бу йилда, ерга ҳеч қандай экин экилмайди, ҳосил олинмайди.

Юқоридаги Ўн амр яхудийликнинг асосий диний ва ахлокий низомларининг ўзагини ташкил этади ва ҳар бир яхудий ҳаёти давомида уларга асосланиб яшаши керак бўлади.

Яхудийлик ақидаси асосида яккахудолик ғояси ётади. “Қадимги аҳд”га кўра бу Худонинг номи – Яхведир. Шундай бўлса–да, “Чиқиш” китобининг 20 – боб 7 – матнида қайд этилган: “..бехудага Парвардигорингни номини тилга олаверма” деган кўрсатмага мувофиқ, Худонинг номини тилга олиш тақиқланган. Шу боис ибодат вақтида “Адонай” (ибр. – “Худо”, “Парвардигор”) номи зикр қилинади.

Яхудийлик таълимотига кўра, Худо доимий равишда оламни бошқариб туради. Бу ишни ташлаб қўйган куни эса, олам ўз ниҳоясига етади. Унинг кучи етмайдиган иш йўқ. У барча мавжудотларга ҳокимдир. Оламда унинг иродасидан ташқари бирон бир мавжудлик, бор бўлиш йўқ. Худо ер юзига халоскор юбориб, у орқали барча ҳақсизликлар ва зулмлар йўқ қилинган оламшумул бир давлат куради. Бу “Худо подшолиги” бокий бўлади. Бу салтанат кўкда эмас, ер юзиде бўлади, у Худонинг иродасида ва инсонларнинг меҳнати эвазига курилади.

“Таврот”да учрамаса–да, “Пайғамбарлар” китоби ва “Талмуд”да қайта тирилиш ҳақида таълимот мавжуд. Жумладан, Дониёл пайғамбар китобида: “Ер остида

ётганлар қайта тириладилар, уларнинг бир қисми абадий роҳатга эришадилар, бир қисми эса уят ва шармандалиқда қолурлар”, дейилади. Шундан келиб чиқиб, яҳудийликда қиёмат куни барча инсонлар таналари билан бирга қайта тириладилар (ибр. “тхият ха–метим” – қайта тирилиш) ва ҳисоб–китоб қилинадилар, деб ҳисобланади.

“Таврот”да жаннат “Адан” номи билан аталиб, унинг сифатлари баён қилинган. Манбаларда таъкидланишича, жаннатга яҳудийлардан бўлган солиҳ кишиларгина тўғридан–тўғри кирадилар ва бошларида тож билан илоҳий лаззатни тотадилар. Гуноҳкор яҳудийлар эса, бошқалар билан бирга ер қаъри (ибр. – “Ге бне Хинном” – “Хинном болаларининг водийси” сўзидан “гехенна”, кейин эса ҳозир биз ишлатадиган “жаҳаннам” атамаси келиб чиққан)га, яъни дўзахга тушадилар ва у ерда 12 ой давомида азобланиб, гуноҳларидан фориғ бўлгач, жаннатга кирадилар.

Ҳозирда нисбатан кенг тарқалган эътиқод асослари раввин, файласуф ва табиб Моше бин Маймон (1135–1204) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидагичадир:

– Худо (Яҳве) борлиқдаги барча махлуқотларни яратган ва уларни бошқариш ўзининг қўлида;

– Худо бирдир ва ундан бошқа илоҳ йўқ;

– Худонинг жисми мавжуд эмас ва у ҳеч бир шаклда тасаввур қилинмайди;

– Худонинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ. У абадийдир;

– Худодан бошқа ибодатга лойиқ бўлган зот йўқ;

– Пайғамбарлар томонидан айтилган ҳар қандай сўз ҳақиқатдир;

– Мусо барча пайғамбарларнинг энг буюғидир;

– Бугунги кундаги “Таврот”, айнан Худо томонидан Мусога нозил қилингандир;

– “Таврот” ҳеч қандай ўзгаришга учрамаган, учрамайди ва бундан кейин Худо бошқа “Таврот” нозил қилмайди;

– Худо инсонларнинг барча хатти–ҳаракатларини ва ўй–фикрларини билади;

– Худо берилган бўйруқларга итоат этганларни мукофотлайди, унга осий бўлганларни эса жазолайди;

– Халоскор келади;

– Инсон вафот этгандан сўнг қайта тирилади.

Мусо бин Маймонга кўра, ушбу асослардан бирортасини қабул қилмаган киши яхудий жамоатидан чиқади.

Қайд этилган ғоялар ичида мессия (халоскор)нинг келишига эътиқод қилиш алоҳида ва муҳим ўрин эгаллашини қайд этиб ўтиш лозим. Зеро, унга кўра, халоскор эртами–кечми келиб яхудийларни кутқаради, дунёда тинчликни таъминлайди ва охир–оқибат “Худо подшоҳлиги”ни қуриш орқали яхудийларнинг дунёга ҳоким бўлишдек орзуларини рўёбга чиқаради.

XVI асрга келиб, ушбу таълимот шеърый кўринишга келтирилиб, кўпгина яхудий жамоалари томонидан кундалик ибодатларда фойдаланиб келинмоқда.

ИБОДАТ ВА БАЙРАМЛАРИ

Маълумки, ҳар қандай диннинг асосий руқнлари тизимида ибодат масаласи алоҳида ва ўзига хос ўрин эгаллайди. Яхудийликда ибодат (“авода ше–ба–лев” ибронийча – “Қалб хизмати”), тонг, пешин ва шом пайтида қилинадиган кундалик ҳамда шанба куни синагогада бўлиб ўтадиган ҳафталик ибодатдек икки шаклга бўлинади.

Ҳафталик ибодат (Шабат–Сабт) жума куни Қуёшнинг ботиши билан бошланади ва шанба куни ниҳоясига етади. Шанба куни олов ёқиш, ишлаш, ҳатто транспортдан фойдаланиш ҳам тақиқланади. Яхудийлик таълимотига кўра, Худо оламни олти кунда яратиб, еттинчи куни дам олган. Шунинг учун ҳам, яхудийлар еттинчи – шанба кунини дам олиш ва ибодатга бағишлайди.

Синагога (юн. “жамланиш”; ибр. – “бейт кнесет” – “жамланиш ўйи”)да ибодатлар, балоғатга етган (ўн уч ёш) ва камида ўнта эркак кишидан иборат жамоат бўлганда ўтказилади. Бунга “Минян” дейилади. Руҳоний ёки жамоатдан бирон киши бошқарадиган ибодат вақтидаги

энг муҳим лаҳза “Таврот” ўрамаларининг тугунлар ичидан чиқарилиши ва руҳоний томонидан ўқилишидир. Овозни чиқарган ҳолда “Таврот”дан парчалар ўқиш синагогадаги ибодатларнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Яҳудийларда фақатгина синагогада эмас, уйда ҳам ибодат қилинади. Уйларда кириш эшигининг юқорисида “мазуза” деб номланган, узун бир қувур ичига ўрама холида қўйилган “Таврот”дан жумлалар ёзилган қутичалар осилган бўлади. Уйга кириш ва чиқишда яҳудийлар “мазуза”га тегиб бармоқларини ўпадилар. Яҳудийларга кўра, “мазуза” уларни ёвуз руҳлар ёмонлигидан сақлайди.

Уйда олиб бориладиган ибодат вақтида бошга бош кийим, устга эса чакмон ташланади. Дуоларнинг энг муҳими саналган 16 таси оёқда тик турган ҳолда айтилади. Бошқаларини ўқиётганда тиз чўкиш, вужудни тебратиб туриш каби ҳаракатлар қилинади.

Синагогалар иқлим, минтақа ёки конкрет маданият таъсирида турли меъморий услубларда қурилиши мумкин. Лекин барча синагогаларда албатта, уч унсур жой олиши шарт. Улар: Арон Кодеш, Нер Тамид ва Бимадир. Қуддусга йўналган муқаддас сандиқ (шкаф) – Арон Кодеш ичида “Таврот” туморлари сақланувчи махсус жой бўлиб, у масжиддаги “меҳроб”га ўхшаш вазифани бажаради ва кириш эшигининг тўғрисида бўлади. Нер Тамид эса – (ибр. “абдий шамчирок”) синагогада “Таврот” солинган сандиқ рўпарасида жойлашган бўлиб, доимо ёниб турувчи шамчирокдир. Сингогаларда Нер Тамид Менорани эслатиб турувчи рамз сифатида қўйилади. Бима (ёки тева, алмемар) эса – синагоганинг марказида жойлашган, “Таврот” ўқиладиган минбардир.

Диний маросим ва байрамлар ҳам синагогаларда амалга оширилади.

Яҳудийликда кўплаб диний маросим ва байрамлар бўлса–да, улар аҳамияти жиҳатидан бир–бирдан фарқ

қилади. Улар 353, 354 ёки 355 кунни ташкил этадиган 12 ойдан иборат, мил. авв 3761 йилда – дунё яратилгандан бошланган, деб ҳисобланадиган яҳудийлик йил ҳисобига катъий риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Яҳудийларда Рош Ашона, Йом Кипур, Песах, Шавуот, Суккот, Симха Тора, Пурим, Ҳанукка ва бошқа шу каби диний ва миллий байрамлар (ибр. –Йом тов – яхши кун) мавжуд.

Рош Ашона (ибр. – “йил боши”). Яҳудий миллий тақвимига кўра янги йил байрами тишре (сентябрь–октябрь) ойининг биринчи ва иккинчи кунларида нишонланади. Яҳудийлик таълимотига кўра, бу кунда илк инсон Одам яратилган ва шу кунда Худо томонидан берилган тақикни бузиб, жаннатдан чиқарилган. Бу инсонга чиқарилган илк ҳукм эди. Шундан буён мазкур кунда Худо бандалари устидан ҳукм чиқаради. Масалан, янги йилда кимнинг вафот этиши ва кимнинг яшаши ўлим ёки ҳаёт китобларига ёзилади. Бирок, мазкур кунларда ўйин–кулгу қилинмай, 10 кун давомида истиғфор айтиб, ибодат қилиш орқали инсоннинг номи ўлим китобига эмас, балки ҳаёт китобига ёзилишига эришиш мумкин.

Ўн кун давом этган Рош Ашонанинг охири кунда *Йом Кипур* байрами нишонланади. Бу кун ҳеч қандай иш қилинмай, фақат ибодат билан машғул бўлинади. Яҳудийлар Йом Кипурда рўза тутишлари, синагогада надоматлар билан йиғлаб қилган гуноҳларига тавба қилишлари шарт. Уларнинг эътиқодига кўра, Рош Ашонада режалаштириладиган инсоннинг бир йиллик тақдири Йом Кипурда қилинган ибодат ва тавбасига қараб белгиланади.

Песах (Пасха) йиллик байрамлар орасида энг эътиборлиси бўлиб, нисан (март–апрель) ойининг ўн бешинчи кунидан бошланиб, саккиз кун давом этади. Ушбу байрам яҳудийларнинг Мисрдаги қулликдан озод бўлганлари муносабати билан нишонланади ва мазкур кунларда хамиртуришсиз нон “мацца” истеъмол қилинади. Бундан тановул қилиш билан ҳар бир яҳудий ота–боболарининг

Мусо бошчилигида чеккан машаққатларини ҳис қилади, деб ҳисобланади.

Песахдан кейинги 50–куни сивон (май–июнь) ойининг 6–7 кунлари яҳудийлар икки кун давом этадиган *Шавуот* (*Шевиот*) (ибр. – ҳафталар) байрамини нишонлайдилар. Шавуот дастлаб деҳқончилик байрами бўлган, кейинчалик Синай тоғида Мусога “Таврот”нинг берилиши муносабати билан нишонланган. “Талмуд”да келтиришича, Худо Шавуотнинг биринчи кечаси Ён амрни туширган. Шунинг учун ҳам, мазкур кунларда “Таврот”, “Талмуд” ва шу каби муқддас ёзувларидан саралаб жамланган “Тикун”ни ўрганишга алоҳида эътибор берилади.

Суккот (чодирлар байрами) яҳудийлар Мисрдаги куликдан озод бўлганларидан сўнг, чўлда чодирларда кун кечирганларини хотирлаб ўтказиладиган маросим. Қадимда яҳудийлар мазкур маросим кунларида Қуддусга зиёратга борганлар. Бугунга келиб бу анъана тусидан чиққан. Суккот тишре (сентябрь–октябрь) ойининг 15–кунидан бошланиб 7 кун давом этади. Яҳудийлар бу муддат давомида анъанавий равишда, ўз уйларининг олдига чодир курадилар.

Ҳар йили бир марта “Таврот” ўқиб чиқилиб, охирида Суккот бошланишининг 9–куни хатм байрами “*Симхат Тора*” (ибр. “Таврот қувончи”) нишонланади. Ҳар бир яҳудий хонадонида “Таврот” бўлиб, унга нисбатан ҳурмат ҳамма нарсадан устун туради. Бирор йиғилишда “Таврот” ерга тушириб юборилгудек бўлса, у ерда бўлганларнинг барчаси каффорати эвазига 30 кун рўза тутишлари шарт бўлиб қолади.

Миллий хусусиятга эга *Пурим* (Ширинлик байрами) адар (февраль–март) ойининг 14–куни нишонланади. Ушбу байрам Қуддусда 1 кун, бошқа жойларда эса 2 кун давом этади. Бу байрам Эстер исмли киз туфайли яҳудийларнинг Эронда қатлиомдан қутилиб қолишлари шарафига бағишланади ва унда кўнгилочар базмлар уюштирилиб, ширинликлар тарқатилади.

Ханукка (ибр. – “янгилашиш”, “ёритиш”) яхудийларнинг Сурия қироли Антиокас устидан қозонган ғалабалари шарафига бағишланган байрам ҳисобланади. 168–йилда яхудийларнинг Салавкийларга қарши олиб борган курашлари асносида, юнонлар ибодатхонага бостириб кириб, у ердаги ёғларнинг барини ифлос қилиб ташлайдилар. Яхудийлар ғалаба қозонгач, ибодатхонада менорани ёкиш учун, атиги битта идишда бир кунга етадиган тоза ёғ топадилар. Шунда мўъжиза юз бериб, бир кунга етадиган ёғ билан саккиз кун давомида менора ёниқ туради. Кислав (ноябр–декабрь) ойининг йигирма бешинчи кунидан бошланиб 8 кун давом этадиган бу байрамнинг одатий кунлардан биргина фарқи хануккия деб номланган тўққиз шохали шамдондан ҳар кун биттасининг ёқишидир.

Яхудийликда дафн маросими ҳам муайян ўзига хосликларга эга. Инсон вафот этгач, қариндошлари махсус кийим кийиб (бу урф асосан ортодоксал оқимда сақланган), шам ёқишади. Маййитни оқ кафанга ўраб, “Каддиш” (оромийча – “Муқаддас”, синагогаларда ўқиладиган ибодат дуоси)ни ўқийдилар. Ўлик чиққан хонадонда бир ҳафта давомида аза тутилиб, уйдан ташқарига чиқилмайди. Бир йил ўтгач, маййитни хотирлаб “йил маросими” (“Йорцайт”) ни ўтказиб, мақбарага қабр тоши ўрнатадилар. Йом–кипур, Суккот, Песах байрамларида марҳумларни хотирлаб “Йизкор” деб номланадиган махсус дуолар ўқилади.

Яхудийликда юқоридагилардан ташқари мустақиллик, мотам кунни ҳисобланган “Тиша бе ав” ва бошқа шу каби миллий, диний ва тарихий мазмунга эга бўлган бир қанча байрам ва маросимлар бўлиб, уларни нишонлашда оқим ва фирқаларда баъзи бир жузъий фарқлар кузатилади.

ОҚИМЛАРИ

Барча динларда бўлгани каби яхудийликда ҳам узоқ тарихий тараққиёт давомида ички бўлинишлар юзага келган. Хусусан, мутахассислар шартли равишда уларни уч гуруҳга – садуқийлик, фарзийлик ва эссанинийларни ўз ичига олган

классик, ҳасидийлик, қароим каби оқимлардан иборат ўрта аср ва ислохотчи, консерватив каби оқимларни қамраб олган замонавий оқимларга ажратишади.

Садуқийлик классик оқимлар орасида, муайян ўзига хосликлари билан бошқалардан фаркланади. Мазкур оқимнинг вакиллари асосан йирик ер эгалари, юқори қатлам вакиллари (аристократлар)дан иборат бўлган. Садуқий атамаси Сулаймон пайғамбар подшоҳлик қилган даврда рухоний бўлган Садока (Цадок) номидан келиб чиққан. Вокеликка рационалистик ёндашув садуқийликда бир қатор ақидавий ўзига хосликларни келтириб чиқарган. Хусусан, рухнинг абадий эмаслигини таъкидлаш, инсоннинг қайта тирилиши, фаришталарнинг мавжудлигини инкор этиш, улар барча нарсага рационал кўз билан қараб, Худо бандаларининг ишига аралашмайди, ҳар бир инсон тақдирини ўзи яратади, деб ҳисоблаш унга хос хусусиятлардан ҳисобланади.

Фарзийлар (ибр. – “перушим” – “айри бўлиш”, “нопокликлардан узоқ бўлиш”, “шарҳлаш”) оқими мил. авв. II асрда эътиқод ва амалда садуқийликка муҳолиф равишда юзага келган. Шунингдек, садуқийликдан фарқли равишда, фарзийларнинг ўзагини қўйи табақа вакиллари ва камбағаллар ташкил этган. Яҳудийлик қонун–қоидаларига қаттиқ риоя қилинишини талаб қиладиган ушбу оқим Худо ҳар бир нарсани назорат қилиши, бандага хос хур ироданинг мавжудлиги, ўлимдан кейин қайта тирилиш, жаннат, жаҳаннам, фаришталарнинг борлиги, жазо ва мукофотнинг борлигига ишонишга асосланади.

Иссийим яъни Эссанийлар садуқийлик ва фарзийлик билан бир даврда пайдо бўлган классик оқимлардан биридир.

“Иссийим” сўзи тарихий матнларда учрамаса–да, манбаларда унинг “диндор зоҳидлар” маъносини англатиши кўпроқ таъкидланади.

Эссанийларнинг эътиқод асослари фарзийларникига яқин бўлиб, улар инсонларнинг тақдири олдиндан ёзиб

қўйилганини, қайта тирилишни ва фаришталарнинг мавжудлигини ва эътироф этадилар. Хусусан, фаришталар — муқаддас мавжудотлар, “Осмон ўғиллари”, амалга оширадиган ишларига қараб “Нурлар қироли”, “Зулмат фариштаси”, “Озодлик фариштаси”, “Мастемах (шайтон)”, “Сақловчи фаришталар” каби синфларга ажратилади.

Шунингдек, уларнинг таълимотига кўра, инсон вафот этгандан сўнг, унинг руҳи осмонга кўтарилиб, яхши руҳлар абадий бахтли ҳаёт кечирадилар, ёмон руҳлар эса, қаҳратон совуқда азобланадилар. Шунинг учун ҳам, ҳар бир эссаний ўз ҳаётида доимо яхши амал қилишга, ахлоқий нормаларга қатъий риоя этишга ҳаракат қилиши лозим, деб ҳисобланади.

XVIII асрнинг биринчи чорагида юзага келган *ҳасидийлик* (ибр. — “диндорлар”) ўрта аср оқимлар ичида алоҳида ўринни эгаллайди. Унинг асосчиси Бааль Шем Тов диннинг моҳиятига ақл билан эмас, балки ҳис—туйғулар орқали эришилади, деган тамойилдан келиб чиқиб, шариат қонунларини ўрганишни эмас, балки диний ҳиссиёт ва ахлоқни биринчи ўринга қўйган эди. Шу билан бир қаторда, ҳасидийлар шанба ва байрам кунлари “Штраймл” номли телпак кийишлари билан бошқа оқимлардан ажралиб туради.

Умуман олганда, ҳасидийлар ҳаётнинг барча жабҳаларида ахлоқ нормаларга қаттиқ риоя этиб, “Таврот”да белгиланган бўйруқларни бекаму куст бажаришга ҳаракат қиладилар.

“*Ислоҳотчи яҳудийлик*” замонавий оқими XIX аср бошларида Германияда юзага келган. Немис руҳонийлари Абрам Гейгер (Abraham Geiger) ва Мосес Менделсон (Moses Mendelsohn)ларнинг Марказий Европада яшовчи яҳудийларни ўзлари яшаётган мамлакатнинг маданиятига мослашишга чақириқлари ушбу оқим юзага келишига ғоявий асос бўлиб хизмат қилган. Ушбу ислоҳотчилик ҳаракати Европада юзага келган бўлса—да, том маънодаги оқим сифатида АҚШда шаклланди, дейиш мумкин. Бугунги кунда, ислоҳотчи яҳудийлар сони Исроилда тахминан

5–6 минг киши бўлса, АҚШда яшовчи яхудийларнинг 40 фоизини ташкил қилади.

“Ислохотчи яхудийлик” “ортодоксал”ча қарашларни ўзларига қабул қилмайдилар. “Ислохотчи яхудийлик”ка хос хусусиятлар 1885–йилда қабул қилинган Питсбург (Pittsburg) платформаси номини олган қарорда ўз ифодасини топган. Унга кўра, “яхудийлар энди бир халқ (миллат) эмас, балки бир жамоатдир, қадим яхудий шариатидан фақатгина замонавий ҳаёт тарзига мос бўлганларигина қабул қилиниши мумкин”. Шундай ёндашувдан келиб чиқиб, масалан, шабат куни ибодати якшанба кунига кўчирилган.

Шунингдек, ислохотчи яхудийликда синагогада аёллар эркаклар билан ёнма–ён ўтириб ибодат қилишлари ҳамда руҳоний сифатида маросимларни бошқариши ҳам мумкин. Бундан ташқари ибодат вақтида бош кийим кийиш мажбурияти йўқ. Бошқа эътиқод вакиллари билан никоҳ муносабатларига киришишга монелик қилинмайди. Ота–онасидан қайси бири яхудийлигидан қатъи назар, фарзанд ҳам яхудий, деб эътироф этилади.

Ислохотчи яхудийликка жавоб сифатида *консерватив яхудийлик* юзага келганини ҳам қайд этиш лозим. 1885 йилда қабул қилинган Питсбург платформаси қарорларига қарши чиққан Гамбургнинг бош руҳонийси Исаак Бернайс (Isaac Bernays) ва Закариё Франклен (Zacharia Franklen) бошлиқ бир гуруҳ муҳолиф руҳонийлар асос солган оқим ўзининг нуфузи ва эргашувчилари сони жиҳатидан АҚШда ислохотчи, Исроилда эса ортодоксал яхудийликдан кейинги ўринда туради.

Бугунги кунда консерватив яхудийлик галаха (яхудий шариати мажмуаси)ни ижтимоий ҳаётда дастуруламал деб ҳисоблайди. Ислохотчилардан фарқли равишда консерватив яхудийликда бошқа эътиқод вакиллари билан оила қуриш қабул қилинмайди ва фақат яхудий онадан туғилган бола яхудий деб ҳисобланади.

Юқоридагилардан ташқари Реконструктив яхудийлик, Мессиян яхудийлик, Шанбачилар каби яна бир қатор оқимлар бўлиб, улар асосан XIX асрда юзага келган.

Эрон подшоҳи Кир II томонидан Бобил эгаллангач, яҳудийларнинг анча қисми Канъонга қайтиб, подшоҳнинг розилиги билан иккинчи марта ўз давлатларини қайта тиклашга эришдилар. Муҳожирликда қолган яҳудийларнинг бир қисми эса, бутун империя худудида эркин ҳаракат қилиш имкониятидан фойдаланиб, Кир салтанати даврида Шарққа, хусусан, Марказий Осиёга кўчиб ўтдилар. Бу яҳудийлар Марказий Осиёга ислом кириб келишидан олдин ҳам мазкур минтақада яшаганлари ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

ЯХУДИЙЛИК МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

Яҳудийлик ўрта асрларда Европа ва Византия империясида аёвсиз сиқувга олиниб, қувғин қилинган бир пайтда, Марказий Осиёда бошқа динлар қатори тенг ҳуқуққа эга бўлган. Маълумотларга кўра, илк синагога Бухорода VIII асрда қурилган. XII асргача яҳудийлар аҳолининг химоя қилинувчи қатлами – зиммийлар деб аталиб, уларга алоҳида маҳаллалар қуриб, ўз жамоалари билан тинч–осуда яшашга шароит яратиб берилган. Саёхатчи Вениамин Тудельский ўз кундаликларида ёзиб қолдиришича, 1170 йилда биргина Самарқандда 30 000 яҳудий яшаган.

XVI асрда Эронда яҳудийларга қарши олиб борилган ҳаракатлар натижасида уларнинг кўпчилиги Марказий Осиёдан паноҳ топган. Бу Марказий Осиёда яшаётган яҳудийлар сонининг янада ошишига замин яратган. Яҳудийларнинг Марказий Осиё минтақасида узок вақт мобайнида тинч–тоғув яшаш ва бу ерларга боғланиб қолиши уларнинг таркибида “бухоро яҳудийлари” деб аталадиган қатламни вужудга келтирди. Улар, асосан, форс тилининг Самарқанд–Бухоро диалектларида сўзлашишган.

Марказий Осиё Чор Россияси томонидан босиб олинган, Россиянинг Европа қисмидан савдо, тижорат қилиш мақсадида кўплаб яҳудийлар ҳозирги Ўзбекистон худудига кўчиб келишди.

Яхудийларнинг юртимизга кириб келиши Иккинчи жаҳон уруши даврида янада кучайди. Маълумотларга кўра, ўша йиллари Россия, Молдавия, Украина ва Белоруссиядан деярли 180 минг яхудий Ўзбекистонга кўчиб келди.

Бугунги кунда яхудийлар асосан Бухоро, Самарқанд ва Тошкент каби йирик шаҳарларда истиқомат қиладилар. Мамлакатимизда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган 8 та яхудий синагогаси, 5 та яхудий миллий–маданий маркази, шунингдек, Яхудийлар тарихи музейи фаолият олиб бормокда.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Яхудийлик дини қачон юзага келган ва унинг ўзига хос жиҳатлари нимада?
2. Яхудийлик таълимоти ҳақида нималарни биласиз?
3. Яхудийликда қандай оқимлар бор ва уларнинг фарқли томонлари нимада?

Мустақил иш топшириқлари

1. Яхудийлик манбалари ҳақида гапириб беринг.
2. Мазкур диннинг келиб чиқиши ҳақидаги яхудий, христиан ва ислом динларидаги ривоятларни таҳлил қилинг.
3. Қадимги ва замонавий яхудий оқимлари ҳақида реферат тайёрланг.
4. Марказий Осиёда яхудийлик ва Бухоро яхудийлари мавзусида кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

Адабиётлар

1. Беруний Абу Райҳон. Қонуни Масъудий // Беруний А.Р. Танланган асарлар. V том. Биринчи китоб. – Т., 1973.
2. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. – Т., 1968.
3. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик.

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
4. Кон–Щербок Д., Кон–Щербок Л. Иудаизм и христианство. Словарь. – М., 1995.
 5. Мюллер М., Вундт В. От слова к вере. Миф и религия (История религии). – М.: Изд-во Эксмо; Санкт–Петербург: Terra Fantastica, 2002.
 6. Пилкингтон С. Иудаизм / Пер. с англ. Е.Г.Богдановой. – М.: Фаир–Пресс, 2000.
 7. Религиоведение. Хрестоматия / Пер. с англ., нем., фр. Сост. и общ. ред. А.Н.Красникова. – М.: Книжный дом “Университет”, 2000.
 8. Религиоведение: хрестоматия / сост. В.Б.Рожковский, Д.Л.Устименко. – Ростов на Дону: Феникс, 2009.
 9. Тора (Пятикнижие Моисеево). / Под. общ. ред. проф. Г.Брановера. – Иерусалим, Москва: Шамир, 1993.
 10. Васильев А. История религий Востока. – М., 1997.
 11. Кривелев И. История религий. – М.: 1989.
 12. Кулаков А. Религии мира. – М.: 1996.
 13. Мень А. История религии. – М.: 1994.
 14. Яблоков И. Основы религиоведения. – М. 1998.

6–МАВЗУ. ҲИНДИСТОН ДИНЛАРИ: ВЕДИЗМ– БРАХМАНЛИК–ҲИНДУИЙЛИК, ЖАЙНИЙЛИК, СИКХИЙЛИК

Режа:

1. Ведизм.
2. Брахманлик.
3. Ҳиндуийлик.
4. Жайнийлик.
5. Сикхийлик.

Таянч тушунчалар:

Веда, Веда худолари, Варуна, Индра, Каста, Упанишада, Сансара, Тримурти, Бҳагавадгита, Махавира, Сикхийлик, Амритсар, Харимандр, Ниргун.

Мавзу ўқув мақсади:

Ҳиндистон динларининг келиб чиқиши, асосчилари, муқаддас манбалари, уларнинг пайдо бўлишидаги тарихий жараёнлар ҳақида талабаларда кенг тасаввур ҳосил қилиши.

ВЕДИЗМ

Ҳиндистон турли элат ва миллатларни ўз бағрига олган бой ўлка бўлиши билан бир қаторда, ҳозирда мавжуд бир қанча динларнинг ватани ҳам ҳисобланади. Ҳиндистон динлари ўзининг кўпмингйиллик тараққиёти давомида бир неча бор такомиллашди ва номлари ўзгарди.

Милоддан аввалги иккинчи минг йиллик ўрталарида Шарқий Европадан Ҳиндистоннинг шимоли–ғарбий қисми, ҳозирги Панжоб худудига ғарбдан Ҳиндикуш довони орқали ўзларини “орийлар” деб атаган жангари халқлар бостириб келиб, Ҳиндистонни истило қила бошладилар. Улар ўзлари билан муқаддас ёзувлари, санскрит тилидан таржима

килинганди “муқаддас, илоҳий билим” маъноларини англаувчи, Ведаларни ҳам олиб келган эдилар. Вақт ўтиши билан, орийлар томонидан олиб келинган мазкур матнлар бутун ҳинд халқининг энг муқаддас манбасига айланиб қолди. Ҳинд муқаддас китоблари икки қисмга “Ваҳийга таянувчи” – Шрути ва “Достоний” – Смитрига ажралади. Ведалар булардан Шрутига киради.

Ведалар ибодат масалалари, маросим, фалсафий таълимотлар, тарихий хабарлар, илоҳий қўшиқ, ниёз, дуо, яшаш қоидалари, тилсим ва сеҳр каби мавзулардан иборат. Шунингдек, Ведалар, “Риши” деб номланувчи ғайритабиий кучлар билан алоқада бўла оладиган кишиларга “ваҳий” қилинган, деб эътиқод қилинади.

Ҳиндистоннинг 3500 йиллик тарихини ёритиб берувчи Ведалар 4 бўлимдан ташкил топган:

1. Риг Веда – “Мадҳиялар ведаси” – 1017 та қўшиқдан ташкил топган. Ҳар бир қўшиқ 10 га яқин сатрдан иборат. Бу қўшиқлар ўн та китоб, яъни Мандалага бўлинади. Улар ичида энг узун 191, энг қисқаси 43 та қўшиқ мавжуд. Риг Веда ведалар ичида энг муҳими ва қадимийси ҳисобланади. Унда ўзига хос адабий вазн мавжуд бўлгани сабабли у баланд овозда ўқилади. Бу веда шукр ва истак, улуғлаш шаклидаги дуолар, жанг пайтида айтиладиган шеърларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, Риг Веда Авестонинг баъзи жиҳатларини ҳам очиб бергани сабабли кўплаб ноаниқ афсонавий шахслар бу икки манбани бир–бири билан қиёслаш натижасида пайдо бўлган.

Риг Веданинг қадимий ҳиндлар маданиятидаги ўрнини тушуниш учун китобнинг пайдо бўлиш тарихига ҳам назар солиш лозим. Орий қабилаларининг кўчиб келишлари кўп асрларга чўзилган ва жуда кенг миқёсни қамраб олган узоқ жараён бўлган. Орийлар бу минтақага келганларида уларнинг нафақат жанг аравалари, балки худоларга бағишланган, жангчиларнинг жанговар руҳини қўллаб–қувватловчи, душман устидан ғалаба қилишлари, шон–шуҳрат, бойлик, эркак авлод қолдириш, тараққий этиш учун бўлган интилишларини акс эттирувчи мадҳиялари

мавжуд бўлган. Бу мадҳиялар руҳоний оилаларида оғиздан–оғизга, авлоддан–авлодга ўтди ва кейинчалик китоб ҳолига келтирилди.

Риг Веда Ҳиндистон ҳудуди, асосан, Панжоб, Ҳинд дарёси хавзасида ягона асар ҳолига келтирилди ва Шимолий Ҳиндистоннинг милоддан аввалги II–I минг йилликларида юз берган воқеалари ҳақида маълумот берувчи ягона манбаи ҳисобланади.

Риг Веда худоларга айтилган мадҳиялар тўплами, яъни диний ёдгорлик бўлиб, унинг муаллифлари – риши куйловчиларнинг асосий вазифалари худоларни орийлар томонига оғдириш бўлган. Улар мадҳияларни куйлаб худоларни мақтаганлар, қахрамонлик ва шарафларини улуғлаганлар, қурбонлик келтириш маросимларига таклиф этилганлар, орийларни қўллаб–қувватлаш ҳамда ҳаёт фароғатларини ато этишларини сўраганлар. Худоларга таъсир этишнинг энг асосий йўли – уларга мадҳия айтиш, деб ҳисоблаганлар.

2. Сама Веда – “Қўшиқлар ведаси” ҳисобланиб, у Риг Ведадан олинган қўшиқлар, шунингдек, турли хил мавзулардаги роҳиблар ўқийдиган назмий мадҳиялардан иборатдир.

Сама Веда ҳозирги кунгача икки таҳрирда етиб келган: Каутхума (Kauthuma) ва Ранаяния (Rānāyāniya). Каутхума тўплами 1810 қўшиқдан иборат бўлиб, ундан фақатгина 76 таси Ригведада учрамайди, қўшиқлар, асосан, Риг Веданинг VIII ва IX мандаласидан олинган бўлиб, улар тантанали қурбонлик маросимида роҳиблар томонидан ўқилади.

Каутхума ҳам ўз навбатида икки қисмдан иборат: биринчи кичикроқ бўлган ҳажми Агни, Индра илоҳиётларига, иккинчиси Сомага қурбонлик келтириш маросимида айтиладиган қўшиқлардан иборат. Шеърлар орасида ички боғлиқлик бўлмай, улар тартиби маросимларнинг боришига қараб белгиланган. Бу шеърлар оҳанг билан қўшиқ тарзида айтиш учун мўлжалланган. Ушбу веданинг мақсади диний маросимларда айтиладиган қўшиқларни ўргатишдан иборат. Ҳиндистонда ҳозиргача ведаларни куйга солиб

куйловчилар – самавединалар сақланган бўлиб, уларнинг турли мактаблари мавжуд.

3. Яжур Веда – “Қурбонликлар ведаси”дир. Унинг асосий қисмини қурбонлик қилиш усуллари – яжус ташкил қилади. Мазкур яжуслар қурбонлик маросимнинг маълум бўлимларида жуда паст овозда ижро этилади, улар маъносини эса маросимнинг ўтказилиш тартибидан келиб чиқиб тушуниш мумкин. Яжусларнинг баъзи қисмлари назм, баъзилари эса наср шаклида ёзилган бўлиб, қурбонлик билан боғлиқ сўз ва дуоларни ўз ичига олади.

Яжур Веда таркиби маросим, яжус ва мантралар, Брахмана шарҳлари каби уч қисмдан иборат.

Яжур Веда матни турли маросим ўтказувчи брахманлар мактаблари томонидан қайта ишланган шаклларга эга. Ҳинд анъанасига кўра, веданинг бу мактаблари Қора ва Оқ Яжур Ведага бўлинган. Қора Яжурведанинг турли мактабларга хос бўлган Катхака, Капиштхала–Катха, Майтрайани, Тайттирия каби қайта ишланган шакллари мавжуд. Унинг “қора” деб аталишига сабаб унда шеърий яжус ва мантралардан ташқари насрий изоҳлар, яъни брахмана қисмининг мавжудлигидир. Оқ Яжур Веданинг Ваясанейи номли биргина тахрири бор. У фақат яжус ва мантралардан иборат бўлиб, насрий изоҳлардан ҳоли бўлгани учун “соф, оқ” деб номланади.

4. Атхарва Веда – “Афсун ва жодулар ведаси” коинот билан боғлиқ, мистик парчалар ва сеҳр билан алоқадор дуолардан иборат. Ўша даврда афсун ва жодулар олов устида бажарилгани сабабли, у афсонавий руҳоний Атхарвана – “Олов руҳонийси” номи билан узвий боғлиқ.

Брахманлар, бу матнларни ҳаётнинг турли даврларида ўқиб юришга мажбурдирлар. У бошқа ведалардан кейинги даврларда ёзилган бўлиб, 730 та илоҳийни ўз ичига олади. Бу веда халқ ишончлари, донишмандлик ва сеҳргарлик каби мавзуларда маълумотлар беради.

Атхарва Ведада руҳонийларининг асосий ибодати ҳисобланган Сомага қурбонлик қилишга умуман эътибор қаратилмаган. Шунинг учун ҳам у юқоридаги уч ведага эътикод қилувчилар томонидан тан олинмаган. Ушбу веда

асосан оила атрофида марказлашган маросимлар билан боғлиқ. Шу туфайли, Атхарва Веда ўзидан аввалги уч ведадан ўз маросимларининг негиз ва моҳияти билан фарқланади, асосида узоқ ўтмишга бориб тақаладиган халқ сеҳргарлик маросимлари ётади.

Атхарва Веда 6000 шеърдан иборат 371 мадҳияни ўз ичига олади. Улар жами 20 китобда жамланган.

Ведаларда бутун табиатнинг илоҳий экани ҳақидаги таълимот илгари сурилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ҳиндистон кўпхудоликнинг ўчоғи ҳисобланади. Ундаги тасаввурларда бири иккинчисидан юқори бўлган, иккинчиси, аксинча, пастроқ бўлган қатор илоҳлар сиймоси намоён бўлади. Бироқ бу даражалар тўхтовсиз алмашилиб туради. Ведалар илоҳлари орасида “энг улуғи, энг кичиги, энг қариси, энг ёши” бўлмай, улар барчаси улуғликда тенгдир. Энг юқори ҳокимият ҳам кўпчиликка тегишли. Бир вақтнинг ўзида бир худо бутун борлиқ ҳукмдори бўлиши ва шу билан бирга у иккинчи бир худога тобе бўлиши мумкин. Масалан, Индра ва барча худолар Варунага тобе бўлган бир пайтда, Варуна ва бошқа барча худолар Индрага бўйсундилар. Худди шу муносабат бошқа худоларга ҳам тегишли. Бу белги веда илоҳиётига ҳам хосдир.

Ведаларда худолар – осмон, куёш, ҳаво, ер, аёл худолар каби худолар тоифаси ҳақида мадҳиялар баён этилган.

Осмон худолари. Улар сирасига Дяус, Варуна, Индра каби турли осмонларни бошқариб турувчи худолар қиради. Бироқ Варуна кейинчалик сув ва денгизлар худосига айланиб кетган.

Куёш худолари. Риг Ведада куёш энергиясининг турлича намоён бўлишидан беш худо юзага келгани ҳақида сўз юритилган. Уларнинг энг қадимийси Митра – “дўст”дир. Суря куёшнинг ёркинроқ намоён бўлган кўриниши ҳисобланади. У юнонлардаги Аполлон каби етти от бириктирилган ғилдиракли араваларда тасвирланган. Савитри эса, куёшнинг қувват берувчи кучида намоён бўлади. Пушан мурувватли ҳисобланиб, куёшнинг маҳсулдорлик фаолиятини ўзида намоён қилади. Уларнинг яна бири Вишну

ведаларда зикр қилинган ва кейинчалик унутилган худолар орасида абадий ҳисобланган ва ҳозирда бугун Ҳиндистонда улуғланади.

Ҳаво худолари. Бу худолар қаторига Ашвина ва Савитар номи билан аталувчи икки тонг худоси қўшилади.

Улар бошида осмон подшоси ва орийлар миллий худоси Индра туради. У аввало, иккита сариқ отга қўшилган гилдиракли аравада турувчи жанг худосидир ва орийлар уруғининг етук сардори рамзидир. Даставвал, Индра хинд анъаналарида чакмоқ худоси сифатида намоён бўлган. Бироқ босқинчилар томонидан кўп йиллар давомида олиб борилган урушлар уни уруш худосига айлантирди. Ёмғир худоси Панжания, шамол худоси Вайюлар ведаларда аниқ келтирилмагани боис, улар Индра билан умумлашган ҳолда тасвирланган. Яна бир худо Рудна бўлиб, одамларнинг унга нисбатан чексиз кўркувлари уларни доимий равишда Руднага бағишлаб мадҳия ва дуолар ўқишга ундаган. У Риг Ведада Шива – “ёқимли” номи билан зикр этилади.

Ер худолари. Ер худоларининг энг улуғи ерда куёшнинг, ҳавода чакмоқнинг, ер устида оловнинг мужассамлашуви ҳисобланган олов худоси Агнидир. Агни ҳақидаги афсоналар Ҳиндистондан ташқарида вужудга келган. У одамлар қурбонликларини худоларга етказувчи руҳоний сифатида тасаввур қилинган ва бирор қурбонлик унинг воситасисиз худоларга етиб бормади, деб ҳисобланган.

Аёл худолар қаторига тонг ва тонг нури маъбудаси Ушас, дарё худоси Сарасватилар кирган. Сарасвати кейинчалик брахманликда сўз худоси сифатида тасвирланган.

Ведалар асри ўз ичига уч даврни олади:

Ибтидий фикрларнинг ёйилиши ва табиат кучларига сиғиниш даври. Бу милoddан аввалги XV асрдан бошланади. Ведаларда бу давр ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

Ведаларнинг китоб шаклига келтирилиши ва брахманлар томонидан шарҳланиш даври. Бу тахминан милoddан аввалги VIII асрлардан бошланади. Бу даврда дин ишлари билан машғул бўлган, коҳинлар жамоалари – брахманлар юзага келган.

Брахманлар ўзларига доир чексиз имконият ва имтиёзларни муқаддаслаштириш мақсадида ўз фойдаларини кўзлаб веда матнларини шарҳлаганлар. Кейинчалик, улар ўзлари ва асл маҳаллий халқ орасидаги алоқалар кундан кунга заифлашиб бораётганидан ташвишга тушиб, кишилар орасини ажратиб турувчи табақалар низоми, яъни каста тизимини ишлаб чиққанлар. Мана шу даврга келиб, ҳали мавжуд бўлмаган Ҳиндуийликка аста–секинлик билан пойдевор қўйила бошлаган.

Муқаддас китобларни умумлаштирувчи давр. Бу Упанишадлар даври бўлиб, милоддан аввалги VI асрдан милоддан кейинги бир неча асргача чўзилади. У зоҳидона оқимлар сир–асрорлари ва шахсий мушоҳадаларини ўз ичига олган бўлиб, ботиний ҳаётга берилиб, зоҳирдан йироқлашган руҳоний ва таркидунёчиларни тўғри йўлга бошлаш учун тартибга келтирилган. Упанишадлар руҳий–маънавий йўл ҳисобланиб, диний такомиллик занжирининг энг юқори мартабаси ҳисобланган.

Упанишадлар икки юздан ортиқ бўлиб, узоқ вақт давомида яратилган. Ведалардан фарқли равишда Упанишадларда ибодат маросимлари қисқартирилган, асотир эса фалсафий мушоҳадалар учун калит вазифасини ўтайди.

Аслида, “Упанишад” устознинг шогирд тарбиялаш жараёнини билдиради. Бироқ аста–секин у тарбия жараёнида бериб борилаётган сабоқлар моҳиятини ифодаловчи фалсафий матнга нисбаган қўлланила бошлаган. Упанишадларда Ригведадаги айрим тасаввурлар янада ривожлантирилган. Масалан, такводорлар ўлимдан кейинги ҳаётга икки йўл орқали кирилади: биринчиси илоҳлар йўли бўлиб, илоҳий билимларни эгаллаш орқали ҳақиқатга етишган одам Бараҳман олами – фароғат оламига кўчиб ўтади ва у ердан ортга қайтмайди. Иккинчиси эса, ота–боболар йўли бўлиб, бу йўл мунтазам ибодат билан шуғулланган, аммо ўз билимида чегараланиб қолганлар йўлидир. Улар Бараҳман оламига бориб, айрим ўзгаришларга учрайдилар, сўнг яна бу оламга қайтадилар.

Веда ибодатлари икки турга бўлинади. Биринчиси дуолар, иккинчиси худоларга атаб қилинадиган қурбонликлар ёки бошқа бирор нарсаларни тақдим қилишдан иборат. Даставвал дуо китоблари бўлмаган пайтда ибодатлар фақат қурбонликлар шаклида амалга оширилган. Унда маъбудларга қуйдирилган мой, нон ва ниҳоят, сув ёки сут билан аралаштирилган сома ичимлиги тортилган, ҳайвонлар масалан, от қурбонлик қилинган. Қурбонлик банда билан худо ўртасидаги савдо, келишув маъносида қабул қилинган. Масалан, инсон бир нарсага муҳтож бўлса, худога қурбонлик қила туриб ундан ўз эҳтиёжини қондиришни сўраган. Вақт ўтиши билан бу маросимлар мураккаблашиб борган. Кейинчалик Риг Веда, Атхарва Веда каби мадҳия ва дуоларни ўзида жамлаган китоблар пайдо бўлгач, ибодатнинг иккинчи кўриниши – худоларга атаб дуо ва мадҳиялар ўқиш одат тусига кирган.

БРАХМАНЛИК

Брахманлик веда динларининг бир бўлаги ҳисобланади. Вақт ўтиши билан ведалардаги қўшиқлар нафақат оммага, ҳатто руҳонийларга ҳам тушунарсиз бўлиб қолди. Бу қўшиқлар ҳали ўзгаришга учрамай, муқаддас тил ва муқаддас матнлар пайдо бўлди. Ниҳоят, бу тилни ўрганиш учун кишилар алоҳида гуруҳлар тузиб, бунинг учун махсус вақт ажратдилар. Динга хос бўлган хусусиятлардан бири – илоҳий тилни ўзгартириб бўлмаслигидир. Тилнинг эскириб амалдан қолиши ва фақат муқаддас тилга айланиб қолиши мазкур диннинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллардан биридир. Шу туфайли ўз ҳаётларини ибодат қилиш, илоҳиёт илмини ўрганиш, мураккаб маросимларни ўтказиш ва халқ руҳоний ҳаётини бошқаришга бағишлаган брахманлар табақаси, яъни, каста вужудга келди.

Орийлар умуман бошқа маданият, ҳаёт тарзига эга бўлган турли халқлар билан учрашиб, мутлақо бошқа табиий шароитга дуч келганлари сабабли кўчманчиликдан ўтрок ҳаётга ўтиб, давлатдаги ҳукмрон синфга айландилар.

Шундан сўнг уларнинг динлари – ведизм мазкур жараёнлар таъсирида тараққий этди. Бу тараққиёт динни фалсафий жиҳатдан чуқурлаштириш, руҳонийлар табақаси мавқеини кўтариш, ибодат ва маросимларни мураккаблаштириш, илоҳлар сифатини мураккаб томонга ўзгартириш ҳисобига бўлди. Шундан кейин ўзгартириш киритиши тақиқланган диний ақида вужудга келди.

Юқорида зикр этилган фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, брахманликда халқнинг эмас, балки маълум руҳонийлар табақаси манфаатлари ҳимоя қилинади. Браҳманлар диний ҳаётни бошқариб борувчи қоҳинлар табақаси – жамиятнинг олий табақаси ҳисобланар эдилар. Браҳманнинг сўзи қолганлар учун қонун бўлиб, ҳатто ҳукмдорлар ҳам унга бўйсунар эдилар. Халқ бошига кулфат тушганда, улар балони даф қилишга, касаллик тарқалганда уларнинг дуоסי билан офат қайтарилишига, ёки, аксинча, уларнинг қарғиши ўлим ва кулфат келтириши мумкинлигига эътиқод қилинган.

Брахманликнинг асосий белгиларидан бири брахманлар ва ведаларга тегишли сутралардир. Сутралар санъатнинг санскрит тилида ёзилган алоҳида кўринишидир. Унда мавжуд вазиятга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда маълум табақага юқори ўрин берилади. Браҳманлар ўз номларини нафақат тузган динларига балки, жой номи сифатида, фан ва санъатга ном қилиб бердилар. Масалан, Браҳмания, брахманлик шеърятти, тиббиёти, математикаси ва шу кабилар. Улар ўзларининг келиб чиқишларини етти руҳоний оиланинг бошлиқлари бўлган етти ришидан деб ҳисоблайдилар. Мадҳияларнинг илк муаллифлари бўлган шоир, тилшунос ва ҳозиржавоб кишилар ўз касбларини авлодларига узатганлар. Веданинг ўзида айтилишича, “ражарши” (“риши–подшоҳ”) лар баъзан шундай мадҳияларнинг муаллифлари бўлганлар.

Брахманлар табақаси орийларнинг Ҳиндистон ҳудудига кириб келишларидан аввал шаклланган, деган фикрлар ҳам мавжуд. Аммо улар илк даврда катта мавқега эга бўлмаганлари сабабли уларнинг қачон ва қандай қилиб асосий нуфузга эга бўлган даврларини билиш муҳим. Орийлар Ҳиндистон

бўйлаб ҳарбий юришларини давом эттирганлари сайин камроқ қаршиликка дуч келардилар. Натижада кшатрийлар (жангчилар) табақаси тобора эътибордан четга чиқиб, босиб олинган ерлардаги халқлар орасида тартиб ўрнатиш учун диний–руҳий жиҳатдан таъсири нисбатан кучли бўлган бошқа табақа – брахманлар нуфузи ошиб борди. Чунки брахманлар диний маросимлардан ташқари ҳуқуқ, урф–одат каби соҳалардан ҳам хабардор эдилар.

Брахманнинг ҳаёти тўрт муайян белгиланган босқичдан иборат. Хусусан, унинг ҳар бир куни машаққатли ибодат, ўрганиш ва вазифалар билан тўла. Брахманнинг диний ҳаёти туғилиши биланок эмас, балки унинг балоғат ёшига етиб, муқаддас боғични қабул қилиши ва “бахшида қилиш” маросимидан кейин бошланади. Шундан кейин брахманнинг ёшлиги бирорта донишманд брахманнинг қўлида ведаларни ёдлаш, унинг уйида муқаддас оловни доимо тутиб туриш, устозининг хизматини қилиш, жумладан, унинг учун садақа йиғиш билан ўтади. Брахман бу босқичда “*брахмачарин*” деб номланади. Узоқ вақт давом этадиган бундай таълимотдан сўнг у иккинчи босқичга ўтади. Брахман “*грехастха*” деб номландиган бу босқичда уй хўжайини вазифасини бажаради. У уйланиши, оила боқиши, хусусан, ўғил ўстириб, тарбия қилиши, амалий ҳаёт илмини эгаллаши ва ўзининг фуқаролик бурчларини бажариши лозим. Қонун уй хўжайинининг ўзини қандай тутишини соат сайин қатъий равишда диққат билан кузатиб боради. Қачон ва нимани ейиш, нимани ичиш, қачон ибодат қилиш, марҳумларни қандай дафн этиш, меҳмонларни қандай кутиш, овқатни қандай тайёрлаш, қариялар, аёллар, ёш болаларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш ва бошқа кўплаб белгилаб қўйилган қонун–қоидаларни бажариши лозим бўлади.

Брахман “*ванапрастха*” (ўрмон зоҳиди) деб аталувчи ҳаётининг учинчи қисмида оиласи билан ёки ёлғиз ҳолда ўрмонга кетиши керак. Бу ерда у “ўз нафсини жиловлаб” илдиз ёки меваларни ейиш, диний амалларни белгилаб қўйилган қонун–қоидаларга таяниб бажариши керак. Бу босқичда брахман бир қатор машаққатларни бошдан

кечириши – тупрокқа қоришиб думалаши, кун бўйи оёқ учларида туриши ёки навбат билан туриб ўтириши мумкин. Жазирама кунда ўзини “беш олов иссиғига” дучор қилиши, ёмғирли пайтда очиқ жойда яшаши, қишда эса ҳўл кийимда юриши лозим.

Брахман ҳаётининг тўртинчи босқичи “*саняси*” (зоҳид) таркидунёчилик ёки диний қашшоқлик давридир. У ҳаётнинг барча ташвишларини ортга ташлаб, хурсандчилик, қайғу, орзу–ҳавас ва жисмоний эҳтиёжларни тарк этиб, ҳамма нарсага бепарқ бўлган ҳолда бир мақсад – “Олий Браҳмага етишиш, яъни у билан кўшилиб кетиш, бу дунё ва ўлгандан кейинги абадий бахтга эришишга” интилиши керак. Браҳман таркидунёчилик босқичида фақат садақадан тушган нарсалар ҳисобига кунига бир марта овқатланиб кун кечиради.

Зикр этилган – “браҳманнинг муқаддас тўртлик қонуни” деб аталмиш ҳаёт тарзини фақатгина диний қондалар билангина боғлаб тушунтириш мумкин эмас. Бундай ҳодисаларни Ҳиндистон тарихида кўплаб кузатиш мумкин. Фақатгина олий табақадан чиққан кишилар эмас, оддий халқ вакиллари ҳам баъзан шон–шуҳрат истагида ўз иродасини чиниқтириш ёки ўзини бошқалардан кам билмай ана шундай ҳаёт қийинчиликларини бошдан кечирганлар. Қадимда кишилар кузатган мазкур ҳолатларни Ҳиндистонда ҳозир ҳам тез–тез учратиш мумкин. Будда ҳаётини ўрганишда учрайдиган кўпгина ҳодисалар ўша даврда ҳам браҳманлар “тўртлик қонунига” амал қилганларини кўрсатади.

ҲИНДУЙЛИК

Ҳиндуйлик атамаси “Ҳинд дарёси атрофида яшовчи” маъносини билдирувчи форс сўзидан келиб чиққан бўлиб, ғарб олимлари минтақа халқининг динини ифодалаш учун уни ишлатганлар. Ҳиндлар эса ўз динларини “Санатана Дхарма” – азалий–абадий дин, дея номлайдилар. Мазкур дин, асосан Ҳиндистонда тарқалган бўлиб, мамлакат аҳолисининг 83 фоизи унга эътиқод қилади.

Маълумки, мил. ав. VI асрда Ҳиндистонда буддавийлик ва жайнийлик динлари вужудга келди. Улар брахманликдаги бир неча жиҳатларни қабул қилган бўлса-да, каста таълимотини инкор этди. Ҳша даврда Ҳиндистонда каста тузумини сақлаб қолишга, брахманлик динини ислоҳ қилиб, қайта тиклашга ҳаракат бошланган эди. Бу ҳаракат брахманлик билан буддавийлик ўртасидаги курашни ифодаловчи ҳиндуийлик эди.

Брахманликдаги руҳонийларнинг олий авторитети, оддий инсонларнинг фақат брахманлар орқалигина олий худога эришиши, муқаддас матнларнинг одамлар тушунмайдиган санскрит тилида ёзилгани кўпчиликнинг халқчилроқ бўлган ва ижтимоий тенгликни тарғиб қиладиган буддавийлик ва жайнийликка ўтиб кетишига сабаб бўлди.

Ўзини сақлаб қолиш мақсадида брахман руҳонийлари муайян ислохотларни ўтказдилар. Жумладан, санскрит тилида ёзилган ведаларнинг муайян қисмлари ҳиндлар учун тушунарли тилга таржима қилинди. Натижада, “Рамаяна” ва “Махабхарата” дostonлари юзага келди. Шунингдек, ҳашаматли ва серҳарajat байрам ва маросимлар халқчиллари билан алмаштирилди. Айни дамда, веда таълимотининг фундаментал асослари ҳам сақлаб қолинди. Мазкур асослар қуйидаги беш қоидада акс этган:

1. Ведаларнинг муқаддаслиги;
2. Гуру (пир, устоз) нинг тан олиниши;
3. Муқаддас жойларга зиёратга бориш;
4. Санскритнинг муқаддас тил экани;
5. Сигирнинг муқаддас экани.

Ҳиндуийлик, везизм ва брахманликдан фарқли равишда, доимий Худолар пантеонини ишлаб чиқди. Мазкур пантеон худолар учлигидан ташкил топиб, у “тримурти” деб аталади. Тримурти, яъни учлик – Брахма –яратувчи, Вишну – қўриқловчи, Шива –йўқ қилувчи худолардан ташкил топган. Улар орасида Брахма – дунёни яратган олий худо ҳисобланади. Бироқ Ҳиндуийликда асосан Вишну ва Шивага ибодат қилинади. Шунга биноан, Ҳиндуийлик икки

асосий оқимга бўлинади: Шивага сиғинувчилар (шиваизм) ва Вишнуга сиғинувчилар (вишнуизм).

Шива оддий халқ оммаси – камбағаллар илоҳи хисобланади. У Риг Веданинг биринчи нусхаларида Рудра номи билан зикр этилган. Ҳиндистонда шиваликнинг ўн учга яқин асосий оқимлари мавжуд. Шивачилар орасида асосий оқим сифатида *тридандиналар, смартлар, лингачилар* ҳамда *йогаларни* айтиб ўтиш мумкин.

Шиваизм оқимлари орасида *йоглар* таркидунёчилик билан ажралиб турадилар. Йогачилар эътиқодича, узоқ вақт нафас олмай ўзларидан кетган пайтларида улар Шива билан ёлғиз қоладилар; омма олдида ҳавога кўтариладилар; яна гипноз усулида ўргатилган эчки ёки илон ёрдамида садака йиғадилар.

Шиваликнинг майда оқимлари орийларга хос бўлмаган анъаналар билан суғорилган. Масалан, баъзи оқимларда ҳайвон ёки одамларни қурбон қилиш амалиёти хануз мавжуддир. Халқ орасида Шива 1008 та ном билан чақирилади.

Вишну – ҳозирги Ҳиндистон пантеонида биринчилик учун курашаётган иккинчи илоҳиётдир. Риг Ведада табиатга жон ато этувчи куёш худоси Вишну биринчи даражали илоҳдир. Унда Вишну жуда сахий қилиб тасвирланган. Ибодат пайтида уни Савитар, Рохита, Суря, Адита номлари билан ҳам атайдилар. У бутун коинотни уч қадамда босиб ўтиши ва ҳавода муаллақ юра олиш хусусияти билан тавсифланади. Ярим инсон, ярим худо шаклидаги қахрамон Кришна Вишнуга қўшилиб кетган, деб тасаввур қилинади.

Ҳиндуийликда Вишнунинг вақти–вақти билан кутқарувчи тангри сифатида дунёга тушиши ва шароитга қараб турли шаклларда, яъни аватарларда ўзини кўрсатишига ишонилади. Вишнунинг ўзига яраша хилма–хил аватарлари мавжуд. Улардан энг машҳурлари “Рамаяна” достони қахрамони Рама ва “Махабхарата” достонида васф этилган Кришналардир.

Вишну кўпинча тўрт қўлли қилиб тасвирланади, унинг оммавий ибодат маросимлари баъзан жуда мураккаблашиб, узоқ вақт давом этади.

Вишнуийлик байрамлари турли–туман: баъзилари умумий, баъзилари эса табақаларга ажратилган ҳолда ўтказилади. Улар асносида дуолар ўқиб, таъзим бажо келтирилади, оммавий диний маросимларда қатнашилади, турли ҳадя ва қурбонликлар аталади, шунингдек, ибодатхона яқини ёки ичидаги муқаддас ҳовузда чўмилиш мажбурийдир. Бу маросимлар баъзи пайтда бир неча кунга ҳам чўзилиб кетади. Уларда фақатгина руҳоний раҳбарлигида ҳадялар (пул, қимматбаҳо буюм ёки қимматли тошлар) худолар ҳамда руҳонийларга аталади. Қурбонликлар турли гуллар, хушбўйликлар, овқатлардан, худолар номига атаб озод қилинадиган ёки сўйиладиган ҳайвонлардан иборат бўлади.

Ҳиндуийликда тотемистик унсурлар ёрқин намоён бўлиб, бу, асосан, сигир, маймун, илон каби ҳайвонларнинг илоҳийлаштирилишида намоён бўлади.

Сигир қадимдан ҳиндлар эътиқодида муқаддас ҳайвон ҳисобланган. Шунинг учун уни қурбонлик қилиш ёки бошқа мақсадларда ўлдириш катта гуноҳ ҳисобланган. Сигирнинг беш маҳсулоти (сут, сузма, сариёғ, сийдик ва тезак)дан тайёрланган *панчагавям* ҳиндуийлар эътиқодида одамларни ва уйларни поклашда алоҳида кучга эга. Сигир асосан шиваизм оқимининг муқаддас ҳайвони ҳисобланади.

Маймун асосан вишнуийликнинг муқаддас ҳайвонидир. Риг Ведада Вришакани (эркак маймун) тимсолида Хануманнинг аждодини кўриш мумкин. Шунинг учун “Рамаяна” достонидаги маймун–худо Хануман одам–худо Рамнинг иттифоқчиси сифатида улуғланади.

Илонлар ҳиндлар учун кўрқув ва ваҳима тимсоли бўлиб, илоҳлик табиатини мана шу томондан рамзий ифодалайди. Илонга “Нага” деб ном берилган. Унинг ҳиндлар орасида алоҳида ҳурмати бўлган ва унинг биргина чақиши натижасида инсоннинг ўлим билан юзлашуви уларни ҳайратга солган. Шунинг учун ҳам ҳиндлар ҳар йили диний йиғинлар ташкил қилиб, илонларга атаб қурбонлик маросимлар ўтказганлар. Энг катта илонлар ибодатхонаси Ҳиндистондаги Майсур шаҳарчаси шарқида қурилган. Бу минтақа ибодатхоналари илонлар билан тўлиб тошган. Тарихдан кохинлар гуруҳи

уларни овқатлантириш, парваришlash ва алоҳида эътибор бериш билан машгул бўлишган.

Ҳиндуийликнинг ақидавий, маросимий ва рамзий соҳалардаги жуда ҳам мураккаб тизими унга эътиқод килувчиларнинг турлича талқинида яна ҳам мураккаблашиб кетади. Гарчи, Ҳиндуийлик илоҳиётчилари уни анимистик ва бутпарастлик асоратларидан тозалаб, тараққий этган динлар қаторига кўтаришга ҳаракат қилсалар—да, халқ оммаси доирасида у жуда ҳам содда, бут ва руҳларга сиғиниш хусусиятларини тўла сақлаган ҳолда давом этмоқда.

Карма — бу сабаб—натижа қонунидир. Ҳиндлар эътиқодига кўра, инсон, ўтмишда нима амал қилган бўлса, келажакда ана шу амалининг натижасини кўради. Яхши амалдан яхши натижа, ёмон амалдан ёмон натижа келиб чиқади. Бугун кечанинг, эртага эса бугуннинг маҳсуллари кўрилади. Ҳиндуийликка кўра, инсон охири кўринмаган реинкарнация — руҳнинг кўчиб юриши занжири (*сансара*) ичида айланиб юради. Унга кўра ўлим, бир кўркув воситаси ва йўқлик эмас, бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтишдир. Шунинг учун ҳар бир Ҳиндуийлик дини вакили, такрор дунёга келишда яхши амаллар билан келажакдаги ҳаётини кафолатга олиш учун бор ғайратини сарфлайди. Қилган гуноҳлар ва ёмон ишлар туфайли ўсимлик ёки ҳайвон бўлиб дунёга келишдан қочади. Уларга кўра, ўзлари оид бўлган каста ҳам олдинги ҳаётларида қилган амалларининг натижасидир.

Реинкарнация — руҳнинг кўчиши. Карма таълимотига боғлиқ ҳолда реинкарнация — таносух эътиқоди вужудга келган. Таносух, руҳнинг бир жасаддан бошқа бир жасадга кўчиши, маъносини англатади. Бу эътиқодга кўра, руҳ ўз даражаси ичида улугвор ёки пасткаш ҳолда туғилади. Таносух эътиқодида инсон, қилган ишларига кўра, ҳайвон, ўсимлик, инсон ёки тангри шаклида қайта туғилиши мумкин. Доимий ҳолда қайта дунёга келиш билан инсон ўз орзуларига етишади.

Ҳиндуийликда ибодат ҳамма жойда амалга оширилиши мумкин. Ҳар бир ҳиндуий уйида умумий ҳолда сиғинилувчи

бутга хосланган махсус хона ёки бурчак бўлади. Бу жойларда Вишну ёки Шиванинг бути сақланади. Бут, муқаддас илоҳийлар ўқилган ҳолда ёғланади, тутатиқлар тутатилади. Муқаддас хона ёки бурчакнинг олдида чироқлар, гуллар ва егуликлар қўйилади.

Ҳиндистонда зиёрат қилинадиган етти муқаддас жой мавжуддир. Ҳимолай тоғининг юксак тепаликлари, Ганга ва Ямна дарёлари қирғоқлари, Бриндабах ва икки минг ибодатхона мавжуд бўлган Банорас шулар жумласидандир. Бу муқаддас жойларни зиёрат қилиш ҳиндлар ҳаётида муҳим ўрин тутади.

Ҳиндистон динларига хос бўлган энг катта хусусият бу *каста* тизимидир. Каста – айна иш билан шуғулланувчи, оталардан мерос қолган ҳақ, вазифа ва одатлар билан қаттиқ боғланган шахслар тоифасидир. Каста инсонлар томонидан сайланмайди ва танланмайди, унинг ичида фақатгина дунёга келиш мумкин. Бу тизим 4 синфдан ташкил топади:

1. *Брахманлар* – роҳиб ва диндорлар.
2. *Кшатрийлар* – ҳоким ва жангчилар.
3. *Вайшлар* – савдогар, хунарманд ва деҳқонлар.
4. *Шудралар* – ишчилар, энг қуйи табақа.

Бундан ташқари каста тизимига кирмайдиган ва ундан ташқарида ҳисобланадиган тоифа ва гуруҳлар ҳам мавжуд. Улар “яқинлашилмайдиган ёки тегилмайдиганлар” – хор табақа вакиллари, деб номланадилар.

Каста ҳинд эътиқодларига таянадиган тизимдир. Бу эътиқодларга кўра, касталар яратувчи тангри Брахманинг инсон шаклида тасаввур қилинган вужудининг турли жойларидан яратилган. Яъни, брахманлар Брахманинг оғзидан, кшатрийлар қўлларидан, вайшлар қорнидан ва шудралар унинг оёқларидан яратилган.

Ҳар бир кастанинг ўзига хос никоҳ ва тўй маросимлари, ейиш–ичиш, кийиниш услублари ва касб–корлари мавжуд. Каста тизимига қарши чиқиб бўлмайди, унга қарши чиқиш, қарши чикувчининг кастадан чиқариб юборилишига сабаб бўлади. Бу эса унинг яшаш ҳаққини йўқотиши, демакдир.

Кастачилиқнинг яна бир қизиқ томони шундаки, тизимдаги табақалашувга кўра, унга мансуб бўлганларнинг туғилажак фарзандларига ҳам шунга кўра исм берилишидир. Масалан, туғилажак фарзанд брахманлар табақасига мансуб бўлса, қувонч ва хурсандчилик, кшатрийларга мансуб бўлса куч–қувват ва қудрат, вайшийларга мансуб бўлса бойлик ва молу–мулк, шудраларга мансуб бўлса хорлик ва ҳақирликка оид исмлар қўйилган.

Касталараро муносабатлар “*Ману қонунлари*” деб аталувчи ҳужжат билан назорат қилинади. Мил.авв. V асрда тўпланган ушбу қонун Ҳиндистоннинг ижтимоий тузумдаги кейинги юз йилликлар учун хизмат қилувчи кодекс сифатида қабул қилинди. Бу қонунда Ҳиндистон жамиятининг каста тизими нафақат расмий равишда баён қилинган, балки дин томонидан муқаддаслаштирилган ва қатъий белгилаб қўйилган. Унда жумладан қуйидаги қоидалар белгилаб қўйилган:

1. Киши ўзининг табақасидан юқори бўлган табақадан уйланиши мумкин эмас.

2. Ҳар ким ўзидан қуйи бўлган табақадан уйланиши мумкин. Лекин шудраларга нисбатан бу қоида мустасно.

3. Брахманлар халқларнинг энг тозасидир. Улар илоҳларга қўшилиб кетганлар. Улар шудралар мол–мулкларидан истаганларича олиш ҳуқуқига эгадирлар.

4. Муқаддас китобни ёзувчи брахманларнинг гуноҳлари, гарчи еру–осмонни тўлдириб юборган бўлса ҳам кечирилгандир.

5. Подшоҳнинг, шарт–шароит қанчалик тақозо қилмасин, брахмандан солиқ ва тўлов олиши мумкин эмас.

6. Агар брахман ўлимга лойиқ бир иш қилса, подшоҳ жазо сифатида фақатгина унинг сочини олиши мумкин. Аммо ундан бошқалар бундай пайтда ҳеч қандай тўсиққа қарамай ўлим жазосига тортилади.

7. Брахман агар ўн ёшга тўлса, юз ёшга тўлган шудрадан устун саналади.

8. Брахманнинг ўз мамлакатига очдан ўлиши мумкин эмас.

9. Ману қонунига кўра, хор табақа вакиллари ҳайвондан куйи ва итдан хор ҳисобланади.

10. Хор табақа вакилларининг бахти – ҳеч қандай иш ҳақи ва савоб олмасалар ҳам брахманларга хизмат қилишларидир.

11. Агар хор табақа вакилларидан бирортаси брахманга, унга зўравонлик ва босқинчилик қилиш учун қўлини узатса, қўли кесилади. Агар тепса, оёқлари чопиб ташланади.

12. Агар бирорта хор табақа вакили “мен брахманликни ўргатяпман” деса, унга қизиб турган ёғ ичирилади.

Ҳиндуийлик эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан жаҳонда учинчи ўринда туради, яъни дунёдаги ҳиндуийлар сони қарийб 700 млн.ни ташкил этади. Ўйрик жамоалар асосан Бангладеш (12 млн.), Индонезия (3,6 млн.), Шри Ланка (3 млн.), Покистон (1,5 млн.), Малайзия (1 млн.), АҚШ (0,5 млн.), Бутанда (0,3 млн.) мавжуддир.

ЖАЙНИЙЛИК

Тахминан тўрт минг йиллик ўтмишни ўз ичига олувчи Ведаларга асосланган, брахманликка қарши ўлароқ мил.авв. VI асрда Буддаввийлик ва Жайнийлик динлари юзага келди.

Қаста тизими ва брахман синфининг ҳукмронлигига қарши ҳаракат сифатида юзага келган бу динлар баъзи олимлар томонидан ҳиндуийликнинг бир йўналиши сифатида ҳам қаралади.

Жайнийлик дини вакилларининг эътиқод қилишича, бу таълимотга 24 *тиртхакар* (пайғамбар ёки авлиё) асос солган. Риг Ведада Жайнийликнинг икки тиртхакарлари Ришабха ва Ариштанем ҳақидаги ривоят келтирилган. Улардан биринчиси – Ришабха жайнийлик таълимотининг асосчиси ҳисобланади. Мазкур ривоятларда Ришабха шахсида илоҳ Нарояна, яъни Вишну мужассам бўлган. Уларнинг барчаси кшатрийлар хонадонидан бўлган. Ушбу тиртхакарларнинг 22 таси ҳақида деярли маълумот йўқ. Ўйгирма учинчи тиртхакар – Паршванадха Банорас подшоҳи Ашвасаннинг ўғли бўлган. Бироқ роҳиблик йўлини танлаб, отасининг саройини тарк этган. У ўзидан кейин жуда ҳам чиройли низомга солинган диний кўрсатмалар қолдирган. Сўнгги, йигирма тўртинчи тиртхакар сифатида эътироф этиладиган Вардхамана

Махавиранинг ота—онаси, оила аъзолари Паршванадханинг динида бўлганлар. Вардхаманада ёшлигидан Жайнийлик таълимотига кучли қизиқиш пайдо бўлган. Шунинг учун Вардхамана Жайнийликнинг навбатдаги ва сўнги тиртхакари бўлиб етишган.

Парсванинг таълимот ва жамоати, айнан Вардхамана томонидан янгиланган ва ривожлантирилган. Вардхамана милоддан аввалги VI асрда (599 й.) Ҳиндистоннинг Бихар штатида бой кшатрий оиласида туғилди. Отаси Сиддхардха Жнатрик қишлоғининг кшатрийлар сулоласи бошлиғи эди. Онаси Трисала Личчхави сулоласидан бўлган машҳур подшоҳ Вайшали ҳукмдори Четакининг синглиси эди. У Яшода исмли қизга уйланди ва ундан қиз фарзанд кўрди. Айнан мана шу қизининг эри Жамали Махавиранинг биринчи шогирди, кейинчалик эса Жайнийлик ибодатхонасининг Ҳиндуийликдан ажралиб чиқишининг ташаббускори бўлди.

Вардхамана ўттиз ёшигача оддий дунёвий кишилардек ҳаёт кечирган. Кейин эса барча мулкидан воз кечиб, кўп йиллар саёҳат қилган. Доимий ўй—фикрга чўмиб, ўзини ички изтироблар домига ташлаган. 13 йилдан кейин Паршванадха тепалигида гўёки, “ботиний” билимга эга бўлади. Бу энг олий билим бўлиб, Вардхаманани 42 ёшида шодлик ва қайғулардан буткул озод қилган ва уни юқори даражадаги диний устозларга бериладиган Жина — “музаффар” ёки “инсоний эҳтиросларидан қутулган” номи билан машҳур қилди. Кейинчалик унга Махавира — “улуғ қахрамон” унвони берилди.

Махавира кўп йиллик саёҳатлари давомида кўплаб инсонларни ўзига эргаштирди. Унинг шогирдлари нигрантха — “кишандан озод қилинганлар” деб атала бошланди. Вардхамана Махавира роҳиблар, оддий эркак ва аёл инсонлар баробар эътиқод қила оладиган диний таълимотга асос солди.

Жина (Жайна) ўз таълимотини аслзодалар ва халқ орасида ёйган. У маърузаларини муқаддас тил ҳисобланган санскрит ва маҳаллий магадҳи лаҳжаларида қилган. Ўз атрофига турли касталардан инсонларни тўплаб, каттагина

жамоат ташкил қилган. Унинг таълимотини ўша пайтда ведалар асри бўлишига қарамасдан ҳоким ва подшоҳлар ҳам қабул қилганлар.

Махавира ўттиз йилга яқин ўз таълимотини кенг ёйган ва 72 ёшида (мил.авв. 527 йилда) Бихар–Ориссада оламдан ўтган. Унинг вафоти, яъни нирванага етишишидан жайнист тақвими бошланади. Жайнизм қисқа вақтда, дастлаб Махавиранинг ватани бўлмиш Бихар–Ориссада, кейинчалик эса қаҳатчилик сабабли мил.авв. III асрда Ҳиндистоннинг жануб ва ғарбида тарқалган. Лекин бу ёйилиш, роҳибларнинг кийиниш мавзусидаги тортишув ва мунозаралар ортидан иккига бўлиниб кетишига сабаб бўлган.

Махавиранинг (Жина) яшаб ўтган даври ва ватани билан Будданики айна бир хилдир. Уларнинг ҳаётлари, ишончлари ва асарлари орасида ҳам кўпгина ўхшашликлар мавжуд. Махавира Буддадан олдин туғилган, лекин Будданинг таълимоти ёйилган даврнинг гувоҳи бўлган. Ҳар иккиси ҳам брахманларга, уларнинг маросим усулларига қарши бўлиб, умумий руҳ кўчиши назариясидан узоқ бўлганлар. Бу икки ҳаракат, брахманларнинг бошқарувига қарши бир “юриш”; кўпхудолилик, жуда қаттиқ каста тизими ва қонли қурбонларга нисбатан қарши ҳаракат сифатида юзага келган. Улар орасидаги фарқ эса, жайнистларнинг зухд ва риёзат ҳаётига жуда катта эътибор беришлари ва ўз нафсларини азоблашда ҳаддан ошишларида кўзга ташланади. Ҳолбуки Буддаввийлик, бу борада жайнийликдан анчагина енгил.

Жайнийлик, брахманларнинг таъсири ва баъзи ҳинд тушунча ва асосларига қарши юзага келганига қарамай, ҳинд эътиқодининг умумий шакли ва баъзи ибодатхона маросимларидаги брахманларнинг мавқеини эътироф этади. Шунингдек, Жайнийлик Ахимса умуман жонивор зотига зарар бермаслик тамойили, ўлдирмаслик, ғазаб қилмасликни асос сифатида олади, ҳар қандай махлуқотни ўлдиришни тақиқлайди. Шу тўғрисида ҳам улар дехқончилик билан шуғулланмай, енгил иш ҳаётини ва тижорат билан шуғулланишни афзал деб билганлар ва ўлканинг энг бой

кишиларига айланганлар. Бу нарса эса ҳинд маданияти, илмий мероси ва фан равнақи учун каттагина ҳисса қўшган.

Жайнийлик таълимотининг асосий ғояси деярли барча ҳинд динлари учун умумий бўлган кармалар ва нирвана ҳақидаги таълимот ҳисобланади. Нирванага эришган инсон қайта туғилишдан озод бўлади. Бунга эса фақат таркидунё қилганларгина эришиши мумкин, холос. Шунинг учун ҳам ушбу таълимотда таркидунёчиликка алоҳида эътибор берилади. Инсон дунёда ўзининг барча эҳтиросларидан воз кечгач, ўз нафсини тийиши, ўз-ўзини енгиши – янги карма ҳосил бўлишига йўл қўймайди. Натижада карманинг кучи емирилиб, унинг руҳи кишанлардан озод бўлади. Киши кармаси қанчалар заифлаша, унинг ички дунёси шунча бойиб боради. Бу жараён руҳнинг тўла озод бўлгунига қадар давом этади. Ниҳоят, руҳнинг бутунлай озод бўлиши – нирвана ҳолати юз беради.

Дунёвий кишидан ҳам, таркидунё қилган роҳибдан ҳам маълум ахлоқий қоидаларни бажариш талаб қилинади. Чунки ҳаёт мақсади руҳни ёмон кармадан сақлаш, янги карманинг юзага келишига йўл қўймаслик, борини ҳам аста–секин йўқ қилиб юборишдан иборат. Бунинг учун дунёвий одам беш нарсага амал қилиши лозим: биринчидан, “ахинса” – зарар етказмаслик, иккинчидан, “сатя” – рост сўзлаш, учинчидан “астея” – ўғрилик қилмаслик, тўртинчидан “брахмачаря” – зино қилмаслик, бешинчидан “апариграха” – тамагирлик қилмаслик. Мана шулар инсоннинг ахлоқий мезонини ташкил қилади. Бундан ташқари, у яна икки асос – чин эътиқод ва тўғри билим тамойилларига ҳам амал қилиши лозим. Уларнинг биринчиси Жайнийлик динига эътиқод қилишни билдирса, иккинчиси – руҳнинг абадий озодлиги ва ҳаётнинг ҳар бир жисмда мавжуд эканини билишдир.

Жайнийлик таълимоти борлиқнинг илоҳиёт томонидан яратилгани ва унинг борлиқ устидан назорат қилиб туришини тан олмайди. Унга қўра, руҳ – абадий мавжудот, олам эса азалийдир. Руҳ моддий танани енгиб ўтиб, абадий ҳаётга етиши мумкин. Махавиранинг фикрича, дунёдаги ҳар бир жисм, унинг жонли ёки жонсиз бўлишидан қатъи назар,

қандайдир даражадаги англаш хусусияти билан яратилган. Шунинг учун Жайнийликда ахинса – зарар етказмаслик қондасига кўпроқ эътибор берилади, яъни жонли ёки жонсиз нарсаларга озор етказмаслик талаб қилинади.

Тўғри йўлдан адашмай юриш, пировард натижа – “нажот”ни қўлга киритиш учун қуйидаги 10 фазилат – дхармани касб этиш лозим: кечиримли бўлиш, сабр, ҳалоллик, тўғрисиўзлик, покдоманлик, қаноат, зоҳиран ва ботинан ўзига талабчанлик, инсонпарварлик, дунё неъматларига боғланмаслик ва зино қилмаслик (оила қурмаслик). Шундагина у нажотга эришиши мумкин.

Жайнийлар нирванага эришгандан кейин тезроқ вафот этишга ошиқадилар. Зеро, руҳ ҳолатида уларни бахтли абадий ҳаёт кутади. Дунёвий ҳаётга мойил инсонлар учун даҳшатли туюлган ўлим, жайний учун шарафдир. Ҳатто улар ўлим учун тадорик кўришга пирдан руҳсат ҳам оладилар. Ўлимга тайёргарлик даври 12 йил деб белгиланган. Бу давр ичида нирвана соҳиби узоқ рўзалар, очлик машаққатларини бўйинга олади ва ўзининг ўлимини тезлаштиради.

Махавира, Будда каби тангри масаласи устида тўхталмаган бўлса ҳам, баъзи жайнист мазҳабларда тангри эътиқодининг мавжудлигини кўриш мумкин. Жайнийлик ибодатхоналарида тангри ҳайкаллари сақланади. Лекин милодий XV асрда пайдо бўлган Станакаваси мазҳаби, илк Жайнийликнинг тангрини тан олмас бир кўринишга эга бўлгани фикрини кўтариб чиққан ва ибодатхонадаги расм ва ҳайкаллари рад қилган.

Мил.авв. III асрдан эътиборан роҳиблар орасида оғзаки матнларни китоб ҳолатига келтириш ва кийиниш мавзусидаги тортишув ва келишмовчиликлар, бу динни икки йўналишга бўлинишига олиб келган:

1. *Дигамбарлар* – ҳаво кийинганлар. Улар Махавирага эргашишлари билан бир қаторда, тамоман яланғоч ҳолда юрадилар. Улар халос бўлиш, нажотга ҳамда абадий роҳат–фароғатга фақат тақводорлик билан ҳаёт кечириш орқалигина эришиш мумкин, инсон яланғоч бўлганида ўзида ҳаё, торгиниш ва уялишни ҳис қилаётган бўлса, демак, у ҳали дунёга боғлиқ, чин зоҳид эмас экан, деб

эътиқод қиладилар. Бундан ташқари улар инсонга хос бўлган кўпгина туйғу ва ҳиссиётлардан ҳам воз кечганлар: севги ёки нафрат, қайғу ёки қувонч, иссиқ ёки совуқ, ҳаё ёки ҳаёсизлик, яхши ёки ёмон, очлик ёки ташналик, буларнинг барчасидан жайнист холи бўлиши ва бора–бора тинч, осуда ва ҳаракатсиз яшаш тарзига эга бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам Жайнийликнинг энг ашаддий тарафдорлари, ҳатто оддий кийим кийиб юришдан ҳам воз кечганлар. Кейинчалик мусулмонлар уларга энг оддий даражада кийиниб юришни мажбуран қабул қилдирганлар.

2. *Шветамбарлар* – оқ кийинганлар. Бу номни устиларига кийган оқ кийимлари туфайли олганлар.

Бу икки мазҳаб орасида таълимот борасида унчалик ҳам катта фарқ йўқ. Улар томонидан Ёга тадбиқ қилинади. Жина, тирганкара ва “мукамал азиз” ларнинг мавжудлигига ишонилади. Бундан ташқари улар тиртхакараларнинг ҳар бир даврда мавжуд бўлгани, уларнинг сони 24 тага етгани ва Махавира уларнинг энг сўннгиси эканига эътиқод қиладилар.

Жайнийликнинг асосий қоида–тамойилларини ўз ичига олган 45 та асар мавжуд бўлиб, улар Махавира томонидан битилган. Жайнийликнинг энг қадимги муқаддас китоби “*Ачаранга–сутра*” – жайнийликнинг илк оқимларидан бири бўлган шветамбарларнинг китоби бўлиб, мил.авв. IV асрда ёзилган ва тахминан X–XI асрларгача такомиллаштириб келинган. Жайнийликнинг бошқа бир оқими бўлган дигамбарлар эса китобнинг энг қадимги матнларинигина тан оладилар ва кейинги даврларда яратилган муқаддас китобларни қабул қилмайдилар.

Шунингдек Сиддхасен Дивакар (VI асрда яшаган) ва Гамачандр (XI–XII аср) каби жайнийларнинг асарлари машҳурдир. Жайнийлар орасида “Йогашастра” номли жайнийлик таълимотига доир асар, айниқса муҳим манба ҳисобланади. Сутра китоблари услуб ва мавзу жиҳатидан фарқланадилар.

Жайнистлар учун жуда ҳам чиройли ибодатхоналар бино қилган бўлиб, мазкур динга оид жамоатларни роҳиб

ва роҳибалар бошқаради. Дастлаб кезувчи зоҳид сифатида яшаган роҳиблар, кейинчалик монастрларга жойлашганлар. Улар ўз вақтларини муқаддас матнларни ўқиш ва баданларини тарбия қилиш билан ўтказадилар. Роҳиблар каби халқ ҳам кундалик маълум ибодатларни амалга оширади. Ибодат асносида тиртхакаралар билан алоқадор илоҳийлар айтилади, чуқур тафаккур ва тавба—тазарру қилинади, маълум ҳаракатлар амалга оширилиб, ҳеч қандай жониворга азият бермасликка алоҳида эътибор берилади. Шунинг учун ҳам жайнистлар ўсимликлар билан озикланиб, маст қилувчи ичимликлардан узоқ юрадилар. Уларнинг барча турдаги ҳайвонларни даволайдиган махсус шифохоналари ҳам мавжуд. Диндор жайнистлар, очликдан ўлишга алоҳида эътибор билан қарайдилар.

Жайнистлар осмонда жуда кўп тангриларнинг мавжуд экани, лекин уларнинг ҳам рух кўчиши (таносух)га мубтало эканлари, инсонларнинг қутулишлари учун уларнинг ҳеч қандай ёрдам бермасликларига ишонадилар. Шу билан бирга, жайнист ибодатхоналарида мавжуд ҳайкаллар алоҳида ҳурмат—эҳтиром қилинади. Уларнинг олдида илоҳийлар айтилиб, мева ва кўкатлар тақдим қилинади. Олдиларига чироқ ва тутатиклар қўйилиб, бутлари ювилади, ёғланади ва гуллар билан безалади. Тиртанкаранинг яшаганига ишониловчи жойларга бориб, зиёрат қилинади; дунёвий талаб юзасидан улар ва тангриларга дуо қилинади. Баъзи жайнистлар Ҳинду тангриларига ҳам дуо қилишади. Ибодатхоналардаги ибодатлар роҳиблар томонидан эмас, халқ томонидан бошқарилади. Ҳиндуийликнинг дин одами бўлмиш брахманлар, маош ҳисобида жайнист ибодатхоналарида хизмат қилдирилади.

Жайнийлик ҳаддан ташқари зоҳидлик ҳаётига чақиргани ва қаттиқ интизомга асослангани учун ҳам, Ҳиндистондан ташқарига чиқа олмаган. Унга оид ибодатхоналар Калькутта ва Дильвара шаҳарларида кўпчиликини ташкил қилади. Шунингдек, зийнат ва безагида дунёнинг ажойиботларидан ҳисобланувчи ибодатхоналари Кахжуро ва Обу Таъд тоғларида ҳам қад ростлаган. Мил.авв. II асрда машҳур Гати Кунаба ғорларига асос солганлар. Уларнинг ишланишидаги

ўйма нақшинкорлик ва безаклар, қадим жайнистларнинг меъморлик ишларида нақадар уста бўлганларидан яққол далолат бериб туради.

Ҳозирги кунда дунёда бир ярим миллиондан ортик жайнистлар мавжуд. Улар, асосан, Ҳиндистоннинг Ражпутан, Гужарот ва бир қатор жанубий минтақалари, Мадхя, Бхарат штатларида истиқомат қиладилар.

СИКХИЙЛИК

Сикхийлик, ислом ва ҳиндуийлик динлари аралашмасидан ҳосил бўлган диний ҳаракатдир. Ҳозирги кунда ҳинд диний ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган бу диннинг 17 миллионга яқин издошлари мавжуд.

Сикхийлик Ҳиндистон халқи диний тафаккурининг бир босқичи сифатида кучли ислоҳотчилик ҳаракатлари заминида юзага келди. Бу ҳаракат Рамананд, Горакхнатх, Чайтаньях, Кабир ва Валлабхачарья номлари билан боғлиқ бўлиб, бутун XVI асрни ўз ичига олди.

Мазкур динга Панжобда гуру, яъни устоз Нанак (1469–1539) томонидан асос солиниб, унга эргашганлар ўзларини *сикх*лар, яъни шогирдлар деб аташган. “Сикх” атамаси ғарбликлар томонидан бу динга “сикхийлик” номи берилишига сабаб бўлган. Панжобликларнинг ўзи динларини “*гурмат*” деб атайдилар.

Гуру Нанак 1469 йили, ҳозир Нанкана Соҳиб деб номланувчи, Талванди қишлоғида туғилган. Унинг болалиги ва ўсмирлик даври шу қишлоқда ўтган. У бу қишлоқдан чиқиб кетишидан аввал оила қурган ва иккита ўғли бўлган. Камбағал бўлишига қарамай у кшатрийлар оиласига мансуб ҳинд муҳити фарзанди эди.

Нанак Талванди қишлоғини (Нанкана Соҳиб) ташлаб, Султонпур шаҳрига боради. У ерда мусулмон бир идорачининг хизматига ишга киради ва бир неча йил шу вазифада хизмат кўрсатади. Ривоятларга кўра, у зоҳидона ҳаёт кечиради, натижад унга “Яратувчи, кўркүв ва душманликдан узоқ, туғилмаган, зоти билан қоим, Улуғ бир тангрининг мавжудлиги” кўринишида маъруза

қилиш вазифаси топширилади. Шу сабаб бўлиб Нанак, 1500 йилларда Султонпурни тарк этиб, яккаю–ягона бўлган “тангри”си ҳақидаги тушунчаларини кенг тарғиб қила бошлайди. Бу мавзудаги маърузалари билан анчагина обрў–эътиборга етишган Нанак, муқаддас жойларни зиёрат қилган ва турли дин вакиллари билан тортишган. Бу орада унинг шарафига бир бой томонидан Рави дарёси қирғоғида қурилган Картапур қишлоғига жойлашади ва ҳаётининг сўнгги ўн йилини шу ерда ўтказади. Бу қишлоқда ўзи кўтариб чиққан янги эътиқодни ёйишни бошлайди. 1539 йил, 70 ёшида, шу қишлоқда ҳаётдан кўз юмади. Ортдан эса икки ўғил ва кўп сонли сикх – шогирдлар қолдиради.

Исломиий фикрлардан фойдаланган Нанак, дастлаб бир дин қуриш даъвосида бўлмаган. У Ҳиндуйликнинг урф, одат ва маданиятини тозалаш, кўпхудолик, бутпарастлик ва каста тизимини йўқ қилиб, ислом билан Ҳиндуйлик орасида ўрта йўлни топишни мақсад қилган эди. Дастлаб сиёсий кўринишда бошланган бу ҳаракат, кейинчалик диний тус олган. Ислому мутасаввифларининг таъсири остида қолган Нанак, Ҳиндистон шимолида маърузалар қилган ва синкретист Сикх ҳаракатининг пайдо бўлишига сабабчи бўлган. У исломнинг яккахудо ва унинг сифатлари каби баъзи жиҳатларини ўзлаштириб олган. Унга кўра тангри бир, абадий, кўзга кўринмас, сўз билан тушунтириб бўлмас, ҳамма жойда ҳозирю–нозирдир. Шу билан бирга, у хинд фалсафаси асосларидан бўлмиш “нирвана”, реинкарнация тушунчаларини сақлаб қолган ҳамда аватараларга ишонишни инкор қилган.

Нанак вафотидан сўнг унинг таълимоти 9 гуру томонидан давом эттирилди. Сикхлар эътиқодига кўра Гуру Нанакнинг руҳи ўзидан кейинги узтозларга кўчиб ўтар эмиш. Шундай қилиб, Нанакдан кейин 2–гуру вазифасини куёви Ангад бажарган. Ундан сўнг Амар Дас, Рам Дас, Аржун, Харгобинд, Хар Рай, Хари Кишен, Тегх Баҳодир ва сўнгги гуру Говинд Сингх бўлган.

Сикхийликнинг бугунги ҳолатига келишида Говинд Сингхнинг ўрни катта бўлган. Айнан унинг ташаббуси билан “Халса” деб номланувчи жамоа тузилган. Халса, кучли

эътиқодга эга бўлган сикхлар гуруҳи бўлиб, унда ўзига хос ички тартиб–қоидалар мавжуд. Жумладан, унга киришни истаганлар *пахул* деб номланувчи махсус маросимдан ўтиши ва “к” ҳарфи билан бошланувчи беш асосни амалга оширишлари шарт. Булар:

1) *Кеш* – соч ва соқолларнинг олинмаслиги;

2) *Кангха* – тароқ тақилиши ва салла билан уларнинг тартибининг таъминланиши;

3) *Кач* – тизза остида боғланувчи шим кийилиши;

4) *Кара* – ўнг билак устига пўлат билакузук тақилиши;

5) *Кирпан* – Ҳанжар олиб юриш.

Шуингдек, халса аъзоларига алкоғолли ичимликлар ичиш, сигарет чекиш тақиқланади.

Говинд Сингх билан гуру силсиласи ниҳоясига етган. У, ўзига эргашганларни энди муқаддас китоб “Адигрантх”ни гуру қилиб олишларини айтган. Шу сабабли ҳам сикхлар ўз муқаддас китобларини Гуру Грантх деб номлаганлар.

Уқорида зикр этилганидек сикхларнинг муқаддас китоби – Адигрантх (“Бошланғич китоб) бўлиб, бешинчи гуру Аржун (1581–1606) томонидан тузилган. Унга аввал дастлабки беш гурунинг, кейинчалик эса бошқа гуруларнинг мадҳиялари кирган. Жумладан, Кабирнинг, Намдевнинг, Фаридиддин Ганжишакарнинг (XV аср) мадҳиялари билан бир қаторда бир неча бхакти ва суфийлик ҳаракати намояндаларининг ҳам мадҳиялари кирган. У панжоб тилида ёзилган бўлиб, ҳозирги кунда Амритсар шаҳридаги сикхларнинг бош ибодатхонаси ҳисобланмиш “Олтин Ҳарам”да сақланади.

Сикхийлик таълимотига кўра ҳиндуийликдаги Брахма, Вишну, Шива ва исломдаги Аллоҳ бир илоҳиётда мужассам бўлади. У *ниргун* (“сифатлардан холи”) ва *сагун* (“сифатлар эгаси”) деб талқин қилинади. Унинг асосий ҳолати *ниргун* бўлиб, бу ҳолат ҳар қандай сифатлардан холидир. Бироқ инсон уни қандайдир сифатлар орқали таниши учун у ўз хоҳиши билан сагун ҳолатига ўтади. Унинг томонидан яратилган дунё ўзгарувчан ва фанийдир. Илоҳиёт эса – абадий. У азалда ҳам, ҳозирда ҳам, келажакда ҳам мустақил равишда мавжуддир. Азалийлик, вақтдан ташқарида бўлиш,

туғилмаганлик, ўлмаслик каби унга берилган сифатлар унинг моҳиятини англатади. Худога бўлган муҳаббат, ишонч, садоқат йўлини тутган ҳар бир инсон Унга етишиши ва У билан бирлашиб кетиши мумкин. Худога ибодат қилиш, Сикхийлик таълимоти бўйича, асло дунёвий ҳаётдан узилишни, роҳиблик йўлини тутишни англатмайди, аксинча, ҳаётда фаолликни, тўла меҳнатни ва оиладаги ўз вазифасини бажаришни англатади. Бу тамойилларга тўла амал қилиш пировард натижада туғилишлар занжирининг узилишига ва инсоннинг худо билан бирлашиб кетишига олиб келади. Ҳар ким худо билан бевосита мулоқотда бўлиши мумкин.

Сикхларнинг диний ва ижтимоий фаолиятлари маркази Амритсар олтин ибодатхонасидир. Айни дамда, *гурдвара* деб номланувчи маҳаллий ибодатхоналари ҳам мавжуд. Ибодатхона сикхлар ҳаётида муҳим ўрин тутаетди. Гурдварада қилинган ибодат, муқаддас китобнинг псажларининг ўқилишидан иборат. Бу ерга кирган ҳар бир сикх, дарҳол муқаддас китобга қараб интилатди ва пешонасини ерга тақайди.

Бугунги кунда сикхлар асосан Ҳиндистоннинг Панжоб штатида истиқомат қиладилар. Сонларининг озлигига қарамасдан мудофаа, транспорт, сиёсат, спорт, таълим ва иқтисод соҳаларида ўзига хос мавқеъга эгалар.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Ҳинд маданиятида Орииларнинг ўрни қандай?
2. Брахманлик ҳақида гапириб беринг?
3. Ҳиндуийликдаги оқимлар?
4. Жайнийликнинг вужудга келиши?
5. Сикхийликнинг юзага келиши ва унинг асосчиси ҳақида гапириб беринг?

Мустақил иш топшириқлари

1. Ориил қабилаларининг Ҳиндистон ижтимоий ҳаётига таъсири ҳақида маълумот тайёрланг.
2. Веда худолари таснифи ҳақида сўзлаб беринг.

3. Ведизмдан брахманизмнинг келиб чиқиши сабабларини очиб беринг.
4. Брахманизмнинг ҳиндуийликка айланишига сабаб бўлган ижтимоий омиллар ҳақида маълумот йиғиб, тақдим этинг.
5. Жайнизм тиртхакарлари ҳақида гапириб беринг.
6. Сикхийлик таълимотида ислом ва ҳиндуийлик синкретининг акс этиши ҳақида ҳақида кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

Адабиётлар

1. Беруний Абу Райхон. Қонуни Масъудий // Беруний А.Р. Танланган асарлар. V том. Биринчи китоб. – Т., 1973.
2. Беруний, Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. – Т., 1968.
3. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
4. Религиоведение. Хрестоматия / Пер. с англ., нем., фр. Сост. и общ. ред. А.Н.Красникова. – М.: Книжный дом “Университет”, 2000.
5. Религиоведение: хрестоматия / сост. В.Б.Рожковский, Д.Л.Устименко. – Ростов на Дону: Феникс, 2009.
6. Низомиддинов Н. Жануби–Шарқий Осиё диний–фалсафий таълимотлари ва Ислом. – Т., 2006.
7. Низомиддинов Н. Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий–сиёсий ҳаёт ва ҳинд – мусулмон маданияти. – Т., 2008.
8. Бонград–Левин Г.М. Древнеиндийская цивилизация. –М., 1980.
9. Васильев А. История религий Востока. – М., 1997.
10. Кётлер Ф. Труды по ведийской мифологии. –М., 1986.
11. Кривелев И. История религий. – М.: 1989.
12. Кулаков А. Религии мира. – М.: 1996.
13. Мень А. История религии. – М.: 1994.
14. Тамкин Э., Эрман В. Мифы древней Индии. –М., 1982.
15. Яблоков И. Основы религиоведения. – М. 1998.

7–МАВЗУ. ХИТОЙ ВА ЯПОН ДИНЛАРИ

Режа:

1. Конфуцийлик.
2. Даочилик.
3. Синтоийлик.

Таянч тушунчалар:

Конфуций (Кун Цзи), Ли қонунлари, “Дао” – яратувчи, “дэ” – яхши фазилат, “Самовий Дао”, “Иккита тўққизлик”, “Беш Ла”, “Нефрит императори”, Ками, “Кодзики”, Такама–нохара, Акицусима.

Мавзу ўқув мақсади:

Хитой ва япон халқлари динларининг келиб чиқиши, асосчилари, муқаддас манбалари, уларнинг пайдо бўлишидаги тарихий жараёнлар ҳақида талабаларда кенг тасаввур ҳосил қилиши.

КОНФУЦИЙЛИК

Хитой Марказий ва Шарқий Осиёдаги энг қадимги мамлакатлардан бири ҳисобланиб, археологик маълумотларнинг хабар беришича, у ерда одамлар қадимги тош давриданок яшай бошлаганлар. Қадимги Хитой давлати тарихи куйидаги тўрт даврга: 1) Қадимги Хитой давлатининг ташкил топиши – Шан (Ин) давлати (мил.авв. XVIII–XII асрлар); 2) Чжоу давлати (мил.авв. XI–III асрлар); 3) Син подшолиги (мил.авв. 221–207 йиллар); 4) Хан подшолиги (мил.авв. 206 йилдан милоднинг 220 йилигача) даврига бўлиб ўрганилади. Сўнгги давр қулдорлик давлатининг феодал давлатга айланиши билан характерланади.

Олимлар, адиблар, қирол ва императорлар дини дея эътироф этилган Конфуцийлик Қадимги Хитойнинг диний–

фалсафий таълимотларидан бири бўлиб, унга мил.авв 6 асрда файласуф ва педагог Конфуций (Кун Цзы, мил.авв. 551–479 йил) асос солган. У Хитойнинг ҳозирги Лу шаҳрида 27 август куни маҳаллий сеҳргарларга қарашли тупроқли тепаликдаги ғорда туғилган. Шунинг учун ҳам туғилган вақтида уни Чжун Ни Цю (Чжун – иккинчи ўғил, Ни – тупроқ, Цю – тепалик) деб атаганлар. Бобоси ўзи яшаган вилоятда волий, отаси – Шу Ланхе эса Лу подшоҳлигида ҳарбий зобит бўлиб хизмат қилган. Уч ёшида отасидан айрилгач ёлғиз онаси билан қолади, бироқ кўп ўтмай онаси ҳам вафот этади. Оғир қийинчиликларга қарамаздан, Конфуций келажакдаги мавқеъини мустаҳкамлаш учун кучли иштиёқ билан ўз устида мунтазам ишлаб, яхши таълим–тарбия ва билим олишга эришади. Мил.авв VI–V асрларда Хитойда “Лю Ининг олти санъати”ни эгаллаган одам билимли ҳисобланган. Шунинг учун ҳам ёш Конфуций мазкур санъатларни ўзлаштиришга астойдил киришади ва бунинг уддасидан чиқади. У ҳар доим ўзини қизиқтирган саволларга мукамал жавоб топишга, Лу подшоҳлигининг давлат қурилиш тизимини ва “Ли” конунларидаги ахлоқ нормаларини тўлиқ ўзлаштиришга ҳаракат қилади. У мил.авв 533 йил Сун подшоҳлигидаги Ци оиласидан уйланиб, иккита фарзандли (*бир ўғил, бир қиз*) бўлади.

Конфуций ўзининг босиб ўтган умрига назар солиб, у ҳақда шундай дейди: “Мен 15 ёшда бор эътиборимни фақат ўқишга қаратдим, 30 ёшда мустақил фикрлайдиган бўлдим, 40 ёшда шубҳа–ғумонлар исканжасидан қутилдим, 50 ёшда Осмоннинг иродасини англаб етдим, 60 ёшда ҳақни ноҳақдан ажратишни ўргандим, 70 ёшда қалбим амрига бўйсундим ва диний маросимларни бекаму–кўст бажардим”.

Конфуций дастлаб ўзидан олдин яшаб ўтган буюк шахсларнинг ҳикматли сўзларини шарҳлаш билан шуғулланган ва бу орқали унинг шухрати аста–секин ҳар томонга ёйила бошлаган. Қисқа муддат маъмурилик ишларидан кейин таълимотини амалиётга жорий қилиш мақсадида хайрихоҳ бир ҳукмдорни излаш учун ўз оиласини ташлаб, бир неча йил дунё кезиб юради. Чунки, унинг

таълимоти ўша пайтдаги сиёсий муҳитга муносиб эмас эди. Гарчи файласуф подшоҳлар хизматида бўлган пайтларида ўзининг баъзи ислохотларини амалга оширишга ҳаракат қилган бўлса—да, аммо кўпчилик таклифлари амалдор ва ҳукмдорлар томонидан қўллаб—қувватланмаган. Унинг эътиборини тортган нарса, ўз замонасининг камчиликлари ва айбу нуқсонлари эди. Оддий халқнинг ночорлиги, амалдорларнинг золимлиги, ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар, қадимги маънавий қадриятлардан узоқлашиш каби ҳолатлар Конфуцийнинг кескин танқидий қарашларини юзага келишига туртки бўлди. У мавжуд муаммони ҳал қилишда янгича қарашларга таяниш лозимлигини англаб етиб, умрининг сўнгги 5 йилини асар ёзиш, шогирдлар етиштириш ва ўз қарашларини тарқатиш билан ўтказган. Энг муҳим асари **“Конфуцийлик”** деб номланган.

Конфуций хитойнинг Цуй—фу мавзесида вафот этади ва *Сзе* дарёси яқинига дафн этилади. Вафотидан сўнг унинг номи янада машҳур бўлиб кетиб, аста—секин одамлар унинг қабри жойлашган ҳудудга кўчиб кела бошлайдилар ва натижада Кунг қишлоғи вужудга келади. Унинг қабри ёнида таълимот тарафдорлари илмий мажлис ва баҳс—мунозара олиб борганлари сабабли, кейинчалик бу жой муқаддас зиёратгоҳ ва ибодатхонага айланади.

Конфуцийнинг издошлари унинг фикрларидан илҳомланиб, унга муқаддас деб эътиқод қилиш даражасига етиб борадилар ва натижада фалсафий таълимот дин сифатида талқин этила бошлайди. Мил.авв. 195 йилда биринчи Хань подшоҳи Лю Баннинг шахсан ўзи Конфуций ибодатхонасида унга атаб «тай—ляо» қурбонлик маросимини ўтказди. Шундан сўнг, унинг номи ҳам, таълимоти ҳам бутун Хитойда илоҳийлаштирилиб, унга атаб мунтазам қондалар асосида қурбонликлар қилинадиган бўлади.

Конфуцийлик давлат мафкураси даражасига кўтарилгач, унга атаб бир неча ибодатхоналар барпо этилиб, вазирлар, мутасадди шахслар ва давлат раҳбарлари ҳукумат ишларини бошлашдан олдин унинг қабри ва ибодатхонасини зиёрат қилишлари шарт қилиб белгиланади. Хань сулоласи даврига

келиб, Конфуцийга князлик унвони берилади. Сун сулоласи даври (X–XIII асрлар)да эса унга императорлик унвони, отасига эса князлик унвони берилади.

1912 йилгача Хитой Императорлиги йилда икки марта (бахор ва куз), унга атаб хадя ва курбонликлар тақдим қилиб келган.

Конфуцийликнинг Хитой миллий динига айланиши узоқ вақт давом этган тарихий жараёндир. У ўзини “дин асосчиси” деб ҳисобламаган бўлса–да, вафотидан кейин унинг таълимоти дин сифатида шаклланди. Бироқ, унинг асл мақсади янги дин пайдо қилиш эмас, мамлакатдаги сиёсий вазиятни ислоҳ қилиш учун қадимги урф–одат ва маросимларни қайта жонлантириш, Хитойнинг қадимий маданиятини қайта тиклаш бўлган ва бу ишга у бутун умрини бағишлаб, ўзи ҳақида: “Мен қадимгиларни севувчи ва уларнинг билимларини қўлга киритиш учун бор кучини сарфловчиман”, – деб таъкидлаган. У бошқарувга оид бўлган маълумотларни йиғиш, ижтимоий ҳаёт ва маросимлар билан боғлиқ асосларни бир жойга жамлаш, воқеликда мавжуд ахлоқ ва урф–одатларнинг давом этишини таъминлаш, шу тарзда ажодлар меросига асосланган маданиятни юзага келтириш мақсадида Хитойнинг барча қадимий манбаларини кўздан кечириб чиқади ва ўзидан олдинги хитойлик файласуфларнинг маданий ва маънавий меросини йиғиб, уларни шарҳлайди.

Таълимотнинг дастлабки кўринишида ахлоқ масаласи биринчи ўринга, диний эътиқод эса иккинчи даражага қўйилган. Конфуций диндаги ақида масаласини жиддий қабул қилмай, ҳатто баъзи ўринларда уларни инкор ҳам қилган. Шунингдек, руҳларга эътиқод қилиш масаласига ҳам шубҳа билан қараган ва ғайритабиий нарсалар, руҳлар тўғрисида гапиришни ёқтирмаган ҳамда тақдир, инсон умри, ўлим ҳақида сўз юритишдан ўзини олиб қочган. Конфуцийлик вакиллари жаннат ва дўзах, қайта тирилиш каби ғайбиётга ишонмасалар–да, “*нариги дунё*” мавжудлигини инкор этмайдилар. Уларнинг бор эътиборлари дунё ҳаётини ислоҳ қилишга қаратилган. Ҳатто шогирдларидан бири

Конфуцийдан: “Ўлим нима?” – деб сўраганида, у: “Биз тириклик нима эканини билмаймиз–у, ўлим нима эканини қаердан ҳам билар эдик”, – деб жавоб берган.

Конфуций одамлар орасида қабиҳ ва гуноҳ ишлар кўпайиб кетса, Осмоннинг ғазаби келиб жазо сифатида зилзила ва вулқон юборади, гуноҳ ишлар жазосиз қолмайди, яхшиликка мукофот, ёмонликка жазо шу дунёнинг ўзида берилади, шунинг учун ёмон ишларни дарҳол тўғирлаш шарт деб ҳисоблаган.

Хитой халқи қадимдан “*Осмон худоси*”га сиғиниб келгани ва урф–одатларда ҳам само, яъни осмонга алоҳида эътибор берилгани боис Конфуций уни асосий “Илоҳ” сифатида улуғлаб, Тянь (“Тен”) деб атайди. Унинг фикрича, Тянь осмонда ўтириб, ёмон ҳукмдорларни жазолайди, янги оилалар барпо қилади ва яхшиларни мукофотлайди. Шунингдек, у табиат низомини идора қилувчи, коинотни бошқарувчи, ҳамма нарсадан устун, яратувчи кудрат ҳисобланиб, унга ҳурмат ва ибодат қилиниши зарур бўлган Зотдир, деб эътироф этади.

Конфуцийлик таълимотида, инсонлар орасидаги алоқа ва муносабатларнинг аҳамияти билан бир қаторда ҳаёт, ўлим, шараф ва бошқа барча нарсалар Осмон худоси томонидан юборилади. Унга кўра, подшоҳларга “Осмон ўғиллари” сифатида қаралиб, улар ахлоқий–сиёсий маданият, урф–одат ва диний маросимларни давом эттирган, Осмон ва Ер худоси шарафига атаб ибодатлар уюштирган. Агар подшоҳ адолатдан узоклашиб зулм қила бошласа, у лавозимидан четлатилади ва бошқарувни Осмон ўз кўлига олади, деган қараш мавжуд.

Ундан ташқари конфуцийликда фаришталар ҳам муқаддас деб ҳисобланиб, кўзга кўринмас борлиқлар: жин, пари, булут, сув, тоғ қаби оламлар ҳам мавжуд деб эътиқод қилинган ва аждодлар руҳига сиғинилган.

Конфуцийликнинг муҳим жиҳатларидан бири унда руҳонийлар қатлами ва имон–эътиқод асосларининг йўқлигидир. Унда фақат Худо тушунчаси ва муқаддас матнлар мавжуд, холос. Унга кўра Худо, ночор ва тушқун

аҳволдаги кишиларни ҳимоя қилиш учун ҳукмдор ва тарғиботчилар юбориб туради.

Таълимотда ижтимоий–ахлоқий масалалар алоҳида ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, уни инсон хатти–ҳаракати, ҳаётий меъёрлари ҳақидаги таълимот дейиш мумкин. Шунинг учун мазкур таълимот диндан ҳам кўра кўпроқ ахлоқ ва ҳикмат йўли деб танилган.

Конфуцийлик таълимотлари баён қилинган “*Буюк таълимот*” китобида кишилардаги беш фазилат: камтарлик (тавозеъ), сахийлик, самимийлик, ростгўйлик ва одоб–ахлоқ ҳақида сўз юритилиб, шундай дейилади: “Камтарин, оғир, босиқ бўлсанг ҳурматсизлик кўрмайсан, сахий бўлсанг ҳамма нарсани қўлга киритасан, самимий бўлсанг халқ сенга ишонади, ростгўй бўлсанг кўп нарсага муваффақ бўласан, одоб–ахлоқли бўлсанг инсонларни ўз хизматингда ишлата оласан”.

Конфуцийлик таълимоти “Ли” (ахлоқ ва маросимларга оид қонун–қоидалар мажмуи) қонунига асосланади. “Ли” атамаси дастлаб диний маросимларга нисбатан ишлатилган ва “қурбонлик қилиш”, “ўзини қурбон қилиш” маъноларини англатган. Конфуцийликда “Ли” қуйи табақанинг юқори табақага, яъни, фарзанднинг ота–онага, халқнинг давлат раҳбарига бўйсунуши, деб талқин этилган. Кейинчалик у инсон, жамият ва давлат ҳаётидаги ўзаро мулоқот жараёнини тартибга солувчи барча қоида ва нормаларни ўз ичига қамраб олди ҳамда асосий қонунга айланди.

Шунингдек, “Ли” қонуни “Жень” (Инсонпарварлик, инсонларга, айниқса, яқин кишиларга нисбатан муҳаббатли бўлиш), “Сяо” (катталарга нисбатан ҳурматли бўлиш ва бўйсунуши), “Жан” (Хушмуомалалилик, одобли бўлиш), софдил ва адолатли бўлиш, маънавий етукликка интилиш каби тамойилларни ҳам ўз ичига олган.

Конфуций фикрича, “Дунёдаги барча мавжудот каби инсоннинг тақдири ҳам самовий қудратга боғлиқ бўлгани учун одамларнинг олийжаноб ёки пасткашлиги, юқори ёки қуйи табақага мансублигини ўзгартириб бўлмайди. Подшоҳ–подшоҳлигича, фуқаро–фуқаролигича, ота–

оталигича, фарзанд–фарзандлигича қолиши керак”. Мазкур гоя, мавжуд тузумни сақлаб қолишга қаратилган бўлиб, унинг узвий давоми сифатида идеал шахс, олийжаноб инсон, асл ва мард киши концепциясини ишлаб чиқади. Унга кўра, одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеи билан эмас, балки одамийлик, адолатгўйлик, ҳақгўйлик, самимият, фарзандлик иззат–ҳурмати каби юксак маънавий фазилатлари билан юксак камолотга эришиши мумкин.

У комил инсон билан пасткаш инсоннинг фарқини қуйидагича баён қилади: “Комил инсон ночорларга ёрдам қўлини чўзиб, фақатгина яхшиликни ва одамлар тақдирини ўйлаб иш қилса, пасткаш ўз хузур–ҳаловати ва манфаатини ўйлайди”.

Конфуцийликда баркамол инсон тўртта асосий белгиси – маданияти, иш бошқариш қобилияти, тўғри муомалада бўлиши ва ваъдасига вафо қилиши, яъни берган сўзида туришига қараб белгиланади. Инсонлар ўртасидаги ҳаёт тарзи: бошлиқ ва ходим, ота–она ва фарзанд, эр ва хотин, ака ва ука, дўст ва биродарлик каби бешта асосий муносабатлардан иборат. Мазкур мулоқот тизими жамиятнинг энг муҳим бўғинларини ўзида жамлайди. Донишманднинг фикрича, ҳаётда адолат қарор топиши учун ҳар бир иш ахлоқ қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши, фарзанд ота–онасига содиқ ва итоаткор бўлиб, ўз отасининг изидан бориши ҳамда катталарга ҳурмат билан муомалада бўлиши шарт ҳисобланади. Эр–хотин, ака–укалар ва ёру дўстлар ўртасидаги муносабат ҳам худди шу асосларга таяниши лозим. Масалан, Хитой эркаклари учун бепуштлик энг оғир фожеа ҳисобланган. Бундай ҳолатларда улар: “Дунёдан ўтсак ким бизларни ёд этади” деб қаттиқ қайғуга тушганлар. «Ли» қонунларига кўра фарзанд ота–она ҳаётлик чоғида тўлиқ уларнинг ихтиёрида бўлиб, улар вафот этгунга қадар уларнинг руҳсатисиз иш қилиши ва ўзини–ўзи бошқариши мумкин бўлмаган. Агар ота–онаси вафот этса, фарзанд ҳар қандай иши бўлса ҳам, қайси лавозимни эгаллаб турган бўлса ҳам, барча ишини ташлаб 3 йил аза тутиши шарт ҳисобланган.

Шунингдек, Конфуцийликда фарзанд ота–онаси олдида куйидаги беш вазифани бажариши шарт:

1. Ҳар доим ота–онани ҳурмат қилиш.
2. Уларга энг лаззатли таомларни келтириш.
3. Бетоб бўлганларида ғамхўрлик қилиш.
4. Вафот этганларида чин дилдан эзилиб, қайғуриш.
5. Уларнинг хотирасига атаб қурбонликлар қилиш.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, мазкур таълимот ҳукмдорлар учун бошқарув санъати, мансабдорлар учун сиёсий ахлоқий қоидалар тизими, халқ учун эса диний маросимлар ва урф–одатлар мажмуи сифатида намоён бўлган.

Конфуций ўз асарларида асосий эътиборни диний маросим ва қадимий урф–одатларга қаратгани, суҳбатларида ҳам, асарларида ҳам асосий эътиборни уларни тўғри тушунтиришга ҳаракат қилгани сабабли ушбу таълимот Қадимги Хитой маданиятини ўз ичига олган маросим ва урф–одатлар мажмуаси ҳисобланади. Конфуцийликда диний маросимларнинг асосий мазмуни – конфуцийликка қадар мавжуд бўлган анъана ва уруғ–қабилавий маросимларни мустаҳкамлаш ҳамда уларни қонунийлаштиришни ташкил этади. Чунки Конфуций ўзини ҳеч қандай янги таълимот яратувчиси деб ҳисобламаган. У одамлардан фақат маросим ва тартиб–қоидаларга қаттиқ риоя этишни талаб қилган. Чунки у “Қадимий, анъанавий маросимларимизни асрамай, давом эттирмай, уларни бекор қилсак, жамиятдаги ҳамма нарса аралашиб, издан чиқиб кетади. Масалан, никоҳ маросими бекор қилинса, унда эр–хотинлик мажбурияти ҳам бўлмайти ва натижада у билан боғлиқ қатта–қатта жиноятларга йўл очилади. Дафн этиш ва қурбонлик маросимлари бекор қилинса, фарзандлар вафот этган ота–она ва аждодлари хотирасини унутиб, ҳатто тирикларга ҳам хизмат қилмай кўядилар; Пин–Цзин маросими бўлмаса, подшоҳ билан амалдор ўртасида фарқ қолмай, кичик–кичик князчалар ўзбошимчалик қила бошлайдилар, ва натижада бошбошдоқлик, таъқиб этиш ҳамда зўравонлик авж олади”, деб ҳисоблаган.

Шунингдек у: “Маросимлар аждодлар, руҳлар ва буюк донишмандлар олами билан авлодлар ўртасини боғлаб турувчи асосий алоқа воситаси бўлиб, уларни тўғри ва мукамал бажарганлар “сяо жэнь” даражасидан “Цзынь–цзы” даражасига кўтарилиши ёки аксинча маросимларни бузиш ёки бажармаслик оқибатида мазкур муқаддас алоқа узилиб, икки олам (аждодлар руҳи ва авлодлар) ўртасидаги мувозанат бузилиши ва бутун дунё остин–устин бўлиши мумкин”, деган фикрни илгари сурган.

Асосини эзгулик, инсонпарварлик ғоялари ташкил қилган бу таълимот ҳануз яшаб келмоқда. Бугунги кунда, ҳар бир оиланинг ўз ибодатхонаси ва унда аждодлар тимсоли – “Чжу” тасвири жойлаштирилган бўлиши шарт ҳисобланади, унда қурбонлик ва бошқа диний маросимлар ўтказилади.

Конфуцийликнинг муқаддас манбалари сифатида “Беш классика” (“У цзин”) ва “Тўрт китоб” (“Се шу”) эътироф этилади. “Беш китоб” қадимги Хитой тарихидаги воқеаларни акс эттирган “Тарих китоби” (“Шу цзин”), қадимги хитой шеърятни тўплами бўлмиш “Муножотлар китоби” (“Ши цзин”), афсун–жодулар ҳақидаги “Ўзгаришлар китоби” (“И цзин”), инсон ўзини қандай тутиши, юриш–туриши қонунларидан иборат “Маросимлар китоби” (“Ли цзи”) ва Хитой хонлиқларининг бирида бўлиб ўтган воқеалар хроникасини ўз ичига олган “Баҳор ва куз” (“Чунь–цзо”) китобларидан иборат. Баъзи ўринларда ушбу “Беш китоб”га Конфуций томонидан таҳрир қилинган “Мусиқа китоби”ни ҳам қўшиб, “Олти китоб” (“Лю цзин”) деб ҳам аталади.

“Тўрт китоб” асаарида эса, асосан ахлоқ–одоб ҳақида сўз юритилади. У Конфуций шогирдлари томонидан ёзилган ва инсонни камолотга етиш йўллари баён қилинган “Буюк таълимот” (“Да сюэ”), инсон ўзини ҳар қандай ҳолатда тута билиши, ҳаддан ошмаслиги ҳақидаги “Ўрта йўл китоби”, Конфуций ва шогирдларининг панд–насихатларини акс эттирган “Сухбат ва муҳокама” (“Лунь Юй”) ва Конфуций шогирдалиридан бирига тегишли, конфуцийлик таълимотлари асосланган “Мэн–цзи” китобларидан иборатдир.

Мазкур дин Буюк Хитой девори курувчиси Император Чи ин Шиххиванг даврида кучли тазйикқа учраган. Маълумотларга кўра, мил.авв. 212 йилдан мил.авв. 207 йилгача давом этган тазйик даврида Конфуцийликка оид китоблар ёқиб юборилган ва 460 та дин вакиллари тириклайин ерга кўмилган. Мил.авв. 207 йилда халқ Конфуцийлик вакилларига нисбатан қилинаётган зулмга қарши кўзғалон кўтаради ва натижада поймол қилинган диннинг обрўси қайта тикланиб, Император Дути (мил. авв. 140–87) давридан то 1912 йилгача Хитой давлатининг расмий давлат дини деб эътироф этилган.

Милодий 505 йил Хитой пойтахтида Конфуцийлик ибодатхоналари қурилиб, илм масканларида унинг китоблари ўқитила бошланди. Диний–сиёсий бирликнинг рамзи бўлган Конфуций таълимоти ўқитилиши учун факультет (куллийет) лар ҳам очилди.

Милодий 630 йилда Император Конфуцийнинг хайкаллари билан тўлдирилган ибодатхоналар қуриш учун фармон беради. Юань ва Мин сулоалари (милодий XIII–XIV асрлар) даврида унга яна ҳам юксакроқ “*Ҳақиқий донишманд*”, “*Миллатларнинг буюк устози*” каби унвонлар берилади.

1905 йилга келиб, аста–секин Конфуцийлик юлдузи сўна бошлайди. 1912 йилда Хитойда халқ кўзғолони юзага келиб, Император тахтдан ағдарилади ва Республика даври бошланади.

Бугунги кунда конфуцийликка эътиқод қилувчилар сонини аниқлаш жуда ҳам мураккабдир. Чунки, конфуцийлик кенг тарқалган динлардан бўлиши билан бир қаторда, Хитойда поликонфессионалликка рухсат берилган. Бунга кўра, киши нафақат бир динга, балки бошқа динлар (одатда, конфуцийлик, буддизм ва даосизм)га ҳам эътиқод қилиши мумкин.

ДАОЧИЛИК Хитой миллий динларидан бири бўлган даочилик тахминан мил. авв. IV – III асрларда конфуцийлик билан бир даврда пайдо бўлган. Унга кадимги хитой файласуфи Лао Цзи асос солган. Конфуцийдан

фарқли равишда, Лао Цзи ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда ҳам оз. Хитой манбаларида Лао Цзининг Хонан шаҳрида дунёга келгани, унинг асл исми Ли Тан бўлиб, Лао Цзи (Лао – кекса, Цзи – донишманд) унга берилган лақаб экани баён қилинган. Ривоятларга кўра, у онаси қорнида саксон йил яшаб, кекса ҳолатида дунёга келган. Шунинг учун уни шундай ном билан аташган. Даочиликнинг асосини “Дао” (хитойча – “йўл”, “Худо”) тушунчаси ташкил этади. Даочилик номи ҳам, айнан шу сўз асосида келиб чиққан.

Даочилик фалсафий тизими ёки динми деган баҳсли масала борасида диншунос олимлар яқдил фикрга эга эмаслар. Шундай бўлсада, аксар олимлар, даочилик даставвал фалсафий тизим, кейинчалик эса дин сифатида шаклланган, деган фикрни билдиришган.

Ҳар бир дин асослари, таълимотларини камраб оладиган манбалар мавжуд. Даочиликнинг муқаддас манбаси сифатида “Дао дэ цзин” эътироф этилади. Бунда “*Дао*” – яратувчи асос, йўл, “дэ” – яхши фазилат, “цзин” эса китоб маъноларини англатади. Манбаларда уни Лао Цзи Хитойдан чиқиб кетиш чоғида ёзиб қолдиргани ҳақида маълумотлар келтирилган. Хитойнинг буюк классик адабиёти сирасига кирувчи бу асар ўта мураккаб тилда ёзилган бўлиб, унда “*Дао*” бошқариб турадиган дунёнинг тузилиш структураси баён қилинган.

Асарда Лао Цзи мистик ибора ва тасаввурларни ўз тилида (шакллар билан) ифодалаб беришга ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам у танлаган ибора ва келтирилган рамз–белгиларни кўпчилик ҳолларда тушуниш қийин.

Шу билан бир қаторда, даочиликнинг қонун–қоидалари, ибодат вақтида ўқиладиган дуоларни ўз ичига олган 1476 матндан иборат бўлган “Даоцзан” (хитойча – “Дао хазинаси”) қанон тўпламлари ҳам мавжуд. “Даоцзан” ибодатхоналарда кўп қаватли очик жовонларда сақланиб келинади. Муқаддас китобни чоп қилишда хали ҳануз вертикал жойлашган қаторларни ўнгдан чапга қараб ёзиш технологиясидан фойдаланилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, даочиликнинг асосини “Дао” тушунчаси ташкил этади. Уларнинг эътиқодига кўра, “Дао” дунёни бошқарувчи сабаб, оламлар яратувчисидир. Уни ҳеч ким яратмаган, аксинча барча нарсалар ундан келиб чиқади ва унга қайтади. У азалий ва абадий, ўз-ўзидан мавжуд, ҳамма нарсада намоён бўла олади ва ҳеч ким уни кўра олмайди. Барча нарсаларнинг асоси, келиб чиқиши – Удир. Йўқлик нималигини билмайди. Табиат ва коинотнинг мавжуд бўлишига ҳам айнан у сабабчидир. Шунинг учун ҳам уни баъзан “Асос” деб ҳам атаганлар. Инсонлар ҳам “яратувчи” каби рақобат ва ҳирсдан йироқлашишлари ҳамда осуда ҳаётга эга бўлишлари зарур. Таълимотдаги бундай ғоялар ахлоқий зуҳднинг шаклланишига замин яратди.

Лао-Цзининг тушунчасига кўра “Самовий Дао” тортишмайди, баҳс-мунозара қилмайди, доимо яхшилик йўли билан зафар кучади, гапирмайди, лекин жавоб олади, сокин ва режалари ғоятда мукамалдир.

Даочиликда “Дэ” (хитойча – “яхшилик, эзгулик кучи”) тушинчаси ҳам мавжуд бўлиб, Худонинг ёрдамчиси, унинг махфий кучи сифатида эътироф этилади. Кейинчалик “Дэ” Яратганнинг ажралмас бир қисмига айланади, оқу қорани англаб, дунёнинг шаклини вужудга келтиради. У барча мавжудотларни таъминлайди, парвариш қилади, модда сифатида шакл беради, қувватини ниҳоясига етказиши. Шунинг учун ҳам у доим қадрланиб, эъзозланади.

Лао Цзи инсонни намунали, марҳаматли, содиқ, тўғрисиўз ва вазмин бўлиши кераклигини таъкидлайди. Инсон “Дао”га ўхшашга ҳаракат қилсин, дейди.

Инсон осуда ҳаётда яшаркан, дунёнинг табиий ва одадий ҳукмларини сақлаб қолгани холда орзудагидек умр кечириши, ҳукмдор ҳам шундай қилиш билан ўз давлатини яхши бир кўринишда, салоҳият билан идора қилиши мумкин. Ижтимоий тадбирлар, сиёсий режалар қанчалик усталик билан ишлаб чиқилса, инсонлар томонидан шунчалик ишониб бўлмас ҳийла-найранглар юзага кела бошлайди. Қанчалик кўп қонун ва буйруқлар жорий қилинса, шунга яраша ярамас ва ўғри-мутгаҳамлар ҳам етишиб чиқади. Бундан ташқари

донишманд (Лао–Цзи) қуйидаги тавсияларни ҳам берган: “Ўйлайдиган нарсанг ҳамиша яхши ва чуқур мулоҳазали бўлиши керак; бирон нарса бераётганингда яхши ва лутфкор бўлишинг лозим. Бирон нарса айтаётганингда тўғрисиўз ва содиқ бўлишинг шарт. Тўғрисиўз бўлсанг мамлакатни яхши бошқарсан, бирон иш қилишни хоҳласанг тўғри ва қобилиятли бўлишинг шарт”.

Кибр, манманлик ва ғурур даочиликда қаттиқ қораланади. Фақат ўзи учун ҳаракат қилувчи инсонларнинг ҳеч қачон юксала олмасликлари, мағрур кимсаларнинг бирон бир ишга ярамасликлари қайта–қайта таъкидланади. Шунингдек, таълимотда инсонлар ўртасида ўзаро уруш–жанжаллар бўлиши қораланиб, комил инсон тинчлик ва хотиржамликка аҳамият бериши уқтирилган. Бундан ташқари давлатнинг шахс ҳаётига ортиқча аралашувини ҳам қоралайди.

Даочиликнинг эътибор талаб жиҳатларидан яна бири – бу инсоннинг абадий ҳаётга эришиши ёхуд умрини ўзайтириши учун ишлаб чиқилган нормалардир. Даочилиларнинг таъбирича, инсон ҳаёти абадийликка дахлдордир. Яъни коинотнинг “ин” ва “ян” кучи таъсирида абадий фаолият кўрсатгани каби, инсон организми ҳам “кичик олам” сифатида эътироф этилади. Шундай экан, одам ҳам абадий ҳаётга эришиши мумкин, деб ҳисобланади. Бунинг учун инсон, аввало, “руҳни озиклантириши” керак. “Руҳни озиклантириш” эса, инсоннинг қиладиган амалларига боғлиқ бўлади. Осмонда руҳлар ҳар бир кишининг амалини ҳисоб китоб қилиб туришади ва шунга қараб унинг умрини белгилашади. Узоқ умр кўришнинг иккинчи шarti эса, қаттиқ риоя қилиниши лозим бўлган парҳез орқали “танани озиклантириш” дир.

Даочилик эътиқодига кўра, ҳар бир инсоннинг икки: “*ци*” (хитойча – “ҳаёт”) – танадан ажралмас ҳамда “*лин*” – (хитойча – “руҳ”) танадан ажраладиган руҳи мавжуд. Инсон вафот этиши билан, агар у қўлидан бирор иш келмайдиган, нодон бўлган бўлса, *лин* – “*зуй*” (хитойча – “чизик”)га, агар доно, бой, барча томонидан ҳурмат қилинган кишининг руҳи бўлса, “*шэн*” (хитойча – “улуғлилик”)га айланади.

Бирок даочиликда ўлим ва ундан кейинги ҳаёт борасида сўз юритилган бўлсада, жаннат ва жаҳаннам тушунчаси ҳақида бирон бир аниқликни кўриш қийин.

Шу ўринда, даочилик Хитой маданиятига, илм–фан ривожига сезиларли таъсир ўтказганини қайд этиб ўтиш лозим. Бу йўналишда кимё, тиббиёт соҳалари алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳар қандай диннинг асосий рукнлари тизимида ибодат масаласи алоҳида ўрин эгаллайди.

Даочиликда ибодат (хитойча – “гункэ”), даставвал, кундалик уч марта амалга оширилган бўлса, хозирги кунда улар иккитага – тонгги (“цзаотан гункэ”) ва тунгги (“вантан гункэ”) ибодатларидан иборат. Тонгги ибодат инсоннинг қалбида хотиржамлик ва таскин бериш учун, тунгги ибодат эса, ўзга дунёга риҳлат қилган аждодларга миннатдорчилик изхори сифатида амалга оширилади. Ибодатларни бажаришда, барча учун маълум канон матнлари аниқ белгилаб қўйилган.

Кундалик ибодатлардан ташқари, даочиликка эътиқод килувчи ҳар бир инсон учун рўза (чжай) тутиш алоҳида аҳамият касб этади. Байрамларда, ўтиб кетган аждодларни хотирлаш кунларида, муқаддас жойларга зиёратга борганларида, шунингдек, ҳаётдаги бирор бир қийин муаммодан халос бўлган вақтларда рўза тутилади. Инсон рўза тутган вақтида даочиликдаги муқаддас китобларни ўқиши, яхшилик ишларни кўпроқ амалга ошириши керак бўлади. Рўзани тутишдан асосий мақсад эса, инсон танасини ҳам ақлан, ҳам жисман тозалашдир. Даочилик таълимотига кўра, рўзани доимий тутиб боришлик – узоқ умр кўриш ва бахтга эришишнинг асосий йўлларида биридир.

Даочиликда байрамлар жуда кўп бўлиб, хаттоки, ўтиб кетган улуғ инсонларнинг туғилган кунлари ҳам байрам сифатида нишонланиб келинади. Байрамлар Хитой миллий тақвимида кўра нишонланади.

Даочиликда “Санюан”, “Иккита тўққизлик”, “Беш Ла”, “Нефрит императори” (Юйхуан), “Даочилик таълимоти асосчиси Лао Цзи таваллуди” ва шу каби ўнлаб байрамлар мавжуд.

“Саньюан” (хитойча – “Уч ибтидо”). Даочилик таълимотида, Лао Цзи вафотидан сўнг, бир неча маротаба инсонларга кўриниб турган ва ўз таълимотини етказган, деб ҳисобланади. Ривоятларга кўра, у ўзининг мана шундай пайдо бўлишларининг бирида, Чжан Даолинга борлиқ уч: сюан (хитойча – “сир тутилган”), юан (“азалий”) ва ши (хитойча – ибтидо) унсурга асосланишини айтган. Булар асосида уч осмон хизматчилари бошқариб турадиган осмон, сув ва Ер пайдо бўлган. Шундан келиб чиққан ҳолда, юқоридаги учлик билан боғлиқ қуйидаги байрамлар нишонланади:

а) “Олий ибтидо” — 1-ойнинг 15-кунида нишонланадиган Осмон худосига бағишланган байрам. У халқ орасида “Чироқлар байрами” номи билан ҳам машҳур.

б) “Иккинчи ибтидо” — 7-ойнинг 15-кунида нишонланадиган Ер худосига бағишланган байрам.

в) “Учинчи ибтидо” — 10-ойнинг 15-кунида нишонланадиган сув худосига бағишланган байрам.

“Иккита тўққизлик” нафақат даочилар, балки хитой халқи томонидан ҳосил байрами сифатида нишонланади. Байрам 9-ойнинг 9-кунида ўтказилади.

Юқоридагилардан ташқари, даочиликдаги оқимлар томонидан нишонланадиган байрамлар бўлиб, улар бошқа оқим вакиллари томонидан эътироф этилмайди.

Ҳар бир байрам ишлаб чиқилган махсус қонун-қоидалар асосида ибодатхоналарда амалга оширилади.

Милодий иккинчи асрга келиб даочиликда оқимлар пайдо бўла бошлади. Уларнинг асосийларидан бири “Тайпиндао” (хитойча – “Буюк тенглик таълимоти”) бўлиб, унинг асосчиси Чжан Цзуэ ҳисобланади. У халқ орасида сеҳр-жоду орқали барча касалликларни тузатувчи ҳамда киши умрини узайтирувчи шахс сифатида шуҳрат топади. У ўз агрофига тарафдорларини йиға бошлайди. Чжан Цзуэ инсонларни 36 жангвор гуруҳга бўлади. Катта гуруҳларга «*да фан*» – сеҳргарлар, кичик гуруҳларга «*сяо фан*» – кичик сеҳргарлар бошлиқ этиб тайинланган. Сектанинг юқори бошлиғи Чжан Цзуэ (“Буюк осмон раҳнамоси”) саналади. Унинг икки укаси “Буюк ер раҳнамоси” ва “Буюк инсон раҳнамоси” деб

талқин қилинади. Мазкур учталик бу диндаги – осмон, Ер ва инсон бирлигининг рамзий тимсолидир. Секта таълимоти ва қарашлари “Тайпинцзин” китобида ўз ифодасини топган.

Даочилик доирасида “Удоумидао” («Беш доу гуруч таълимоти») йўналиши ҳам мавжуд бўлиб, қадимги Хитой жамиятида катта таъсир доирасига эга бўлган. Унинг асосчиси машҳур даочи Чжан Дао Лин бўлиб, у ушбу оқимнинггина эмас, балки бутун дао ибодатхоналарининг асосчиси ҳисобланади. Ушбу йўналишлар тарихда ҳукмрон табақаларнинг адолатсизлигига қарши кўплаб сиёсий курашларга, қўзғолонларга бошчилик қилган. XX аср бошларига келиб Хитойда бу каби оқимларга қарши кураш бошланди. Натижада ўтган асрнинг иккинчи ярмида мазкур дин тарафдорлари сони озчиликни ташкил қилди.

Ҳозирда дунё бўйича тахминан 30 миллион киши даочиликка эътиқод қилади. Улар асосан Хитойда, шунингдек, хитойлик муҳожирлар орасида, бир қисми Вьетнамда истиқомат қилади.

Шу ўринда даочиликнинг ўз таълимотларини ёйиш борасидаги ҳаракатларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Жумладан, 1986 йилдан буён доимий равишда “Даосизм Хитойда” журнали 13 минг тиражда чоп этиб келинмоқда. Шунингдек, дао таълимотини ёритувчи, байрамларнинг нишонланишига оид аудио ва видео материалларнинг чиқарилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Нашр ишларидан кўзланган асосий мақсад эса, даочилик таълимотини янада чуқур етказиб бериш ва жаҳон цивилизациясида дао маданиятининг ўрнини оширишдан иборатдир.

СИНТОЙЛИК

VII–VIII асрларда тўла шаклланган Синтоийлик (хитойча, “шин”, “син” – Худо ва “дао”, “то” – йўл, яъни, Худолар йўли) япон халқи диний эътиқоди, афсоналари ва маросимлари мажмуи бўлиши билан бир қаторда унда табиат ходисалари, аждоқлар руҳи, магия ҳамда шомонликнинг элементларини яққол учратиш мумкин. Кейинчалик Хитойдан конфуцийчилик ва Кореядан кириб келган буддавийлик (буккё)дан фарқланиб туриши учун XVI асрда Япония (Ниппон)нинг миллий динига

айлантирилди. 1549 йилда Японияга христианликнинг кириб келиши бу жараёни янада тезлаштириб юборди. Шундай бўлса—да, бугунги кунда япон оролларида юқоридаги динларнинг барчасига бирданига ёки ҳар бирига алоҳида эътиқод қилувчи аҳоли мавжуд.

Япон халқи анъаналарининг энг қадимги ёзма манбаси “Кодзики” (“Қадимий ишлар ҳақида қайдлар”) бўлиб, 712 йилда малика Гэммэй тавсияси билан зобит Оно Ясумаро томонидан феноменал хотирага эга кўшиқчининг афсоналари асосида ёзилиб, жамланган. Унда Япониянинг яратилишидан 628 йилгача бўлган давр воқеалари акс этган.

701 йилда ёзилган “Тайхоре” конунлар мажмуасида синтоийлик ақидаси ва маросимларига оид масалалар акс топиб, диний байрамларнинг расмий рўйхати киритилган.

720 йилда аслида 31 жилддан иборат (1 жилди сақланмаган) “Нихонги” (“Нихон секи” — “Япония солномаси”) компилятив қайдномалар ягона китоб сифатида жамланган. Шунингдек, қадим японларнинг диний қарашлари “Фудоки” (VIII аср), “Когосю” (807–8 йил), “Синсен Сёдзируку” ва “Энги сики”(927 йил) асарларида акс топган.

1087 йилда император оиласи қармоғида бўлган синтоийлик ибодатхоналарининг мукамал рўйхати тузилди. Унда 7 та императорлик, 7 та тарихий ва муҳим мифологик ҳамда 8 та маҳаллий камиларнинг ибодатхоналари ҳақида батафсил ёритилган.

Қадим японларнинг диний тасаввурлари бошқа халқларнинг эътиқодий қарашлари билан уйғунлашиб кетган. Шунга қарамасдан, синтоийлик айнан курама мифологияга бойлиги билан ўзига хос дин сифатида яшаб келмоқда.

Синтоийлик таълимотига кўра, азалда ҳукм сурган тартибсизлик оқибатида илк бора Такама—ноҳара (Фазо) ва Акицусима (Куруклик, орол) ҳамда бир нечта маъбудлар жуфтликлари пайдо бўлган. Маъбудларнинг ўзаро бирлашуви натижасида Идзанаки (Кимни таклиф қилувчи)

ва унинг синглиси Идзанами (Нимани таклиф қилувчи) вужудга келган. Идзанами самовий кўприкдан уммон юзига тушиб, унда Онногоро (Бутун дунёнинг ўрта устуни) оролини яратган. Улар оролда жиблажибонни кузатиб, ўзларининг жинсий мансублиги ва унинг моҳиятини англаб етишган. Дастлабки яқинлик вақтида хато қилишгани боис улардан кадини кўтара олмайдиган Хируко (зулук) туғилган. Кейинги яқинликдан япон ороллари ва Олов камии (маъбуд) си туғилиб, ўз онасини ўлдириб кўймагунича бир қатор камилар туғилган. Оқибатда жаҳл устида Идзанаки айбдорни бошини узиб ташлагач, ундан оққан қонлардан эса бошқа кўплаб камилар пайдо бўлган. Кейин у Ерости салтанати (Сариқ булоқлар мамлакати)га жаҳаннам таъмини татиб кўргани учун озод қилинмаётган Идзанами кутқариш мақсадида тушган. Идзанами олдида Идзанакининг тунда келмаслик шарти билан Қасос камиси уларга ёрдам берган. Бироқ Идзанаки аҳдга вафо қилмагани учун Идзанами куртлар билан ўралган чириган жасадга айланиб қолган. Идзанаки эса зулмат салтанатининг саккиз нафар даҳшатли жодугарларининг қувғинига учраган. У ортидаги таъқибдан ўзининг дубулғаси ёрдамида нажот топган. Аммо Идзанами ҳам эрига қарши бош кўтариб, зулмат салтанатининг Чақмоқ камиси ва бир ярим минг нафар кўшин билан унинг ортидан тушган. Идзанаки уларнинг йўлини тоғ ва қоялар билан тўсган. Оқибатда уларнинг алоҳида оламлари вужудга келган. Шу зайлда тун келиши билан Идзанами ўз домига минглаб жонзотларни тортади, Идзанаки эса дунё сахрога айланиб қолмаслиги учун яна шунча жонзотларни яратишда давом этаверган. Ниҳоят Идзанаки покляниш маросими орқали ўлим камисига тегиниши натижасида синтоийлик пантеонининг энг олий камиси Куёш Амагэрасу (Буюк само чироғи) ва айёр бўрон ва шамол камиси Сусаноо (Уммон соҳибаси) пайдо бўлган.

Синтоийликда пантеонида Амэ—но Минакануси—но, Таками Мусуби—но ва Мусуби—но камилари машхур хисобланади. Улардан юқорида Амагэрасу Нинигининг

невараси, япон императорлар сулоласининг яратувчиси Амагэрасу Омиками туради. Сон—саноксиз камиларнинг авлодлари келиши давомида илк маъбуд ва инсонларнинг Идзумо ҳамда Кюсю номли ажралиш даври ҳукм сурган. Кюсю даврида ҳозирги Япония императорларининг аждоди ҳисобланадиган афсонавий қахрамон Ямато дунёга келган.

II Жаҳон уруши тугагунича синтоийлар япон императорларини илоҳ сифатида улуғлаб келган. Шундан сўнг Япония парламенти махсус доктрина асосида императорларнинг илоҳий келиб чиқишини бекор қилган бўлсалар—да, ҳозиргача императорлар вафот этгач, камиларга айланади деб эътиқод қилувчилар мавжуд. Шу ақида асносида жангда ҳалок бўлган аскар камига айланиши, яъни Камикадзе (Шараф йўлида жонини фидо қилиш) тушунчаси шаклланган.

Синтоийлик таълимотига кўра, вертикал оламлар Самовий, Ер ва Ерости (Мархумлар салтанати)га, горизонтал эса Ер (Тоёукэ) ва Чексиз фазога бўлинади.

Даставвал қадим инсонларнинг жамоалари табақасига мувофиқ ўз камиларига эга бўлган. Бироқ Амагэрасу—омиками императорлигининг бошланиши натижасида барча камилар унгагина бўйсунишга мажбур бўлган. VII асрда империяни марказлаштириш мақсадида камилар учун ибодатхоналар қуриб, уларни муқаддаслаштириш сиёсати бошланди. X асрга келиб мамлакатда ибодатхоналарнинг сони 3000 дан ортиб кетгани юқоридаги сиёсатга жиддий ёндошилганидан дарак беради.

Синто таълимотининг асосида табиат ва инсоннинг биргаликда мавжудлиги ғояси ётади. Таълимотга кўра, олам ками, инсон ва мархумларнинг руҳлари яшаш макони ҳисобланади. Камилар доим барҳаёт бўлиб, ўлим улар учун қайта туғилиш, янгиланиш чархпалаги вазифасини ўтайди. Аммо бу тарздаги жараён абадий бўлмай, балки у Ернинг мавжудлигига бевосита боғлиқ холос. Синто таълимотида холоскорлик тушунчаси мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам инсон ҳаёти давомидаги яшаш тарзи, ҳаракати ва амалларига қараб, ўзининг ўрнини белгилаб бориши керак.

XIX асриккинчи ярмида Император Мэйдзи ислохотининг дастлабки йилларидан бошлаб, у “Дзингикане” (“Синто ишлари бўйича департамент”)ни тузиб, уни буддавийликдан ажратди ва камилар хузурида қасам ёд қабул қилган ҳолда, синтоийликни Япониянинг расмий дини сифатида эълон қилди (Ислохотга қадар буддавийлик расмий дин мақомида бўлган). 1868–1946-йиллар давомида синтоизм давлат дини мақомида бўлди.

Синто руҳонийлари эса “Дзингикане”нинг ходимлари бўлиб келди. Шунга қарамадан, Японияда ҳукумат диний эътиқод эркинлигини тан олишга мажбур бўлгани бошқа динларнинг ҳам эркин фаолиятига олиб келди. Бироқ, 1896 йилда қабул қилинган Мэйдзи конституциясига кўра, фақатгина расмий дин фаолиятига рухсат берилган эди. Оқибатда “Дзингикане” вакиллари XIX асриккинчи ярмигача шаклланиб келган янги диний оқимлар фаолиятига таҳдид бўлмаслиги учун уларни синто таълимоти билан боғлиқ жиҳатларини кўрсатишга уриндилар. 1876–1908 йиллар ичида 13 та янги диний оқимдан 12 таси синтоийликка мансуб деб рўйхатдан ўтказилди. Улар Куродзуми Кё (асосчиси Куродзуми Мунэтада), Конко Кё (асосчиси Каватэ Бундзиро), Синто Сюсей Ха (асосчиси Нитта Кунитеру), Идзумо Оясино Кё (асосчиси Сенге Такатоми), Фусо Кё (асосчиси Сисино Накаба), Мисоги Кё (асосчилари Иноне Масакане шогирдлари), Синсю Кё (асосчиси Ёсимура Масамоки), Дзикко Кё (асосчиси Сибата Ханамори), Синто Тайсэй Кё (асосчиси Хираяма Сосай), Онтаке Кё (асосчиси Симояма Осука), Синто Тайкё (асосчисиз), Синри Кё (асосчиси Сано Цунехико) ва Тэнри Кё (асосчиси аёл Накаяма Мики, ундан 1970 йилда Хоммити оқими ажралиб чиқди) ҳисобланади.

Японияда 1871 йилда аксарият синто ибодатхоналари давлат идораси мақомини олди. Бунда ҳукуматнинг диний ташкилотлар устидан бевосита назоратни ўрнатиш мақсадида иерархик тизим ишлаб чиқилди. Ибодатхоналарда руҳонийликнинг наслдан наслга ўтиши бекор қилиниб, улар императорлик департаменти қарамоғидаги ходимларга айланди.

II Жаҳон урушидан сўнг Япониянинг капитуляцияси билан бирга 1946 йилда император Хирохито халққа мурожаат қилиб, ўзининг илоҳий келиб чиқишини бекор қилди. Шундан сўнг Япония конституциясига бир қатор ўзгаришлар киритилди. Жумладан, 1947 йилда Япония конституцияси дин давлатдан ажратилгани ҳақидаги модда билан тасдиқланди. Шунга қарамай, 1952 йилда император Хирохитонинг ўғли Акихито синто маросимлари асосида тахт вориси деб эълон қилиниб, унинг никоҳ тўйи ўтказилди.

1989 йилда император Хирохитонинг вафот этишидан сўнг давлат миқёсида синтоийликка эътибор янада кучайди. Унинг ўғли Акихито синто маросимларига биноан ўзининг илоҳий келиб чиқиши ғоясини қайта тиклаб, император бўлди. Ҳозирги кунда императорнинг илоҳий келиб чиқиши ҳақидаги таълимот кенг тарқалиб, ҳатто дарсликларда ҳам акс топган.

Синтоийликда асосан табиат ҳодисалари, аждодлар руҳи ва умуман мавҳумликка сиғиниш асосий ўринда туради. Шунинг учун ҳам таълимот шаклланишининг илк даврларида ибодатхона ёки муқаддас жойларнинг аҳамияти бўлмаган. Бунда японларнинг асосан деҳқончилик билан шуғуллангани ва у билан боғлиқ турмуш тарзи муҳим роль ўйнаган.

Археологик қазिशмалар натижасида қадим японларнинг диний тасаввурларини ифодалай оладиган неолитик маданият (Дзёмон) даврига хос лойдан ясалган аёллар ҳайкалча (Догу)лари ва силлиқ тошлардан сайқалланган цилиндр шаклидаги тимсол (Секибо)лар топилган. Кейинги давр (Яёй)да японлар суяк ва тошбақа тошларида фол очиш амалиётини кенг қўллаганлар. Сўнгги кўҳна давр (Кофун) да японларда дафн маросимлари шаклланган, унда ҳали ҳамон диншунослар учун сирли бўлган марҳумни тўрт оёқда қўйиш одати бўлган.

Синтоийлик таълимотига кўра, камиларнинг яшаш қароргоҳи тоғ, ўрмон ва шаршалар деб эътикод қилингани учун ибодатхоналар ҳам иложи борича шундай ландшафтларда қурилишини кузатиш мумкин.

Ибодатхоналар оддий ёғоч (исэ, идзумо)дан бино қилиниб, безакларда хитой архитектура услубидан фойдаланилади.

Синтоий ибодатхоналарида камиларга бағишланган ибодат ва маросимлар ўтказилиши билан бир қаторда турли қахрамонларга эътиқод қилинадиган маскан вазифасини ҳам ўтайди. Ибодатхоналар ўзининг махсус камилар шарафига ихтисослаштирилгани билан ажралиб туради. Хусусан, Ясукуни ибодатхонасида мархум япон ҳарбийлари эҳтиром қилинади.

Кўплаб дунё динларидан фаркли равишда синтоийлик ибодатхоналари ўзининг қадимий анъаналарини сақлаб қолишга эмас, балки замона билан ҳамнафас янгиланиб туришга мослашган. Жумладан, собиқ императорлик Исе ибодатхоналари ҳар 20 йилда қайта таъмирланиб турилади. Бундай янгиланиш нафақат маросимларда, шу билан бирга архитектура анъаналарида ҳам ўз аксини топиб боради. Шунинг учун Япониядаги ибодатхоналарнинг қайси бири энг қадимий эканини аниқлаш мураккаб.

Синто ибодатхоналарининг асосий биноси Хондэн (Илохийликка бағишланган) бўлиб, унинг ичида камининг руҳи ўрнашиб олган деб, эътиқод қилинадиган Синтай (Камининг жасади) меҳроби жойлашган. Синтай вазифасини камининг исми ёзилган дарахт шохи, ёғоч ёки тош бўлиши мумкин. У доимо махфий сақланади. Ибодатхоналарда маъбудларнинг расмлари бўлмаса—да, бирор бир камининг киёфаси акс этган ҳайвонларнинг сурати бўлиши мумкин.

Ундан ташқари ибодатхоналарда Хайдэн (Тоатчилар хонаси), Синсэндзэ (Муқаддас таом хонаси), Хараидзэ (Қарғиш хонаси), Кагурадэн (Рақс хонаси) ва бошқа кўшимча иморатлари бўлиши мумкин.

Ибодатхона ҳудудига кириб боришда Тории (Тавакасиз эшиклар) бўлиб, улар камилар билан мулоқот қилиш воситаси ҳисобланади. Синтоийлик таълимотига кўра, бирор бир йирик муваффақиятга эришган киши торийга курбонлик бағишлаши лозим бўлади. Шунингдек, ибодатхоналар биносининг юқори қисмида камиларнинг доимий маросимларда иштирокига аталган Симэнава (эшилган гуруч похоли) осилган бўлиши мумкин.

Синтоийликда одамларга ибодатхоналарни узлуксиз зиёрат қилиш мажбурланмаган. Шу аснода ҳар бир япон хонадонида Камидана (Шахсий меҳроб) бўлиши анъанасини шаклантириб, у орқали камини улуғлаш маросими ўтказилиб келинади. Камидана қарағай ёки сакаки дарахтлари новдалари билан безатилган токча бўлиб, унга турли маъбудларнинг исмлари ёзилган тахтача ва туморлар қўйилади.

Синто ибодатхоналарида амалга ошириладиган арконлар содда ва ихчам. Таълимотга эргашувчилар ибодатхонага келгач, меҳроб олдидаги ёғочли катак яшикка танга отиб, тоат қилишдан олдин маъбудларни ўзига жалб қилиш мақсадида чапак чаладилар. Синтоийликка кўра, кишининг якка тартибдаги дуо қилиши бирор бир одат ёки матнга асосланмай, балки исталган тилакнинг фикран айтилиши кифоя ҳисобланади. Шунинг учун синтоийлар ниятларини пичирлаб ва махфий сўрашни афзал биладилар. Дуоларни ошқора равишда ўқилиши расмий маросимларда руҳонийлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Синтоийлик маросимлари камиларни улуғлаш ва уларга атаб турли ибодатлар қилиш асосига қурилган. Шу орқали улардан раҳм–шафкат ва химоя сўралади. Синтоийликда ибодат маросимлари жуда пухта ва аниқлик билан ишлаб чиқилган. Унда эътиқод қилувчининг якка ҳолда ёки жамоавий тарзда амалга ошириши зарур бўлган ибодат арконлари ўрин олган. Синто таълимотида Хараи (Хараигуси, покланиш маросими) муҳим бўлиб, сув билан қўл ювилиб, оғиз чайилади. Шу билан бирга шўр сув ёки тузни одамларга сочиш орқали оммавий покланиш маросими ҳам мавжуд. Ҳосиллик рамзи Сакаки дарахти билан боғлиқ қурбонлик маросими эса мусиқа садоси, рақс ва руҳонийлар томонидан ўқиладиган Норито (дуола) остида камиларга муружаат қилиш билан олиб борилади.

Шунингдек, синтоийликда зилзила ва турли офатлардан паноҳ тилаш мақсадида ками рамзлари билан кўчалар оралаб юрган ҳолда, Синко (Муқаддас айланиш) ва

бўлажак иншоотлар қурилиши олдидан Дзитинсай (Ерни тинчлантириш) маросимлари ўтказилади.

Синтоийликнинг турли ранг–баранг байрамона маросимлари эса Мацури деб аталади. Ибодатхоналарда турли маросим, байрам ва тадбирлар дабдабали тарзда олиб борилади. Айниқса, йирик кўламдаги байрамлар ранг–баранг мушакбозлик, тантанавор мусобақа ва парадлар билан ўтади. Бундай байрамларда бошқа дин вакилларининг оммавий иштирокига монъелик бўлмайди. Маросимнинг энг авжида тахтиравон кўча бўйлаб айлантрилади. Унда камининг ўтириб келаётганига эътиқод қилинади.

Синто таълимотига кўра, қон, касаллик ва ўлим покликка путур етказгани учун бадани қон бемор, дардман ёки азадорлар ибодатхоналарни зиёрат қилиши мумкин эмас. Шунинг учун синтоийликда марҳум билан боғлиқ амалиёт ва дафн маросими шаклланмаган. Бугунги кунда эса бундай тадбирлар ибодатхона худудидан ташқарида амалга оширилади.

Синтоийликда руҳонийлар Каннуси деб аталади. Улар Гудзи (олий ибодатхона руҳонийлари), Неги (ўрта руҳонийлар) ва Гонегу (қуйи руҳонийлар) мартабаларига бўлинади. Бунда каннусилик мартабаси махсус билим ва малаканинг устоз шогирд орқали мерос бўлиб ўтиши таъминланади. Бу эса алоҳида каннусилик мактабларининг пайдо бўлишига олиб келган.

Ибодатхоналарда каннусилар билан бир қаторда Мико (каннусиларнинг ёрдамчилари), мусиқачи, раққос ва диний ходимлар фаолият кўрсатишади.

Каннусилар ибодат вақтида махсус оқ рангли кимано, қат–қат таннура (юбкасимон кийим) ва қора рангли бош кийимда бўладилар.

Бугунги кунда Японияда 80 мингдан ортиқ синтоийлик ибодатхоналари, синто руҳонийларини тайёрлайдиган Кокугакуин (Токио) ва Кагаккан (Исе) университетлари фаолият кўрсатмоқда.

538 йилда Японияга кириб келган ва VIII асрда ҳукумат томонидан қўллаб–қувватланган буддавийлик

билан синтоизм таълимотларининг уйғунлашуви юз берди. Натижада камилар буддавийликдаги дева (маъбуд)лар билан тенглаштирилиб, Бодхисатва (Будда даражасидаги шахс)нинг инъикоси (аватар) сифатида муқаддаслаштирилди. Ҳозирда ҳам юқоридаги ҳар иккала диннинг ибодат маросимларида Будданинг тасвири фаол қўлланилиб келмоқда. Камакура сёгунлиги (1185–1333) сулоласи ҳукмронлиги даврида Тэндай Синто (япон буддавийлиги) ва Сингон (тантрий синтоизм) шаклланди. Кейинги юз йил давомида Ватараи ва Ёсида Синто (синтоийликнинг буддавийлик таъсирларидан тозалаш) сиёсати олиб борилади. Эдо (Токио, 1603–1867) даврида эса Суйка синто (синтоийликнинг конфуцийчилик билан синтези) жараёни юз беради. XVII асрда Мотоори Норинаганинг Фукко (синтонинг аслига қайтиш) сиёсати юргизилиб, буддавийлик ва конфуцийчиликнинг таъсирлари танқид остига олинса–да, лекин, кейинчалик католикликдаги Троица (Муқаддас учлик) ва Иезуитларнинг таълимотларининг сингиб кетишидан сақлана олмади.

Шундай бўлса–да, синтоийлик японларга хос миллий дин сифатида ўз ақидаларини сақлаб колган. Бунда XIV асрда Китабатакэ Тикафус томонидан ёзилган “Дзино сётоки” (“Императорлар илоҳийлигининг ҳақиқий қайдномаси”) даги япон халқининг танланганлиги тўғрисидаги ғояларнинг ўрни муҳим. Асарда камилар императорларда яшаб қолиши мамлакат бошқаруви илоҳий ирода асосида бўлишини таъминлагани таъкидланган.

XVII–XVIII асрларда конфуций ва синтоий таълимотлари асосида Кокутай (Давлат танаси) ғояси ишлаб чиқилди. Унга кўра, ками барча японларда яшайди. Император Аматаэрасунинг инъикоси ва у маъбуд ҳисобланиши лозим. Япония оила бўлиб, ундаги аҳоли ўзаро эҳтиром билан йўғрилган. Японлар руҳан кучли ва илоҳий вазифаларни бажараётганлари учун танланган халқдир.

Синтоийликнинг буддавийлик билан қоришмаси Токугава (Эдо, 1603–1867) даврида давлат дини мақомида бўлган бўлса, Мэйдзи сулоласи (1868 йилдан кейин) даврида синтоийликнинг асл шакли расмий тан олинди.

Мэйдзи императорлиги даврида олиб борилган диний ислохотлар натижасида (Императорлик), (Дзингу – ибодатхона), Кёха (жамоавий) синто йўналишлари, Минкан (халқ дини) шаклланди.

1868–1946 йилларда ибодатхона синтосидан таъсирланган махсус императорлик синтоси Япониянинг расмий дини сифатида амалда бўлди. 1946 йилда олий рухонийларидан иборат Дзиндзя хонтё синтоийлик ассоциасига асос солинди.

Бугунги кунда Японияда синтоийликка эътиқод килувчиларнинг сони ҳақида аниқ айтиш мураккаб. Бунга синтоийликка мансуб ибодатхоналар буддавийлик тарафдорлари томонидан ҳам нисбат берилгани сабаб бўлган. Чунки, амалда юқоридаги икки диннинг таълимот, маросим ҳаттоки меъморчилик анъаналарининг қоришиб кетганидан уларни у ёки бу жиҳат билан ажратишнинг имконини бермаган. Шунинг учун кўпчилик диншунослар Японияда ўзига хос поликонфессионал феноменининг ривожланиб бораётганини таъкидламоқдалар.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Конфуцийликнинг вужудга келиши ва унинг асосчиси ҳақида нималарни биласиз?
2. Нима учун Конфуцийлик олимлар, адиблар, қирол ва императорлар дини дея эътироф этилган?
3. Конфуцийликдаги “Ли” қонунининг асосий ғояси нималардан иборат ва нима учун уни барча қонунлардан устун қўйилган?
4. Даочилик қачон юзага келган ва унинг ўзига хос жиҳати нимада?
5. Даочиликнинг манбалари ҳақида нималарни биласиз?
6. Даочиликда қандай оқимлар бор?
7. Синтоийлик дини қачондан вужудга келган?
8. Синтоийликнинг манбалари нима?
9. Синтоийлик таълимоти нималардан иборат?

Мустақил иш топшириқлари

1. Хитой динларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
2. Конфуцийлик ва хитой халқи анъаналари уйғунлиги тўғрисида маълумотнома тайёрланг.
3. Даочиликнинг бугунги кундаги тақдири ҳақида маълумот тўпланг .
4. Синтоийликдаги синкретистик унсурлар ҳақида кўргазмани слайд тайёрланг (MS Power Point).

Адабиётлар

1. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
2. Мюллер М., Вундт В. От слова к вере. Миф и религия (История религии). – М.: Изд-во Эксмо; Санкт-Петербург: Terra Fantastica, 2002.
3. Религиоведение. Хрестоматия / Пер. с англ., нем., фр. Сост. и общ. ред. А.Н.Красникова. – М.: Книжный дом “Университет”, 2000.
4. Религиоведение: хрестоматия / сост. В.Б.Рожковский, Д.Л.Устименко. – Ростов на Дону: Феникс, 2009.
5. Васильев А. История религий Востока. – М., 1997.
6. Кривелев И. История религий. – М.: 1989.
7. Кулаков А. Религии мира. – М.: 1996.
8. Мень А. История религии. – М.: 1994.
9. Пронников В., Ладонов И. Японцы. – М., 1985.
10. Радугин А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.
11. Яблоков И. Основы религиоведения. – М. 1998.

8–МАВЗУ. БУДДАВИЙЛИК

Режа:

1. Буддавийлик (Буддизм)нинг келиб чиқиши.
2. Муқаддас матнлари.
3. Буддавийлик таълимоти.
4. Будданинг “тўрт ҳақиқати”.
5. Диний маросимлари ва оқимлари.
6. Марказий Осиёда буддавийлик.

Таянч тушунчалар:

Будда, тўрт олий ҳақиқат, нажотнинг олийжаноб саккиз йўли, “Тупитака”, “Панча шила”, “маҳаяна”, “хинаяна”, “важраяна”, ламаизм, “боттҳисатва”, “сансара”, “нирвана”, ахлоқ, донолик, медиатация.

Мавзу ўқув мақсади:

Буддавийлик динининг келиб чиқиши, асосчиси, муқаддас манбасида илгари сурилган ҳақиқатлар ва улар билан боғлиқ фалсафий гоялар, бу диннинг пайдо бўлишидаги тарихий жараёнлар ҳақида талабаларга атрофлича маълумот бериши.

БУДДАВИЙЛИК (БУДДИЗМ) НИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Диний–фалсафий таълимот сифатида вужудга келган буддавийлик бугунги кунда эътиқод қилувчилар сонига кўра, христианлик, ислом динидан кейинги ўринда турадиган жаҳон динларидан бири ҳисобланади.

Буддавийлик милоднинг I асрида Хитойга тарқалган бўлса, IV асрда Кореяга, VI асрда Японияга, VII асрда Тибетга ёйилди. Шундай бўлса–да, XII–XVI асрларда Мўғулистонга, XVI–XVII асрларда Бурятия ва Тувага,

XIX–XX асрларда Америка ва Европа қитъасига кириб борди. XII–XIII асрларда Ҳиндистоннинг Шимолий ҳудудида бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилиши ва исломнинг тарқалиши, қолган ҳудудларда ҳиндуийлик динининг тўла қарор топиши натижасида буддавийлик ўзи пайдо бўлган Ватани Ҳиндистондан сиқиб чиқарилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Буддавийлик милоддан аввалги VI–V асрларда Шимолий Ҳиндистонда вужудга келди. Бу даврга келиб кўп ҳудудликка асосланган ведачилик, брахманлик, жайнизм янги ижтимоий шароитга жавоб бера олмай қолган эди. Будданинг бўйсунуш ва итоаткорлик, азоб–уқубатлардан қутулишнинг асосий йўли, ақл фармонига бўйсунуш орқали инсон олий саодатга эришиши мумкинлиги ҳақидаги ғоялари ўша давр ижтимоий–сиёсий ва маънавий ҳаётини ёрқин акс эттирар эди.

Буддавийликнинг асосчиси Сиддхартҳа (санскритча “эзгуликлар келтирувчи”) Гаутама Шакъямуни (мил. ав. 567–488 й.) реал тарихий шахс бўлиб, Ҳиндистон ва Непал чегарасидаги Капилаваста вилоятининг Шакъя қабиласи ҳукмдори оиласида туғилган. Манбаларда унинг от миниш, ов қилиш, югуриш, кураш, шеър ўқиш, хуснихат ва бошқа соҳаларда маҳоратли бўлгани, билимларни осон ўзлаштиргани учун донишмандлар унга сабоқ беришга ожиз қолганлари қайд этилади.

Азоб–уқубат, касаллик, қарилик ва ўлим ҳақидаги ҳақиқатлардан огоҳ бўлган Сиддхартҳа умрини инсон бошига тушадиган азоб–уқубатлар сабабларини ўрганиш ва инсониятни улардан халос қилиш учун бағишлашга қарор қилиб, 29 ёшида оиласини тарк этади ва сайёр дарвешларга қўшилади. Олти йил давомида Ганга дарёси қирғоқларида роҳиблар орасида зоҳидона ҳаёт кечиради. Сиддхартҳа бу йўл уни ўз олдига қўйган мақсад, яъни инсониятни азоб–уқубатдан қутқариш сари олиб бормаслиги, тана фаоллигини сўндириш ҳақиқат йўли эмаслигига амин бўлгач, роҳиблар жамоасидан ажралади.

Ривоят қилинишича, Сиддхартҳа 35 ёшида медиатация (лотинча – фикрлаш, ўйлаш, диққатни бир жойга тўплаб,

онгини олий ҳақиқатга эришиш ғоясига қаратиш) учун бир дарахтнинг остида дам олиб ўтиради ва ҳақиқатни топмагунча у ердан турмасликка қарор қилади. Бу ўтиришнинг 49 куни унинг қалбидан “Сен ҳақиқатни топдинг” деган садо келади. Унинг кўз олдида бутун борлик намоён бўлади. У ҳеч бир жойда осудалик йўқлигини, ҳамма жойда шошилиш, интилиш, ҳаракатни кўради. Ҳаёт ниҳоясиз узокликни кўзлаб ўтиб кетаётгани, яшаш, мавжуд бўлиш умиди барчанинг тинчини бузиб, ҳалок қилаётгани ва яна қайта яратаётганини англаб етади. Сиддхартха мақсадига эришиб, коинотнинг барча сир–асроридан вокиф бўлгач, “Будда” (санскритча – хотиржам, нурланган, олий ҳақиқатга эришган)га айланган, деб эътироф этилади. Шундан келиб чиқиб, Будда соясида дам олган дарахт “боддха” (санскритча – нурланган дарахт) деб аталади. Будда умрининг сўнгги кунларигача Ҳиндистоннинг турли жойларида бўлиб, ўз таълимотини кишиларга етказишга ҳаракат қилди ва 80 ёшида дунёдан ўтади. Будданинг жасади куйдирилиб, хоки саккиз буддавий жамоага юборилди. Унинг хоки дафн этилган жойларда ибодатхона (“ступа” – санскритча қабрлар кўрғонига кўтарилишдаги иншоот тури, мурда сақланадиган жой)лар барпо этилди.

Будданинг ҳаёти билан боғлиқ кўплаб воқеаларга афсонавий тус берилган. Хусусан, ривоятлардан бирида келтирилишича, Будда 84 марта рухоний, 58 марта шох, 24 марта роҳиб, 13 марта савдогар, 18 марта маймун, 12 марта товук, 8 марта ғоз, 6 марта фил, шунингдек, балиқ, қурбақа, каламуш, қуён қиёфаларида 550 марта қайта туғилган. Сўнгги марта худолар уни инсониятни тўғри йўлга бошлаши учун инсон қиёфасида яратганлар.

Ҳинд подшолари Магадхи Бимбисаре ва Ажаташатрунинг буддавийликни қабул қилиши, кейинчалик император Ашока ва Канишканинг қўллаб–қувватлаши натижасида буддавийлик давлат дини даражасига кўтарилди. Буддавий роҳиблар жамоаси – “сангха” шаклланди.

Маълумки, брахманлик ва ҳиндуийликда кишилар “каста”ларга бўлиниб, одамлар “паст” ва “олий” табақага

ажратилган. Бундан фарқли равишда Будда “инсон ким бўлишидан қатъи назар, туғилишда тенг ҳуқуқлидир, бири иккинчисидан ортиқ эмас”, деган ғояни илгари сурди.

Будданинг шогирдлари Ер юзида биринчи роҳиблар, кейинчалик роҳибалар жамоаси – “сангҳа”ни (бунгача аёллар ибодатхонага жалб этилмаган) ташкил этдилар. Император Ашока даврида “Тхери–гатха” (санскритча – “Роҳибалар кўшиғи”) номли тартиб–қоидалар ва ахлоқий меъёрлар китоби ёзилиши эса бу жараёни янада мустаҳкамлади.

Умуминсоний ғояларнинг тарғиб этилиши ҳамда ҳар бир миллатнинг Будда таълимотини ўз тилида ўқиб–ўрганиши мумкинлиги буддавийликнинг турли ҳудудларга тарқалишига замин яратган. Милоднинг биринчи асрларида буддавийлик бутунлай бошқача тус олади. Будда илоҳийлаштирилиб, худо даражасига кўтарилади ва унга сифинилади.

Будда билим орқали азоб–уқубатлардан қутулиш мумкинлигини уқтирган. Буддавий донишмандлар фикрича, ҳар бир инсон жуда кўп эзгу ва яхши ишлар қилиш орқали Буддага айланиши мумкин.

МУҚАДДАС МАТНЛАРИ

Будда ҳар бир ҳикмат ва ўғитни шогирдлари қалбига жой этиш ва айтган сўзларининг маъносини англашга ўргатиш мақсадида ўз панд–насихатларини ёзиб олишларига йўл қўймаган. Шунга кўра, Будданинг таълимоти бир неча аср давомида оғиздан–оғизга ўтиб, шогирдлари тилидан баён этиб келинган.

Буддавийлик қоидалари ва ахлоқий тамойилларини ўзида мужассам этган ва бугунги кунда дин издошлари томонидан муқаддас, деб эътироф этиладиган “Типитака” (ёки “Трипитака”, санскритча – “Уч сават донолик”) милоднинг бошларида китоб шаклига келтирилган. Ҳозирда “Типитака”нинг илк кўлёзма нусхаси Шри Ланка (Цейлон) да сақланади. “Типитака” учта катта бўлимдан иборат.

Биринчи бўлим – “Виная–питака” (санскритча – “Ахлоқий меъёрлар китоби”) буддавийлар жамоаси “сангҳа”

таркибига кириш тартиби, роҳибларнинг хулқ–атвори ҳамда диний кўрсатмаларга риоя қилиш қонун–қоидалари ва унга амал қилинмаган тақдирда бериладиган жазолар тавсифини ўз ичига олади.

Иккинчи бўлим – “Сутта–питака” (санскритча – “Дуолар китоби”) ҳажм жиҳатдан саватларнинг энг каттаси ҳисобланади. Унда асосан “тўрт асл ҳақиқат” ҳақида сўз юритилади. Будда таълимоти шогирдлари тилидан масал, суҳбат, насихат, афсона, ҳикматли сўз, дostonлар шаклида баён этилган. Шунингдек, ушбу бўлимда Будда жамоаси (“сангха”)нинг тузилиши ва унинг шогирдларига оид маълумотлар ҳам келтирилади.

Учинчи бўлим – “Абҳидҳарма–питака” (санскритча – “Диний–фалсафий масалалар китоби”)да диний таълимотнинг асосий қоидалари ифодаланиб, буддавийлик амалиётининг фалсафий мазмун–моҳияти очиқ берилган. Матн ёзилиш услуби ва тили мураккаблиги учун буддавий роҳиблар уларни фақат устозларидан таълим олиш йўли билан ўзлаштирганлар.

“Типитака” матнларига вақт ўтиши билан ўзгартиш, тузатиш ва кўшимчалар киритилган. Бундай ўзгаришлар буддавийликда ўзига хос йўналишлар пайдо бўлишига замин яратган.

“Типитака”нинг илк матни санскрит тилида ёзилган бўлса ҳам, вақт ўтиб асл матнлар йўқолиб кетгани учун фақат тибет, хитой ва япон тилларига таржима қилинган намуналари сақланиб қолган. Мазмунан “веда” (санскритча – муқаддас билим) ва браҳманлик фалсафий қарашларидан холи бўлган буддавийлик манбалари, ўзининг оммабоп услубдаги талқини билан оддий халққа тушунарли бўлган. Масалан, “маҳаяна” айнан шу хусусияти туфайли буддавийликни Жанубий ва Жанубий Шарқий Осиёга ёйилишини таъминлай олган. Милоднинг биринчи асридан бошлаб буддавийлик Хитой, Корея, Япония Шри Ланка, Бирма, Таиланд, Вьетнам, Камбоджа, Лаос сарҳадларигача етиб борган.

Будданинг 84 мингта насихати 108 жилддан иборат “Кангъюр”да, унинг талқин ва тафсири 225 жилддан иборат “Тенгъюр”да акс этган. Шунингдек, Будданинг ҳаётига бағишланган ва милоднинг II асрида ёзилган “Махавоцу”, милоднинг II–III асрларида ёзилган “Лалитавистара (“Будданинг ҳаёти”)), буддавий файласуф Ашвагхоша томонидан милоднинг I–II асрларида яратилган “Буддхачарита”, милоднинг I асрида ёзилган “Абнихишкрамансутра” ва “Ниданакатха”, “Дхаммапада” (“Дхарма йўли”, “Будданинг фикр–ғоялари”) каби асарлар буддавийликнинг муҳим манбаларидан ҳисобланади.

БУДДАВИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ

Буддавийлик қадимий ҳинд диний-фалсафий таълимотлари таъсирида шаклланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Буддавийликда ўша даврда ҳам устувор бўлган каста тизими ва унда руҳонийларнинг бошқалардан устунлиги ҳақидаги қарашлар ва амалиёт ҳам инкор қилинган. Булар Будданинг “Ўзингга озор етмасин десанг, ўзгаларга озор берма, бошқаларга озор берсанг, ўзинг ҳам озор чекасан. Ҳирсу хавас барча бахтсизликларнинг сабабчисидир. Вақт ўтиши билан ҳамма нарса ўзгаради, шунинг учун, ҳеч нарсага ортиқча кўнгиш боғлама, кўнгишни тоза тут, ҳақиқат ва боқий саодат изла. Ёмонлик қилма, гуноҳдан сақлан. Ҳамиша яхшилик қил. Бошқаларни севсанг, ўзинг ҳам, бошқалар ҳам бахтли бўлишади. Ўзгаларнинг айтганларини рад этма ва қоралама, ўзни бахтли қилиш учун ўзгаларни бахтсиз қилиш инсофдан эмас”, деган сўзларида теран акс этган.

Буддавийлик таълимотининг ўзига хос жиҳатлар барча жонли нарсаларга муҳаббат билан қарашнинг тарғиб этилишида, ақл кўрсатмаларига қатъий бўйсуниш ва ҳиссиётга берилмасликда ҳам акс этган.

Буддавийликда оламлар ва уларга хос хусусиятлар ҳақидаги қарашлар муҳим ўрин эгаллайди. Будда таълимотига кўра, олам уч босқичли бўлиб, унинг биринчиси – энг юқори мутлақ осойишталик ҳукм сурадиган “нирвана”

(санскритча – сўлиш, ўчиш) оламидир. Унда инсон барча ташвишлардан халос бўлади, ҳеч бир истак–хоҳиш, эҳтиросларга ўрин қолмайди. “Нирвана”да рух – “сансара” (санскритча – кезиш, кўчиб юриш, ўзгариш) кишанларидан тўла озод бўлиб, олий мақомга эришади. Донишмандлар “нирвана”ни инсон билимлари доирасидаги сабаб–оқибат “дхарма” (санскритча – қонун, бурч, ҳақиқат, нарса, ҳолат) оқими тўхтаб, рухнинг номуносиб ва эзгу бўлмаган амаллардан холи бўлган ҳолати, деб изоҳлайдилар.

Иккинчи олам – “рупалока” (санскритча – жаннат) “боддҳисаттвалар” (санскритча – моҳияти билим бўлган инсон) истиқомат қиладиган жой ҳисобланади. Унда жаннатнинг яратувчиси, Будданинг бири – Амиабҳа ҳукмронлик қилади. Бу ерда савоб ишлари туфайли руҳи гуноҳдан озод бўлган ва “нирвана”га кўтарилиш ҳуқуқига эга бўлган инсонлар яшайди.

Учинчи олам – “камалока” (санскритча – дўзах) энг қуйи оламдир. Бу ерда одамлар ва ҳайвонлар яшайди. Оламнинг бу қисмида рух қафасда яшайди. Рух озод бўлиши ва юқори оламга кўтарилиши учун инсон савобли ишлар қилиши лозим бўлади. Чунки жон қафасдан қутулишга ва юқори оламда яшашга интилса ҳам, гуноҳлари туфайли кўтарилмайдими. Буддага эътиқод туфайли инсоннинг жони бир неча марта туғилишдан кейин жаннатга ва ундан кейин “нирвана”га кўтарилиши мумкин. Ёвуз инсоннинг руҳи қуйи оламда азобланаверади ва юқори оламга кўтарилмайдими. Инсон қанча ёвуз бўлса, унинг руҳи қайта туғилишида яна қуйи оламга тушади, яъни буддавийлик таълимотига кўра, ўлим инсонни ҳаёт азоб–уқубатларидан халос эта олмайди.

“Нирвана”га ўтиш ҳар бир кишининг иродасига боғлиқ бўлиб, буддавийликка астойдил эътиқод қилганлар иккинчи оламга кўтарилишлари, гуноҳқор кишиларнинг жонлари қафас ичида қолиши, нафсга берилганлар дўзахга тушишлари мумкин.

“Сансара”нинг оғир азоб–уқубатларидан қайта туғилишлардан сўнг “архат” (санскритча – ҳақиқатни

англаш, қалб кўзининг очилиши, тушуниш ва сукут сақлаш) ҳолатига эришган кишиларгина халос бўлиши мумкин. Кишилар қайта туғилиши натижасида турли мавжудот қиёфаси (ўсимлик, ҳайвон, инсон)да намоён бўлиши мумкин. Чунки буддавийликка кўра, инсон ўлимидан кейин ҳам қайта туғилади. “Сансара”ни енгиб ўтганлар “архат” ҳолатига эришиб, бу дунё кийинчиликларидан холос бўладилар. “Архат”га эришиш ва ундан “нирвана”га ўтиш учун “нажотнинг олижаноб саккиз йўли”ни босиб ўтиш лозим бўлади.

Буддавийлик заминида “Будда”, “дхарма” ва “сангҳа” (санскритча – роҳиблар жамоаси, “олий ҳақиқат”га етишган авлиёлар)га эътиқод ётади. “Будда” олий ҳақиқатга етиш тимсоли бўлса, “дхарма” Сиддхартҳа Гаутама қолдирган “тўрт олий ҳақиқат”, “сангҳа” у асос солган ва ҳозиргача фаолият кўрсатиб келаётган роҳиблар жамоаси ҳамда “олий ҳақиқат”га етишган авлиёларни англатади.

Буддавийликда Буддага эргашиб, “дхарма” талабларини бажариш ва “сангҳа” жамоаси аъзоси бўлиш талаб этилади. “Сангҳа” муқаддаслик ва қудрат тимсоли бўлиб, роҳиблар жамоасига қабул қилинган шахс маълум амалларни бажариши ва белгиланган қатъий қоидаларга амал қилиши лозим бўлган. Жумладан, тирик мавжудотларни ўлдирмаслик, ёлғон сўзламаслик, ўғрилиқ қилмаслик, зинога йўл кўймаслик, маст қилувчи ичимлик ичмаслик, куннинг иккинчи ярмидан то эртанги саҳаргача овқат тановул қилмаслик, кийимдан ортиқ ҳеч нарса билан танани безамаслик, дунё лаззатларидан ўзини тийиш, баланд ва юмшоқ ўринда ётмаслик, пул ишлатмаслик каби ахлоқий талабларни адо этишга қасамёд қилган ва унга риоя этганларгина роҳиблар жамоасига қабул қилинган.

БУДДАНИНГ “ТЎРТ ҲАҚИҚАТИ”

Будда таълимотининг асосида “ҳаёт – бу азоб–уқубат” ва “нажот йўли мавжуд” деган ғоялар ётади. Инсон ўзига хос мавжудот бўлиб, туғилади, ўзини–ўзи ҳалок қилади ёки қутқаради. Бу ғоялар Будданинг илк даъватида

таърифланган “тўрт олий ҳақиқат” ҳақидаги қарашларда ўз ифодасини топган.

“Азоб–уқубат ҳақидаги ҳақиқат”. Буддавийликка кўра, ҳар бир тирик жон азоб–уқубатни бошидан кечиради. Шунинг учун ҳам, ҳар қандай дунёвий ҳаёт қийноқ, азоб–уқубатдир. Туғилиш – қийноқ, касаллик – азоб, ўлим – кулфат, қийинчиликка дуч келиш – машаққат, бахтсизлик, умидсизлик – азоб, севмаган киши билан яшаш – азоб, суюкли одамингдан ажралиб қолиш – ғам, астойдил хоҳлаган нарсангга эриша олмаслик – азоб, орзу–ҳавасга етолмаслик – азоб–уқубат.

“Азоб–уқубат сабаблари ҳақидаги ҳақиқат”. Инсон моддий нарсалар ёки маънавий кадриятларни ҳақиқий ва доимий, деб ҳисоблагани учун уларга эга бўлишга интилади. Бу интилиш ҳаёт давомийлигига олиб келади. Яхши ёки ёмон ниятлардан тузилган ҳаёт дарёси орзу ва интилишлар сабабли келажак ҳаёт учун “карма” ҳозирлайди. Инсон ўз нафсининг хоҳиш–истакларига асир бўлгани учун азоб–уқубат гирдобида қолади. Демак, қайта туғилиш ва янги қийноқларга дучор бўлиш давом этади. Аксарият буддавий донишмандлар фикрича, Буддадан бошқалар “нирвана” ҳолатига эриша олмаганлар.

“Азоб–уқубатлардан халос бўлиш ҳақидаги ҳақиқат”. Ҳар қандай ўй–ният, орзу–ҳавас ва интилишлардан бутунлай воз кечиш “нирвана” ҳолатига олиб боради. Бу ҳолатда инсон қайта туғилишдан тўхтайтиди. Буддавийлар “нирвана” руҳнинг олий ҳолати, деб ҳисоблайдилар. “Нирвана”да “ҳаёт ғилдирагидан” ажралиш рўй беради, яъни киши барча ғам–ташвишлардан холи бўлади, истаги ҳам, туйғуси ҳам, эҳтирослари ҳам аҳамиятсиз бўлади.

“Азоб–уқубатлардан қутулишнинг нажот йўллари ҳақидаги ҳақиқат”. Будда “халоскорликнинг ажойиб саккиз йўли”га амал қилиш орқали азоб–уқубатлардан қутулиш мумкинлигини таъкидлаган. Будда уларни қуйидагича талқин этади:

– тўғри маслак (дунёқараш). “Тўрт олий ҳақиқат”ни билиш, идрок этиш ва унга ишониш;

– тўғри мақсад. Таъмагирлик, нафс, ҳирс, бадхулқлик, бағритошлик ҳисларидан холи бўлиш, дунёвий ҳузур–ҳаловатдан халос бўлиш, кераксиз фикрлар ва бошқаларга зарар етказиб қўйишдан сақланишга интилиш;

– тўғри сўз. Ёлғон, тухмат, ҳақорат, манманлиқдан холи бўлиш, бефойда гаплардан сақланиш;

– тўғри саъй–ҳаракат. Ўлим (қон тўкиш), ўғирлик, зинодан сақланиш, ўзиники бўлмаган нарсага кўз олайтирмаслик, ортиқча ҳиссиётга берилмаслик, ўзидаги ёмон туйғуларни жиловлаш ҳамда эзгу туйғулар ва ҳаракатларни ривожлантириш;

– тўғри турмуш тарзи. Номаъқул ҳаёт тарзидан сақланиш, ғайриихтиёрий ҳаракатларсиз, бировларга зиён етказмай яшаш;

– тўғри интилиш. Эришилган муваффақиятларни ривожлантириш, халоскорлик йўлида йиғилган тажрибани асрашга эришиш йўлида тинмай ҳаракат қилиш;

– тўғри фикрлаш (диққат–эътибор). Танага, ҳиссиётга, онг ва руҳий ҳолатларга диққат–эътибор қаратиш, уларнинг моҳиятини аниқ белгилаш, эҳтирос ва изтиробларга чек қўйиш,

– тўғри мулоҳаза (ўз фикр–хаёлларига чўмиш). Ҳиссий ҳолатларни тарк этиш, кўтаринки, юксак билим ва мантикий тафаккурга эга бўлган биринчи “билиш босқичига” қадам қўйиш, кундалик ҳаёт ташвишларидан кутулиб, ҳайрат, завқ–шавқ ва кувонч оламида кезиш.

Будда фикрича, инсон “Панча шила” (санскритча – беш насихат)га амал қилиши, қотиллик, ўғрилик, гумроҳлик, ёлғон сўз, маст қилувчи нарсалардан сақланиши лозим. Буддавийликка эътиқод қилган ҳар бир роҳиб ғийбат қилмаслик, кўпол ва бекорчи сўзларни гапирмаслик, ўзгалар мулкига кўз олайтирмаслик, бировга нафрат билан қарамаслик, адолат ҳақида ўйлаш, муносиб инсонлардан яхшиликни аямаслик, ахлоқий хатти–ҳаракат қоидаларига амал қилиш, ўзида савобли ишлар қилиш истагини

тарбиялаш, ота–она ва қарияларни хурматлаш, улар ҳақида қайғуриш, ҳақиқат, адолатни тарғиб қилиш, ўз камчиликларини бартараф этиш каби вазифаларни адо

ДИНИЙ МАРОСИМЛАРИ ВА ОҚИМЛАРИ

этиши лозим.

Буддавийлар ҳар ойда икки марта “Тийилиш куни” маросимини ўтказадилар. Ибодатдан олдин муаттар ҳид таралиб туриши учун Будда ҳайкали атрофига гуллар қўйилиб, шамлар ёқилган. Ибодат Будда ҳайкалига қараб бажарилади. Буддавий роҳиблар муқаддас китобдан парчалар ўқишади. Маросим тугагач, роҳиблар ибодатга келган кишилар устига, улар ўз навбатида ерга сув сепадилар. Шу йўл билан роҳиблар билан оддий кишилар ўзларидаги яхши ҳислатларни ўзаро баҳам кўришга интилишларини намойиш этадилар. Ибодат пайтида гулдан фойдаланишда ҳам чуқур рамзий маъно бор. Зеро, сўлиб қолган гул ҳаётнинг ўткинчилиги, муаттар ҳид эса буддавийликка эътиқод қилувчиларнинг гўзал хулқ–атворли бўлиши лозимлигини эслатади.

Буддавийликда ибодатлар холи (якка ҳолда) ҳам амалга оширилади. Бу инсоннинг истаган пайтда ибодат қилиш, ўз ички оламига кириб, ишонч–эътиқодининг моҳияти ҳақида мушоҳада юритишига имкон яратади, деб ҳисобланади. Диний урф–одат ва маросимларнинг оддийлиги буддавийликнинг жаҳоннинг турли мамлакатларида кенг тарқалишига сабаб бўлган. Будданинг туғилган, нурланган ва вафот этган кунларини хотирлаш билан боғлиқ маросимлар мавжуд. Хусусан, Будданинг туғилган куни оммавий байрам сифатида нишонланишини алоҳида қайд этиш лозим.

Буддавийлар учун янги йилнинг бошланиши ўз ахлоқий хатти–ҳаракатларига баҳо бериш, покланиш ва савобли ишларни бажариш ҳақида қайғуриш вақти бўлиб ҳисобланади. Апрель ойида 2–3 кун давомида нишонланадиган “Янги йил байрами”да Будда, авлиёлар, аждодлар ёдга олиниб, сув сепилади. Сув сепиш ёмғир қақирини ва хотиржам ҳаёт белгиси ҳисобланади.

Шимолий Ҳиндистон ва Марказий Осиё ҳудудларининг

Кушонлар салтанати ҳукмронлиги остида бирлаштирилиши натижасида буддавийлик Узоқ Шарққа ҳам кириб борди. Кейинчалик Шарқий Туркистон, Хитойга ёйилди. Канишка, Вима Кадфиз ва улардан кейинги Кушон императорлари буддавийлик дини анъаналарини амалда ривожлантириш, бошқа халқлар ўртасида тарқатиш учун Балх, Марв, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Шош, Туркистон, Қува, Косон, Ўш, Болосоғун, Кошғар ва бошқа шаҳарларда ибодатхоналар қуриб, унинг муқаддас китоблари, сутра (санскритча – ип, тўплам, баён, диний–фалсафий ибора)ларни ўрганиш, таржима қилиш ва шарҳлаш учун шароит яратдилар.

Будданинг ўлимидан сўнг шогирдлари орасида ажралиш рўй берди. “Хинаяна” (санскритча – кичик ғилдирак) йўналиши анъанавий қарашларга риоя қилиши билан бирга Будда таълимотига қатъий мантикий изчиллик беришга интилди. “Махаяна” (санскритча – катта ғилдирак) йўналиши Будда таълимотининг барча томонларини ислоҳ қилди. Буддага илоҳийлик тусини бериб, диний маросим ва ибодатларни жорий этди. Ушбу йўналишларнинг маҳаллий қадриятлар ва бошқа динлар билан синтезлашуви эса “ламаизм”, “важраяна”, “дзэн (чань) буддизм”, “тянтай”, “дхиана” каби йўналишларнинг вужудга келишига замин яратди.

Буддавийликнинг илк йўналишларидан бири, нажот топишнинг тор йўли бўлган **“хинаяна”** милоддан аввалги I асрда шаклланган бўлиб, унинг асосий қоидалари “Типитака”да баён қилинган. “Хинаяна”ни Будда кичкина қайиқ мисолида тушунтирган: киши ёлғиз ўзи унга ўтириб, тинч–омон дарёдан сузиб ўтиши мумкин. Бундай киши “архата” деб аталган. У бутун куч–қудрати ва имкониятини олий мақсад сари қаратиб, ҳақиқатни англайди. “Архата” фақат ўзи ҳақида қайғуради ва ҳар бир киши “нирвана”га эришиш учун ўзи ҳаракат қилиши кераклиги, бошқаларнинг ёрдами билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини уқтиради. Раҳм–шафқат, ачиниш, ҳамдардлик қанчалик юксак ва гўзал ахлоқий меъёр бўлмасин, инсонни чеклаб қўяди. Ҳамиша кимгадир ва нимагадир таянган киши олтин

занжирга кишанланган бўлади. Ваҳоланки, темир ёки олтиндан бўлганидан қатъи назар, занжир занжирлигича қолаверади. Шунинг учун ҳам “хинаяна”да киши фақат ўзига нажот бериши, бошқаларнинг ҳаётига аралашинишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги, ҳар бир кишининг ўз нажот йўли бўлиши эътироф этилган. “Архата” бошқаларга устозлик қилиш, панд–насихат қилиш, бошқаларга кўмак беришдан кўра, сукутни афзал кўради. “Архата” юксак камолот ва “нирвана”га эришган киши ҳисобланади.

“Хинаяна” йўналиши эътиқодига кўра, киши роҳиблар жамоасига кириб, яққа–ёлғизликда таркидунёчилик ва такводорлик билан ҳаёт кечириш орқали кундалик ҳаёт ташвишларидан халос бўлиши мумкин.

“Хинаяна”да “Будда тишига сиғиниш”, муқаддас жойларни зиёрат қилиш каби дабдабали маросимлар пайдо бўлган. Буддавийларнинг муқаддас жойи Шри Ланка бўлиб, бу ерга турли мамлакатлардан буддавийликка ибодат қилувчилар ташриф буюрадилар. Шри Ланканинг аввалги пойтахти бўлган Канди шаҳрида дунёда машҳур “Будданинг тиши” ибодатхонаси жойлашган. Бу ерда Будданинг тиши сақланади. Ривоят қилинишича, Будда вафотидан сўнг унинг жасади оловда куйдирилган. Будданинг шогирдларидан бири ўша жойдан Будданинг тишини топиб олган ва бу тиш ибодатхонада сақланган. “Будданинг тиши” ибодатхонанинг ер остида, қумушдан ясалган қўнғироқ ичида олтин идишларда сақланади.

Ижтимоий ҳаётнинг ўзгариб бориши ва буддавийлик тартиб–қоидаларини унга мослаштиришга интилиш натижасида руҳий камолот ахдига риоя этувчи, худога илтижо қилувчи, роҳибларга инъом–эҳсон берувчи ҳар қандай диндор нажот топиши мумкин, деган қоидага асосланган “**махаяна**” (санскритча – нажот топишнинг кенг йўли) йўналиши вужудга келишига замин яратилган.

Худоларга етиш йўллари барча учун мумкин бўлгани сабабли “махаяна” йўналиши “қатта ғилдирак” номини олган, яъни ҳамдардлик ва хайрихоҳлик билан бошқаларни ҳам олий мақсад сари етаклаш, уларга ёрдам бериш ва боддҳисаттва мақомига эришишларига кўмаклашиш

ҳақидаги ғоялар унинг мазмун–моҳиятини ташкил этган. “Боддҳисаттва” қарама–қаршилиқ ва зиддиятда ҳам ҳақиқатни кўра оладиган, ким бўлишидан қатъи назар, бойми, камбағалми, барчага ўз нажот йўлини таклиф қила оладиган кишидир.

“Маҳаяна”да “халоскорликнинг ажойиб саккиз йўли”га амал қилиш орқали азоб–уқубатлардан қутулиш мумкинлиги инкор этилиб, бу йўлдан воз кечилган. Бунинг ўрнига боддҳисаттва – устозлар ва роҳибларга сиғиниш орқали нажот топишнинг йўли кўрсатилган.

“Маҳаяна”да “дунё бир рўё (йўқлик), фақат “нирвана” ҳақиқатдир, Сиддхартха ўғитларига амал қилувчи, худога илтижо қилувчи, роҳибларга моддий ёрдам берувчи, дунёвий ишлар билан шуғулланувчи ҳар бир киши нажот топиши мумкин”, деб уқтирилади. “Адибудда” (санскритча – абадий Будда) – дунёнинг олий қиёфасиз субстанцияси, яъни “нирвана” деб ҳисобланади.

“Маҳаяна”да жаннат даражалари ҳақидаги таълимот етакчи ўринни эгаллашини алоҳида қайд этиш лозим. Унга кўра, “Боддҳисаттва”лар худонинг эманацияси сифатида инсоннинг азоб–уқубатлардан халос бўлишига мадақкор бўладилар. Худонинг марҳаматига эришиш йўли муқаддас “сутра” (диний–фалсафий адабиёт)ларни такрорлаш билан амалга ошиши таъкидланган.

“Маҳаяна”нинг асосий қоидалари “йогочара” ҳамда “мадхъямика” диний–фалсафий мактаблари томонидан ишлаб чиқилган. “Йогочара” мактаби вакиллари “фақат инсон онгини реал мавжудлик, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, онг ташқи дунёнинг барча объектларини вужудга келтира олгани учун унинг фаоллигини сўндириш орқали қайта туғилиш занжири – “сансара”дан қутулиш мумкин”.

“Мадхъямика” мактаби вакиллари индивидуал онг мавжудлигини инкор этиб, фақат “шунёт” (“бўшлиқ”) мавжудлиги, у муайян сифатга эга эмаслиги, уни таърифлаш ҳам, тажриба йўли билан ҳам билиб бўлмаслиги, уни фақат интуиция – ички сезим қуввати (қалб кўзи) орқали англаш мумкинлигини эътироф этганлар. Кейинчалик “маҳаяна” буддавийликнинг янги йўналишлари учун асос бўлиб хизмат қилди.

“Дзэн буддизм” V–VI асрларда Хитойда пайдо бўлган махаяна йўналишидаги мактабларидан биридир. Унинг асосчиси афсонавий роҳиб Боддхидхарма ҳисобланади. “Дзэн” (лотинча – медиатация, фикрни жамлаш, диққат билан мушоҳада қилиш) буддизмнинг асосий хусусиятлари сифатида назариядан кўра амалиётга, диний ўғит ва қонун–қоидаларни ёдлаш ўрнига мушоҳада қилишга алоҳида эътибор берилишини, иррационализм ва мистикага мойилликни қайд этиш мумкин.

Дзэн буддистлар “йога” машқларини бажариш, жисмоний меҳнат қилиш, санъат тури билан шуғулланишга катта аҳамият берадилар. Ҳар қандай ақида ва эътиқод шаклларини (ҳаттоки, Буддани ҳам) инкор қилиш, ҳеч кимга тақлид қилмаслик ва руҳий эркинликка эришиш, “вақт–абдийлик”, “субъект–объект”, “ҳаёт–ўлим”, “ҳақиқат ва ёлғон”, “яхшилик ва ёмонлик” каби зиддиятларни бартараф этишни камолотга эришишнинг олий йўли, деб ҳисоблайдилар. Дзэн буддизмда ташқи оламдан узилиб, абадий ташвишлардан четланиш ва фикрни бир нуқтага жамлашга алоҳида эътибор берилади ва “сатори” (санскритча – йилт этиб кўриниш)ни тарғиб қилинади. Транс ҳолатига тушган кишининг ҳақиқатга эришиши дзэннинг олий мақсади, деб билинади.

“Дзэн буддизм” барчани ирки, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар, “ҳаммага мос жонли амалий ҳақиқат” сирларидан огоҳ бўлишга чақиради. Ҳозирда дзэн буддистлар 10 миллиондан ортиқ, уларнинг 85 фоизи Японияда яшайди. Унда илгари сурилган ғояларнинг бевосита “дилдан–дилга” узатилиши, инсоннинг ўз руҳий моҳияти билан яқинлиги, белги ва шаклларга қарам бўлмаслик, яъни фикрнинг сўз ва белгиларсиз ифода этилиши, инсоннинг ўз ички дунёсига мурожаат қилиши орқали Будда каби баркамолликка эришиш мумкинлиги ҳақидаги қарашлар оммавий тус олган.

Ҳозирда Японияда дзэн ибодатхоналари диний, сиёсий ва маданий марказга айланиб, ёшлар тафаккури, турмуш

тарзи, фаолиятига катта таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, дзэн санъати хитой ва япон маданияти анъаналаридан бирига айланган. Самурайлар дзэн буддизм тарғиботчилари ҳисобланади. Дзэнга “ҳаммага мос жонли амалий ҳақиқат” деб таъриф беришган, яъни инсон ички дунёси орқали ҳақиқат ва баркамолликка эришиши мумкинлиги эътироф этилган ҳолда қатъий тартиб ва махсус руҳий машқларга амал қилиш талаб этилади.

Бугунги кунда дзэн буддизм Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ ва Канада ёшлари орасида кенг тарқалганини қайд этиш лозим. Шу аснода медиатация қонун ва талабларини бузиб талқин этиш, маст қилувчи ичимлик ва наркотик моддалардан фойдаланиш орқали “нирвана”га эришиш мумкин, деган қарашлар ҳам кенг ёйилиб бораётганини таъкидлаш зарур. Ёшларнинг бундай қарашлар таъсирига берилиши уларнинг турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатиб, носоғлом майлларнинг кучайиши, алкоғолизм ва наркоманиянинг чуқур илдиз отишига замин яратмоқда.

Ламаизм (тибетча – энг улуғ) VII–XIV асрларда Тибетда маҳаяна йўналиши таъсирида вужудга келган. Муқаддас диний китоблар “Кангъюр” ва “Тенгъюр”да баён қилинган барча қонун–қоида ва талаблар ламаизм эътиқодининг асосини ташкил этади. Ламаизм таълимотига кўра, инсон буддавийлик ақидаларига таяниб, фақат ламалар ёрдамида нажот топади, гуноҳлардан покланади, ламалар ёрдамисиз оддий кишилар жаннатга туша олмайди.

Будданинг Ер юзига яна қайтиши ва дунёда адолат ўрнатишига ишонч ламаизм таълимотида муҳим ўрин эгаллайди. Худоларнинг Ердаги вакили ҳисобланган ламаларга ва дунёвий ҳокимиятга сўзсиз бўйсунуш, ибодат ва расм–русумларни дабдабали ўтказиш, муқаддас китоблар талқинини театрлаштирилган томошаларда акс эттириш, худоларнинг ғзаби, ёвуз руҳлар зиёнини қайтариш учун турли дуо ва афсунлар ўқиш ламаизмга хос хусусият ҳисобланади. Одам ўлдириш, ўғрилиқ, ёлғончилик, туҳмат, ғийбат, бекорчи сўзлаш, очкўзлик, кек сақлаш, зино қилиш

ламаизмда ҳам оғир гуноҳ саналади. Ламаизм таълимотига кўра, гуноҳ қилишдан ўзини тийиш фазилат ҳисобланиб, инсонга “энг яхши қайта туғилиш”га ёрдам беради.

Ламаизмнинг олий диний раҳнамози Далай–Лама (тибетча – “денгиздек улуғ лама”) туғилган мавжудотларнинг энг улуғи, “боддҳисаттва”нинг Ердаги кўриниши, тирик худо ҳисобланади.

“Ламаизм” тибетликларнинг асосий дини ҳисобланади. Тибетда 3000 дан ортиқ буддавийлик ибодатхоналари мавжуд. Шунингдек, ламаизм Россиянинг, Бурятия, Тува, Олтой каби ҳудудларида ҳам кенг тарқалган.

Необуддизм XX асрнинг 40–50–йилларидан бошлаб кенг тарқала бошлаган диний–идеологик оқим бўлиб, Бирма, Таиланд, Лаос, Вьетнам маҳаллий зиёлиларининг озодлик ва миллий уйғониш ҳаракати билан боғлиқдир. Унинг асосида янги замон талабига жавоб бера оладиган бунёдкор гояларни тарғиб қилиш, пайғамбар ва авлиёларни яратиш, тақводорлик ва таркидунёчиликни рад этиш, “карма” каби масалалар ётади. Ақл–идрокнинг аҳамиятсизлиги, диннинг нажоткорлиги эътироф этилиб, буддавийлик гояларини тушунтиришда билиш назарияси, психоанализ усулларидан фойдаланилади. Миллий озодлик курашида фаол қатнашган необуддизм оқими диний–ислохотчилик ҳаракати кучайишига катта таъсир кўрсатган.

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА
БУДДАВИЙЛИК**

Ғарбда Орол ва Каспий денгизи бўйлари, Жанубда Ҳинд дарёсининг қуйи оқими, Шарқда Хўтан (Хитой)дан Банорас (Ганг дарёси бўйидаги шаҳар)гача чўзилган Кушонлар империясининг бошқа мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларининг яхшиланиши, савдо–сотикнинг ривожини янги шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Кушонлар даврида буддавийликка катта аҳамият берилгани, диний расм–русумларни бажаришга алоҳида эътибор билан қаралгани боис махсус ибодатхоналар бунёд этилиб, буддавийлик халқ турмуш тарзининг муҳим таркибий қисмига айланиб борди, маданият ривожига кучли таъсир кўрсатди. Бунини ўша даврда

Бақтрия–Тохаристоннинг энг тараққий этган маданият марказларидан бири бўлган Термизнинг маданий–маънавий ҳаётида буддавийликнинг ўрни мисолида кўриш мумкин.

Милоддан аввалги 1–асрда Термизда буддавийлик устувор мавқега эга бўлди. Бунда шаҳар задагонларининг буддавийликни қабул қилиши ва ибодатхоналар қурилишига ҳомийлик қилишлари муҳим аҳамият касб этган. Қоратепа ва Фаёзтепа ибодатхоналари энг катта саждагоҳлардан ҳисобланган. Уларда Будданинг лойдан ясалган катта ҳайкали ва ступалар бўлган. Ибодатхоналар одатда ер ости ва ер усти қисмларидан иборат бўлган. Бу ерда алоҳида ступалар ҳам мавжуд бўлиб, улар оқ мрамрдан маҳорат билан ишланган Будда ҳайкалчалари билан безатилган “Зўрмала” ступаси маҳобати билан ажралиб турган. Ступалар бир неча баландликда тўртбурчак шаклда бунёд этилган. Ступа усти гумбазсимон қилиб ишланиб, унга ёғоч ёки тошдан ясалган лангар ўрнатилган. Бу лангарларда тошдан ясалган бир неча соябон бўлиб, буддавийлар уни “чатра” деб аташган. “Чатра” муқаддас дарахт тимсолидир.

Ступа коинот рамзи ҳисобланган. Уйларда Будда ҳайкали қўйилган махсус ибодат қиладиган хоналар бўлган. Кейинчалик Будда ҳайкаллари ёнига боддҳисаттваларнинг лойдан пиширилган кичкина ҳайкалчалари қўшилган. Ушбу ҳолат ҳам шаҳар аҳолиси ҳаётида буддавийлик алоҳида аҳамият касб этганини кўрсатади.

Фаёзтепа “вихара” (санскритча – кулба, бошпана, буддавий роҳибларнинг ёмғир мавсуми вақтида яшайдиган кулба, ҳовли ва боғдан иборат бўлган жойи) услубидаги ибодатхона бўлиб, унинг марказида диний маросимлар ўтказилган. Ибодатхона билан ёнма–ён жойлашган ступадан олтин суви юргизилган, сопол ва мрамрдан ясалган ҳайкаллар топилган. Бу ердан мрамартошдан нафис ишлов бериб ясалган муқаддас “Боддха” дарахти остида ўтирган Будда ва унинг икки томонида турган икки роҳиб ҳайкали

ҳам топилган.

Қоратепа харобасидан шимолий Бақтриядаги энг катта ва маҳобатли ступа топилганини алоҳида қайд этиш лозим. Бизгача ступанинг асоси ҳамда зинапоянинг икки томонида жойлашган кичик ступалар, ўша даврга тегишли ёзув намуналари сақланиб қолган.

Кушон подшолигининг дастлабки пойтахти Далварзинтепа ўрнида бўлган. Кушонлар ҳукмдори Канишка даврида Далварзинтепа шаҳар сифатида шаклланиб, савдо-сотик марказларидан бирига айланган. Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида жойлашган Далварзинтепа (қалинлиги 10 метргача бўлган кудратли мудофаа девори билан ўраб олинган қалъа шаҳар) мажмуасидан Будда ибодатхонаси ва аслзодалар дафн этилган даҳма, шунингдек, олтин хазина тўлдирилган икки ярим метрли сопол кўза топилган. Булар буддавийликнинг ўша давр халқлари ижтимоий-маънавий ҳаётидаги мавқеи ва бошқа маҳаллий динлар ўртасида эгаллаган ўрнини кўрсатади.

Марказий Осиё халқлари қадимги тарихи ва маданияти ривожидида буддавийлик муайян ўрин эгаллайди. Бунга Марказий Осиё худудида жойлашган Далварзинтепа, Қува, Зартепа, Қоровултепа, Айритом мавзеларидан топилган археологик қазилмалар, жумладан, Шакьямуни санамлари, ҳайкалчалар, рамзий ғилдираклар ва ступа қолдиқлари, шунингдек, мрамрдан ясалган ва жуда яхши сақланган Будда ҳайкали аниқ далолат беради.

Қадимги Термиз харобаларидан топилган йирик ибодат мажмуасида 25 та Будда комплекси (Будданинг тикка турган, ўтирган ва ётган ҳолдаги ҳайкаллари 3–4 метргача баландликда лой-ганчдан ишланган) борлиги аниқланган.

Қоратепада топилган археологик ёдгорликлар ер усти ва ғор ичида жойлашган ибодатхона, сарой, роҳиб (зоҳид) учун мослаштирилган ҳужралардан иборат бўлган. Археологик қазилмалар натижасида топилган ёдгорликлар буддавийликнинг ўша даврдаги мавқеи ҳақида хабар беради. Шунингдек, аждодларимизнинг юксак моддий маданияти, дини, урф-одати, тафаккур тарзи ҳақидаги тасаввуримизни

бойитишга хизмат қилади.

Ҳозирги даврда буддавийлик Жанубий, Жанубий-шарқий, Шарқий Осиё мамлакатлари Шри Ланка, Ҳиндистон, Бирма, Таиланд, Лаос, Мўғулистон, Камбоджа, Вьетнам, Хитой, Сингапур, Бутан, Непал, Малайзия, Корея, Япония, қисман Европа ва Америка қитъаси, Россиянинг Тува, Бурятия, Қалмикистон каби ҳудудларида кенг тарқалган. 700 миллиондан ортиқ киши буддавийликнинг турли йўналишларига эътиқод қилади. Ҳозирда буддавийлик Япониянинг давлат дини ҳисобланади.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Буддавийлик дини қачон пайдо бўлган?
2. Сиддхартха Гаутама ҳақида нималарни биласиз?
3. “Нирвана” нима?
4. Будданинг “нажотнинг олийжаноб саккиз йўли” ҳақидаги қарашларининг аҳамияти нимада?
5. Буддавийликнинг қандай муқаддас китоблари мавжуд?

Мустақил иш топшириқлари

1. Будда ҳақида мавжуд афсоналарни солиштиринг.
2. Буддавийликка Ҳиндистоннинг бошқа динларининг таъсирини таҳлил қилинг.
3. Буддавийликнинг Марказий Осиёда эгаллаган мавқеи ҳақида маълумот беринг.
4. Хитойда буддавийликнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти ҳақида илмий маъруза тайёрлаб курсдошларингизга тақдим қилинг.
5. Мавзу бўйича кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

Адабиётлар

1. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир Ш.Ёвқочев. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006.
2. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
3. Низомиддинов Н. Жанубий ва Жануби–Шарқий Осиё диний–фалсафий таълимотлари. – Т., 2010.
4. Васильев Л.С. История религий Востока. Учебное пособие для вузов. – 4-е изд. – М.: “Книжный дом “Университет”, 1999.
5. Корнеев В.И. Буддавийлик и общество в странах Южной и Юго–Восточной Азии. – М., 1987.
6. Лысенко В.Г., Тереньев А.А., Шохин В.К. Ранняя буддийская философия. Философия джайнизма. – М., 1994.
7. Ставиский Б. Судьбы буддавийлика в Средней Азии. По данным археологии. – М. 1998.
8. Сузуки Д.Т. Основы дзен–буддавийлика. – Бишкек, 1993.
9. Фромм Э., Судзуки Д., Марино Р., де Дзен–буддавийлик и психоанализ. – М. 1995.
10. Щербатской Ф. Теория познания и логика по изучению позднейших буддавийов. – Части 1–2. – М, 1995.

9–МАВЗУ. ХРИСТИАНЛИК

Режа

1. Христианлик тарихи.
2. Муқаддас манбалари.
3. Христианлик таълимоти.
4. Христианлик маросимлари.
5. Христианлик йўналишлари.
6. Христианликнинг Марказий Осиёга кириб келиши.

Таянч тушунчалар:

Миссия, Ота–Худо, Ўғил–Худо, Муқаддас рух, христианликнинг оқимларга ажраллиши, Православлик, Католиклик, сирли маросимлар, чўқинтириши (христианлик динига киритиши), причастие (нон билан тамадди қилиши), черковда гуноҳларга тавба қилиши, никоҳ аҳди, баданни ёғ билан ишқалаш (соборование), чўқинувчининг пешонасига муқаддас ёғ суркаш, руҳонийлик, Исонинг туғилиши, Худонинг уч қиёфаси, Протестантлик, индульгенция (пул эвазига гуноҳларни кечирishi), аъроф (чистилище), англиканлик, лютеранлик, кальвинизм, Библия, «Ҳаворийлар амаллари», Инжил, Қадимий Аҳд, Янги Аҳд.

Мавзу ўқув мақсади:

Христианлик динининг тарихи, Исо Масиҳ ва унинг ҳаворийлари фаолиятлари, таълимоти, кўзга кўринган намояндалари, муқаддас китоблари, йўналишлари, диний урф–одатлари ҳақида талабаларга атрофлича маълумот бериши.

ХРИСТИАНЛИК ТАРИХИ

Христианлик (юнонча *christos* – «муқаддас ёғ суртилган», «халоскор») милонинг I асрида Фаластинда юзага келган жаҳон динларидан бири. Мазкур дин издошлари сони бўйича дунёда биринчи ўринда туриб,

Ер юзи аҳолисининг қарийб 2 миллиарди унга эътиқод қилади.

Христианлик таълимотининг пайдо бўлиши Исо Масих шахси билан боғлиқ. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Исо шахси ҳақидаги мунозаралар фанда мифологик ва тарихий мактабларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Биринчи мактаб вакиллари Исонинг тарихий шахс эканлиги ҳақида фан ишончли маълумотга эга эмас, деб ҳисоблайдилар. Улар христианликнинг Фаластиндан ташқарида вужудга келгани, шунингдек христианликка доир ривоятларнинг шарқ маданиятидаги вафот этиб, тириладиган худолар тўғрисидаги асотирларга ўхшаш экани, Инжилларда зиддиятлар ва турлича талқинлар мавжудлигини бунинг исботи сифатида келтирадилар.

Тарихий мактаб вакиллари эса Исо Масихни реал шахс деб ҳисоблаб, у христианлик таълимоти асосларини шакллантирган, янги динни тарғиб қилган, деб ҳисоблашади. Унинг қатор шоғирдлари ва у билан бевосита мулоқот қилган шахсларнинг тарихийлиги Исонинг ҳақиқатан мавжуд бўлганлигини исботлайди деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги кунда фан Исо мавжуд бўлганлигини исботловчи қатор манбаларга эга. Хусусан Иосиф Флавийнинг “Қадимиётлар” асарининг Рим прокуратори Понтий Пилатга бағишланган бобида Исо янги эътиқодни тарғиб этгани ва унга кўпчилик яҳудийлар ва юнонлар эргашгани қайд этилган. Лекин шунга қарамай, Исо Масих ҳаёти, илгари сурган таълимоти ҳақида тўлиқ маълумот берувчи асосий манба бўлиб хануз “Библия”нинг “Янги Аҳд” қисми хизмат қилади.

Хусусан, унга кўра Исо Фаластиннинг Байтлаҳм (зам. Вифлием) шаҳарчасида, яҳудий оиласида туғилган. Унинг онаси Марям мўъжизавий суратда, яъни бокира ҳолида ҳомиладор бўлади. Туғилган гўдакка Исо (яҳудий тилида Ешуъа, яъни “Тангри нажот берди”) деб исм қўйишади.

Исонинг болалиги ҳақида маълумотлар жуда кам, фақатгина Исо туғилгач Марям Юсуф исми дурадгорга турмушга чиққани ва улар подшоҳ Ҳирод зулмидан қочиб Мисрга кўчиб кетишгани, бўлғуси пайғамбар яҳудий анъаналарига мос равишда улғайгани қайд этилади.

Исо ўттиз ёшга кирганда Худонинг амри билан Яхё пайгамбар олдига боради. Ўша пайтларда Яхё исроилликлар орасида тарғибот олиб бориб, уларни охирагдан огохлантирар, тезроқ тавба қилиб гуноҳлардан покланишга чакирар, издошларини Иордан дарёси сувида чўқинтирар эди. Христианлар илк мўъжизалар мазкур чўқинтириш воқеасидан сўнг бошланганини таъкидлайдилар. Яхё Исони сувда чўқинтиргач, бирдан осмон ёрилади ва ёғду таратиб, кабутардек учиб тушаётган Рух кўринади. Исо, дастлаб, бир қанча вақт шайтон васвасаларини енгиш даврини ўтайди, сўнг даъват даврига ўтади. У ўз даъватларида ўзининг пайгамбарлиги ва халқни яқинлашиб келаётган “Охират”дан огохлантириш учун юборилганини таъкидлайди. Гуноҳлардан тийилиб, тавба қилиш ва тўғри йўлга киришга чакиради. Йўл–йўлакай турли мўъжизалар кўрсатиб, одамларни даволайди.

Исо ўз саёҳатлари давомида кўплаб шогирдлар, яъни “хаворийлар” (юнонча “апостол” – “ёрдамчи”) орттиради, улар уни Масих (юнонча Христос, иброний тилида Мошиах – “мой суртилган”) деб атай бошлайдилар. Инжилларга кўра энг ишончли хаворийлар сони 12 та бўлган, улар: Бутрус (Петр ёки Симон), Идрис (Андрей), Яъқуб (Иаков), Юҳанно (Иоанн), Филип, Бартоломей, Матто (Матвей), Тўма (Тимоти), Алфей ўғли Яъқуб (Иаков Алфеев), Симон Ватанпарвар, Яъқуб ўғли Яхудо (Иуда), Кариотлик Яхудо (Иуда Искариот)

Исонинг даъвати аксарият ҳукмдорлар, қабила сардорлари ва яҳудий руҳонийларига ёкмас эди. У ва шогирдлари маҳаллий зодагонлар бирор чора кўришлари аниқлигини сезар эдилар. Бу хусусида Инжилда шундай келтирилади: *“Бир неча кундан сўнг Исо пасха дастурхонини бирга баҳам кўриш учун шогирдларини ҳузурига таклиф этади. Зиёфат чоғида Исо нонни синдириб: “буни енглар, бу менинг танамдир”, деди ва косадаги шаробни узатиб: “буни ичинглар, бу кўпларнинг гуноҳлари кечирилиши учун тўкиладиган менинг қонимдир”, дейди ва ўзининг бир неча кундан сўнг қатл этилишига ишора қилади.*

Эртасигаёк, хаворийларидан бири бўлган Кариотлик Яхудо сотқинлиги оқибатида, Исо ҳибсга олинади ва рухонийлар талабига биноан Голгофа тепалигида, халқ кўзи ўнгида хочга михланади. Исо жон бергач, шогирдлари унинг жасадини сўраб оладилар. Уни хочдан олиб, тоза кафанга ўраб бир ғорга қўйишади. Ғор оғзини катта харсанг тош билан ёпиб қўйишади. Эртасига жасаддан хабар олгани келган икки аёл қабр оғзидаги тошнинг суриб қўйилгани ва тананинг йўқолганини кўради.

Аёллар шоша–пиша кетаётганларида уларнинг рўпарасидан Исонинг ўзи чиқади ва: “Жалилада мени кутинглар”, – дейди. Исонинг 11 шогирди – хаворийлар (12–хаворий Яхудо хоинлик қилганлигидан пушаймон бўлиб, ўзини осган эди) айтилган тоққа борадилар ва ўша ерда Исони тирик кўриб, унга сажда қиладилар. Исо уларга бир неча васиятларини айтиб осмонга кўтарилиб кетади. Шундан сўнг юз йиллар давомида Рим ҳукумати томонидан христианлик издошлари таъқиб ва тазйиқ остига олиндилар.

III аср охири – IV асрнинг бошларида император Диоклетиан ва у билан бирга давлатни бошқарган Максимилиан даврида черковни таъқиб қилиш сиёсати авжига чиқади. Эътиқоди сабабли жабрланганлар авлиёларга айланиб, хотиралари кадрланди, бунинг оқибатида христианликнинг жозибадорлиги ортиб у Рим шаҳрининг ўзида ҳам тез суратларда тарқалади. IV асрнинг охирида черковни хавfli ракиб деб билган император Константин, курашиш ўрнига у билан ҳамкорлик қилиш ва давлат манфаатлари мақсадида, у нуфузли ижтимоий куч бўлганлиги сабабли, ундан фойдаланишга қарор қилади. Чунончи, 311 йилда христианлик дин сифатида расмий равишда тан олинди. Шу асрнинг охирида, император Константин даврида христианлик давлат муҳофазасини адо этувчи ва унга раҳнамолик қилувчи давлат динига айланди. Лекин Ғарбий Рим империясининг секин–аста кучсизланиши охир оқибатда унинг емирилишига олиб келди. Бунинг натижасида ўз бўйнига ҳукмдор вазифаларини олган Рим епископининг (Папа) қудрати янада ошди.

МУҚАДДАС МАНБАЛАРИ

Христианликнинг муқаддас манбаи “Қадимги Аҳд” ва “Янги Аҳд” деб номланувчи икки бўлимдан таркиб топган **“Библия”** (юнонча – “китоблар”) китоби ҳисобланади.

“Қадимги Аҳд” “Таврот”, “Забур” ва бошқа бир неча китоб ва гимнларни ўз ичига олиб, умумий ҳисобда 39 китоб, яъни бўлимлардан иборат.

“Янги Аҳд” тўрт “Хушхабар” (“Инжил”, “Евангелие”), ҳаворийлар фаолияти (бир китоб), ҳаворийларнинг мактублари (21 та) ва “Ваҳийнома” ни ўз ичига олган 27 китоб, яъни бўлимлардан ташкил топган. Марк, Матто (Матвей), Луко (Лука) ва Юҳанно (Иоан)лар хушхабарларнинг муаллифлари ҳисобланиб, барча христианлар томонидан тенг кучли ва қонуний (каноник) кучга эга, деб тан олинади. Инжиллар орасида энг қадимийси Матто инжили ҳисобланиб у Исо вафотидан 4 йил кейин иброний–яхудий тилида ёзилган. Марк, Матто ва Лукко инжиллари бир–бирига жуда ўхшаш бўлгани сабабли “синоптик Инжиллар” деб аталади.

Муқаддас китоб Муқаддас ривоятлар (Папалар мактублари ва христиан соборларининг қарорлари) билан тўлдирилади, лекин Муқаддас ривоятлар баъзи христианлик йўналишлари томонидан тан олинмайди.

Император Константингача Исонинг ўғитлари китоб ҳолига келтирилмаган эди. Константин епископлардан ёзма манбаларни тўплашни ва китоб ҳолига келтиришни буюради. Китобни тайёрлаш жараёни анча узоқ кечди. Бу орада Константин вафот этиб, китоб ҳолига келтирилган манбалар тасдиқланмасдан қолиб кетди. Фақат 419 йилга келиб, христианлик тарихи ёритилган Янги Аҳд Карфаген йиғинида тасдиқланди.

ХРИСТИАНЛИК ТАЪЛИМОТИ

Милоднинг IV асридан бошлаб христианлик черкови олий табақа руҳонийларни вақти–вақти билан Бутун Олам Соборларига йиғиб туради. Бундай йиғилишларда диний таълимот тизими ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, муқаддас қонунчилик меъёрлари ва ибодатларни олиб бориш

қоидалари шаклланди, бидъатга (ересьлар – христианлик ақидаларига қарши ҳаракат, таълимотлар) қарши курашиш усуллари аниқланди. Илк Бутун Олам Собори 325 йил Никея шаҳрида ўтказилиб, унда эътиқод тимсоли деб номланган христианлик таълимоти асосини ташкил этувчи бош ақидалар мажмуаси қабул қилинди.

Никея ва Константинополда ўтказилган Бутун Олам Соборларида қабул қилинган “Эътиқод тимсолида” христианликнинг таълимот асослари 12 бандда белгиланди, булар:

1. Оламни яратган ягона Ота–Худо – Муқаддас Учликнинг биринчи юзи ҳақида;
2. Ўғил–Худо, яъни Исо Масихга имон келтириш ҳақида;
3. Илоҳий мужассамлашув, яъни Исо Худо бўла туриб, бокира Биби Марямдан туғилган ва инсон қиёфасига кирганлиги ҳақида;
4. Гуноҳлар кечирилиши – Исонинг тортган азоблари ва ўлими туфайли Худо томонидан инсониятнинг барча гуноҳлари кечирилиши ҳақида;
5. Исонинг қайта тирилганлиги ҳақида;
6. Исонинг мерожи ҳақида;
7. Исонинг нузули (келажакда иккинчи маротаба ерга қайтиши) ҳақида;
8. Муқаддас Рухга имон келтирмоқ борасида;
9. Черковга ягона, муқаддас, ҳаворийлар (апостоллар) черкови сифатида муносабатда бўлиш ҳақида;
10. Чўқинтириш сирли маросимнинг гуноҳлардан фориғ қилиши ҳақида;
11. Ўлганларнинг оммавий тирилиши ҳақида;
12. Абадий ҳаёт ҳақида.

Христианлик ақидасига кўра, худо Исо Масих инсон қиёфасида ерга тушиб, одамлар гуноҳларини ювиш мақсадида азоб тортиб, ўлади. Исонинг одамлар гуноҳини ювиш мақсадида ўзини ихтиёрий тарзда қурбон қилганлиги ва одамзотнинг осийлигига (гуноҳкор бандалар эканлигига)

ишониш – христианлик таълимотининг асосий ақидаларидан бири ҳисобланади.

Христианлик таълимотининг икки марказий ақидаси Худонинг уч қиёфаси ва Худонинг мужассамлашишига бағишланган. Биринчи ақидага кўра, Худонинг ички ҳаёти уч қиёфаси ёки юзларининг, яъни Ота (бошланиши бўлмаган бошланғич асос), Ўғил ёки Логос (мазмун ва шакл берувчи тамойил) ва Муқаддас Рух (жонлантирувчи тамойил), муносабатидан иборат. Ўғил Отадан “туғилади”, Муқаддас Рух Отадан “келиб чиқади” (“таралади”). Бунда “туғилиш” ва “келиб чиқиш” (“таралиш”) жараёнларида вақтнинг аҳамияти йўқ, чунки христианликдаги Худонинг уччала кўриниши ҳар доим мавжуд бўлган, яъни улар абадий (мангу) ва кадр–қимматига нисбатан тенгдир.

Христианлик таълимотига кўра, инсон Худонинг тимсоли сифатида яралган. Лекин илк одамлар томонидан содир этилган гуноҳ (“гуноҳи азим”) бу тимсолни емириб, инсонларни осий бандаларга айлантиради. Исо Масих барча одамлар гуноҳларини ювиш мақсадида хочда азоб тортади ва вафот этади. Шунинг учун христианлик, умуман азобу–уқубат ва жабрланишни, диндорлар томонидан ўзларидаги ҳар қандай хоҳиш ва нафснинг тийилишини покловчи аҳамиятга эга деб таъкидлайдилар: “тақдирга тан берган” (“ўз хочини қабул қилган”) инсон воқеликдаги ва ички дунёсидаги ёвузликни енгади. Бунинг оқибатида инсон дин амрини бажарибгина қолмасдан, ўзи ҳам камол топади, Худога яқинлашади. Бу, христианликка эътиқод қилувчиларнинг вазифаси ҳисобланиб, шу орқали у Исо Масих қилган қурбонликни оқлаган бўлади.

ХРИСТИАНЛИК МАРОСИМЛАРИ

Инсоннинг бундай талқини фақат христианликка хос бўлган “сирли маросимлар” (Дин таълимотига биноан ушбу маросимларда Муқаддас Рух иштирок этади, ва айнан шу сабабли улар “сирли” деб аталади) – инсон ҳаётига илоҳийликни киритиш мақсадида қилинадиган ўзига хос топиниш (культ) ҳаракати – тушунчаси билан боғлиқдир.

Булар: *чўқинтириши* (христианлик динига киритиш), *евхаристия* (нон ва вино тамадди қилиш), *руҳонийлик* *унвонини бериши*, *тавба қилиши*, *миро суртиши*, *елей мойи суртиши*, *никоҳ*.

Чўқинтириши (*крещение* – сувга ботириш). Христианлик таълимотига кўра, чўқинтириш орқали киши динга қабул қилинади, яъни черков аъзосига айланади.

Бу маросим инсонни уч мартаба сувга ботириш ёки бошидан сув куйиш билан бирга, руҳоний томонидан махсус сўзларни айтиш орқали амалга оширилади. Инжилга кўра, чўқинтириш ва Муқаддас руҳнинг келиши осмондан туғилишнинг махсус шартларидан биридир. Унинг асоси сифатида Инжилдан мисоллар келтирилади: “Исо жавоб берди: “Сенга тўғриси айтмай, агар ким сувдан ва Руҳдан туғилмас экан, Худо салтанатига қирмайди” (Иоанндан, 3:5).

Сувга ботириш маросими биринчи бўлиб Иоанн томонидан амалиётда қўлланган. Шу каби амалиёт Тавротда айтиб ўтилган “прозема”, яъни “бутпарастларни динга киритиш маросими”га ўхшаб кетади. Унда эркаклар динга кириши учун хатна қилиниши керак бўлса, аёллар учун эса фақат диний ритуални бажариш шарт қилинган.

Христианликнинг ҳар бир йўналишида чўқинтириш маросими турлича талқин этилади. Православ ва католик черковларида чўқинтириш сирли маросим сифатида эътироф этилади. Бу ҳодиса Иоанн чўқинтирувчининг фаолияти яъни Иордан дарёсида унинг олдида келувчи инсонларни сувда тозаланиши, ёмон иллатларни қайта қилмасликлари, Масихни тоза қалб билан кутиб олиш мақсадида амалга оширилган. Масих келишини Иоанн тарғиб қилган, черков нуқтаи назаридан чўқинтириш пайтида инсон ҳаётда шахвоний жиҳатдан ўлиб, Муқаддас Руҳ томонидан маънавий ҳаётга қайта тирилтирилади деган ақида мавжуд. Маросим вақтида инсон нафақат барча қилган гуноҳларидан покланади, шу жумладан, гуноҳларидан маънавий фориг бўлади.

Сув ёрдамида “ўлдириш, жонсизлантириш” – мавжуд бўлган қусурлардан тозаланиш ҳисобланади. Албатта

у мутлақ покланиш бўлмасада, тўхтовсиз ёвузликни, ёмонликни тўхтатади, деб таъкидланади. Рим номаларида бу ҳақда шундай ёзилади: “Чўқинтирилаётган Исо билан бирга ўлиб, у билан бирга абадий ҳаётда тирилади. Шундай қилиб биз чўқинтирилиб у билан биргаликда ўлимга дафн қилиндик, зероки Ота номи билан Исо ўликлардан тирилгани каби, биз ҳам янгиланган ҳаётда яшаймиз” (Рим, 6:4).

Чўқинишдан сўнг инсон гуноҳ ишларни қилса у Худонинг марҳаматидан воз кечган бўлади: “Агар Худони англаб, бизнинг халоскоримиз Исони тан олиб туриб, эски йилларига, эски холатига қайтсалар, бунинг охири аввалгидан ҳам оғирроқдир” (2 Петр, 2:20).

Чўқинтириш маросими христиан динининг энг муҳим ва асосий маросимларидан биридир. Бу маросим асосан черковда ўтказилади. Христианлар эътиқодига кўра, инсон туғма гуноҳкор бўлиб туғилади ва ундан фориг бўлиш учун муқаддас сув ёрдамида покланади. Шундан сўнг покланган бола черков аъзолигига қабул қилинади.

Чўқинтиришга ўхшаган маросим қадимги Ҳиндистон, Рим, Миср, Кичик Осиё ва бошқа давлатлар худудларида яшаган халқлар орасида ҳам мавжуд бўлган. Христианликда чўқинтириш маросими милоднинг I асри охирларида пайдо бўлган. IV асрда биринчи христиан жаҳон соборининг қарорига мувофиқ, бу маросим ҳар бир христиан учун мажбурий деб эътироф этилган ва “эътиқод рамзи” сифатида қабул қилинган. Шу вақтдан бошлаб “чўқинтирилган” сўзи “христиан” деган сўз билан тенг маъно касб эта бошлаган.

Христианлар бошқа диндаги ҳамма кишиларни “чўқинмаганлар” (“Исони танимаганлар”) деб атаётганлар. Чўқинтириш маросимини тартибга солиш мақсадида Қадимги Карфаген черкови ишлаб чиққан 124 қоидадан бирида ушбу нормалар белгиланган: “Тўдақлар ва янги туғилган чақалоқларни чўқинтирмаганларга лаънат бўлсин”.

Православ йўналишида чўқинтириш маросими асосан янги туғилган чақалоққа ўтказилади. Ота-она ўз фарзандларининг диний билимига масъул бўлиб,

чўқинтирилаётган бола эътиқодига кафил ҳисобланадилар. Чўқинтирилаётган бола ўғил бўлса, уни эркак киши кўтаради, агарда қиз бўлса, аёл киши томонидан амалга оширилади. Бу ҳолатда роҳиб ота–она вазифасини бажара олмайди. Қадимда чўқинтириш маросимини вояга етганлар қалбан ҳис қилгандагина ўтказилган.

Христианликнинг илк даврида баъзилар гўдакларни гуноҳсиз деб билиб, агар оламдан ўтса жаннатга тушади, шу сабабли уларни гўдакликда чўқинтириш шарт эмас деб ҳисоблаганлар. Бошқалар эса болани чўқинтириш лозимлигини такидлаганлар. Кўп инсонлар чўқинтириш маросимини жуда ҳам ортга сурганлар. Баъзилар ўлими олдидан бу маросимни ўтказганлар. Токи улар умр мобайнида қилиб ўтган гуноҳларидан шу йўл билан покланиб кетмоқчи бўлар эдилар. Шунинг учун черков бу анъанага қарши чиқиб, гўдак туғилган кундан бошлаб саккиз кун ичида бу маросимни бажариш лозимлигини талаб даражасига кўтарган.

Евхаристия (юн. нон ва шароб тотиш маросими) христианликдаги энг муҳим маросимлардан иккинчисидир. Рус тилида бу маросим “Причастие” деб номланади. Юнон тилида “Евхаристия” деб аталадиган мазкур маросим, хочга михланишдан олдин Исонинг ҳаворийлар билан бирга тановул қилган энг охири кечки овқат хотираси, сифатида эътиқод қилинади. Бу кеча тановул кечаси ҳам деб аталади. Авлиё Павел кейинчалик бу ҳодисани шарҳлаб берган. Черков эса уни маросим ҳолига келтирган. Дастлаб йилда бир марта амалга оширилгани ҳолда, кейинчалик ҳар ҳафтада қилинадиган бўлган. Қадим христианлар, “евхаристия”ни қурбонлик сифатида билганлар. Бугун ҳам черковларда амалга оширилувчи евхаристия маросимида берилувчи нон ва шаробни қурбонлик сифатида еб–ичадилар.

Христианлар нон билан шаробни тановул қилар эканлар, бу билан улар Исонинг танаси ва қонини татиб қўрдик, энди худога яқинроқ бўлдик, деб ҳисоблайдилар. Бу маросим эрталаб ёки тушки ибодатда асосий ўринни эгаллайди.

Бугунги кунда евхаристия черковда якшанба куни амалга оширилади. Бу маросим борасида йўналишлар

орасида, минтақа ва маданиятлардан келиб чиқиб, баъзи бир фарқли жиҳатлар мавжуд. Жумладан, католикларда мазкур маросимда яқин–яқинларгача фақат руҳонийларгина ҳам нон, ҳам вино истеъмол қилишган. Оддий инсонлар (“миряне”) фақатгина нон билан покланишган. Православ ва протестант йўналишларида эса бу борада руҳонийлар ва оддий инсонлар фарқланмайди. Шунингдек, йўналишлар орасида нон ва винонинг таркиби борасида ҳам фарқлар кузатилади. Масалан, католик ва протестантларда муқаддас нон хамиртурушсиз ҳамда вино сув қўшилмаган ҳолда бўлади. Православларда эса, аксинча, нон хамиртурушли ва винога сув қўшилган бўлади.

Миро мойи суртиш маросими (юн. Конфирмация; русчада – миропомазание). Зайтун ёғидан тайёрланган муқаддас мой суртиш сирли маросимлардан бири бўлиб хаворийлар даврида йўлга қўйилган.

Миро мойи – (юн. – хушбўй мой) черков епископи томонидан олий навли зайтун ёғига оқ узум виноси, атиргул япроқлари, бинафша, занжабил илдизлари, мускат, атиргул, чиннигул ва лимон мойлари каби махсулотларни қўшиб қайнатиш орқали тайёрланади.

Чўқинтирилган боланинг, муқаддаслаштирилган ёғ (хушбўй миро мойи) билан, вужудининг турли жойларига суртиш маросими. У Шарқ черковларида чўқинтирилгандан дарҳол кейин, Ғарб черковларида эса кейинроқ қилинади. Православларда чўқинтириш билан конфирмация орасида яқин бир боғлиқлик бўлганлиги учун уларнинг кетма–кет қилиниши афзал, деб билинади. Католикларда эса, мазкур маросим бола саккиз ёшга тўлгачгина амалга оширилади. Бунда, миро суртилаётган кишининг пешона, ёноқ, оғиз қисми, елкалари ва қорнига хоч шаклида сурилади. Протестант йўналишлари эса мазкур маросимни ё умуман рад этадилар, ё бўлмаса уни “сирли” деб тан олмайдилар.

Миро мойи тайёрлаш черковнинг махсус ички маросимларидан ҳисобланиб, уни тайёрлаш ҳуқуқига фақат епископлар эга. Православликда, миро тайёрлаш имкониятига эга бўлган черковларгина автокефаллик мақомини олиши мумкин.

Миро суртилган бола, черковнинг бу иш учун ажратилган жойига олиб борилади. У ерда унга конфирмация нони едирилади. Ея олмас даражада кичик бўлса, лабларига теккизилади. Шундай қилиб у, черковнинг бир аъзосига айланади.

Тавба–тазарру қилиш маросими. Бунда инсон ўзи қилган гуноҳларига иқрор бўлиши, кейинчалик шу гуноҳларни қилмаслик учун мағфират сўраши лозим. Бу христианликда кенг ёйилган гуноҳларни эътироф қилиш маросими ҳисобланади. Бу маросим, асосан гуноҳ қилиш орқали йўқолган чўқинтириш иноятини қайта қўлга киритиш учун қилинади. Бунинг асоси сифатида Библияда келтирилган қуйидаги матнлар олингандир: “Хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак бўлсин қандайдир гуноҳ содир этган бўлса, истиғфор айтиб, гуноҳларига тавба қилсин” (Сонлар, 5:5,6).

Бу маросимнинг асосий моҳияти диндор черковга келиб, қилган гуноҳлари учун тавба қилади, яъни руҳонийга ўзининг ҳамма гуноҳларини батафсил сўзлаб беради, ҳаттоки, қалби тубидаги яширин сирларини ҳам руҳоний “ота”га сўзлаб беради. Черков номидан гуноҳларни кечириш ҳуқуқига эга бўлган руҳоний унинг гуноҳларидан ўтади ва унга насихат қилиб, уни тўғри йўлга салади ва Муқаддас Рухнинг кучи билан уни гуноҳларидан пок қилади.

Елей суртиш маросими (рус. соборование). Муқаддаслаштирилган зайтун ёғининг ҳам шифо, ҳам гуноҳларнинг кечирилиши ҳамда бемалол ўлиш учун касалларга суртиш маросимидир. Бу беморнинг пешона, ёнок, лаб ва қўлларига муқаддас деб билинган зайтун мойи суртиш кўринишида кечади. Мазкур маросим, черков таълимотига кўра, инсоннинг жисмоний ва руҳий касалликларини даволайди. “...қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки захри қотил бирор нарса ичсалар ҳам уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйсалар улар соғайиб кетарлар” (Марк 16:18).

Бу маросим аини пайтда тавбасига таяниб улгурмаган бандаларнинг гуноҳлардан халос этиб, осонгина жон топширишларига ёрдам беради, деб ҳисобланади.

Рухоний унвонини бериш маросими. Бу рухонийлик мартабасига кўтарилиш билан боғлиқ маросимдир. У “Хиротония” (юн. “хир” – кўл ва “тефими” – кўяман) деб номланади. Диний таълимотга кўра, рухоний бўладиган шахснинг бошига епископ кўл теккизганидан кейин, у “Мукаддас Рух” нинг алоҳида марҳамати билан одамлар ўртасидаги воситачилик қилиш хусусиятига эга бўлади. Шундан сўнг мазкур инсон худди Исога унинг хаворийлари хизмат қилганидек ўз зиммасига Худо ва одамлар орасида воситачи бўлиб хизмат қилиш мажбуриятини олади. Маълумки, христианлик динида рухонийлик унвонлари – дьякон, пресвитер, епископ каби уч турли даражага эга.

Дьякон (юнон. хизматчи) – христиан черковидаги энг қуйи рухонийлик даражаси. У маросимларда епископ ва пресвитерларга ёрдамчилик қилиш билан шуғулланади.

Пресвитер (лот. оқсоқол) – христиан рухонийлар иерархиясида юкори даражага эга рухоний. Қадимда епископлар ҳам шундай ном билан аталган. Жамоа тарафидан сайлаб қўйилувчи рухоний бўлиб, даставвал, у пастор билан биргаликда диний маросимларга раҳбарлик қилган.

Епископ (юнон. назоратчи) – христианликдаги олий даражадаги рухонийлик унвони. Католик эътиқодига кўра епископлар хаворий Павелнинг издошлари ҳисобланади. Шунингдек, епископ ўзи миро мойини тайёрлаш, рухонийлик даражасини бериш ҳамда диний маросимларни бошқариш ҳуқуқига эга.

Никоҳ маросими. Христианликда келин ва куёвларнинг ўзаро хоҳишлари асосида келгуси ҳаётларида эр–хотин бўлиб бирга яшашларини таъминлаш учун амалга ошириладиган сирли маросим. Никоҳда ҳам сирлилик бор, эркин тарзда рухоний ва черков ҳузурида эр ва аёл тарафидан оилага садоқатли бўлишга ваъда берилади. Уларнинг оилаларига Исонинг руҳи бирлашиб кетишига оқ фотиҳа берилади ва улардан соф эътиқодли христиан болалар туғилиши ва тарбияланиши Худодан сўралади.

Ушбу маросим XVI асрда пайдо бўлган. Католик йўналишига кўра, никоҳ Исо ва черков орасидаги узвий

боғлиқ руҳий муносабатнинг бир кўринишидир ва шунинг учун ҳам муқаддас маросим саналади. Бир маросим сифатида никоҳ, икки киши орасидаги аҳдлашувнинг черков томонидан муқаддас деб билиниши ва бу жуфтликнинг черковда муқаддас бир боғич билан боғланишидир. Никоҳ Худо томонидан юзага келтирилган бир жамланиш бўлгани учун, қадим–қадимдан муқаддас деб билинган. Худонинг ўзи одамларнинг никоҳ иттифоқини ҳимоя қилади.

Черковнинг таъкидлашича, никоҳда асосий нарса ҳуқуқий ёки иқтисодий эмас, балки ахлоқий жиҳатдир. Айни пайтда, бу ахлоқий жиҳат, диний жиҳат билан айнан бир нарсадир. Шунинг учун ҳам никоҳ маросимини ўтказмай туриб, чинакам ахлоқий, оилавий муносабатларнинг бўлиши мумкин эмас. Черковда ўтказилган никоҳ христиан оиласининг қонуний асоси ҳисобланади. Шу боис, уни бузишлик мумкин эмас деб ўқтирилади.

Мазкур маросимларни бажаришда христианликнинг турли йўналишлари орасида фарқли жиҳатлар мавжуд, баъзи йўналишлар эса улардан баъзиларини қабул қилиб, баъзиларини “сирли”лигини инкор этади.

ХРИСТИАНЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Милоднинг I асри ўрталарида қатор диний ақидалар бўйича қизгин баҳслар олиб борилган ва улар христианликда турли йўналишларнинг шаклланишига сабабчи бўлди. Бунинг таъсирида черковда қатор ажралишлар – схизмалар – вужудга келди. Натижада христианлик таркибида рақобат қилувчи христианликнинг кўринишлари бўлмиш “эътиқодлар” (диний талимотлар) вужудга келди. Милоднинг V – VII асрлардаёқ, Исо Масих шахсининг илоҳийлик ва инсонийлик жиҳатлари мутаносиблигини аниқлашга бағишланган христологик баҳслар давомида, империя черковидан бир неча йўналишлар пайдо бўлади, улар орасида монофизитлар ва несторианлар нисбатан кенг ҳудудларга тарқалиб ҳозирга қадар сақланиб қолишга эришди.

1054 йилда христианлик дини доирасида илк йирик бўлиниш рўй бериб, натижада православ (Шарқий

христианлик) ва католик (Ғарбий христианлик) черковлари юзага келди.

Православлик тарихан христианликнинг шарқий йўналиши сифатида шаклланди. Асосан Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Болқон ярим оролида жойлашган мамлакатларда тарқалган. Номланиши (юнонча *orthodoxia* – “тўғри эътиқод” тушунчасининг рус тилига таржимасида – Православлик) илк бор II асрда христиан муаллифлари асарларида учрайди. Унинг маросимлари, ақидалари ва таълимоти у ҳукмрон давлат дини бўлган Византияда IV–XI асрларда шаклланди.

Православлик таълимоти асосларини Муқаддас китоб (Библия) ва Муқаддас ривоятлар (IV–VIII асрларда ўтказилган Бутун Олам Соборлари қарорлари ва Александриялик Афанасий, Буюк Василий, Григорий Богослов, Иоанн Дамаскин, Иоанн Златоуст каби нуфузли черков илоҳиётчилари асарлари) ташкил этади. Ушбу черков Оталари таълимотнинг асосий қоидалари ва талабларини яратишди.

Православликда сирли маросимлар муҳим ўрин эгаллайди, черков таълимотига кўра, уларнинг давомида Худо томонидан алоҳида савоблар нозил бўлади. Черков етти сирли маросимнинг барчасини тан олади.

Православлик черкови байрамлар ва рўза тутишларга катта аҳамият беради. Одатда катта черков байрамлари арафасида рўза тутилади. Унинг моҳияти “инсон руҳининг покланиши ва янгилиниши”, диний ҳаётдаги муҳим ҳодисага тайёрланишдан иборат. Рус православлигида узоқ вақт давом этадиган рўзалар сони тўртта бўлиб, улар Пасхадан аввал, Пётр ва Павел кунларидан аввал, Биби Марямнинг вафоти кунидан аввал ва Исонинг туғилиши кунидан аввал тутилади.

Буюк байрамларнинг ичида Пасха биринчи ўринни эгаллайди. Ундан сўнг православлик динининг ўн икки кунлик – ўн икки муҳим байрами бошланади, улар қуйидагилар: Исонинг туғилиши (Рождество Христово), Олқишлаш (Сретение), Исони чўқинтириш (Крещение

Господне), Исо қиёфасининг ўзгариши (Преображение), Исонинг Қуддусга кириши (Вход Господень в Иерусалим), Исонинг меърожи (Вознесение Господне), Муқаддас Рухнинг тушиши ёки Троица куни (пятидесятница), Исонинг хочини тиклаш (Воздвижение креста Господня), Хушхабарнинг нозил бўлиши (Благовещение), Биби Марямнинг туғилиши (Рождество Богородицы), Биби Марямнинг ибодатхонага кириши (Введение во храм Богородицы), Биби Марямнинг вафоти (Успение Богородицы).

Католиклик христианлик динининг энг йирик йўналиши ҳисобланади. “Католик” сўзи бутун жаҳон, бутун дунё (умумий, дунёвий) деган маънога эга. Бу йўналиш асосан Ғарбий, Жанубий–Ғарбий ва Марказий Европа, Прибалтика, Украина ва Белоруссиянинг ғарбий ҳудудларида, Лотин Америкаси ва АҚШда тарқалган.

Католиклик тарихида Рим Папаларининг юксалиши ва ағдарилиши, черковнинг ижтимоий–сиёсий ҳаётга бўлган катта таъсири ўз аксини топади. Буларга XI – XIII асрлардаги салб юришлари, “Худо тобути” ва “Муқаддас Ерни”, яъни Фаластин ҳудудини, “ғайридин”(кофир)лардан озод қилишлар ҳам киради. Дин, эътиқод байроғи остида содир этилган бу ҳаракатлар аслида Папалар таъсирини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ҳамда черков бойлигини кўпайтириш мақсадида уюштирилган.

Католиклик христиан динининг йўналиши сифатида унинг асосий ақидалари ва маросимларини тан олиши билан бирга, таълимоти, маросимларни амалга ошириш, ташкил топишида ўзига хос хусусиятларга эга. Католик таълимотининг асосини христианликда тан олинган Муқаддас китоб – Библия ва Муқаддас ривоятлар ташкил этади. Лекин православ черковидан фарқли ўлароқ католик черкови илк етти Бутун Олам Соборларининг қарорлари билан бир қаторда кейинги соборларнинг қарорларини, бундан ташқари Папалар йўллаган нома(мактуб)лари ва фармонларини ҳам Муқаддас ривоятлар деб тан олади.

Католик Черкови Ташкилоти жиддий равишда марказлашганлиги билан ажралиб туради. Рим Папаси бу

Черковнинг раҳбари ҳисобланади. У дин ва ахлоқ масалалари бўйича қоидаларни белгилайди. Унинг ҳокимияти Бутун Олам Соборларидан юқори туради. Католик Черковининг марказлашганлиги ривожланишнинг догматик (қотиб қолган) тамойилини туғдирди, хусусан, бу тамойил диний таълимотни ноанъанавий равишда талқин этилишида ифодаланади. Масалан, Православлик Черкови томонидан тан олинган эътиқод тимсолининг Худонинг уч қиёфасига бағишланган ақидасида Муқаддас Рух Ота–Худодан келиб чиқади (таралади) дейилган. Католик таълимотидаги ақида эса Муқаддас Рух ҳам Ота–Худодан, ҳам Ўғил–Худодан келиб чиқади (таралади) дейилади. Шу билан бирга, Черковнинг нажот ишидаги ўрни ҳақида ҳам ўзига хос таълимот вужудга келади. Нажот асоси имон ва эзгу ишлар ҳисобланади.

Католиклик таълимотига кўра, Черков зарурий эзгу, хайрли ишлар хазинасига – Исо, Биби Марям, авлиёлар, тақводор христианлар томонидан яратилган эзгу ишлар “захирасига” эга (Православликда бундай тушунча йўқ). Черков бу хазинани тасарруф қилиш, ундан муҳтожларга улашиш, яъни гуноҳларни авф этиш, надомат чекувчиларга кечирим тухфа қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ “индулгенция”лар тўғрисидаги таълимотнинг, яъни пул эвазига ёки черков олдидаги хизматлари учун гуноҳларни кечирининг вужудга келишига сабаб бўлган. Бундан эса, ўз навбатида, ўлганларга ўқиладиган ибодатлар қоидалари ва руҳнинг аърофда (дўзах ва жаннат оралиғидаги жой) туриш муддатини қисқартириш билан боғлиқ Папанинг ҳуқуқи келиб чиқади. Аъроф ҳақидаги ақида фақат католик таълимотида мавжуд. Гуноҳи катта бўлмаган гуноҳкорларнинг руҳи у ерда ўтда қуяди (эҳтимол, виждон ва надомат азобининг рамзий инъикосидир), кейин жаннатга йўл топади. Руҳнинг аърофда бўлиш муддати ўлганнинг яқинлари томонидан қилинадиган эзгу ишлар туфайли қисқартирилиши (ибодат ва черков фойдасига хайр–эҳсон қилиш билан) мумкин.

Аъроф ҳақидаги таълимот I асрдаёқ вужудга келган. Православлик ва Протестант Черковлари уни рад этадилар.

Булардан ташқари Православлик диний таълимотидан фарқли ўлароқ Католикликда 1870 йилда Ватиканда

ўтказилган I-соборда қабул қилинган Папанинг бегуноҳлиги ва 1854 йилда эълон қилинган Биби Марямнинг бокираллиги ҳақидаги ақидалар мавжуд. Ғарб Черковининг Биби Марямга бўлган алоҳида эътибори 1950 йилда Папа Пий XII томонидан Биби Марямнинг мeroжи ҳақидаги ақиданинг эълон қилинишида ўз аксини топади.

Католик таълимоти Православлик таълимоти сингари етти сирли маросимни тан олади, аммо уларнинг талқинларида фарқлар мавжуд. Масалан, “нон ва вино тотиш” маросими католикларда хамиртуруш солинмаган нон тамадди қилиш (Православликда хамиртурушли нон билан), руҳоний бўлмаган дунёвий кишиларга нон ва вино билан, баъзида эса фақат нон билан амалга оширилади. Чўқинтириш сирли маросимини ўташ пайтида чўқинтирилувчи сувга ботирилмайди унга сув сепилади. Миро суртиш (конфирмация) маросими гўдаклик ёшида эмас, балки 7 – 8 ёшлик пайтида амалга оширилади. Бу маросимда болага ўзи танлаган яна бир исм берилади, бола исм билан бирга авлиёнинг тимсоли, амаллари ва ғояларини онгли равишда қабул қилади ва уларга риоя қилишни ният қилади. Шундай қилиб бу маросимнинг ўтказилиши имон мустаҳкамланишига хизмат қилиши лозим. Православликда никоҳсизлик русумини фақат қора руҳонийлар (монахлар) қабул қилади. Католикларда эса оила қурмаслик (целибат), Папа Григорий VII томонидан ўрнатилган бўлиб, барча руҳонийлар учун мажбурийдир.

Дин маркази черковдир. Ўрта асрлар охирида Европада тарқалган архитектуранинг Готика услуби католик черковининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига кўмаклашди. Байрамлар ва рўза тутишлар (постлар) диндорлар маиший ҳаётини тартибга солувчи маросимларнинг муҳим элементларидир.

Рождество католикларда “адвент” деб аталади. У авлиё Андрей кунидан кейинги биринчи якшанбада – 30 ноябрда бошланади. Исонинг туғилиши байрами – энг тантанали байрамдир. Байрам ярим тундаги, эрталабки ва кундузги уч ибодат билан нишонланади ва Исо Масихнинг Ота–

Худонинг кўксидан, Биби Марямнинг қорнидан, диндорнинг кўнглида рамзий маънода туғилишини англатади. Ўша куни таъзим қилиш учун эхромларда гўдак Исонинг хайкалчаси кўйилган беланчаклар ўрнатилади.

Католик иерархиясида уч даражадаги руҳонийлар бор: диакон, руҳоний (кюре, патер, ксендз), епископ. Епископни Папа тайинлайди. Папани кардиналлар йиғилиши (коллегияси) сайлайди. II Ватикан соборида (1962–1965 йиллар) черков ҳаётининг барча жабҳаларини янгилаш, замонавийлаштириш жараёни бошланди. Бу жараён биринчи навбатда ибодат аъъанасини ўзгартирди. Масалан, ибодатни фақат лотин тилида олиб боришдан воз кечилди.

Протестантлик. Европа мамлакатларида Католикликда кечаётган жараёнларга қарши қаратилган реформация (лотинча *reformatio* – қайта ташкил қилиш, ўзгартириш) ҳаракати натижасида вужудга келади. Реформаторлар Католиклик амалларини Инжил идеалларидан қайтиш деб талқин қиладилар. Оксфорд университети профессори Ж.Виклиф (1320–1384) Рим Папаларининг Англиядан олинадиган солиқларига қарши чиқди, инглиз черковининг фуқаролар ишлари бўйича Англия қиролига бўйсунуши лозимлиги ва Муқаддас китобнинг черков ривоятларидан устунлиги тўғрисидаги ғояларини илгари сурди. Бу ғояларни инглиз “лоллардлари” – “камбағал руҳонийлари” қўллаб–қувватладилар. Прага университети профессори Ян Гус (1369–1415), Ж.Виклиф ғояларидан таъсирланиб, черков бойликларидан воз кечиши кераклигини тарғиб қилди, черковга катта даромад келтирадиган ва, Ян Гус фикрига кўра, диндорлар онгини бузувчи индульгенцияларнинг сотилишига қарши чиқди. Бу қарашлари учун у 1415 йилда Констанц собори қарорига биноан гулханда куйдирилди. Бу ҳодисадан норози бўлганлар гуситлар ҳаракатига қўшилдилар. Бу характ расмий черков сиқувига 11 йил давомида (1420–1431) бардош бериб, 1443 йилнинг ноябр ойида Базель шаҳрида ўтказилган соборни гуситларга ён беришга мажбур қилди.

Протестантлик дунёвий кишиларни руҳонийлардан ажратмайди, бу таълимотга кўра, барча диндорлар

рухонийдир. Сирли маросимлардан фақат чўқинтириш ва нон билан тамадди қилишни тан олади. Диндорлар Рим Папасига бўйсунмайдилар. Ибодат ваъз ўқиш, биргалашиб ибодат қилиш ва диний қўшиқлар (псаломлар) айтишдан иборат. Протестантлар Биби Марямни, аърофни тан олмайдилар, таркидунёчилик, чўқинтириш, рухонийлар қиядиган кийимларни, иконаларни рад этадилар.

Ян Гус куйдирилгандан юз йил кейин Германияда Виттенберг университети профессори Мартин Лютер (1483–1546) Протестантлар Черков асосларини яратади. У ҳам индульгенция сотилишини танқид қилади, шахсий эътиқод билан нажот топиш ғоясини илгари суради, аъроф ҳақидаги ақида, ўлганлар учун қилинадиган ибодатнинг кучи ҳамда авлиёлар хизматлари эвазига нажот топилишига шубҳа келтиради; монахлар таркидунёчилигини диний ҳаётнинг намунаси деб тан олмади, “диний аскеза” шиорини илгари сурди. М.Лютер диний–ахлоқий жиҳатдан меҳнатни қадрлаш лозимлиги ғоясини илгари сурди. Лютер реформацияси эркин тадбиркорлик маданиятининг шаклланишига асос солганлиги, унинг тарихий аҳамиятини белгилайди. Лютернинг фикрича, инсон ва Худо ўртасида бевосита алоқа бўлиши мумкин.

1517 йилнинг 31 октябрида Лютер Виттенберг черкови эшигига гуноҳларнинг кечирилишига бағишланган номани қоқиб қўяди, у 95 мулоҳазадан (тезисдан) иборат бўлиб, Католикликни ислоҳ қилиш ғояларидан таркиб топган.

Лютер таълимоти Протестантликдаги йўналишлардан бири – *лютеранликка* асос солди. Бу таълимотга кўра, одамлар виждони ва тавба–тазарруни онгли равишда ва мунтазам назорат қилишлари лозим. Юқорида қайд этилган 95 мулоҳазалардан бирида М.Лютер тавба–тазарру фақатгина рухонийга истиғфор келтиришдан иборат эмас дейди; бошқа мулоҳазаларида эса ҳақиқий тавба–тазарру бир қарра истиғфор келтириш эмас, балки узоқ давом этадиган жараён эканлигини қайд этади. Лютеранлар Папа ўзи буюрган ёки черков низомида белгиланган жазолардан озод қилиши мумкин, аммо черков инсонни

худонинг жазосидан озод қилолмайди. Папанинг аъроф устидан ҳокимлик қилиши қўйидаги мулоҳазаларга кўра рад этилади: “Истиффор келтириш қонунлари (яъни тавба келтирувчиларга қандай жазо чоралари кўрилиши ҳақидаги қарорлар) тирик одамлар учун белгиланади”, ўлганлар эса энди худонинг ихтиёридадир. Индульгенцияларни сотиб олишнинг бефойдалигини М.Лютер шундай асослайди: “Худо чин кўнгилдан тавба қилувчиларнинг гуноҳидан кечади, абадий қийноқлардан озод қилади, осий бандалар Папанинг ёрлиғисиз ҳам бундан умид қилишлари мумкин”. Динсизларга ҳам индульгенциянинг кераги йўқ, чунки улар у дунёда жазоланишига ишонмайдилар. Чин кўнгилдан тавба қилувчи киши, худонинг қаҳридан қочмайди, дейдилар лютеранлар.

Лютеранлик Германия, Дания, Норвегия, АҚШда тарқалган. Дунёдаги 408 млн. протестантлар ичида лютеранлар 75 млн.ни ташкил этади. Уларнинг фаолияти 1947 йили ташкил этилган Жаҳон лютеранлар иттифоқи томонидан мувофиқлаштирилади.

Кальвинизм (ёки пуританлик) асосчиси Франциядаги Реформация ҳаракатининг йирик намояндаси Жан Кальвиндир (1509 – 1564). “Христианлик динига доир насихатлар” деб номланган ва М.Лютер ғоялари таъсирида ёзилган ўзининг асарини умрининг охиригача тўлдириб, мукаммаллаштирган. Реформациянинг аввалги намояндаларидан фарқли ўлароқ Кальвиннинг диққат марказида Инжил эмас, балки Қадимий Аҳд турганди. Кальвин инсон тақдирининг (қисматнинг) олдиндан мутлақ тарзда белгилаб берилганлиги ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Унга кўра, Худо бу дунёни яратишдан аввал инсонларни танланганлар (имтиёзли кишилар) ва жазога ҳукм этилганларга ажратиб қўйган, лекин ҳаётлигида инсонлар қайси табақага мансублигини билмайдилар. Тақдирнинг олдиндан белгилаб берилганлиги ҳақидаги таълимот асосини Исо Масихнинг одамлар гуноҳи учун азобу–уқубат чекишини Худо олдиндан белгилаб қўйганлиги ғояси ташкил қилади. Тақдирнинг олдиндан белгилаб берилганлиги ҳақидаги

таълимотни Кальвинизм назариётчилари “юмшатишга” ҳаракат қилдилар, шунинг учун ҳозирги вақтда у “ҳамма нарсани билгувчи Худо инсон тақдирини олдиндан билади” деб талқин қилинади. Кальвинистлар чўқинтиришни нажотнинг шартини деб тан олмайдилар. Хоч расмий диний рамз деб ҳисобланмайди, эҳромларда иконалар йўқ, деворлар расмлар билан безатилмаган. Шунингдек лютеранлардан фарқли ўлароқ Кальвинистлар шам ёқиш ва мусикадан воз кечишди, лютеранлар ибодати давомида мусиқа жўр бўлиб туради. Франция Кальвинистлари – гугенотлар XVI асрда католикларга қарши узоқ давом этган қонли уруш олиб боришди. Бу уруш адабиёт, мусиқа ва тилда ўз аксини топган. Масалан, Варфоломей туни ибораси 1572 йилнинг 24 август туни, яъни авлиё Варфоломей куни эмас, оммавий қирғин маъносини билдиради.

Ортодоксал Кальвинистлар уч турга бўлинадилар – реформаторлар (ислоҳотчилар), пресвитерианлар, конгрегационистлар – бир-биридан черковларининг тузилиши билан фарқ қилади.

Кальвинизм йўналишидаги Протестант черковлари издошлари (Кальвинистлар ёки реформаторлар (ислоҳотчилар)) Шотландия, Нидерланд, Германиянинг шимоли, Франция, Англияда ўз таъсирини ўтказганлар.

Пресвитерианлар (юнонча presbyteros – қария) – мўътадил пуританлар. 1592 йилда Шотландия парламенти бу диний таълимотни давлат дини деб эълон қилди. Черков жамоаси раҳбари – пресвитер, жамоа аъзолари томонидан сайланади. Жамоалар маҳаллий ва давлат иттифокларига бирлашадилар. Диний маросимлар ибодат, пресвитер ваъзи ва псаломлар айтишдан иборат. Литургия (черковда ўтказиладиган энг катта ибодат) бекор қилинган, “этиқод тимсоли” ва “Отче наш”лар ўқилмайди. Дам олиш кунлари байрам ҳисобланади. Дунё бўйича 40 млн. пресвитерианлар мавжуд.

Англикан черкови. Англиянинг давлат дини, XVI асрда Реформация ҳаракати давомида пайдо бўлди. 1534 йилда маҳаллий католик черкови Рим билан алоқасини

узгандан сўнг, англиз парламенти кирол Генрих VIII–ни Черков раҳбари этиб эълон қилди. Бунинг оқибатида Англия Черкови қирол ҳокимиятига бўйсундирилди. Англияда монастирлар ёпилди, черковнинг ер мулклари камайтирилди, авлиёлар, иконалар, ҳайкаллар ва табаррук ёдгорликлар сони қисқартирилди. Мартин Тюдор қироллиги даврида католик партиянинг ғалаба қозониши оқибатида кўпчилик протестантлар қатл қилинди. Қиролича Елизавета I–чи (1559 – 1603) ҳокимияти давомида Англикан динининг аҳволи барқарорлашади. XVI асрнинг ўрталарида ибодатларни англиз тилида олиб бориш киритилди, рўзалар (постлар), целибат бекор қилинди, иконалар мусодара қилинди. 1571 йилда англиканлик дини рамзи сифатида «39 модда» қабул қилинди. Унда черковнинг нажот келтирувчи кучи ҳақидаги ғоя қолдирилди, Католикликдаги сингари иерархия сақланиб, лекин Муқаддас ривоятлар таълимот манбаси сифатида бекор қилинди ва атиги икки сирли маросим – чўқинтириш ҳамда вино ва нон билан тамадди қилиш сақланиб қолдирилди. Дунёда 68 млн. яқин англиканлар мавжуд бўлиб, улар Англия, Ирландия, Шотландия, АҚШ, Канада, Янги Зеландия ва бошқа мамлакатларда тарқалган.

Баптизм (юнонча baptizō – сувга ботираман, чўқинтираман) – XVII асрнинг бошларида Ж. Смит асос солган, сон жиҳатдан тарафдорлари энг кўп (75 млн. кишидан ортик) бўлган Протестантликнинг йўналиши. Бу таълимот тарафдорлари чўқинтириш маросимидан фақат катталарни ўтказадилар ва буни инсонга ўзидан бошқа ҳеч ким, ҳатто ота–онаси ҳам, динни танлаб беролмайди, деб асослайдилар. Инсон динга онгли равишда кириши керак, деб ҳисоблайдилар. Диннинг ягона манбаси сифатида Муқаддас китобни тан олишади. Ибодат маросими диний кўшик ва мавъизадан иборат. Баптистлар тўрт маросимни сақлаб қолишган: чўқинтириш (катталар учун), нон синдириш кўринишидаги причащение, никох, қўлни баданга тегизиш орқали кишини руҳоний қилиш. Баптистлар черковлари дунёнинг 122 мамлакатаида мавжуд. Энг йирик ташкилотлари АҚШда жойлашган. 1905 йилда Лондонда ўтказилган

Биринчи конгрессда Баптистларнинг умумжаҳон иттифоқи ташкил этилди. Шу вақтдан бошлаб баптистларнинг сони 5 марта кўпайди. Собиқ СССР ҳудудида 1917–1927-йиллар баптистларнинг “Олтин ўн йиллиги” ҳисобланиб, бу даврда китоблари очиқ нашр этилди, кооперативлар, қишлоқ хўжалик жамоалари, ёшлар ташкилотлари ва ҳоказолар ташкил этилди. Лекин совет давлатининг атеистик сиёсати уларни сезиларли даражада камайишига олиб келди. 70–йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб мустақил ташкилотлар сифатида Инжил христиан–баптистлари иттифоқи (ИХБ иттифоқи), ИХБ черковлари иттифоқи ва ИХБ автоном (нисбатан мустақил) черковлари ташкил этилди.

Анабаптизм (юнонча anabaptizō – янгидан сувга ботираман, қайта чўқинтираман) ҳам XVI асрда Реформация жараёнида Ғарбий ва Марказий Европада пайдо бўлади. Анабаптистлар чўқинтириш сирли маросимини инсон онгли равишда бунга рози бўлганда амалга ошириш лозим, шунинг учун диндорлар қайта чўқинтирилиши керак деб ҳисоблайдилар. Черков иерархияси, иконалар, аксарият христианлик сирли маросимларини рад этдилар, мулк ва умумий мулкни йўқ қилишни талаб этадилар.

Меннонитлар XVI асрнинг 30–йилларида анабаптизмдан ажралиб чиққан ва ўз номланишини раҳбари голландиялик руҳоний Менно Симондан олди. Меннонитлар ҳар қандай зўрлашни гуноҳ деб ҳисоблайдилар, мўмин бўлишни, ёмонликка зўрликни қарши қўймасликни тарғиб қиладилар. Баптист ва анабаптистлар сингари чўқинтиришни катта бўлганда ўтказишни тўғри деб биладилар, чунки ижодкор эътиқод фақат катта кишиларда бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар. Христианликда қабул қилинган вино ва нон билан тамадди қилиш маросимидан ташқари ўзига хос ғурурни тийиш тимсоли бўлган бир–бирининг оёғини ювиш маросими ҳам мавжуд. Диний жамоанинг барча чўқинтирилган аъзоларининг тенглигига қарамасдан меннонитлар ўртасида руҳонийлар ҳам бор.

Меннонитлар Исонининг ерга иккинчи марта қайтиб келиши ва келажакдаги Худонинг Ердаги салтанати

ҳақидаги тасаввурларга эга. Инсон тақдирининг олдиндан белгиланганлиги ҳақидаги ғояни тан олмайдилар. Уларнинг фикрига кўра, инсон эркин иродага эга.

Унитаризм, (франц. unitarisme ва лот. unitas бирлик) XVI асрда пайдо бўлган, худонинг уч киёфаси тўғрисидаги таълимотни рад этади. Инсониятнинг гуноҳкорлиги, Исонинг илоҳийлиги, унинг инсонлар гуноҳларини ювиш мақсадида қилган қурбонлигига ҳам унитарлар ишонмайдилар. Худони дунёвий ақли сифатида кўришади. Христианликнинг ушбу шакли баъзида дин ва фалсафа ўртасида турган таълимот деб ҳисобланади.

Методистлар гуруҳи Англияда XVIII асрда пайдо бўлиб, англикан черковининг йўналишларидан бири ҳисобланади. Унинг тарафдорлари христиан ахлоқи меъёрларига методик равишда риоя қилишни талаб қилганларидан номланиши келиб чиқади. Таълимотининг асослари англиканлар таълимотига яқин туради. Англиядан ташқари бу йўналиш АҚШ, Канада, Австралия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда тарқалган. Методизм тарафдорлари 31 млн. кишини ташкил қилади.

У.Бутс асос солган “Халоскорлар Армияси” методизмга яқин туради. Унинг таълимоти методистларникидан фарқ қилмайди. “Халоскорлар Армияси” ҳарбий ташкилот сингари ташкил этилган. Бу ташкилот аъзолари кўча-кўйларда ваъзхонлик қилиш билан машғур.

Квакерлар (инглиз. quaker – силкиниш, титраш, ҳаяжонланиш) баптистлар йўналиши. Йўналишнинг расмий номланиши “Ички ёруғлик дўстлари христиан жамоаси”, Жорж Фокс томонидан XVII асрда ташкил этилди. Квакерлар имон ҳақиқати “ички ёруғлик” билан ёритилиш давомида намоён бўлади, деб ҳисоблайдилар. Худо деганда доим ҳаяжонланиш ва у билан муносабатда бўлганда экстатик (қаттиқ ҳаяжонланиш) усуллардан фойдаланганлари учун квакерлар деган ном олишган. Сирли ва сирли бўлмаган диний маросимларнинг барчасини бекор қилишган. Руҳонийларни тан олмайдилар. Ибодатхоналари йўк, ибодатларни нарсалардан бўшатишган хоналарда амалга

оширадилар. Квакерлар ҳар қандай зўрликни қоралайдилар, улар тинчлик (пацифизм) тарафдорларидир. Жамоаларида 200 минггача аъзо бор АҚШ, Англия, Канада ва баъзи бошқа мамлакатларда тарқалганлар. Квакерлар томонидан ташкил килинган “Бутун Жаҳон дўстлар маслаҳатчи комитети” халқаро ташкилоти фаолиятларини мувофиқлаштиради.

Америкада вужудга келган икки диний таълимот: Исо Масиҳ шогирдлари ва Исо Масиҳ Черкови ҳам баптизмга яқин туради. Чўқинтириш маросими киши балоғатга етгандан сўнг ўтказилади. Тақдирнинг олдиндан белгиланганлиги ва Одам Атодан бошлаб барча инсонларнинг гуноҳкорлиги тўғрисидаги таълимотларни тан олмайдилар. Бу ташкилотларнинг бир-биридан фарқи кам.

Пятидесятниклар протестантликдаги энг йирик йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ҳозирда пятидесятникларнинг сони дунё бўйича тахминан 120 миллионни ташкил этади.

Пятидесятниклик тарихи расман 1901 йилнинг 1 январига бориб тақалади. Айнан шу куни АҚШнинг Канзас штати Топеке шаҳрида Ч.Пархем исмли руҳоний бошқараётган “Библия” мактабининг талабаларидан бири Агнесса Озман “учинчи раҳмат”га эришиб (яъни, Муқаддас Рух билан чўқинтирилиб), хитой тилида гапира бошлайди. Унинг кетидан “худо билан нотаниш тилда гаплашиш” “эпидемия”си бутун мактабни камраб олади. Шундан сўнг, Ч.Пархем ўз ўқувчилари билан жанубий штатларда пятидесятникликни тарғиб қила бошлаган.

Худо билан нотаниш тилда гаплашишни бошидан ўтказган кўпчилик кейинчалик ўзларининг пятидесятниклик черковларига асос солдилар. Бундай черковлар Скандинавия, Англия, Ҳиндистон, Чили, Германия каби давлатларда ҳам пайдо бўлди.

Пятидесятниклик диний ҳаётда “Муқаддас Рух инъомлари” деган тушунчага таянади. Таълимотга кўра, бу инъомлар фақатгина Муқаддас Рух билан чўқинтириш орқали Исо Масиҳнинг асл издошларига, унга хизмат қилиш воситаси сифатида берилади. Муқаддас Рух билан

чўқинтирилганликнинг ташқи белгиси деб пятидесятниклар глоссалия, яъни “худо билан нотаниш тилда гаплашиш”ни тушунишади.

Уларнинг бир–бирдан асосий фарқи худонинг раҳматлари сони ва сув билан чўқинтиришнинг услубларидадир. Хусусан, баъзи пятидесятниклар 3 та раҳматга – динга киргизиш, нурлантириш яъни, христиан таълимоти билан чукурроқ таништириш ва Муқаддас Рух билан чўқинтиришга ишонишса, айримлари фақат 2 та раҳмат – динга киргизиш ва Муқаддас Рух билан чўқинтиришни тан олишади. Шунинг учун ҳам, уларни «Икки раҳмат черковлари» деб аташади.

Пятидесятникликнинг диний таълимот манбаи “Библия”дир. Унга кўра, Муқаддас Рух доимо черковда намоён бўлиб туради. Пятидесятникликда Исонинг иккинчи марта қайтиши, охирзамон ва мингйиллик ҳукмронлиги ўрнатилишининг яқинлиги тарғиб қилинади. Шунингдек, Худонинг “Ўлдирма” деган буйруғига амал қилиниши сабабли уруш ва ҳарбий хизмат қатъиян рад этилади.

Пятидесятникларнинг юртимиздаги илк жамоалари ўтган асрнинг 20–йилларида “Тўлиқ инжил христианлари” номи остида пайдо бўлгани қайд этилган.

Адвентистлик (лотинча – келиш, воқе бўлиш) протестантликдаги йўналишларидан бўлиб, унга XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШда Уильям Миллер (1772–1849) асос солган.

“Библия”ни ўрганиб, “охирзамон”нинг яқинлашаётгани ҳамда Исо Масихнинг минг йиллик ҳукмронлик даври бошланиши ҳақидаги фикрга келган У.Миллер 1831 йилда Исонинг 1843 йилда қайтиши ҳақида катта ваъз қилди. Бу ваъз ҳатто Европада ҳам акс–садо берди. 1843 йил кириб келганида эса У.Миллер ўз хулосасини бироз ўзгартириб, Исонинг қайтиш муддатини 1844 йилга кўчирди. Масих тушиши керак бўлган ой ва кунни, ҳатто жойини – Нью–Йорк штатидаги тоғни ҳам аниқ кўрсатди. Белгиланган кунда Миллер издошлари оқ кийимларга ўраниб “қиёмат тоғи”да жойлашдилар. Узоқ кутишдан сўнг “пайғамбар”

издошларининг сони камая бошлади, лекин кўплар унга содиқ қолдилар. Исонинг 1843 йили келмаганининг сабаби эса ўша йили Исо ерга эмас, балки “осмондаги покланиш жойи”(чистилище) ни тозалаш учун келган, деб талқин қилинди.

1845 йилда У.Миллер ва унинг издошлари баптистлар сафидан четлаштирилганларидан сўнг ўзларининг “адвентистлар” деб аталган ташкилотини туздилар.

Адвентистлик таълимоти Исо Масихнинг иккинчи маротаба қайтиши ғоясига асосланади. Унга кўра иккинчи қайтиш даврида фақатгина такводорлар (биринчи тирилиш) тириладилар ва Худо билан осмонда 1000 йил бўладилар. Бу давр мобайнида ерда инсонлар бўлмайди, улар томонидан яратилган жамики нарса вайрон бўлиб, йўқ бўлиб кетади. Шайтон кишанланади ва унинг жазоси вайронага айланган ерда бўлади. 1000 йилдан сўнг Исо учинчи бор ерга қайтади, шунда жин, ажина, алвасти ва шу кабилар тириладилар (иккинчи тирилиш). Шайтон эса халқларни йўлдан оздириб, уларни Исога қарши охириги жангга тўплаш учун вақтинча озодликка чиқади. Лекин осмон олови уларни кулга айлантиради. Шайтон ва инсу–жинслар абадий йўқ қилинадилар – бу улар учун иккинчи ўлимдир. Олов билан тозаланган Ер янгиланади ва уни такводорлар эгаллайдилар. Қуддус қайта тикланади ва одамлар абадий роҳатда бахтли ҳаёт кечирадилар.

“Еттинчи кун адвентистлари” адвентистлик замирида пайдо бўлган энг йирик йўналиш ҳисобланади. 1844 йилда АҚШда юзага келган ушбу йўналишнинг асосчиси Елена Уайт (1827–1915) ҳисобланади.

“Еттинчи кун адвентистлари” йўналиши тарафдорларининг сони тахминан 16 миллион кишини ташкил этади. Унинг 206 давлатда 46 мингдан ортиқ черков (жамоа)лари бор. Умумжаҳон Еттинчи кун адвентистлари черковининг Маркази – Бош Конференцияси АҚШнинг Вашингтон шаҳрида жойлашган.

“Еттинчи кун адвентистлари” таълимотига кўра, Худо ўз иродасини халққа етказиш учун гўёки, Елена Уайтни танлаган

ва унда 2000 га яқин “кўринишлар” (видение) бўлган. Унинг бу “кўринишлар” асосида ёзган китоб ва хатлари “Библия” билан бир қаторда “Еттинчи кун адвентистлари” диний таълимотининг асосий манбаи ҳисобланади.

Исо Масихнинг яқин орада қайтишига ишониш “Еттинчи кун адвентистлари”нинг асосий ақидаси ҳисобланади.

Еттинчи кун адвентистлигида:

– “Библия” буйруқларига бўйсуниб қатъий талаб қилинади;

– бошқа христианлардан фарқли равишда, якшанба куни эмас, ҳафтанинг еттинчи куни – шанба улуғланади. Шунинг учун ҳам, уларни “Еттинчи кун адвентистлари” деб атайдилар. Шанба куни ишлаш, ҳатто овқат тайёрлаш ҳам мумкин эмас. Бутун кун ибодатга бағишланади. Улар Исонинг тирилиши ва “охирзамонни” кутиб яшайдилар.

Айни пайтда, Еттинчи кун адвентистлигида:

– руҳнинг абадийлиги, жаннат ва дўзах тушунчалари инкор қилинади;

– чўқинтириш бутун танани сувга ботириш орқали ўтказилади;

– “нопок ҳайвонлар” гўшти, хусусан, чўчка гўштини ейиш, кофе, чой, вино ичиш, тамаки чекиш тақиқланади;

– турли хил кўнгилочар тадбирлар, бадиий китоб ўқиш эса қораланади.

Ўрта Осиёда дастлабки адвентистлар XIX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Уларнинг пайдо бўлиши Россия адвентистлари фаолияти билан боғлиқ. 1910 йилда Тошкентда илк адвентистлар жамоаси тузилади.

“Новоапостол черкови” XIX асрнинг ўрталарида Англияда вужудга келган протестантлик йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда “Новоапостол черкови” дунёнинг 180 та давлатида 50 га яқин жамоа, 9 миллионга яқин аъзоларига эга.

“Новоапостол черкови” диний таълимотида 7 сирли маросимнинг учтаси эътироф этилади:

– сув билан чўқинтириш (ёшнинг фарқи йўқ);

– причащение – нон ва вино билан тотиниш;
– Муқаддас Рух билан (запечатление) инсоннинг ички оламини бутунлай янгилаш._

Черков таълимотига кўра, Худо руҳонийларнинг дуо ва фотиҳалари сабабли бандаларига ўзининг меҳру мурувватини ато қилади._

Марҳумлар руҳига бағишлаб бир йилда уч маротаба (март, июл ва ноябр ойларининг биринчи якшанба кунларида) ўтказиладиган диний маросимлар ҳам “Новоапостол черкови”нинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. Бу маросимларда марҳумларнинг қариндошлари ва руҳонийлар иштирок этиб, худодан уларнинг бу дунёда қилган гуноҳларини авф этишини сўраб, ибодат қиладилар._

Черковни биринчи апостол ва апостоллар бошқарадилар. Ўз навбатида улар христианликдаги машҳур 12 апостолнинг ўринбосарлари ҳисобланадилар (“Новоапостол черкови” номи шундан келиб чиққан). Биринчи апостол, диний қоидаларга асосан, Худонинг ердаги вакили ҳисобланади. Черков ходимлари ўз вазифаларини бепул ва ўзларининг асосий касбларидан ташқари бажарадилар

Ҳар бир жамоа 150–170 кишилик катта оила каби ташкил этилади. Пасторлар камида икки ойда бир маротаба ҳар бир уйни зиёрат қиладилар. Асосий эътибор болалар ва ўсмирлар тарбиясига, ногирон ва камбағалларга ёрдам қилишга қаратилади.

“Новоапостол черкови” Ўзбекистондаги фаолиятини 1992 йилдан бошлаган.

Православлик ва Католиклик умумий ва ўзига хос хусусиятларга эга. Бу йўналишлар руҳонийлар ва дунёвий кишиларни кескин тарзда ажратадилар. Руҳонийларга мўлжалланган хулқ–атвор қоидалари, дунёвий кишиларникидан бутунлай фарқ қилади. Инсонларнинг нажот топиши, Православлик ва Католиклик таълимотларига кўра, фақат руҳонийлар воситасида амалга ошиши мумкин. Православлик тарафдорлари ҳам, Католиклик тарафдорлари ҳам Библия билан бир қаторда Муқаддас ривоятларни тан олишади. Иккала йўналиш етти сирли маросимни тан

олишади: чўқинтириш, вино ва нон билан тамадди қилиш, гуноҳларга руҳоний олдида икрор бўлиш, руҳонийликни, никоҳни ва баданга ёғ суртишни. Православлик ва Католиклик тарафдорлари Биби Марям, фаришталар, авлиёларни иззатлайдилар, муқаддас нарсаларга сиғинадилар, тарки дунёчиликка (монахлар) амал қиладилар.

Протестантликнинг Православлик билан ҳам умумий томонлари кўп. Масалан, аърофга ишонмаслик, руҳонийларга никоҳ руҳсат этилганлиги, дунёвий кишилар ажрашиши мумкинлиги, диндорлар ибодатларини она тилида амалга оширишлари мумкинлиги, мустақил миллий черковларнинг мавжудлиги.

**ХРИСТИАНЛИКНИНГ
МАРКАЗИЙ ОСИЁГА
КИРИБ КЕЛИШИ**

Фанда христианлик динининг Марказий Осиё ҳудудига кириб келиши икки йўл билан амалга ошгани эътироф этилади. Биринчиси, милоннинг III асрларидан то бугунги кунга қадар христианликни тарғиб этувчи миссионерларнинг тарғиботчилик ҳаракати бўлса, иккинчи йўл, минтақанинг Россия Империяси томонидан босиб олиниши ва христиан динига эътиқод қилувчи аҳолининг ушбу минтақага кўплаб кўчиб келиши орқали амалга ошган.

Замонавий Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларида апостол Андрей Первозванныйнинг диний фаолияти илк христианлик тарихи манбаларида қайд этилгани диққатга сазовор. Бунинг далили сифатида бугунги қадар сақланиб қолган ҳинд христианларининг “Фома қайдномалари” ва милодий II–асрда ташкил топган Марказий Осиё черкови тараққиёти ҳақидаги тарихий ёзма манбалар хизмат қилади. Ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Синьцзян–Уйғур мухторияти (Хитой) ҳудудида археологик қазилмалар натижасида топилган кўплаб христианлик ёдгорликлари, жумладан ибодатхона ва монастырларнинг ҳаробалари, фрескали икона ёзувлари, матоларга битилган иконалар (занданачи), Инжил кассалари тасвирланган керамиклар, бўйинга осиладиган

хоч ва медаллар ҳамда христианлик тимсоли туширилган давлат тангалари аҳамиятга молик. Ундан ташқари минглаб хоч туширилган қабр тошлар ёки қабр устига қўйилган хочлар топилган. Юқоридагиларнинг аксарияти IV – XIV асрларга мансуб деб топилган.

Миссионерлар фаолияти натижасида 280 йилда Талос (Марке) черковлари қурилиб бўлган, Самарқандда (310 йилдан), Марвда (334 йилдан), Ҳиротда (430 йилдан), Хоразмда ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида епископлик, миссиялар тузилган. Кейинчалик Самарқандда, Марвда (430 йиллар), Ҳиротда (658 йиллар) епископликдан иборат диний ҳудудий жамоалар, бирлашмалар бўлган. IV аср бошларида ташкил этилган Марв епископлиги, V аср бошида митрополияга айланган. Хуросонликлар ва суғдиёналиклар зардуштийлар, монавийлар, буддавийлар билан бир қаторда христианлар ҳам бўлган. Улар қорахитойлар ва сосонийларга қаршли ерларда яшаганлар.

431 йилда Византиядаги христианларнинг Эфес соборида можаро юз берди – Нестореан оқимининг христианлари, ҳукмрон дин ақидаларига хилоф иш қилган деб эълон қилинди. Шуни айтиш жоизки, Несторианлар – Константинополь патриархи Несторнинг издошлари бўлиб, (5–аср бошларида) – улар Христоснинг илохий келиб чиқиши ҳақида гапириб, унинг онаси Мария Худони эмас, балки инсонни дунёга келтириб, унинг танасига Худо кириб олган ва шунинг учун лаънатланган деб ҳисоблайдилар.

Марказий Осиёга илк рус православларнинг кириб келиши XIX асрнинг 40–йилларидаги Чор Россиясининг Туркистоннинг шимолий ҳудудларини эгаллаши натижасида Туркистонга русларнинг кўчиб келиши билан боғлиқ. Ҳар бир полқда махсус руҳонийлар бўлиб, аскарларнинг диний эҳтиёжларини қондириш мақсадида кўчма ибодатхоналар ташкил этилган эди. 40–йиллар охирига келиб доимий ибодатхоналар маҳаллий пахса услубида қурила бошлайди ва 1850 йили Копалда биринчи муқим ибодатхона бунёд қилинади.

Руслар жойлашган хуудларда кичик диний қароргоҳлар вужудга келади. Даствлабки қароргоҳлар 1850–йиллада Форт №1 (Аральск шахри, Қорақалпоғистон), Перовск (Қизил–Ўрда, Қозоғистон), Катта Олма–Ота тумани (Олма–Ота, Қозоғистон), Сергиопол (Аягуз), Лепсин (Лепсинск), 1860–йилларда Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Чимкент, Авлиёота (Жамбул), Тўқмоқ, Катта–Қўрғонда рус православларининг диний қароргоҳлари мавжуд эди.

1871 йилда Тошкент госпитали хузурида архиепископ Ермоген (Голубев) томонидан православ қароргоҳи таъсис этилган. Бу ибодатхона хозирги Успенский кафедрал собори ўрнида бўлган.

Даствлаб Туркистон Оренбургнинг таркибида бўлганлиги боис Томск епархиясига бўйсинган. Кўп ўтмай мустақил архиерей кафедрара айланади.

1869 йил Туркистон мустақил епархиясини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган. 1871 йил Тошкент ва Туркистон епархиясини ташкил этиш тўғрисида император фармони чиқади. Бироқ маҳаллий император амалдорлари Тошкентдаги кафедра фаолияти диний авторитетни кучайтириб асл сиёсий мақсаддан чалғитади деб қаршилиқ кўрсатган. Генерал–губернатор фон Кауфман “Тошкентда на архиерейлик, на жандармияга ўрин йўқ” деб таъкидлаган. Унинг кўрсатмасига биноан епископ кафедраси қароргоҳи Верный (1854 йил асос солинган «Верный» шаҳарча, замонавий Олма–Ота) шаҳрига кўчирилиши керак эди. “Тошкент ва Туркистон” номини олган епархия епископлари марказдан ташқарига чиқиб бошқариш мантиқсизлик эканлиги ва ноқулай бўлганлиги боис кўчишдан бош тортади. Императорлик даврида Тошкент архиереяси кафедранинг Тошкентда бўлиши учун курашганлар. Ниҳоят 1916 йил охирида архиепископ Иннокентий (Пустынский) ҳаракатлари туфайли бу масала бутунлай ижобий яқун топган.

Даствлабки черковларнинг кўпчилиги одми бўлган ва кўнғироқлари ҳам бўлмаган. Рус аҳолининг кўпайиши XIX аср охирларидан бошлаб бир нечта Россия черковларидан

қолишмайдиган черковларнинг бунёд бўлишига олиб келди. Улар орасида Тошкент Свято–Преображенский (1888 йили қурилган, 1923 йили бузиб ташланган.), Верный (Олма ота)даги Вознесенский (1907 йили қурилган, 1995 қайта тикланган), Самарқанддаги Свято–Алексиевский (1911 йили қурилган, ҳозирда очик ва қайта тикланмоқда) соборлари алоҳида ажралиб турган.

Марказий Осиёга католик ва протестант йўналиши вакилларининг кириб келишига 1879 йил 27 мартдаги Россия императорининг махсус қонунига кўра биринчи жаҳон урушида асрга олинган немис, поляк, эстон, швед, литва, латиш ва бошқа европалик аскарларнинг Туркистон ўлкасига сургун қилиниши туртки бўлди. Бу ўз навбатида, европалик асирлар орасида диний жамоалар тузиш ҳамда черковлар пайдо бўлишига олиб келди. Хорижликларнинг бундай фаолияти асримизнинг тахминан 20–30 йилларига қадар давом этди. XX аср бошларига келиб Туркистонда 6,03 миллион мусулмонга 391 минг православ тўғри келган ёки 5340 масжидга 306 черков тўғри келган. Бундан ташқари, 10,1 минг православиёга мансуб бўлган старообрядчилар, 8,2 минг лютерчилар, 7,8 минг католиклар, 17,1 мингга яқин бошқа оқимларга мансуб диндорлар ва 26 минг яҳудий динига мансуб кишилар ташкил этган.

Айрим маълумотларга кўра, XIX аср охирларида Тошкентда 2300 га яқин католиклар бўлган. Ўша вақтда рим католиклари жамоаларига Юстин Пранайтис раҳбарлик қилган. Тошкентда биринчи католик черкови 1912 йилда қурила бошланиб, 1917 йилда битказилган. Ҳозирги кунда бу бино тарихий обида сифатида қайта таъмирланди.

Юртимизда фаолият олиб бораётган Арман апостол черкови энг қадимий христиан черковларидан бири бўлиб, маълумотларга кўра, Ўрта Осиёда арманлар тахминан III–IV асрларда пайдо бўлганлиги қайд этилган. 1890 йилга келиб уларнинг сони 3839 кишини ташкил этган. XIX аср охирларидан бошлаб Эчмиадзин Синоди Туркистон ўлкаларида ибодатхоналар қуришга қарор қилган. Самарқанд черкови ўз фаолиятини 1903 йилдан эътиборан бошлаган.

Ўзбекистонда тарқалган христианликнинг уч асосий йўналишидан бири протестантизмдир. Кейинги ўн йилликда маҳаллий корейс миллатига мансуб шахслар орасида протестантизм йўналишига қизиқиш ортди. Бунга, бир томондан корейсларнинг ўз қариндош–уруғлари билан дийдор кўришиш ва бошқа мақсадларда Жанубий Корея, АҚШ ва бошқа ривожланган давлатларга бориб келишлари омил бўлди. Хорижда улар маълум бир диний оқим таъсирига тушиб, Ўзбекистондаги яқинларига ҳам мазкур оқим таълимотларини тарғиб қила бошладилар. Шунингдек, Жанубий Корея ва АҚШлик корейс миллатига мансуб шахслар ҳам катта моддий маблағга эга бўлган протестантизм йўналиши марказлари ҳисобига маҳаллий корейс миллатлари ичида миссионерлик фаолиятини олиб бордилар.

Ўзбекистондаги корейс протестант черковларининг деярли барчасини пятидесятниклик йўналишидагилари ташкил этади. Ибодат тарзлари протестантизмдаги йўналишларда бажариладиган амаллар кабидир. Ҳозир Ўзбекистонда пятидесятниклик, баптистлик йўналишидаги черковлар ҳамда биргина методистлик йўналишига оид черков фаолият кўрсатмоқда.

Ўрта Осиёда дастлабки адвентист миссионерлар XIX асрнинг бошларида пайдо бўлганлиги ҳақида айрим манбаларда қайд этилган. Мазкур оқимнинг Тошкентдаги биринчи жамоаси 1910 йилда ташкил этилиб, бир йил ичида унинг тарафдорлари 150 кишига етган. Жамоа 1912 йилда яширин йиғилишлар уюштирганлиги сабабли тарқатиб юборилган. 1917 йилдан сўнг умумий сони 450 кишилик тарафдори билан Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Самарқанд шаҳри ва бошқа ҳудудларда фаолият кўрсата бошлаган. Шу давр ичида оқим тарафдорлари кўпайиб, черков раҳбарлари сайланди ҳамда ташкилий ишлар йўлга қўйилди.

Адвентистларнинг Жануби–шарқий иттифоқи таркибида 1925 йили Ўзбекистонда адвентистларнинг Марказий Осиё бошқаруви ташкил этилди. Унинг биринчи қурултоғи 1926

йилда ўтказилиб, унда Бутуниттифоқ адвентистлар иттифоқи таркибининг бешинчи иттифоқи сифатида қайд этилди. 1930–йиллар охирига келиб диндорлар ва улар қаторида адвентистлар жамоалари тарқатиб юборилди ҳамда таъқиб остига олинадиган бўлди. Барча йўналишдаги жамоалар яширин фаолиятга ўтиб кетди.

1976 йил 26 август куни Тошкентда илк бор адвентистлар жамоаси давлат рўйхатидан ўтди. Шунингдек, адвентистларнинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё ва бошқа вилоятларда норасмий жамоалари тузила бошлади.

Айрим маълумотларга кўра, 1967 йили Тошкентда В.А.Шелков бошчилигидаги адвентист–ислохотчилар пайдо бўлган ва хозирги даврга қадар фаолияти давом этмоқда.

Туркистон ўлкаларида илк баптистлар жамоаси 1891 йилларда пайдо бўлди. Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 1909 йил 2 июлда 60 кишилиқ баптист жамоалари учун ибодат уйи очишга рухсат берилди. 1911 йил октябр ойида “Самарқанд жамоаси” тузилди.

1921 йилдан эътиборан Туркистон баптистлари орасида бирлашиш мақсадида бошқарув органини сайлаш учун ҳаракат бошланди. Ушбу бошқарув органи 1922 йилда Тошкент баптистлар қурултойида Марказий Осиё баптистлар иттифоқи, сўнг Умумроссия иттифоқи таркибида Туркистон бўлими тузилди.

1946 йилдан Ўзбекистон ҳудудида Евангелчи христиан–баптистлар (ЕХБ) жамоаси сифатида қайд этилди, 1948 йил октябр ойидан эса Т.Пеньков Бутуниттифоқ ЕХБ кенгашининг Ўзбекистондаги вакили этиб тайинланди. 1930 йилларга келиб баптистларнинг 6 жамоаси расман қайд этилди. 1958 йилга келиб Ўзбекистонда баптистлар сони икки минг кишини ташкил этди. Шу давр ичида норасмий 32 та жамоа фаолият кўрсатган.

1964 йилда бу жамоалар норасмий Марказий Осиё Евангелчи христиан–баптистлар черковлари кенгаши марказини туздилар, кейинчалик «Осиё жануби бўйича баптист биродарлар кенгаши» деб номланди. 1992 йил ноябр ойида Москвада бўлиб ўтган баптистларнинг 1–қурултойида

Евангелчи христиан–баптистлар иттифоқи федерацияси Евро–Осиё ЕХБ иттифоқи номига ўзгартирилди.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Тўлиқ Инжил христианларининг (пятидесятниклик) асримиз 20–йиллари охирларида Тошкент шаҳрида биринчи жамоалари тузилди. 30–йилларга келиб уларнинг сони 950 кишига етди. Улар ташкилот сифатида қайд этилмаган бўлсалар–да, Тошкент жамоаси марказий ўрин тутди. 1945 йилга келиб баптистлар ва пятидесятниклар бирлашишга қарор қилдилар, лекин бу иш тўлиқ амалга ошмай қолди. Мазкур ташкилот 1992 йилдан эътиборан расмий фаолият кўрсатиб келмоқда.

Республикамизда мавжуд бўлган лютеранчилик – лютеранлар черковлари томонидан эътироф қилинган таълимотдир. Евангелчи–лютеранлар Ўзбекистон ҳудудида 1877 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. 1884 йилдан лютеранлар ибодатларини расман амалга оширганлар. 1890 йилда архитектор А.Л.Бенуа раҳбарлигида бошланган черков қурилиши 1896 йилнинг декабр ойига келиб ниҳояланди.

Айрим манбалар Ўрта Осиёда Иегова шоҳидларининг ХХ асрнинг 40–йилларида пайдо бўлганлигини билдиради. Ўша даврда улар ўзларини «каналистлар» деб атаб келганлар.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Христианлик черковининг Православлик ва Католикликка ажралишининг сабаблари.
2. Рим–католик черкови диний гуруҳлар (секталар). Таълимотининг ўзига хусусиятлари.
3. Православлик таълимоти ва маросимларининг ўзига хослиги.
4. Православлик ва Католикликдаги сирли маросимлар. Ўхшашлиги ва фарқлари.
5. Яҳудийлик ва христианликнинг бевосита боғлиқлиги
6. Марказий Осиё ҳудудидаги христианлик билан боғлиқ ёд–горликлар

Мустақил иш топшириқлари

1. Христианликдаги бўлиниш сабабларини тарихий таҳлил қилинг.
2. Православлик тарихи ва таълимотининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида илмий иш тайёрланг.
3. Католиклик ва православлик таълимотларидаги муштарак ва фарқли жиҳатлар ҳақида қиёсий кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).
4. Ўзбекистондаги христиан диний ташкилотлари ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини ўрганинг.

Адабиётлар

1. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
2. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга юз жавоб). – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт–матбаа бирлашмаси, 2009.
3. Горелов А. История мировых религий: учебное пособие / 2–изд., испр. – М.: Флинта: МПСИ, 2006.
4. Каутский К. Происхождение христианства. – М., 1990.
5. Кривелев И. История религий. – М.: 1989.
6. Кулаков А. Религии мира. – М., 1996.
7. Мень А. История религии. – М., 1994.
8. Петер Антерс. Религии современности. История и вера. – М.: Прогресс–Традиция, 2001.
9. Радугин А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.
10. Ранович А. Первоисточники по истории раннего христианства. Античные критики христианства. – М.: 1990.
11. Токарев С. Религия в истории народов мира., – М., 1965.
12. Яблоков И. Основы религиоведения. – М., 1998

10–МАВЗУ. ИСЛОМ

Режа

1. Исломгача Арабистондаги ижтимоий–сиёсий ҳолат.
2. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (с.а.в.) нинг таваллудлари.
3. Пайғамбарликнинг бошланиши ва Макка даври.
4. Ҳижрат ва Мадина даври.
5. Куръон.
6. Ҳадис ва суннат.
7. Ислом дини таълимоти.
8. Диний амаллар категорияси.
9. Диний байрамлар
10. Исломдаги мазҳаблар ва ғоявий–сиёсий оқимлар.
11. Тасаввуф.

Таянч тушунчалар:

Жоҳилия, Бутпарастлик, Мусҳаф, ал–Васания, Макка ва Мадина, Ҳиро зори, Ваҳий, Ансор, Ҳижрат, Расул, Набий, мазҳаб, суннийлик, шиалик, хорижийлик, ҳанафийлик, шофеъийлик, моликийлик, ханбалӣлик, ақида, тасаввуф.

Мавзу ўқув мақсади:

Ислом дини тарихи, таълимоти, муқаддас манбалари, ибодат ва маросимлари, Ислом динидаги илк бўлинишлар, уларни келтириб чиқарган сабаб ва омиллар, хаворижлар ва уларнинг фирқалари, шиалик ва унинг оқимлари, суннийлик ва унинг мазҳаблари, ақидавӣ таълимотлар, тасаввуф ҳақида ҳақида талабаларда атрофлича тасаввур ҳосил қилиш.

ИСЛОМГАЧА АРАБИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ–СИЁСИЙ ҲОЛАТ

Ҳозирги Саудия Арабистони ҳудудининг Ғарбий қисми Ҳижоз деб аталади. Қадимдан Ҳижознинг асосий маркази Сурия ва Яман савдо йўлларини бир–бири билан

боғлаб турувчи шаҳар Макка бўлиб келган. Бу ернинг ҳам диний, ҳам иқтисодий марказ сифатида шаклланишида Каъба (Байтуллох – Аллоҳнинг уйи) катта аҳамият касб этган. Минтақада истиқомат қилувчи араблар Иброҳим (а.с.) дини таълимотига эътиқод қилганлар. Улар ўзларини “ҳаниф”лар (арабча, “тўғри йўл”) деб атаганлар. Йиллар ўтиши билан маккаликлар яккахудолик таълимотини унутишиб, юлдуз ва фаришта ҳамда турли санамларга сиғина бошлаганлар. Фаришталар Худонинг қизлари сифатида эътироф этилган. Айни шу жараён ислом тарихида “жоҳилия даври” деб аталади.

Маккада Хубал бош илоҳ ҳисобланган. Шунингдек, Манот, Лот, Уззо каби илоҳларга ҳам сиғинилган. Маккага келувчи зиёратчилар шаклланган диний урф–одатларни кўр–кўрона қабул қилишлари натижасида турли жойларга бутлар ўрнатилган. Турли қабилалар ўз обрў–эътиборини бошқаларга кўрсатиш мақсадида Каъбага бут ўрната бошлаганлар. Натижада, Каъба ичидаги бутлар сони 360 тага етган.

Бундан ташқари зодагон араблар ўз хонадонларида бутлар учун алоҳида хона ва хизматчилар ажратиб, улар номига атаб турли хил маросимлар ўтказишни жорий қила бошладилар.

Жоҳилият даври араблари бутларни шафоатчи деб билиб, улар олдида ҳокисорлик билан турар, қурбонликлар қилар ва улар шарафига қасидалар тўқиб, илтижо қилар эдилар. Тижорат ва экинзорлардан олинган маълум даромаддан бутларга ажратилар, оилада қиз фарзанд туғилса, тириклигича кўмилар эди.

Жоҳилият даврида Арабистон Ярим оролида яхудийларнинг ҳам кичик жамоалари мавжуд эди. Бу дин мазкур минтақага икки босқичда кириб келган. Биринчи босқич, милоддан аввал 587 йилда Бухтуннаср кўшини яхудийлар устига бостириб, уларни таъқиб остига олиши натижасида ўз юртларини ташлаб Мадинага кўчишган. Иккинчи мартаба эса, милодий 70 йилда римликларни

Фаластинга бостириб кириши натижасида яхудий қабилалар Мадина, Хайбар, Тайма каби шаҳарларга келиб жойлашишган.

Яхудийлик миллий дин бўлгани боис араблар орасида тарқалмаган.

Арабистон ярим оролига Ҳабашистон ва Рим босқини орқали христианлик ҳам кириб келган. Манбаларда қайд этилишича, Ҳабашистон шоҳи Абраҳа Каъба зиёратчиларидан тушаётган даромадни Яманга буриш ва христиан динига эътиқод қилувчилар сонини орттириш мақсадида “Ямоний” номли катта черков қурдирган. Турли тазйиқлар натижасида Ғассон, Тағлиб, Той ва бир қанча бошқа қабилалар насронийликни қабул қилган.

Юқоридаги динлар билан бир қаторда, оташпарастлик таълимотига эътиқод қилувчи араблар ҳам мавжуд бўлган. Лекин улар Форс давлатига чегарадош бўлган ҳудудлардагина фаолият олиб борганлар.

**МУҲАММАД ИБН АБДУЛЛОҲ
(С.А.В.) НИНГ ТАВАЛЛУДИ**

Муҳаммад ибн
Абдуллоҳ ибн
Абдул–Мутталиб
алайҳис–салом

Арабистон тарихида “Фил воқеаси” номи билан машҳур жангдан 50 кун кейин таваллуд топган. Кўпчилик тарихчилар фикрига кўра бу сана милодий 571 йилга тўғри келади. Отаси Абдуллоҳ ўз ўғли Муҳаммад туғилмасидан олдин савдо иши билан Шомдан қайтаётиб Ясрибда (ҳозирги Мадина шаҳрида) вафот этган. Онасининг исми Омина бинт Ваҳб эди.

Манбаларда Пайғамбар алайҳис–саломнинг таваллуди билан боғлиқ турли мўъжизалар рўй бергани қайд этилади. Жумладан, у кишининг онаси ҳомиладор бўлганида тушида “Сен бутун инсонларнинг улуғига ҳомиладор бўлдинг, у дунёга келгач, исмини Муҳаммад қўйгин” деган овоз эшитади. Шунга кўра туғилган пайтида бобоси “Муҳаммад”, яъни “ғоят мақтовли” деган исми қўйди. Исломи таълимотига кўра, Муҳаммад пайғамбар номи зикр этилганда “соллаллоху

алайҳи васаллам” (қисқача: с.а.в.: “унга Аллоҳнинг раҳмат ва саломи бўлсин”) ёки “алайҳис–салом” (қисқача: а.с.: “унга салом бўлсин”) иборасини айтиш зарур.

Бўлажак пайғамбар таваллуд топгач арабларнинг одатига кўра, Муҳаммад алайҳис–салом Бакрий қабиласидан бўлган Ҳалима исмли аёлга эмизиш учун берилдилар. Халима хонадонида Расулulloҳ 4 йил яшайди.

Муҳаммад алайҳис–салом беш ёшга тўлганида онаси Омина билан биргаликда Ясрибга, отаси қабрини зиёрат қилиш учун борадилар. Мазкур сафардан қайтишда, Абво деган жойда онаси Омина ҳам вафот этади. Шундан сўнг уни саккиз ёшгача бобоси Абдулмутталиб ўз қўлида тарбиялади. Абдулмутталиб вафотидан сўнг Муҳаммад алайҳис–саломни амакиси Абу Толиб ўз қарамоғига олади.

Пайғамбар (а.с.) ёшлик чоғларида Абу Толиб билан бирга бир неча бор тижорат сафарларига чиққанлар. Шомга биринчи марта 12 ёшга тўлганда, иккинчи марта 25 ёшга, Яманга 17 ёшга тўлганда сафар қилди. 12 ёшга етганда амакиси Абу Толиб Шомга сафарга отланди ва ёш Муҳаммадни ҳам бирга олиб кетишга қарор қилади.

Сафар давомида қарвон Бусра номли мавзеда тўхтади. Мана шу жойда Абу Толиб Бухайро исмли роҳибни учратади. Мазкур учрашув ислом тарихида жуда машҳур бўлиб, роҳиб ёш Муҳаммадда бўлажак пайғамбар аломатларини кўради. Шундан сўнг, у Абу Толибга жиянининг порлоқ келажак эгаси эканини башорат қилади ва уни эҳтиёт қилишни уқтиради.

Расулulloҳ (а.с.) 25 ёшга тўлганида Бану Асад уруғидан бўлган Хадича бинт Хувайлид у кишидан ўзининг савдо қарвони билан бирга Шомга сафар қилишни сўради. Муҳаммад алайҳис–саломнинг тўғрисиўз, ҳалол, садоқатли эканини кўрган Хадича ёши анча катта бўлишига қарамай, таомилга зид равишда уларга совчи кўяди. Бир томондан амакилари Абу Толиб, иккинчи томондан Хадичанинг амакиваччаси Варақа розилик бериб никоҳ ўқилди.

Хадича бинту Хувайлид (р.а.)дан Расулulloҳнинг етти фарзандларидан олтитаси, яъни Зайнаб, Умму Кулсум,

Рукия, Фотима, Қосим, Абдуллоҳлар дунёга келган. Фақат битта ўғил – Иброҳим Мориа Қибтийя (р.а.)дан туғилган эди.

ПАЙҒАМБАРЛИКНИНГ БОШЛАНИШИ ВА МАККА ДАВРИ

Манбаларда Муҳаммад (а.с.)нинг қирқ ёшга яқинлашиб

қолганида ёлғизликни хоҳлаб қолгани қайд этилади. Улар, асосан, Маккадан икки чақирим узокликда жойлашган Нур тоғидаги Ҳиро ғорига чиқиб кетиб, Рамазон ойини таханнус ибодати билан ўтказарди. Қирқ ёшга кирганида Қуръони Кармининг “Алақ” сурасининг дастлабки беш ояти илк ваҳий сифатида нозил қилинди. Тарихчиларнинг таъкидлашича, бу воқеа 610 йил 10 август, йигирма биринчи Рамазон душанба кунига тўғри келган.

Ҳадисларда келтирилишича, ваҳийнинг дастлабки кўринишлари ўнгидан келувчи тушлар бўлган. Муҳаммад (а.с.) тушларида бирор нарса кўрсалар ўнгидан келар эди.

Илк ваҳийдан кўрқиб кетган Муҳаммад (а.с.) аёллари Хадичанинг амакиваччаси Варақа ибн Навфал олдига бориб бу ҳақда сўрайди. Навфал бу Мусо(а.с.)га тушган “Номус” (Жаброил) деб жавоб берди.

Муҳаммад (а.с.)нинг Маккадаги фаолияти тарихчилар томонидан икки қисмга, яъни махфий ва ошкора даъватга бўлиб ўрганилади. Илк ваҳийдан сўнг илк исломдаги “яширин даъват даври” бошланган. Биринчи бўлиб Расулуллоҳ чақириқларини қабул қилган, яъни “илк имон келтирганлар” – бу аёллари Хадича бинт Хувайлид ва Али ибн Аби Толиб эди. Улардан сўнг куллари Зайд ибн Ҳориса ва дўстлари Абу Бакр Сиддиқ бўлдилар. Улар жамиятнинг турли табақаларидан эканликлари ислом динининг барча учун очиқ дин эканини кўрсатарди. Вақт ўтиши билан мусулмонларнинг сони 30 кишига етди. Улар қурайшликларнинг янги динга қарши эканликларини билганликлари учун ўз эътиқодларини яширин сақладилар. Бу ҳолат уч йил давом этди.

Шундан сўнг “ошкора даъват” даври бошланади. Расулуллоҳ шу сабабли Абдулмутталиб оиласини, амакиси

Абу Толиб, Аббос, Ҳамза, Абу Лаҳабларнинг барчасини уйларига таклиф этди. Зиёфатдан сўнг Аллоҳдан янги дин ваҳий қилинганини билдириб, унга барчани чақириш Аллоҳ томонидан ўз вазифалари этиб белгиланганини айтди. Абу Лаҳаб бу сўзларни қатъий инкор этиб, йиғилганларни тарқатишга тушди.

Қурайш мусулмонларга тазйиқ бериб, Қуръони карим Муҳаммад (а.с.)нинг сўзлари деб, жар солаётган бир пайтда Исро (Маккадан Қуддусга сайр) ва Меърож (Қуддусдан осмонга кўтарилиш) воқеалари содир бўлди. Бу воқеа қурайшликларга жуда қўл келди. Чунки, бир кечада Маккадан Қуддусга бориб, у ердан осмонга кўтарилиб, сўнг яна Маккага қайтиб келиш ҳеч қандай ақлга тўғри келмас эди.

Мазкур воқеа ҳақида Қуръони каримнинг Исро сурасида тўхталиб ўтилган. Исро ва Меърож воқеаси Маккадан Мадинага ҳижрат қилишдан ўн олти ой олдин содир бўлган деб таъкидланади.

ХИЖРАТ ВА МАДИНА ДАВРИ

Ўша пайтларда Ясриб деб номланадиган Мадина шаҳри аҳлидан бир гуруҳи Маккага, Расулulloҳ ҳузурига келиб ислонни қабул қиладилар. Улар билан маккалик мусулмонлар ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилди. Макка мушрикларининг мусулмонлар устидан тазйиқлари кучайгач, Пайғамбар кўрсатмасига биноан аввал мусулмонлар ундан сўнг ўзлари Ясрибга ҳижрат қилдилар.

Мадиналик “ансор” (“ёрдамчи”)лар маккалик “муҳожир” (ҳижрат қилган)ларни дўстона ва самимий кутиб олдилар. Пайғамбарнинг ҳижрати Рабиъ ул-аввалнинг 8-куни – милодий 622 йил 20 сентябрда бўлди. Шу йилдан бошлаб ҳижрий йил ҳисоби бошланди. Ушбу йили биринчи мусулмонлар масжиди қурилди.

Мадина Арабистон ярим оролининг йирик шаҳарларидан бўлиб, унда Авс ва Хазраж деб аталувчи араб ҳамда Бану Қурайза, Бану Қайнуқо, Бану Набир каби яҳудий қабилалари яшар эдилар.

Маккалик мушриклар мусулмонларни Мадинада ҳам тинч қўймайдилар. Натижада, икки орада “Бадр” ва “Ухуд” каби бир неча жанглар бўлиб ўтади.

Ҳижратнинг олтинчи йилида Макка курашчилари билан тузилган Худайбия шартномаси энг муҳим тарихий ҳужжатлардан бири бўлди. Бу сулҳ битими тузилиши арафасида мусулмонлардан 1500 жангчи ўқ-ёй ва найзалар олмасдан, фақат қилич тақиб, Каъба зиёрати вақтида қурбонликка сўйиладиган 70 туяни ҳайдаб, Макка шаҳрига яқин келди. Бу кичик қўшин Макка мушрикларига кўп кўриниб, улар мусулмонларни жанг қилишга, урушга келган деб гумон қилиб, шаҳарга киритмадилар. Ҳар икки тараф бир неча бор элчилар алмашиб, вазиятни тушунтирдилар. Мусулмонларнинг тинч мақсадда келганига ишонмасдан, Макка мушриклари урушга тайёрланиб турдилар. Аммо жоҳилия замонларида ҳам Байту-л-ҳарамда, яъни Каъба ва унинг атрофида жанг қилиш, қон тўкиш ман қилинган эди. Шунинг учун ҳам бу қоидага амал қилган ҳолда мусулмонлардан Усмон ибн Аффон етакчилигида навбатдаги элчилар юборилди. Макка мушриклари буларни гаровга, асир олгандай қайтариб жўнатмадилар. Мусулмонлар ҳам Макка вакилларини вақтинча ушлаб турдилар.

Орадаги кескин вазиятни юмшатиш учун Макка раислари Худайбия деган жойда 10 йиллик сулҳ шартномаси тузишни таклиф этдилар. Худайбия шартномаси мусулмонлар учун мураккаб вазиятда тузилди. Унда асосан қуйидаги шартлар белгиланган эди:

1. Икки ўртадаги душманлик тугатилади, талончилик ва макр-хийлаларга йўл қўйилмайди;

2. Истаган одамлар Муҳаммад алайҳис-салом билан шартнома тузиб, иттифокқа қўшилаверади, истаган одамлар курашчилар билан шартнома тузиб, иттифокқа қўшилаверади.

3. Муҳаммад (а.с.) ўша йили Маккага кирмай қайтиб кетади ва келаси йили Ҳаж қилади. Мазкур мавсумда, маккаликлар шаҳардан чиқиб туради ва мусулмонлар уч кун Маккада бўшатиб берилади.

Шартномага мусулмонлар жамоаси тарафидан Расулуллоҳ, Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Абдурраҳмон ибн Авф, Абдуллоҳ ибн Сухайл, Саъд ибн Аби Ваққос, Муҳаммад ибн Маслама Курайш мушриклари тарафидан Сухайл ибн Амр, Микроз ибн Ҳафс, Хувайлид ибн Абдул Уззо имзо чекдилар.

Ҳижратнинг саккизинчи йили, Рамазон ойининг 17-кунида Макка шаҳри мусулмонлар томонидан фатҳ этилади.

Муҳаммад (а.с.) Ҳаж ибодатини бажариб, Мадинага қайтгач, кўп ўтмай, 632 йилнинг 8 июнь куни вафот этдилар ва ўз уйларига, яъни Масжиду-н-набавий (Пайғамбар масжиди)га дафн қилиндилар.

Муҳаммад (а.с.) 632 йилда Мадинада вафот этганларидан сўнг у кишининг тўртта сафдоши – Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Аби Толиблар мусулмонларга раҳбарлик қилишда пайғамбарга ворислик қилдилар. Улар “Халифат Расулиллаҳ” (“Пайғамбарнинг ўринбосари”) маъносида “Халифа” дея аталдилар. Кейинги давр манбаларида мазкур тўрт халифа “ал-Ҳулафо ар-рошидун” («Тўғри йўлдан боровчи халифалар») деб номланади. Ҳулафои рошидин, яъни «чаҳорёр» (ёки «чориёр» – Пайғамбарнинг тўрт ҳамроҳи, дўсти, саҳобаси) нинг халифалик даврлари қуйидаги тартибда бўлган: 1) Абу Бакр Сиддик – 632–634; 2) Умар ибн Хаттоб – 634–644; 3) Усмон ибн Аффон – 644–656; 4) Али ибн Аби Толиб – 656–661.

ҚУРЪОН

Қуръони карим – Аллоҳ тарафидан 23 йилга яқин муддат мобайнида Муҳаммад пайғамбарга (а.с.) Жаброил фаришта (а.с.) орқали баъзан оят-оят, баъзан эса тўлиқ сура тарзида нозил қилинган илоҳий китобдир. Бу китоб ислом динининг муқаддас манбаси ҳисобланади.

Мазкур илоҳий китобнинг бир неча номлари бўлиб, улардан “Қуръон” (арабча – ўқиш), “Фурқон” (фарқловчи), “ал-Китоб” номлари машҳур. Қуръон 114 та сура, 6236

оятдан иборат. Сура Қуръондан бир бўлак бўлиб, энг ками учта, энг кўпи 286 оятни ўз ичига олади.

Қуръондаги суралар ўз мазмунига ёки нозил бўлган вақтига, яъни хронологик тартибига қараб эмас, балки Муҳаммад (а.с.) белгилаб берган тартиб асосида пайғамбар вафотларидан кейин жамлаб ёзилган.

У илк бор Муҳаммад алайҳис–саломга Ҳиро ғорида нозил бўлган. Юқорида қайд этилганидек, Муҳаммад (а.с.) қирқ ёшга тўлганларида асосий вақтларини Ҳиро ғорида ибодат билан ўтказар эдилар. Мана шундай ибодат билан машғул бўлиб турган пайтларида Жаброил фаришта келиб “Ўқинг!” дейди. У киши “Мен ўқишни билмайман” дейдилар. У фаришта белларидан шундай сиқади–ки, ҳатто Расулulloҳ қийналиб кетадилар. Сўнг қўйиб юбориб яна: “Ўқинг” дейди. “Мен ўқишни билмайман” дейдилар. У яна сиқади, яна қийналадилар. Сўнг қўйиб юбориб яна бир бор: “Ўқинг!” дейди. “Мен ўқишни билмайман” деб учунчи маротаба жавоб қайтардилар. У яна ушлаб сиқади, сўнг қўйиб юбориб Алақ сурасининг қуйидаги беш оятини ўқийди: *“(Эй, Муҳаммад, бутун борлиқни) яратган зот бўлмиш Раббингиз номи билан ўқинг! У инсонни лахта қондан яратди. Ўқинг! Раббингиз эса карамли зотдир. У инсонга қалам билан (ёзишни) ўргатган зотдир. У инсонга билмаган нарсаларини ўргатди”*.

Қуръондан энг биринчи нозил бўлган оят “Алақ” сурасининг бошидаги беш оят бўлса, энг биринчи нозил бўлган тўлиқ сура “Муддассир” сурасидир.

Муҳаммад (а.с.) Қуръон оятларини Жаброилдан қабул қилар, бошқа мусулмонлар у кишидан эшитиб, ёдлаб олардилар. Ёзишни биладиган одамлар, жумладан, Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Аби Толиб, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб хурмонинг пўстлоғи, япалоқ тош, катта суяк, тери ва шунга ўхшаш нарсаларга Қуръонни ёзиб борганлар. Нозил бўлган Қуръон оятларини ёзиб борувчилар “*Қуттабу–л–ваҳй*” (Ваҳийни ёзиб олувчи котиблар) деб номланган.

Шу тариқа Қуръон 13 йил Маккада ва 10 йил Мадинада нозил бўлди.

Сура ва оятлар нозил бўлиш вақти ва жойига кўра иккига бўлинади: *Маккий* (пайғамбарликнинг Макка даврида нозил қилинган) суралар ва *Маданий* (Мадина даврида нозил қилинган) суралар.

Маккий сура ва оятлар қисқа, лекин кенг маънони ўзида қамраб олган, эшитган кишини ларзага келтирувчи балоғатли ва жарангдор лафзлар билан ёзилган бўлиб, мазмун жиҳатдан яққахудоликка ва Аллоҳнинг ўзигагина ибодат қилишга тарғиб, *рисолат* (пайғамбарлик)ни, қайта тирилиш ва ҳисоб–китобни тасдиқлаш, қиёмат ва ундаги ҳолатлар, дўзах ва унинг азоби, жаннат ва ундаги неъматлар, борлиқдаги мўжизалар ҳақидаги оятлар.

Маданий сура ва оятлар эса узунроқ бўлиб, мазмунан шариатнинг умумий асосларини ўрнатиш, жамият амал қилиши лозим бўлган ахлоқ нормалари, етимларнинг молини зулм билан ейиш, қизларни тириклайин кўмиш каби жоҳилиятни ёмон иллатларини ўз ичига олган. Шунингдек, ибодат ва *муомалот* (тижорат), ҳад, оилавий муносабатлар, мерос тақсимооти, жиҳод, жамоат намозининг фазилатлари, халқаро алоқалар, шариат масалаларини ёртишга қаратилган.

Юқорида таъкидланганидек, Пайғамбар алайҳис–салом даврларида Қуръон жамланмаган эди. Бунга сабаб, биринчидан, Пайғамбар ҳаёт бўлган илк даврда Қуръон оятлари вақти–вақти билан доимий равишда нозил бўлиб, уни жамлаб китоб ҳолига келтириш ҳали долзарб масала даражасига кўтарилмаган эди. Иккинчидан, бу даврда одамлар орасида «ҳали ваҳий тушиши узоқ давом этади», деган кайфият ҳукмрон эди.

Бу борадаги ишлар Абу Бакр Сиддиқ ва Усмон ибн Аффон даврларида амалга оширилди.

Пайғамбарнинг (а.с.) вафотларидан сўнг баъзи араб кабилалари диндан қайта бошладилар. Абу Бакр Сиддиқ томонидан уларга қарши олиб борилган “ридда” урушларида мусулмонлардан бир минг икки юз киши, шу жумладан етмишга яқин *мураттаб* (Қуръонни тўлиб, тартиб билан ёд

олган) қорилар шаҳид бўлдилар. Бунинг хабари Мадинага етиб келгач, Умар ибн Хаттобнинг ташаббуси ва тавсияси билан Абу Бакр Сиддиқ Расулulloхнинг ваҳий котибларидан бўлган Зайд ибн Собитни чакирадилар ва Қуръон оятларини саҳифаларга жамлашни буюрадилар. Шу тариқа халифа Абу Бакр Сиддиқ даврларида Қуръон илк бор саҳифаларда жамланди.

Учинчи халифа Усмон ибн Аффон даврида Қуръон иккинчи марта жамланиб, китоб ҳолатига келтирилди. Қуръони каримнинг Усмон розияллоху анху томонидан жамланишидаги энг аҳамиятли жиҳати унинг қироатини ягона шаклга келтирилгани эди. Бундан «Илк Қуръон оятлари ёзилган нусхалар орасида ҳар хиллик мавжуд бўлганми?» деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавобан Қуръон илмларига оид «етти хил қироат» ҳақидаги маълумотни келтириб ўтиш жоиздир.

«Етти қироат» деганда Қуръоннинг етти хил лаҳжага хос қироат билан ўқиш назарда тутилади. Бунда оятдаги бир сўз ўрнига ўша маънони англаувчи бошқа сўз (синоним) қўйилган эди. Шу тариқа оятлар Арабистон ярим оролидаги Курайш, Ҳузайл, Ҳавозин, Яман каби энг йирик қабилаларнинг лаҳжаларида нозил бўлгани ривоят қилинади. Бу турли қабил вакилларига Қуръон тиловати ва уни тушуниш осон бўлиши учун берилган энгиллик эди. Илк даврдаги ҳазрат Абу Бакр томонидан жам қилинган Қуръон тўплами шу етти қироатни ўз ичига олган эди. Аммо ушбу «етти қироат» кейинчалик мусулмонлар орасида баъзи ихтилофларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Усмон ибн Аффон даврида ислом дини Арабистон ярим оролидан ташқарига чиқиб, турли халқлар орасида тарқалди, мусулмонлар сони кўпайди. Янги исломга кирган аҳоли ўша ерга борган қори саҳобалардан Қуръон қироатини ўрганар эдилар. Мазкур саҳобалар эса ўз лаҳжаларига хос қироатни ўргатардилар. Икки хил қироат соҳиби бир жойда жам бўлиб қолса, ҳар бир томон ўзининг қироати тўғри ва афзал деб, даъво қилар, натижада тортишув юзага келарди.

Мазкур Мусхафни жамлаш ҳам Абу Бакр Сиддик давридан тажрибага эга бўлган саҳоба – Зайд ибн Собитга юкланди.

Мазкур иш амалга оширилгач, Қуръондан ёзилган бошқа ҳар хил лаҳжалардаги саҳифалар куйдириб юборилди. Ягона мусхафдан бир неча нусха кўчирилди ва ҳар бир минтақага биттадан юбордилар.

Усмон ибн Аффон турли юртларга юборган Мусхафларнинг сони олтита бўлиб, улар Маккий, Шомий, Басрий, Куфий, Мадина аҳли учун умумий бўлган Маданий ва халифанинг ўзи учун хос бўлган Мадина Мусхафларидир.

ҲАДИС ВА СУННАТ

Ҳадис – Ислом динининг Қуръони каримдан кейинги ўринда турувчи муқаддас манбасидир. У Муҳаммад пайғамбарнинг (а.с.) айтган сўзлари, қилган ишлари, тақрирлари (кўриб ёки эшитиб қайтармаган ишлари) ёки у кишига берилган сифатларни ўзида мужассам қилган хабар ва ривоятлардир. «Ҳадис» сўзининг луғавий маъноси – «сўз, хабар, ҳикоя; янги нарса». Суннат ҳадис сўзидан кенгрок маънони билдиради. Суннат Расулуллоҳ (а.с.)нинг покиза сайратлари, турмуш тарзлари, диний йўлларига нисбатан ишлатилган.

Суннат қавлий, феълий ва тақририйга бўлинади. *Қавлий суннат* – Расулуллоҳ (а.с.)нинг турли ҳолат ва муносабатларда айтган сўзлари. *Феълий суннат* – Расулуллоҳ (а.с.)дан содир бўлган шаръий ишлар. *Тақририй суннат* – саҳобийлар томонидан қилинган бирор ҳатти-ҳаракат ёки гап-сўзга Пайғамбар (а.с.)нинг индамасликлари ёки маъқуллашлари. Шунингдек, Пайғамбарнинг (а.с.) халқий (тана кўринишлари), хулуқий (ахлоқлари), ва таржимаи ҳолларига оид маълумотлар ҳам суннат дейилади.

Ҳадислар таркиб жиҳатидан икки қисмдан: айнан хабар берувчи матн ва уни ривоят қилган ровийлар занжири – иснод ёки санаддан иборат. Иснод ҳадиснинг таркибий қисми бўлиб, уни унинг айтувчисига боғлаш, яъни матнга

олиб борадиган кишилар (ровийлар) занжири. Ҳадиснинг бошланишида уни биринчи айтган ва эшитган кишидан ҳадис ёзаётган мусаннифга қадар барча ровийларнинг номлари бирма–бир кўрсатиб чиқилади, мана шу ҳадиснинг таянадиган асоси исноди бўлади. Иснод кучли деб топилса матн ҳам ишончли ҳисобланган. Шунинг учун муҳаддисларнинг асосий вазифаларидан бири ҳадисларнинг иснодини кучли ёки кучсиз эканини кўрсатиб бериш бўлган.

Ҳадислар ўзидаги маълумот характериға қараб иккига бўлинади:

– *ал–ҳадис ал–қудсий*. Маъноси Аллоҳ таолодан бўлиб, айтилиши, яъни лафзи Расулуллоҳ (а.с.)дан бўлган ҳадислар. Шунингдек, у «Ҳадиси Раббоний», «Ҳадиси илоҳий» деб ҳам айтилади. Уни Аллоҳ таоло ўз набийига илҳом бериш, тушида кўрсатиб билдириш орқали хабар беради, қудсий ҳадиснинг мартабаси Қуръони карим билан ҳадиси набавий ўртасидадир;

– *ал–ҳадис ан–набавий* (бунда маъно ҳам, лафз ҳам Пайғамбарники деб ҳисобланади).

Илк ислом даврида ҳадисларнинг Қуръони карим оятларига аралашиб кетиши олдини олиш учун уларни ёзиш таъқиқланган эди. Қуръон оятларининг аксар қисми нозил бўлгандан сўнг ҳадисларни ёзма қайд қилиб боришга ижозат берилган ва баъзи саҳобалар томонидан ёзиб борилган.

Илк ҳадис тўплами халифа Умар ибн Абдулазиз кўрсатмасига биноан муҳаддис Муҳаммад ибн Шихоб Зухрий (670–721) томонидан ёзилган. Шу даврдан эътиборан ҳадис тўпламларини ёзиш одат тусига кириб, бошқа олимлар ҳам бу ишни давом эттирдилар.

Милодий IX аср ҳадис илми тарихида олтин давр ҳисобланади. Бу даврда ҳадисларни ишончли манбаларга асосланиб, маромига етказиб, илмий равишда тартибга солиш олимлар орасида энг сеvimли ҳамда зарурий машғулот даражасигача етган. Шунингдек, бу асрда тўпланган ҳадислар илмий нуқтаи назардан муайян қонун–қоидаларга таянган ҳолда тартибга туширилган.

IX аср мавжуд ҳадис тўпламлари қайта ишланган ҳолда уларни боблар бўйича тасниф қилиб, *мусаннафлар* ёзиш даври бўлди. Мусаннафлар тузилиши мобайнида ҳадислар, асосан уларнинг иснодлари танқидий ўрганилиб, *саҳиҳ* (ишончли)лари *ҳасан* ва *заиф* (ишончсиз)ларидан ажратилди. Ислоом оламида шундай мусаннафлардан олтитаси XII – XIII асрлардан бошлаб алоҳида эътиборга молик деб санала бошланди. Фақат саҳиҳ ҳадисларни биринчи тўплаган киши муҳаддислар имоми номи билан машҳур бўлган Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (ваф. 870 й.) эди. У фақат саҳиҳ ҳадисларни жамлаб, мавзуларни бобларга ажратди ва ўз асарини «ал–Жомеъ ал–муснад ас–саҳиҳ ал–мухтасар мин умур Расулуллоҳ (а.с.) ва сунаниҳи ва аййамиҳи» (қисқача «ал–Жомеъ ас–саҳиҳ») деб номлади. Имом Бухорийдан кейин бу ишни унинг шогирди Имом Муслим ибн Ҳажжож Қушайрий (ваф. 875 й.) давом эттирди. Мазкур муҳаддислардан ташқари Имом Абу Довуд (ваф. 888 й.), Имом Абу Исо Термизий (ваф. 892 й.), Имом Насоий (ваф. 916 й.), Имом Ибн Можа (ваф. 887 й.) каби олимлар ҳам фаолият юритиб, ўзларининг «Сунан» асарларини ёзиб ҳадис илмида ўчмас из қолдирдилар.

Ҳадис илми таракқиётида аёлларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ҳадисларни ривоят қилган ровийлар ҳақида хабар берувчи *илм ар–рижол* (*ровийлар ҳақидаги илм*) асарларида бу соҳада зикр этилган ҳадис ривоятчилари орасида кўплаб аёллар учрайди.

ИСЛОМ ДИНИ ТАЪЛИМОТИ

Ислоом сўзининг араб тилидаги луғавий маъноси – *таслим бўлиш*, *бўйсунуш*, истилоҳда эса *ягона Аллоҳга бўйсунуш* маъноларини беради. Ислоом дини таълимоти бўйича Муҳаммад пайғамбар (а.с.) аввалги пайғамбарлар ишини давом эттирган, улар динини қайта тиклаган, *қиёмат* олдидан юборилган охириги пайғамбар (*Хотам ал–анбийо*) – набий ва расул деб тан олинадилар.

Имон, намоз, закот, рўза, ҳаж исломининг беш асосий шарти – рукни ҳисобланади.

“Имон” сўзининг луғавий маъноси *ишонмоқ, тасдиқламоқ* бўлиб, истилоҳда эса “*Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ*” (“Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад – Аллоҳнинг пайғамбари”) *калимасини* тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаш демакдир. Ҳадисларда имоннинг етти шарти борлиги таъкидланади. Улар:

– Аллоҳнинг борлиги ва бирлигига, Қуръон ва ҳадисларда баён қилинган барча *исмлари* ва *сифатларига* имон келтириш, унинг барча буйруқларини қабул қилиш ва барча қайтарган нарсаларидан қайтиш.

– фаришталарнинг борлигига имон келтириш. Фаришталар (*мало’ика*) Аллоҳнинг нурдан яратган, унинг буйруқларини сўзсиз бажарувчи, унинг амридан ташқари чиқмайдиган хос бандаларидир. Улардан Жаброил, Микоил каби буюк фаришталарнинг номлари Қуръонда зикр этилган;

– илоҳий китобларга имон келтириш. Аллоҳ Муҳаммад пайғамбарга (а.с.) Қуръонни нозил қилганидек, бошқа пайғамбарларга ҳам китоблар туширган. Улардан бизга маълум бўлганлари: Иброҳим пайғамбарга “Саҳифалар”, Мусо пайғамбарга “Таврот”, Довуд пайғамбарга “Забур” ва Исо пайғамбарга берилган “Инжил” китобларидир. Ислом таълимотига кўра, олдинги илоҳий китоблар бузилиб кетганлиги сабабли Қуръон уларнинг таълимотини тиклаб келган;

– пайғамбарларнинг ҳақлигига имон келтириш. Аллоҳ инсонларга тўғри йўлни кўрсатиш учун пайғамбарлар юборган. Барча пайғамбарлар бир занжирнинг бўғинлари кабидирлар. Қуръонда 25 пайғамбарнинг номлари зикр этилган. Ҳадисларда пайғамбарларнинг умумий сони 124 минг экани баён қилинган;

– охират кунига ишониш. Ислом таълимотига кўра, бу дунё бир синов майдонидир. Бу дунёда қилинган савоб ишлар учун мукофот, гуноҳ ишлар учун жазо бериладиган охират ҳаёти мавжуд;

– тақдирга – инсон бошига тушган яхшилигу ёмонлик Аллоҳдан эканига эътиқод қилиш;

– ўлимдан кейин қайта тирилишга ишониш. Ислом таълимотига кўра, қиёмат куни бўлганда барча инсонлар қабрдан турадилар ва маҳшаргоҳ майдонига йиғиладилар. У ерда барча одамлар дунёдаги амалларига қараб мукофот (жаннат) ёки жазо (дўзах)га маҳкум этиладилар.

Намоз исломда имондан кейин мусулмонларга фарз қилинган иккинчи амал ҳисобланади. Қуръони каримда намозга қатъий буйруқлар келган бўлиб, унинг баъзи шартлари баён этилган. Намознинг вақти, миқдори ҳамда адо этиш тартиблари ҳадислар билан жорий этилган. Бу масалада турли мазҳабларда баъзи фарқлар бор. Ҳар куни беш вақт намоз: бомдод, пешин, аср, шом ва хуфтон адо этилади.

Закот (арабча – поклаш) эҳтиёждан ташқари бўлган бойликнинг қиркдан бир қисмини (2,5 %) садақа қилиш. Закот моли закот миқдорига етган бадавлат кишилар учун фарз этилган. Закот етим–есир, бева–бечоралар, мусофирлар, қарздорлар каби муҳтож кишиларга берилади. Закот хижрий ҳисоб билан бир йил давомида ишлатилмай турган ёки шахсий эҳтиёждан ташқари хусусий мулк сифатида фойдаланилаётган маблағдан берилади. Закот исломдаги ижтимоий ҳимоялашнинг ўзига хос кўринишидир. Бу жамият тараққиёти, тинч ва осудалиги йўлида катта аҳамият касб этади.

Рўза йилда бир ой – хижрий камарий календарнинг *Рамазон* оyi давомида кундуз кунлари ейиш–ичиш ва жинсий алоқада бўлишдан тийилиш. Рўза *ҳижрат*нинг иккинчи йили фарз бўлган. Бу ибодат касал ё сафарда бўлган кишилардан бошқа кунларда тутиб бериш шарти билан соқит қилинади.

Ҳаж – қодир бўлган киши учун умрида бир марта Макка шаҳридаги Каъбани зиёрат қилиш ва ушбу ибодат ўз ичига оладиган арконларни адо этишдан иборат. Ҳаж *зулҳижжа* ойининг саккизинчи кунидан бошланади. Ҳаж қилишнинг уч тури мавжуд: “ифрод” – фақат ҳаж амаллари бажарилади, “қирон” – ҳаж ва умра амаллари олдинма–кетин бажарилади, “таматтуъ” – аввал умра қилиниб, *эхромдан* чиқилади ва

зулҳижжа ойининг саккизинчи куни *эхромга* кириб, ҳаж рукнлари адо қилинади. Ҳажнинг фарзи учта: *эхром* боғлаб ният қилмоқ, Арафотда турмоқ, Каъбани *тавоф* қилиш.

Ислом таълимотига кўра, ҳар бир инсон вафот этади. Бунга Қуръондаги Оли Имрон сурасининг 185–оятини далил бўла олади: “Ҳар бир жон ўлим (аччиғи)ни тотувчидир”.

Қиёмат (арабча–тик туриш, ўридан туриш) ўликларнинг қайта тирилиши ва ўридан туриши маъносида ишлатилади.

Ислом динида қиёматнинг яқин қолганлиги масаласи жуда долзарб бўлсада, унинг аниқ қачон содир бўлишини фақатгина Аллоҳ билиши, ҳатто фаришталар ҳам бу ҳақда ҳеч қандай илмга эга эмаслиги, пайғамбарлар ҳам унинг аниқ вақтини билмаганлари, уларга фақатгина унинг аломатлари билдирилганлигига эътиқод қилинади.

Ислом таълимотига кўра, қиёмат куни ҳар бир одамнинг бу дунёда қилган амаллари тарозуда ўлчанади. У мутлақ адолат тарозуси бўлиб, ҳаммага бир хил муносабат қилинади. Ҳеч бир кишининг фойдасидан камайтирилмайди, зарарига қўшилмайди.

Ислом эътиқодига кўра, дўзах устига сирот номли кўприк қурилган бўлиб, *маҳшар* (қиёмат куни бандалар йиғиладиган ва савол–жавоб бўлиб ўтадиган жой)да туриш тамом бўлганидан кейин одамларга ўша кўприқдан ўтишга амр қилинади.

Жаннат (арабча – боғ, бўстон) тақводор диндорлар нариги дунёда роҳат ва фароғатда яшайдиган жой. Жаннат васфи Қуръони каримнинг кўпгина сураларида, жумладан, Оли Имрон, Ҳадид, Қоф, Нажм, Раҳмон, Воқеа, Муҳаммад, Гошия, Инсон ва бошқа сураларда келтирилган.

Диний ақида бўйича, бу дунёдаги ҳаёти даврида имонли ҳолида эзгу ишлар билан шуғулланган кишиларга Аллоҳ томонидан жаннатдан жой берилади. Қуръонда жаннат дарахтзорлари остидаги ариқларда зилол сувлар оқиб туради, деб таърифланади. У ерда инсонлар қаримайди ва касал ҳам бўлмайди. Жаннатда энг олий неъмат – Аллоҳнинг дийдорини кўришлик ҳисобланади.

Дўзах – дин талабларини бажармаган гуноҳкорлар охиратда жазоланадиган жой. Ислом динидаги асосий тушунчалардан бири. Дўзахни Аллоҳ кофирларга ва гуноҳкор бандаларга жазо бериш учун яратган. Диний тасаввурга кўра, дўзах дахшатли чуқурлик, ичида олов ёниб туради. Дўзахга маҳкум қилинган бандалар шу оловга ташланади, улар қайноқ сув ичади, у ерда ўсадиган *Заққум* дарахтининг меваси билан овқатланади, чексиз азоб чекади, терилари қуяди. Дўзах азобларидан яна бири ачиштирувчи совуқдир. Дўзах бир неча табақадан иборат бўлиб, ҳар бир гуноҳкор ўз гуноҳига қараб табақаларда азобланади. Ислом динига кўра, дўзахнинг Ҳовия, Жаҳим, Сақар, Лазо, Хутама, Саир, Жаҳаннам каби етти дарвозаси бор.

Дўзах ҳам жаннат каби яратилган бўлиб, унинг азоб–укубатлари жисм ва руҳга оид ҳамда абадий боқий қолувчидир.

ДИНИЙ АМАЛЛАР КАТЕГОРИЯСИ

Ислом динида диний амаллар аҳамиятига кўра бир неча категорияларга бўлинади. Улардан асосийлари қуйидагилардир.

Фарз деб ислом дини таълимотига кўра, инкор қилиб бўлмайдиган даражада қатъий далил билан бажарилиши талаб қилинган амалга айтилади. Масалан, беш вақт намоз ўқиш, Рамазон ойида рўза тутиш, закот бериш, илм ўрганиш каби амаллар фарз ҳисобланади. Фарзни бажариш шарт ҳисобланади.

Вожиб атамаси ҳанафий мазҳаби таълимотига кўра, Қуръони каримда тўғридан–тўғри буйруқ келмаган ҳолда бажарилиши шарт бўлган амалларга нисбатан ишлатилади. Масалан, витр, ҳайит намозларини адо этиш. Вожибнинг даражаси фарз билан деярли баробар.

Суннат – ислом шариатида кўра, Расулulloҳ (а.с.) буюрган зиммага юкланмаган, лекин бажарилиши талаб қилинган амал. Суннатга амал қилиш вожибга амал қилиш каби талаб этилади.

Мазҳаб уламулари суннатни, иккига бўлишган: 1. *Суннати муаккада* (таъкидланган суннат) – вожибдан

кейинги даражада туради, масалан, фарзга кўшиб ўқиладиган суннат намозларни ўқиш. Бунга амал қилган киши савобга эга бўлади, амал қилмаган киши эса муайян даражада гуноҳкор ҳисобланади. 2. *Суннати зоида* (кўшимча суннат) – еб–ичиш, юриш–туриш каби ишларда Пайғамбар алайҳиссаломга эргашиш. Бунга амал қилган киши савобга эришади, амал қилмаган кишига гуноҳ бўлмайди.

Мандуб – бажарилиши афзал бўлган амал. Масалан, Фитр (Рамазон ҳайити) куни таом ейиш, мисвок ва ғул қилиш, хушбўй суртиш ва энг яхши кийимларни кийиш мандуб ҳисобланади. Бу ишларни амалга оширган киши савобга эришади, лекин уни тарк қилган киши гуноҳкор ҳисобланмайди.

Мубоҳ ислом шариати қилиш ёки қилмасликни кишилар ихтиёрига қўйган амаллар. Масалан, Рамазон ойида кечаси еб–ичиш каби. Бунда шариат белгилаган чегарадан чикмай тасарруф этиш мубоҳ саналади. Мубоҳда уни қилган ҳам, қилмаган ҳам – баробар, савоб ҳам, гуноҳ ҳам бўлмайди.

Макруҳ бажарилиши ёмон саналган амалдир. У икки хил бўлади: *макруҳи таҳримий* (ҳаром ҳисобланган макруҳ) ва *макруҳи танзиҳий* (пок ҳисобланган макруҳ). Макруҳи таҳримий деб эътироз билдирилиши мумкин бўлган далил билан бажарилиши тақиқланган амалга айтилади. Масалан, бировнинг совчилиги устига совчи юбориш, эркакларнинг тилла тақиши ва ипак кийим кийиши макруҳи таҳримий ҳисобланади.

Макруҳи танзиҳий бажарилиши қатъий ҳужжатлар билан тақиқланмаган, аммо қилинмаслиги қилинишидан афзал бўлган амалдир. Мушук, йиртқич қушлар теккан сувда таҳорат олиш бунга мисол бўлади.

Ҳаром атамаси ислом таълимотига кўра, инкор қилиб бўлмайдиган даражада қатъий далиллар билан бажарилиши тақиқланган амал. Масалан, одам ўлдириш, зино қилиш, ўғрилиқ каби амаллар ҳаром ҳисобланади.

ДИНИЙ БАЙРАМЛАР

Бошқа динларда бўлгани каби, ислом динида ҳам ўзига хос маросим ва тантаналар мавжуд. Шулардан бири *“Ийд ал–фитр”* ёки *“Ийд Рамазон”* деб номланувчи мусулмонлар байрами ҳижрий ойи ҳисобида рамазон ойи тугаши билан нишонланади.

“Ийд ал–адҳо” – Қурбон ҳайити деб номланувчи ушбу байрам ийд ал–фитрдан тахминан 70 кун кейин нишонланади. Ушбу байрам Иброҳим пайғамбар номи билан бевосита боғлиқдир. Ушбу байрам қўй, мол ва туя сўйилиб нишонланилади. *“Ийд ал–адҳо”* куни хожилар ислом динининг беш рукнидан бири бўлган ҳаж ибодатини амалга оширадилар.

Жума куни – ҳафта кунлари орасида ажралиб турадиган, *“кунларнинг саййиди”* деб ном олган кун. Бу кунда мусулмонлар чиройли кийимларни кийиб, хушбўй атирларни сепаиб масжидга борадилар ва жума намозини ўқийдилар. Шунингдек, яқинларининг ҳолларидан хабар оладилар, касалларни зиёрат қиладилар ва шу каби савоб ишларни кўпроқ бажаришга ҳаракат қиладилар.

ИСЛОМДАГИ МАЗҲАБЛАР ВА ҒОЯВИЙ–СИЁСИЙ ОҚИМЛАР

Мухаммад (а.с.) вафотларидан сўнг мусулмонлар жамоаси орасида илк бўлинишлар юзага кела бошлади. Чунки мусулмон жамоасига энди ким бошчилик қилади, деган масалада барчанинг фикри бир хил эмасди. Бунга сабаб Расулulloҳ томонларидан жамоага кейинги раҳбар ким бўлиши очиқ–ойдин айтилмаганида эди. Аммо Пайғамбарга «халифа» (ўринбосар) бўлишга саҳобий Абу Бакр Сиддик учун алоҳида «ишора» берилгани манбаларда қайд этилган. Жумладан, Пайғамбар алайҳис–салом вафотлари арафасида фақат Абу Бакр Сиддикнинг орқасида туриб намоз ўқиганлари, ўзлари бетоб бўлганларида айнан Абу Бакрни мусулмонларга имом қилиб тайинлаганлари мазкур «ишора» сифатида қабул қилинган эди.

Халифа Абу Бакр (632–634) ва Умар ибн Хаттоб (634–644) раҳбарлиги даврида ихтилофларга бирмунча барҳам берилди.

644 йилда халифа Умар (р.а.) суиқасд натижасида ҳалок бўладилар. Шундан сўнг, Усмон ибн Аффон (р.а.) учинчи халифа этиб сайланадилар. Усмон (р.а.) даврларида халифаликнинг турли ерларида янги мусулмонлар орасида фитналар кўзгала бошлайди. Фитначилар ҳазрати Усмонни юқори лавозимларга ўз қариндошларини қўйганда айблаб бош қўтаришади.

656 йили Басра, Куфа ва Мисрлик бир неча минг фитначилар Мадина атрофини ўраб олиб бир қатор талабларни кўядилар. Халифа Усмон (р.а.) уларнинг барча талабларини қондирадилар. Шунга қарамай, кўзғолончилар “Усмон бизни ўлдирмоқчи бўлди”, деб ёлғон хабар таркатадилар ва ҳалифанинг уйига бостириб кириб, уни қатл этадилар. Айнан Усмон ибн Аффоннинг (р.а.) ўлдирилиши кейинги бўлинишлар, ихтилофлар ва фитналарнинг бошланиши бўлди.

Мусулмон давлатининг тўртинчи раҳбари этиб Расулulloҳ (а.с.)нинг жияни ва куёви бўлган Али ибн Абу Толиб (р.а.) сайланди. Ўша даврдаги қоидага биноан халифа Мадинада сайланар, кейин эса бошқа ҳудудларнинг барчаси ўша халифага байъат бериши лозим эди. Халифа Алига Миср ва Шом (Сурия) волийлари (ҳокимлари)дан ташқари барча ҳудуд аҳли байъат қилади. Миср волийси Амр ибн Осс (р.а.) ва Шом амири Муовия ибн Абу Суфён (р.а.)лар қариндоши Усмон ибн Аффоннинг ўлдирилишидан қаттиқ қайғуга тушди ва унинг қотилларидан қасос олинмагунча янги халифага байъат қилмасликка қарор қилади.

Халифа Али (р.а.) эса давлат ичидаги нозик ижтимоий–сиёсий вазиятни инобатга олган ҳолда фитначиларга нисбатан чора кўришни кечиктиради. Шу пайт, Маккада Оиша (р.а.), Зубайр ибн Аввом (р.а.), Талха ибн Убайдуллоҳ (р.а.)лар бошчилигида бир қатор саҳобалар қўшин тўплаб

Усмон (р.а.)нинг қотилларидан ўзлари қасос олишга қарор қилиб, халифа рухсатисиз Басра ва Куфага йўл оладилар. Бундан хабар топган Халифа Али уларни бу ишдан қайтариш учун йўлга чиқади ва Куфа шаҳри яқинида уларга етиб олиб музокаралар ўтказди. Натижада, икки томон келишувга эришиб маккаликлар ортга қайтишга ва бундан буён халифанинг измидан чиқмасликка келишадилар. Бирок, ўша туни бир гуруҳ одамлар икки томонга ҳам хужум қилиб ҳазрат Али ва маккаликлар қўшинини уриштириб қўяди. Мазкур воқеа тарих китобларида “Жамал воқеаси”, ёки “Жамал жанги” деб аталади.

657 йилда Халифа Али ва байъат қилишни истамаган Шом (Сурия) ҳокими Муовия ўртасида «Сиффин» деб аталувчи жойда жанг бўлиб ўтади. Бу воқеа, исломдаги илк бўлинишларнинг бошланишига сабаб бўлди. Мусулмонларнинг қони тўкилишини истамаган иккала тараф сулҳ тузишга ва халифалик сайловини қайтадан ўтказишга келишиб олдилар.

Хорижийлик. Ҳазрат Алининг ён берганидан норози бўлган унинг 12 минг аскарни бўйсунтиришдан бош тортиб, Ҳарура номли қишлоққа кетдилар. Бу гуруҳ кейинчалик «Хорижийлар» (ёки ал-хавориж, хорижия) деб аталди. Баъзи манбаларда уларнинг номи илк тўпланган жойларига нисбат берилиб, «Ҳарурия» деб ҳам аталади.

Хаворижлар ўзларига Абдуллоҳ ибн Ваҳб Росибийни *амир* этиб сайлаб, Али ва Муъовияни йўқ қилиш пайига тушдилар. Халифа Алини 660 йилда хорижий Абдуррахмон ибн Мулжам ўлдиргач, хаворижлар икки фирқага бўлиниб, бири Ироқда қолди, иккинчиси Арабистон ярим оролига кетди. Умавийлар даврида хаворижларга қарши кескин кураш олиб борилди. Чунки улар Умавийлар давлатига катта хавф солардилар. Бу даврда хаворижлар кучайиб, Кирмон, Форс, Ямома, Ҳадрамавт, Тоиф ва Яман каби шаҳар ва ўлкаларни эгалладилар.

Ҳокимият Умавийлардан Аббосийлар сулоласи (749–1258) қўлига ўтганидан кейин ҳам бу тоифа бир муддат ўз кучини йўқотмади. Бирок Аббосийлар узоқ вақт уларга

қарши узлуксиз олиб борган курашларидан сўнггина хаворижлар инқирозга юз тутди.

Хаворижлар таълимотлари асоси куйидагилардан иборат:

– улар гуноҳкорни «кофир» деб эълон қилдилар. Шунга кўра халифа Усмонни Абу Бакр ва Умар йўлидан юрмагани учун кофир дейишади. Али, Муовия, Абу Мусо Ашъарий, Амр ибн Ослар муҳолиф гуруҳларда қатнашганлари учун улар наздида кофирлар;

– «золим» подшоҳга қўлда қилич билан қарши чиқишни диний вазифа (*вожиб*) деб биладилар. Ўз эътиқодини яшириш тамойили (*тақийа*) рад этадилар. Ўзлари ҳарбий жиҳатдан заиф бўлсалар ҳам, қудратли «золим» подшоҳга қарши чиқиш вожиб бўлаверади, деб ҳисобладилар;

– халифаликка ҳар қандай одам, Қурайш қабиласидан ёки араб бўлишлигидан қатъи назар, мусулмонлар томонидан сайланиши мумкин. Халифалик, шиалар айтганидек, маълум жамоат (сулола) ичида чекланмаган;

– намоз, рўза, закот ва бошқа амалларни имоннинг бир бўлаги, деб ҳисоблайдилар. Киши то барча амалларни бажармагунча, дили билан тасдиқлаб, тили билан айтиши мусулмон деб тан олинishi учун кифоя эмас.

VII аср иккинчи ярмида хаворижлар орасида йигирмага яқин турли гуруҳлар пайдо бўлди. Улар ичида энг йириклари – ибодийлар, азориқалар ҳамда суфрийлар бўлиб, ўз йўлбошчилари номи билан шундай аталганлар.

Шиалик. Сиффин жанги натижасида ҳарурийлар билан деярли бир пайтда ўзини “шиату Али” (Алининг гуруҳи) деб атаган алипараст оқим ҳам юзага келди. VII аср охирларига келиб Шиалик, Ироқ ва Эронда кенг тарқалган ва исломдаги мустақил диний йўналишга айланган. Шиалик бошда ҳар қандай ихтилоф ва ақидавий фарқлардан холи ҳолда, фақат сиёсий ҳаракат сифатида намоён бўлган эди. Кейинроқ диний ихтилофлар, ақидавий фарқлар вужудга келган.

Шиа сўзининг тўлиқ шакли “аш–Шиа” (тарафдорлар, гуруҳ, партия) ёки “Шиату Али” (Али тарафдорлари) бўлиб, бу ном ҳазрат Алига эргашганлар ва уларнинг авлодларига нисбатан берилган.

Шиаликда имомат асосий диний рукнлардан хисобланиб, у жамият манфаатларидан эмас, балки дин рукнларидан келиб чиқади деб эътиқод қилинади. Уларнинг таълимотига кўра, раҳбар халқ томонидан сайланмай, балки раҳбарлик мерос сифатида ўтади. Расулulloҳ Алини халифа этиб тайинлаган, ундан кейин эса халифалик унинг авлодларида қонуний мерос сифатида васият йўли билан узатилади. Улар Алининг халифаликка ҳақли эканлигини илоҳий деб биладилар, имомлик уларда пайғамбарлик каби илоҳий мансаб ҳисобланиб, Аллоҳ бандалари орасидан пайғамбарларини танлаб, уларни гуноҳлардан сақлагани ва уларга “илми ладун” (Аллоҳ хузуридан берилган илм) бергани каби, халифаларни ҳам шундай танлайди дейдилар. Абу Бакр, Умар ва Усмонлар эса бу ҳуқуқни Алдан зўрлик билан тортиб олишган, Али ўша даврда халифаликни бошқарганми ёки йўқми бундан қатъи назар, Алининг халифалиги Расулulloҳ вафотларининг биринчи кунидан бошланган, деб даъво қиладилар.

Шиалик имомийлар ва исмоилийлар каби икки йирик оқимга бўлиниб кетган.

Имомийлар ёки “Исно ашария”. Ушбу фирқа эътиқодича, имомлик Али ибн Абу Толибдан бошланади, сўнг унинг Фотимадан бўлган ўғлилари Ҳасан ва Ҳусайнга ўтади ва ниҳоят ўн иккинчи имом Муҳаммад Маҳдийга бориб тугайди. Шунинг учун бу фирқа *Исно ашарийлар* – ўн икки имомга эътиқод қилувчилар деб ҳам номланган.

Имомийлар эътиқодига кўра, сўнгги – ўн иккинчи имом Муҳаммад Маҳдий ҳали ўлмаган, балки у 873–874 санада ғойиб бўлган ва охир замонда пайдо бўлиб, зулм ва фасодга тўлган Ер юзини тинчлик ва адолатга тўлдиради.

Зайдийлар. Мазкур фирқа асосчиси Зайд ибн Али Мадинада туғилган (698–740). Зайд ибн Али илм йўлида Басрага бориб мўътазила, қадария, жаҳмия ва бошқа турли фирқалар ақидалари асосларини ўрганди.

Зайдийлар эътиқодига кўра:

– бир вақтнинг ўзида икки ўлкада икки имомга байъат қилиш жоиз;

- имомлар бегуноҳ эмас;
- тақия (шароит оғирлашган пайтда эътиқодни сир тутиш) ножоиз;
- саҳобалар ҳақида нолойиқ сўзларни айтиш мумкин эмас;
- Абу Бакр, Умар ва Усмон (р.а.)лар ҳам халифаликка лойиқ бўлганлар.

Имом Зайд ибн Алининг “Мажмӯъ” номли китобидаги қарашлари зайдия фикҳининг асосини ташкил қилади. У ҳам бошқа фақиҳлар каби биринчи ўринда Қуръонни, кейин эса сунна, ижмо, қиёс, истиҳсон, сўнгра ақли шариат асосларидан деб ҳисоблайди.

Жаъфария. Шиаликнинг имомия фирқасидаги имомлардан бири Абу Абдуллоҳ Жаъфар ас–Содик 699 йил Мадинада туғилган. У Имом Муҳаммад ибн ал–Боқирнинг ўғли бўлиб, ота тарафидан насаби Али ибн Аби Толибга, она тарафидан насаби Абу Бакр ас–Сиддиққа боради. У Исломда биринчилардан бўлиб фалсафа йўналишига асос солган. Бундан ташқари у фикҳ, ҳадис, калом илмларида ҳам пешқадамлардан бўлган.

Жаъфария мазҳабининг суннийлик мазҳабларидан фарқли томони шундаки, уларда қиёс билан фатво чиқариш усули тан олинмайди, ҳадислардан фақат пайғамбар хонадонидан бўлган аҳли байт ривоят қилганларинигина қабул қиладилар. Бундан ташқари уларда вақтинчалик никоҳ – “мутъа” ва тақия ҳалол деб ҳисобланади.

Исмоилия. Исломдаги шиа оқимининг асосий шаҳобчаларидан бири бўлиб, Ислом тарихида жуда муҳим ўрин тутган. Ушбу фирқа вакиллари турли мамлакатларда “ботиния”, “сабъия”, “қарматия”, “таълимия”, “мулҳидия” ва ҳоказо номлар билан аталганлар.

Исмоилиянинг пайдо бўлиши VIII асрда шиалар орасидаги бўлинишдан бошланди. Шиаларнинг кейинчалик “имомийлар” деб аталган бир гуруҳи Жаъфар ас–Содикнинг кичик ўғли Мусо ал–Козимни еттинчи имом деб тан олдилар. Чунки Имом Жаъфар ичкилик ва маишатга берилган катта ўғли Исмоилни ворисликдан маҳрум этиб, имомликни кичик ўғлига васият қилган эди.

Аммо, шунга қарамай, бошқа бир гуруҳ Жаъфар ас–Содиқнинг катта ўғли Исмоилни имомликнинг меросхўри сифатида тан олдилар. Исмоил отаси тириклигида вафот этганлиги сабабли, кейинчалик унинг ўғли Муҳаммад ибн Исмоилни еттинчи имом сифатида қабул қилдилар. Имомия шиаларидан фарқли равишда имоматнинг давомчиси Исмоилдир деб даъво қилувчи ушбу фирқа ўзларини “исмоилийлар” деб атадилар.

Исмоилия мафкураси шаклланишининг илк даврдаёқ унинг икки қирраси “ташқи” – экзотерик (аз–зоҳир) ва “ички” – эзотерик (ал–батин) намоён бўлди. “Ташқи” таълимот ўз ичига барча урф–одат ва жамоанинг оддий аъзоларига мажбурий бўлган шариатнинг ҳуқуқий қонунларини олган эди. “Исмоилия” таълимотининг бу жихати имомийлар таълимотидан кам фарқ қилади. “Исмоилия”нинг “Ички” эзотерик ақидаси икки қисмдан иборат:

1. “Ат–Таъвил” – Қуръон ва шариатни аллегорик тарзда шарҳлаш;

2. “Ал–Ҳақоик” – “махфий”, “олий” ҳақиқатларни тафсир қилишга асосланган фалсафий ва илоҳий билимлар тизими.

Бу фирқа вакиллари Ҳиндистон, Покистон, Арабистон ярим оролининг жануби ва бошқа жойларда мавжуд.

Суннийлик (Аҳли сунна вал–жамоа) йўналиши 657 йилги воқеалар ва уларнинг натижасида келиб чиққан фирқабозлик шароитида ҳам ўрта йўлни тутган, давлат раҳбарларига қарши бормаган, ўзларини суннатга амал қиладиган ва жамоатдан ажралмайдиганлар гуруҳи суннийлар ёки “аҳли сунна вал жамоа” деб аталди. Бугунги кунда суннийлар дунё мусулмонларининг 92,5 фоизини ташкил этади.

Суннийлик доирасида тўрт фикҳий мазҳаб (*араб.* йўл) ва икки ақидавий таълимот мавжуд бўлиб, хавориж ва шиа фирқаларидан фарқли равишда улар бир–бирларини рад этмайдилар. Бугунги кунга қадар ҳам, сунний уламолар тўрттала фикҳий ва иккала ақидавий мазҳабларнинг тўғри экани, уларнинг бир–бирини тўлдириши, бундай

фарқлилик тарихий, ижтимоий омиллар маҳсули экани ва бу мусулмонлар учун осонлик яратишига иттифоқ қилишган.

“Аҳли сунна вал-жамоа” таркибига кирувчи **фиқҳий мазҳаблар** куйидагилардир:

Ханафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа куняси билан машҳур ан-Нуъмон ибн Собит ал-Куфий (699–767)дир. У киши ўзларининг ақл заковати билан ажралиб турган бўлиб, устозларининг алоҳида эътиборига ноил бўлган. Устозлари Абу Исмоил Ҳаммод ибн Аби Сулаймон (ваф. 738) вафотидан сўнг унинг ўрнига дарс бера бошлаганлар. Абу Ҳанифа Аббосийлар даврида ўз мазҳабларига асос соладилар. Бунда турли соҳаларда мутахассис бўлган шогирдлари ёрдам берган. Шу сабабли ҳам ханафий мазҳаби жамоавий мазҳаб сифатида баҳоланади.

Мовароуннаҳрга ханафий мазҳаби Муҳаммад ибн ал-Ҳасаннинг бухоролик шогирди Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий олиб келган. Кейинчалик Абу Сулаймон ал-Жўзжоний Хуросонда ханафий мазҳабини тарқатгач, унинг шогирди Абу Бакр ал-Жўзжоний Самарқандга келиб жойлашади ва бу ерда “Дор ал-Жўзжония” номли илм марказини ташкил этади. Бухоро олимлари асосий эътиборни фиқҳга қаратишган бўлса, Самарқанд олимлари ақоид ва калом илмига мойил бўлишади.

Ханафий мазҳаби “насс”лардан (яъни Қуръон ва ҳадис) ташқари ҳадисларни қабул қилишда алоҳида шартларни белгилаганлиги, қиёс (аналогия), истехсон принципларидан фойдаланиши, Мовароуннаҳр мактаби маҳаллий урф-одатларни ҳуқуқ манбаи сифатида қабул қилиши билан ажралиб туради. Бошқа мазҳаблардан фарқли жиҳатлар мазкур хусусиятлар негизида юзага келади.

Моликий мазҳаби асосчиси, имом Абу Абдуллоҳ Молик ибн Анас ибн Молик ибн Аби Омир ал-Асбахий 711 йилда таваллуд топганлар. Имом Молик онаси таъсири остида ёшлик давриданоқ илмга қаттиқ берилган.

Имом Молик мазҳабининг асоси у киши яратган “Муватто” асарида ўз ифодасини топган. Мазкур мазҳабда биринчи манба Қуръони карим, иккинчи манба Суннати

набавиядир. Баъзи олимлар, имом Молик фикҳининг учинчи манбаси саҳобаларнинг гапи бўлган, деган фикрларни ҳам беришади. Чунки, у киши Муҳаммад (а.с.) яшаган шаҳарда бир умр яшаганлар. Пайғабар тарбия қилган инсонларни тарбиясини топган. Шунинг учун, Моликиййа мазҳабида шаръий масалаларда мадина ҳаёти ва одатлари кўп нарсаларда айниқса Ҳанафийларнинг фикрий қарашларидан ҳам устун турган.

Шофезий мазҳаби. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон ибн Шофез ал-Курайший ал-Ҳошимий ал-Мутталибий (150/767–204/804) Абу Ҳанифа вафот этган йили Фаластиннинг Ғазза шаҳрида туғилиб, 29–ражаб/19–январ жума куни тунда Мисрда вафот этаган буюк олим.

Имом Шофезийнинг *фикҳ* бўйича “*Ал-Ҳужжа*”, “*Китобул-Умм*” (она китоб, яъни асосий китоб) ва *усулул-фикҳ* бўйича “*Ар-Рисола*” каби асарлари мавжуд. Бу асарлар ислом оламида машҳур ва шофезий мазҳаби ва уламоларининг энг зарур асосий манбаси ҳисобланади.

Шофезийлик мазҳаби фикҳий ҳукм чиқаришда Куръон, суннат, ижмо ва қиёса суянади. Улар ҳанафийлар ва моликийларда мавжуд бўлган «истехсон»ни рад қиладилар. Айни дамда, бу мазҳабда “Масолиҳул Мурсала” ва мадиналикларнинг амали ҳам далил сифатида қабул қилинмайди.

Учинчи–тўртинчи ҳижрий асрларда Марказий Осиёда Шофезий мазҳаби Ҳанафий мазҳаби билан рақобат қиларди. Унинг йирик вакили тошкентлик буюк олим Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қафқол аш-Шоший (291–365 ҳ.й) эди. У киши фикҳ, ҳадис, луғат ва адабиёт бўйича ўз даврларининг машҳур олимларидан эдилар. Усулул фикҳ бўйича уларнинг асарлари машҳурдир. Тошкентда вафот этиб, қабрлари Ҳастимом (Ҳазрати Имом) мадрасаси ёнида жойлашган.

Ҳанбалий мазҳаби асосчиси имом Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбалнинг онаси Ўрта Осиёнинг Марв шаҳридан ва отаси Сарахсдан бўлиб, ҳижрий 164 (780 м) йил Бағдод шаҳрида туғилган ва ҳижрий 241 (855 м) йил Бағдод шаҳрида ҳаётдан кўз юмган.

Аҳли сунна ва жамоанинг фикҳий мазҳаббошилари дан тўртинчиси Аҳмад ибн Ҳанбалдир.

Имом Аҳмад Абу Ҳанифанинг бош шогирдларидан бўлган Абу Юсуфдан дарс олган. Кейинчалик, Бағдодда катта муҳаддис Ҳушайт ибн Башир ал-Воситийда тўрт йил мунтазам ўқиб, у кишидан уч мингта ҳадис ёзиб олган. Илм талабида Яман, Куфа, Басра, Мадина, Макка ва бошқа жойларга сафар қилган. Маккаи Мукаррамада имом Шофеъийдан дарс олган.

Аҳмад ибн Ҳанбал ҳадис илмида жуда ҳам илгари кетган аллома бўлган. Кўпчилик уламолар у кишининг ҳадисдаги “Муснад” китобини энг мўътабар олтита ҳадис китоби жумласига киритадилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал мазҳабида Қуръон ва суннат асосий манба ҳисобланади. Кейинги ўринларда ижмоъ ва саҳобаларнинг гаплари ўрин олади. Қиёсний бошқа илож қолмагандагина ишлатишга руҳсат берилади.

Фикҳий мазҳаблар диний фирқалардан фарқ қилади. Суннийликдаги тўрттала мазҳаб ҳам тенг ҳисобланади, йирик мусулмон университетларида тўрт мазҳаб бўйича алоҳида дарс ўқитилади. Мазҳаблар умуман анъанавий диний ҳуқуқ доирасидан чиқмагани ҳолда, шариат масалаларида енгилроқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқаришлари билан бир-биридан фарқ қилади. Ҳозир ислом мамлакатларида ҳанафийлик (Туркия, Покистон, Ҳиндистон ва ҳ.к.), моликийлик (Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия), шофеъийлик (Миср, Индонезия ва ҳ.к.), ҳанбалийлик (Саудия Арабистони) мазҳаблари, шунингдек, шиалик тарқалган мамлакатлар (Эрон, Ироқ, Яман ва ҳ.к.) нинг ҳуқуқий ҳаётида жаъфарийлик мазҳаби ўз мавқеини маълум даражада сақлаб келмоқда. Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда ҳанафийлик мазҳаби кенг ёйилган.

Кейинги даврда пайдо бўлган «вахҳобийлик», «ҳизбут таҳрир» каби йўналишларни фикҳий мазҳабларга тенглаштириб бўлмайди. Чунки улар шаръий масалаларда ўз мустақил ечимларини берган тизимга эга эмас. Уларга диний-сиёсий ҳаракат ва ноқонуний сиёсий партиялар сифатида қараш мумкин.

VIII–IX асрларга келиб Ислом дини доирасида ақидавий ихтилофлар ҳам юзага келди. Ислом динида Аллоҳ таоло, унинг сифатлари, инсонларнинг тақдири, киёмат, жаннат ва дўзах, гуноҳ ва савоб каби мавзулар ақидавий масалалар сирасига киради. Зикр этилган унсурларни ўрганувчи фан яна калом илми деб ҳам аталади. Куръонда ҳам ҳадисларда ҳам бу борада тортишиш, ўзича ҳукм чиқариш қоралангандир. Шу сабабли ҳам аввал бошида уламолар калом илми билан шуғулланишни қаттиқ қоралаганлар.

“Мўътазила”, “жабарийя”, “қадарийя”, “мушаббиха” каби бир қатор адашган оқимлар юзага келгач оддий мусулмонларга соф ақидани тушунтириб бериш эҳтиёжи туғиган эди. Шундан сўнг калом илми билан шуғулланишга рухсат берилади.

Калом борасида баҳс юритган илк оқим “*мўътазила*” ҳисобланади. Ушбу таълимот ислом тарихидаги адашган фирқалардан бўлиб, Ҳасан ал–Басрийнинг (в. 728 й.) собиқ шогирдлари бўлган Восил ибн Ато (в. 748 й.) ва Амр ибн Убайдга (в. 761 й.) бориб тақалади. Умавий халифа Ҳишом ибн Абдилмалик даврида ушбу икки шогирд Ҳасан ал–Басрий даврасидан ўзларининг “манзила байнал манзилатайн” (аросат) мавзуидаги ақидалари билан ажралиб чиқади ва «мўътазила» (ажралганлар) номини олади. Мўътазилийлар аббосийлар халифалиги даврида муҳим ўрин тутган.

Мўътазилийлар аббосий халифа Хорун ар–Рашид даврида таъқиб олинган бўлса, Маъмун, ал–Мўътасим ва ал–Восиқ даврларида (813–847) суюкли пешволарга айланади ва йирик давлат мансабларига ҳам сазовор бўлади. Маъмун даврида мўътазилийлар “миҳна” деган жамоа тузиб, ўзларининг ақидавий қарашларини маҳаллий уламоларга мажбурлаб синдиришга ҳаракат қилган.

Мўътазилийлар таълимоти “*ал–адл*” (*Аллоҳнинг адолати*), “*тавҳид*” (*Аллоҳнинг ягоналиги*), “*ал–ваъд вал ваъийд*” (*ваъда ва жазолаш*), “*манзила байнал манзилатайн*” (*Оралиқ ҳолатда қолиш*), “*ал–амр бил маъруф ван наҳий анил мункар*” (*Яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтарши*) деб номланувчи беш тамойилга таянади.

Халифа Мутаваккил даврига келиб мўътазилийлар яна сикувга олинди ва бора–бора бутунлай йўқ бўлиб кетди.

Мўътазилийлар билан деярли бир даврда юзага келган ақидавий оқимлардан бири **“қадария”** дир. Қадарийлар ирода эркинлигини мутлақлаштириб, инсон барча амалларини ўз ихтиёри билан қилади, аввалдан тақдир белгилаб қўйилмайди, деган ақидани илгари сурдилар. Мўътазилийлар мазкур фикрни қўллаб қувватлагани боис, улар ҳам тақдир масаласида қадарийлар дея аталди. Уларга нисбатан уламолар томонидан: «Қадарийлар ушбу умматнинг мажусийларидир», деган ҳадис келтирилади. Зеро, тақдирга ишониш имоннинг еттита шартидан бири ҳисобланади.

Кейинроқ шаклланган **жабарийлар** эса инсоннинг барча қиладиган ишлари Аллоҳ томонидан аввалдан белгилаб қўйилади деган ақидани мутлақлаштирдилар. Бу инсониятни тараққиётга интилишдан тўхтатиб қўядиган ақида бўлгани сабабли уламолар бу фикрни қўллаб–қувватламадилар.

Аллоҳнинг зоти ва сифатлари масаласида эса **“мушаббиха”** (ўхшатувчилар) ёхуд **“аҳлу–т–ташбих”** (ўхшатиш аҳли) юзага келди. Улар Аллоҳнинг Қуръони каримда келган сифатларини тўғридан–тўғри ўз ақллари билан талқин қила бошладилар. «Аллоҳнинг «қўли» уларнинг қўллари узрадир» (Фатҳ сураси, 10), «Унинг Курсийси осмонлар ва Ерни (ҳам) ўз ичига сиғдира олур» (Бақра сураси, 255) каби оятлардаги «қўли», «курсийси» сўзларидан Аллоҳнинг ҳам инсон каби бадан ва аъзолари бор экан, у ҳам инсон каби ўтириш учун курсийга мухтож экан, дея хулоса чиқардилар.

Исмлари зикр этилган оқимларнинг бузғунчи ғояларига бир қатор аҳли сунна уламолари раддиялар берганлар. Натижада, мотуридия ва ашъария таълимотлари юзага келди. Мазкур икки йўналиш ҳам суннийлик доирасида тўғри ҳисобланиб, улар ўртасидаги фарқлиқлар лафзий характер касб этади холос.

Мотуридия таълимотига мовароуннаҳрлик олим Абу Мансур ал–Мотуридий асос солган. Аксарият манбаларда

Мотуридий 870 йили Самарқанднинг “*Мотурид*” қишлоғида туғилгани ва Самарқандда 944 йили вафот этгани ҳақида маълумотлар учрайди. Баъзи манбаларда унинг 100 йилга яқин умр кўргани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Манбаларда Имом Мотуридийнинг ўндан ортиқ асарлари бўлгани ҳақида маълумотлар келтирилади. “*Китоб ат-тавҳид*”, “*Китоб ал-мақолол*”, “*Китоб радд авоил ал-адилла лил-Каъбий*”, “*Китоб баён ваҳм ал-мўътазила*”, “*Китоб радд таҳзиби ал-жадал лил-Каъбий*”, “*Радд китоб ал-Каъбий фи ваийд ал-фуссоқ*”, “*Радд усул ал-хамса ли-Аби Умар ал-Бохилӣ*”, “*Радд китоб ал-имома ли баъзи ар-равофиз*”, “*Китоб радд ала ал-қаромита*” ҳамда усул ал-фикҳга оид “*Маъҳаз аш-шароӣ*”, “*ал-Жадал*” каби асарлар шулар жумласидандир.

Мотуридийнинг ақидавӣ қарашлари ва калом илмидаги ўзига хос услуби XI асрга келиб Мовароуннаҳрда алоҳида мактаб сифатида тан олинган ва “мотуридия” деб аталган.

Мазкур мактаб ўзининг ярим-рационалистик қарашлари билан бошқа ақидавӣ таълимотлардан ажралиб туради. Унда, масалаларнинг ечимини топишда фақат Қуръон ва суннатга таянибгина қолмасдан, мантиқий тафаккур орқали ҳам ёндошилган. Мотуридия таълимотида асосан мўътазилия, шиа, хорижия, жабария, қадария каби таълимотларга раддиялар берилган.

Мотуридия таълимоти XI–XII асрларда кенг миқёсда ривожланган. Ушбу даврларда энди таълимот нафақат Мовароуннаҳрда, барки Хуросон, Ироқ. Миср ва Шом ўлкаларига ҳам тарқала бошланган. Бунда мотуридия таълимоти вакилларида Абул Муъин ан-Насафӣ, Абу Ҳафс ан-Насафӣ, Алоуддин ас-Самарқандӣ, Нуриддин ас-Собунӣ, Иброҳим ас-Саффор, Алоуддин ал-Асмандӣ каби мовароуннаҳрлик олимларнинг катта бўлган.

Ашъария. Ушбу таълимотга басралик Абул Ҳасан ал-Ашъарӣ (873–936) асос солган. Ашъарӣ умрининг ярмини асосан мўътазилияга қарши курашишга бағишлаган бўлсада, дастлаб унинг ўзи мазкур таълимот вакили бўлган.

Мўътазилия таълимотида Ашъарӣнинг устози Абу Али ал-Жуббой бўлган. Қирқ ёшида у мўътазилия таълимотидан

воз кечади ва Бағдодга кўчиб умрининг охиригача ўша ерда яшаган.

Ашъарий Муҳаммад ибн Жарир ат–Табарий, Иброҳим ибн Аҳмад ал–Марвазий, Маҳмуд ибн Довуд ал–Исбахоний, Абдуллох ибн Аҳмад ибн Ҳанбал (в. 290/903 й.), Абу Мансур ал–Мотуридий каби олимлар билан бир даврда яшаган.

Ашъария таълимоти ҳам аҳли сунна вал жамоа ақидасига мувофиқ таълимот ҳисобланган. Ушбу таълимот ҳам асосан мўътазилия, қадария, жабария каби таълимотларнинг ақидавий ғояларига қарши турган. Ашъария таълимоти асосан Ироқда, сўнгра салжукийлар ҳукмронлиги даврида Хуросонда ривожланган.

Ашъария таълимотига оид Абул Ҳасан ал–Ашъарийнинг “*ал–Ибона ан усул ад–дияна*”, “*Мақолат ал–исломийин*” каби асарларни мисол келтириш мумкин.

Ашъария таълимоти мотуридия таълимоти билан бир даврда шаклланиб ривожланган.

ТАСАВВУФ

Тасаввуф ва унга ўзакдош бўлган *суфий*, *мутасаввиф* атамаларининг келиб чиқиши ҳақида хилма–хил қарашлар мавжуд. Ҳозирги пайтга келиб кўпроқ тасдиқланган ва кўпчилик (Шарқ ва Ғарб олимлари) томонидан қабул қилинган фикр шуки, ушбу атама «жун, юнг» маъносини билдирувчи *суф* (ўзак ҳарфлари – *свф*) сўзидан олинган. Бундан ташқари мазкур атаманинг келиб чиқиши илк ислом даврида зоҳидлик гуруҳлари кўринишида шаклланган «*аҳл ас–суффа*» (Пайғамбарнинг Мадинадаги уйи яқинидаги суффага йиғилувчи зоҳид кишилар)га тегишли деган фикрлар ҳам мавжуд. Ғарбий Европа тадқиқотчилари эса то XX асрга қадар уни юнонча – «*sophia*» (*ҳикмат*) сўзидан келиб чиққан деган фикрга мойил бўлганлар.

Суфийлик амалиётининг асосини зикр ташкил этади. Тариқат ҳаётини ташкил этишда тасаввуфда устоз–шогирд сифатида қабул қилинган муршид–мурид алоқалари муҳим роль ўйнайди. Айнан шу алоқа жамият ичида ўзаро манфаатларни биргалашиб химоя қилувчи ташкилот тузилиши учун асос бўлиб хизмат этди.

Мовароуннахр ҳаётида муҳим роль ўйнаган мутасаввифлардан Сайф ад-дин Боҳарзий, Термиз саййидлари, Саййид Барака, Хожа Аҳрор, Махдум-и Аъзам, Мир-и Араб, Лутфуллоҳ Чустий, Жуйбор хўжаларини айтиб ўтиш мумкин. Сиёсий тарқоқлик йилларида ўз ташкилотлари мададига суянган бу шайхларнинг мамлакат сиёсий ҳаётига таъсири юкори бўлган.

Тасаввуф таълимотига кўра, танланган инсонлар (ал-хосса) Аллоҳ билан ҳиссий боғланиши мумкин. Натижада улар Аллоҳни танишга эришадилар. Қатор суфий муаллифларга кўра, тасаввуфда инсон чуқур мушоҳада ва махсус руҳий-маънавий машғулотлар натижасида Аллоҳнинг бирлиги ичида маънан «йўқолиб кетиши» (фано) ёки у билан «абადийликка эришиши» (бако) мумкин.

Тасаввуф адабиётининг ёзма манбаларига кўра, саҳобалардан тўрт рошид халифа, Абу-д-Дардо, Абу Зарр, Ҳузайфа кабилар биринчи суфийлар эди. Кўпгина суфий тариқатлари ўзларининг силсилаларини Пайғамбар саҳобаларидан бирига ва илк тўрт халифага, кўпинча Абу Бакр (р.а.)га қадар етказадилар.

Тасаввуфнинг мафкуравий-диний асоси, шубҳасиз, Қуръони карим маънолари устида чуқур мулоҳаза юритиш, Буюк китобнинг ботиний маъноларини қидириш анъанасини юзага келтирди.

Ҳиссий йўл билан Ҳақиқатни излаш суфийларни инсон руҳининг энг нозик ҳаракатлари, ички изтироблар, диний ҳақиқатларни англаш ва чуқур таҳлил қилишга ундаган. Бу маънода тасаввуфнинг илк асосчилари ва намоёндаларидан бўлган «Қалблар ва фикрлар» илми (*илм ал-қулуб ва-л-хавотир*)га асос солган Ҳасан ал-Басрий (642–728) ни эсга олиш ўринли. Кейинчалик, Ҳасан ал-Басрийнинг издошларидан бўлган ва Басрада яшаган (VIII–IX асрлар) Рабоҳ ибн Амр, биринчи суфий аёл Роби‘а ал-Адавия, Молик ибн Динор ва бошқалар даъватларида аста-секин Аллоҳга

бўлган соф ҳақиқий муҳаббат, унга руҳан яқинлашишга интилиш ҳақида фикр ва ғоялар пайдо бўла бошлади.

Мовароуннаҳрда тасаввуф йўналишининг вужудга келиши ва ривожини шайх Абу Яъқуб Юсуф ал-Ҳамадоний (ваф. 1140–41 й.) шахси билан боғлиқ. Ҳамадоний 1048 йилда Эроннинг Ҳамадон шаҳри яқинидаги Бузанжирд қишлоғида таваллуд топган. У 17 ёшлигида илм истаб Бағдодга келади ва у ердаги машҳур “*Низомия*” мадрасасида ўқийди. Ҳамадоний ҳадислар тўплаш мақсадида Исфажон, Балх, Ҳирот, Марв, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига бир неча бор сафар қилади. Ҳамадоний Бағдодда яшаган кезларида ас-Самъоний, Аҳмад ал-Ғаззолий (Абу Ҳомид ал-Ғаззолийнинг акаси)лардан ҳам тасаввуфга оид илмларни ўрганган.

Юсуф Ҳамадоний умрининг иккинчи ярмини кўпроқ Ҳирот, Марв, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ўтказди. Марв ва Бухорода хонақо ҳамда мадраса курдиради ва кўпдан кўп шогирдларни тарбиялайди. Улар орасида кўплаб туркий ва форсий миллатга мансуб шахслар бор эди, жумладан, Ҳасан Андокий, Абдулло Бараккий, Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолик Ғиждувонийлар алоҳида ажралиб турар эдилар.

XII асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган илк тасаввуфий тарикатнинг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавийдир.

Яссавия ғоялари бир неча маротаба турли таҳрирда нашр этилган «Девони ҳикмат»да жамланган. Унинг фикрича, дунёнинг ноз–неъматларини сўраган киши суфий эмас, балки зуҳд ва тақвони ихтиёр этиб, умрини тоат–ибодатда ҳамда йиғи билан ўтказган киши асл суфийдир. Унинг «ҳикматлар»и халқ орасида кенг тарқалган.

Хожа Аҳмад Яссавий бугунги Қозоғистоннинг жанубидаги Чимкент вилояти Сайрам қишлоғида дунёга келган. Баъзи манбаларга қараганда, у Йасида (ҳозирги Туркистон) таваллуд топган. Ривоятларга кўра, бу ерда у Арслон–боб исмли машҳур шайхнинг хайрли дуосига эришган. Оддий халқ оммаси англайдиган услубда суфиёна

ҳикматлари, шеърлари билан атрофдаги одамларни ҳақ йўлга чақиради, уларнинг маънавиятига кучли таъсир кўрсатади. Аҳмад Яссавий ҳаётлигидаёқ узок ўлкаларга муридларини жўнатиб, ўз тариқатини кенг тарқатишга ҳаракат килди. Яссавий *риёзат*, *чилла*, *зикр* ва *мужоҳада*да кучли аҳамият бериб, ҳаётининг аксари қисмини *чиллахона*да ўтказди. Унинг ҳаёти ва қароматлари ҳақида кўплаб маноқиблар сақланиб қолган.

Бу тариқатда муҳим ўрин тутган асослар куйидагилардан иборат: Аллохни таниш (*маърифатуллоҳ*), мутлақ жўмардлик, ростгўйлик, ўзини Аллоҳга топшириш (*таваккул*) ва теран тафаккур.

Яссавия тариқати хусусиятлари кейинчалик юзага келган кўплаб тариқатларда акс этган. Ҳатто *Нақибандия*ни Яссавиянинг бир шаҳобчаси деб билувчилар ҳам бор. Аҳмад Яссавийнинг энг машҳур халифаларидан Сулаймон Ҳаким ота Боқирғоний (ваф. 1186 й.), Суфий Муҳаммад Донишманд аз–Зарнуқий ва бошқалар маълум.

Яссавийлик билан бир асрда юзага келган тариқатлардан бири бу **Кубравиядир**. Бу тариқатнинг асосчиси – Шайх Нажмиддин Кубро ал–Хивақий бўлиб, тасаввуф тарихидаги энг ёрқин сиймолардан бири ҳисобланади.

У 1145–1146 йилларда Хоразмдаги Хивак шаҳрида дунёга келган. Мисрда Рузбехон Ваззон ал–Мисрий (ваф. 1188 й.)дан, кейинчалик Табризга келиб, шайх Исмоил Касрийдан таълим олади. Сўнгра Хоразмга қайтиб келиб, хонақоҳ қуради ва кўплаб шогирдлар тарбиясига киришади ҳамда “*кубравия*” ёки “*заҳобия*” деб аталувчи тариқатига асос солади. Мазкур тариқат соликлари (аъзолари) орасида зикрнинг овоз чиқармасдан “*ҳуфия*” ижро қилиш усули кенг қўлланган.

1221 йилнинг июлида Чингизхоннинг лашкарбошилари билан бири Хулагухонга қарши 76 ёшлик Шайх Нажмиддин Кубро халқ орасидан лашкар тўплайди ва Урганч қалъасини бир неча кун душмандан сақлаб туради. Мазкур

жанг пайтида шайх Нажмиддин Кубро мўғул босқинчилари томонидан ваҳшиёна ўлдирилади.

Ёзган асарлари орасида энг машхури «Усули ашара» рисоласи бўлиб, бу асар барча тариқатларга ўз таъсирини кўрсатган. Кубронинг асарлари Эрон, Кичик Осиё ва Ҳиндистондаги тариқат муҳитларига кучли таъсир қилган. Чунончи, бу тариқат накшбандия ва мавлавия тариқатларига ҳам таъсир кўрсатган.

Кубравиянинг машхур шаҳобчалари қуйидагилар: *баҳоия хилватия, фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония, нурбахшия, барзанжия.*

Кубравияда бажариладиган амалларга мувофиқ тарзда Сулукни ўташ чоғида суфий бўйсунини шарт бўлган 10 қоида ишлаб чиқилган:

1) *ат–тавба* – дунёвий ҳаёти давомида ўз «Мен»лигидан халос бўлиш;

2) *аз–зӯҳд фи–д–дунйа* – дунёдан ва молу мулкдан воз кечиш;

3) *ат–таваккул ала–ллоҳ* – барча ишда Аллоҳга таяниш ва дунёвий ишлардан юз ўгириш;

4) *қаноат* – оз, фақат тириклик учун етарли нарсалар билан қаноатланиш;

5) *узлат* – тўғри ва руҳий маънода ёлғизлик; фақатгина шайх билан мулоқот қилишга рухсат берилган;

6) *мулозамат аз–зикр* – Аллоҳ номини доимий равишда ихлос билан ёд этиш (*зикр*), бу зикр қалбни поклайди;

7) *ат–таважжуж ила–ллоҳ* – бутун борлиқ билан то Аллоҳнинг ягоналигини қалб билан ҳис этмагунича Унга юзланиш;

8) *Сабр* – тасаввуф йўлининг қийинчиликларини сабр билан адо этиш;

9) *Муроқаб*а – дунёвий истаклардан покланган қалбга мутлақ осойишталик этмагунича ўз ўзини назорат қилиш;

10) *Ридо* – барча жисмоний ҳиссиётлардан, ҳатто ўзининг Аллоҳга бўлган севгисидан қаноатланишдан ҳам

халос бўлиш, бундан жисмоний ёки шахсий туйғулар йўқолиб, Аллоҳнинг алоҳида марҳаматига айланади.

Кубравия таълимоти мўғуллар истилосига бардош берган кам сонли таълимотлардан биридир. Қолаверса, Сайф ад-Дин Бохарзий (ваф. 1363 й., Бухоро) каби кубравия шайхлари бошқа кўплаб шайхлар қатори мўғул қабилалари ва улар ҳукмдорларининг исломлашувига катта таъсир кўрсатганлар.

XIV асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган яна бир йирик тасаввуфий тариқат **нақшбандия**дир. Унинг иккинчи номи Хожагон йўналиши бўлиб, Хожа Юсуф ал-Ҳамадонийнинг машҳур шоғирди Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний (ваф. 1179 ёки 1220 й.)га нисбат берилиб шундай номланган. Кейинчалик бу оқимга Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) муршидлик қилган ва шу даврдан эътиборан нақшбандия тариқати бутун ислом оламига тарқала бошлаган.

Баҳоуддин Нақшбанд Бухоро яқинидаги Қасри Орифон қишлоғида дунёга келган. Ёшлигида *хожагон* тариқати шайхларидан Муҳаммад Бобо-йи Самосий уни маънавий фарзандликка қабул қилди. Бир муддатдан кейин Самосий унинг тарбиясини Амир Кулолга топширди. Маълум муддат Самарқандда яшаб, у ердаги шайхларнинг *суҳбат* ва *таважжух*ларига мушарраф бўлди. Амир Кулолдан халифаликни олгач, Қосим шайх, Халил ота ва Мавлоно Ориф каби Ясавия шайхларининг ҳузурига кўп йиллар қолиб, улардан илму файз олишга муяссар бўлди. Икки маротаба ҳажга бориб келган Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётининг охирги йилларини Бухорода ўтказди. Исломида жуда катта обрў-эътиборга эга бўлган Нақшбанднинг ҳаёти *manoқиб*ларга тўла бўлиб, бугунгача унинг ҳаёти ва тариқатини ифодаловчи жуда кўплаб асарлар битилган. Шулардан, Фаҳруддин Али ибн Ҳусайн Воъиз Кошифийнинг «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» рисоласи Нақшбандия тариқати шайхлари ҳақида кенг маълумот беради.

Нақшбандия аҳли сунна эътиқодига мувофиқ *хафий* (*махфий*) *зикр*га асосланган. Зоҳиран кўзга ташланадиган

хатти–ҳаракатлардан йироқ суҳбат ва алоқага кучли эътибор беради. Кўпчилик билан қилинадиган нақшбандий зикрга «Хатми хожагон» дейилади. Бу зикрда тариқатга кирмаганлар қатнашишлари мумкин эмас. Нақшбандияда тариқатга кирган дарвеш ушбу шартларга амал қилиши шарт: доимо тавбада бўлиш, суннатга қатъий амал қилиш, бидъатлардан қочиш, ҳаётий қулайликлардан воз кечиб, таквони кучайтириш, зулм ва ноҳақлик қилмаслик, қарздор бўлмаслик, бировни норози қилмаслик, қазо намозларини адо этиш, Аллоҳни ҳар лаҳзада зикр қилиш.

Нақшбандия тариқати куйидаги тўрт тамойил асосига қурилган: 1) шариат билан *зоҳир*ни поклаш; 2) тариқат билан *ботин*ни поклаш; 3) ҳақиқат билан *қурби шлоҳий*га эришмоқ; 4) *маърифат* билан Аллоҳга эришмоқ.

Нақшбандия тариқатининг энг машҳур шаҳобчалари: *аҳрория*, *мазҳария*, *муҷаддидия* ва *ҳолидия*.

Айни вақтда мусулмон дунёсининг деярли барча мамлакатларида турли тасаввуфий тариқатлар вакиллари фаолият юритаётганини кўриш мумкин. Туркия, Миср, Жазоир, Тунис, Ливия, Индонезия, Малайзия, Йордания, Покистон каби мамлакатларда мавжуд тариқатларнинг саноғига етиш ҳам қийин. Шу билан бирга ушбу сулуқларнинг кўпчилиги тасаввуф таълимотининг илк ғояларидан анча узоқлашиб кетган. Шайхлик мақоми маблағ тўплаш манбаи бўлиб қолган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Туркиядаги кўплаб тариқат вакиллари томонидан шайхларини ўта муболаға билан улуғланиши, уларнинг тавоф қилиниши, шайхларнинг ўз тарафдорлари ва муассасалари мавжудлиги ушбу фикрнинг исботидир.

Покистон ва Ҳиндистон худудларида тарқалган тариқатларнинг урф-одатларида йога, буддавийлик, ҳиндуийлик ва қадимги ҳинд фалсафасининг таъсири катталигини кўриш мумкин. Барлавийа, Меҳмандийа ва бошқа қатор тариқатларда қадимги ҳинд фалсафасидаги таносух, яъни руҳнинг кўчиб юриши ғояси кенг ўрин

олган. Улар намоз ёки зикр вақтида юқоридан бир жойни бўш кўядилар ва унга Муҳаммад Пайғамбар руҳи келиб ўрнашади, деб ҳисоблайдилар. Масжидларининг қибла тарафида эса ўз тариқатларининг асосчиси ёки пирларининг қабри жойлашган бўлиб, намоздан аввал ва кейин уни тавоф қиладилар.

Ҳозирги пайтда дунёнинг кўп мамлакатларида, Америка Қўшма Штатларидан то Австралия архипелагигача бўлган худудда Баҳоуддин Нақшбанд ва Нақшбандия тариқати маълум ва хурматли мақомга эга. Чунки Баҳоуддин Нақшбанд, аввало, ислом дини шариати мезонларини маҳкам ушлаган ва уларнинг бузилишига йўл қўймаган. Иккинчидан, у чин инсоний ғоялар ва фазилатларни илгари сурган, жамиятнинг турли вакиллари ўртасида футувват – жавонмардлик ришталари пайдо бўлишига туртки бўлган.

Мустақиллик йилларида диний кадриятларни қайта тиклашга эътибор қаратилиши масжидлар, мадрасалар ва бошқа диний ташкилотлар билан бир қаторда тариқат вакилларининг ҳам фаолиятига кескин туртки бўлди. Натижада ҳозирги пайтда ҳам Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистоннинг турли худудларида тариқатчилар фаолияти жадаллашди. Ҳозирги кундаги бундай тариқат раҳнамоларининг тарафдорлари сони катта миқдорни ташкил этади.

Ҳозирги кундаги «пир»ларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, улар ўз издошларининг мунтазам кўпайиб бориши ва ўз етакчиларини идеал шахс сифатида кўрсатишга интиладилар. Шунингдек, зикр қилишни ўргатадиган кўлланмаларни ҳали динни яхши билмайдиган аҳоли орасида тарқатмоқдалар. Ушбу кўлланмага доимий амал қилинса, кишининг жаннатга тушиши аниқлиги уқтирилади.

Мазкур пирларнинг зиёратгоҳларни таъмирлашда, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари қурилишида ҳамда шу каби ободонлаштириш ишларида иштирок этиши ҳам мусулмон аҳоли орасида унинг обрўси ошишига ва тарафдорлари кўпайишига олиб келмоқда. Уларнинг уйида доимий тарзда 20-30 нафар мурид хизматда туради.

Мазкур йўналишларда доимо махси-калиш кийиш, чопон ва салла ўраб юриш тавсия этилади. Муридлари учун қатор янгиликлар жорий қилинган бундай тариқатларда илк тасаввуф асосчилари таълимотидан анча йироқлашиш ҳолати кузатилади.

Ислом динининг моҳиятига тўғри келмайдиган масалаларнинг бири – «тариқатга кирган кишига илмнинг шарт эмаслиги» ва ҳатто «илмни тарк қилишнинг афзаллиги» ҳисобланади. Бунга далил қилиб айтадиларки, «илм ибодатга воситадир, у орқали инсон Роббини танийди ва унга бандалик қилишга ҳаракат қилади. Модомики инсон Аллоҳга ибодат қилиш йўлига ўтган экан, унга илмнинг кераги йўқ». Иккинчидан, Аллоҳнинг даргоҳидан қувилган Азозил, яъни Шайтон ҳам бир пайтлар жуда илмли бўлган ва ҳатто фаришталарга дарс берган. Бироқ Аллоҳ таоло Одам (а.с.)ни яратиб, барча мавжудотни унга сажда қилишга буюрганида Шайтон бош тортди ва «Мени оловдан яратдинг, уни эса ботқоқдан», – деб эътироз билдирди. Бу манманлиги туфайли Аллоҳнинг даргоҳидан қувилди», – деб далил келтирадилар.

Кейинги пайтларда бундай тариқат вакиллари ўзларининг қарашларини ошқора баён этадиган, бошқаларга ташвиқ этадиган, айрим ҳолларда ўзларининг тариқатчи эканликларини пеш қилган ҳолда ҳокимиятнинг қонуний ишларига ҳам эътироз билдирадиган ҳоллари учрай бошлади.

Ҳозирги кундаги тариқатчиларнинг ўзларига мажбурият сифатида олаётган даъволаридан айримлари қуйидагичадир:

– ўзгалар (тарафдорлардан бошқалар)нинг диний ёки дунёвий мазмундаги маросимларида иштирок этмаслик;

– қоплама (тилла, қумуш) тиш қўйган кишининг таҳорати мукамал бўлмайди дейиш;

– намоздан кейин овоз чиқариб дуо ва тиловат қилишни макруҳ деб билиш;

– Муҳаммад (а.с.) замонасида бўлмаган ҳар қандай ишни бидъат (янгилик) деб билиш ва инкор этиш.

Тариқат вакилларида бошқаларнинг маросимларида иштирок этмаслик жамиятда кишилар орасидаги бирдамликнинг йўқолишига, тарфкашликнинг келиб чиқишига олиб келади.

Расулulloҳнинг даврида бўлмаган ҳар нарсани бидъат – адашишлик деб билиш ҳам тўғри бўлмайди. Чунки наҳв илми, сарф илми каби динимизнинг муқаддас китобини тушунишимизга ёрдам берувчи илмлар, талабаларга диний ва дунёвий илмлардан сабоқ берадиган, мутахассислар тайёрлайдиган мадрасалар, компьютердан дин илмларини ўрганиш каби мусулмонлар жонига оро бўлган амаллар ўша даврда мавжуд эмасди.

Бундан ташқари ҳозирги тариқатчиларда айрим масалаларда ҳанафий мазҳаби уламолари билан келиша олмайдиган тарафлари мавжуд. Булар:

- Эҳтиётни пешин намозини ўқишни қаттиқ ҳимоя қилиш;
- Ўлган кишига давра қилиш лозимлигига фатво бериш;
- Ўзидан бошқа тариқатчиларни ошқора танқид қилиб, уларнинг адашганликларини айтиш.

Ваҳоланки, жума намозидан кейин эҳтиётан пешин ўқиш ҳақида Муҳаммад (с.а.в.) ҳеч нарса демаганлар.

“Давра” дегани луғатда “айланиш” маъносини англатади. Бу ўринда “давра” ўлган кишига атаб ўтказиладиган маросим бўлиб, маййитга ҳали жаноза ўқилмай туриб амалга оширилади. Бунда марҳумнинг умри давоми ўқиши зарур бўлган намозлари ва амалда ўқиган намозлари ҳисоблаб чиқилади. Рўзалари ҳам шу тарзда ҳисобланади. Шундан кейин адо этилмай маййит зиммасида қолган ибодатлар пул ёки буғдой ҳисобида кўпайтирилиб, марҳум қолдирган мулкнинг меросхўридан бир қисмини эҳсон қилиш талаб этилади. Меросхўр муайян маблағни (мисол учун 200 минг сўмни) даврадагиларга беради. Улар бу маблағни олиб марҳум ибодатларни бажара олмаган йиллари миқдорида (60 ёшга кирган бўлса, унга 12 ёшда намоз ва рўза каби ибодатлар фарз бўлган деб, қолган 48 йил учун 48 марта)

ҳалиги маблағни даврада бир-бирларига ўтказишади. Бунда бир киши қуйидаги маънодаги дуони ўқиб туради:

Яъни: “Сизларнинг қайси бирингиз яхшироқ амалларни қиласиз деб ўлим билан ҳаётни яратган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Фалончи фалончининг ўғлининг зиммасида рўза, намоз, ҳаж, закот ва бошқа вожиботлардан Аллоҳ таолонинг ҳаққи бўлса, баъзиларини адо қилиб, баъзиларини адо эта олмай қолган бўлса, ҳозир ўлим сабабли ожиз бўлгани учун марҳумнинг рўза ва намозининг фидяси сифатида сизга мана шу маблағни бераман”.

Шу тариқа даврада мавжуд бўлганларнинг ҳар бири ҳалиги маблағни қабул қилиб олади ва ундан кечади. Олдибердининг саноғи марҳумнинг умрига қараб бўлади. Шундай қилиб, даврага йиғилганлар маййит зиммасида бўлган намоз ва рўзалар учун меросхўрдан муайян бир (баъзида аввалдан келишиб олинган) маблағни оладилар.

Асл шарият манбаларида давра қилишга бирор кўрсатма қайд этилмаган. Бу каби иш ислом таълимотидаги “ҳар бир инсон ўз қилган яхши ва ёмон ишлари учун ўзи мукофот ва жазо олади”, деган тамойилга мутлақо зид.

Яна айрим замонавий тариқатларда тасаввуфга ёки умуман, ислом таълимотига алоқаси йўқ “суфийлик жанг санъати” ёки “суфийлик рақс санъати” каби тушунчаларни киритиш ҳолатлари учрайди. Масаланинг бошқа тарафини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. У ҳам бўлса ислом уламолари ислом маърифий жиҳатдан тарғиб қилиб турган бир пайтда, қандайдир жанг қилиш усулини ҳам бу динга олиб келиб тақаш ёшларимизнинг маънавий тарбиясига салбий таъсир этади. Юртимизда ўнлаб шарқона кураш турлари ривожланиб бормоқда. Ватанимиз фарзандлари улар бўйича жаҳоннинг турли майдонларида мусобақаларда қатнашмоқдалар, бироқ уларнинг ҳеч бири қайсидир дин билан боғланмайди. Мазкур таълимот Ўзбекистондаги динлараро бағрикенглик тамойилларига ҳам мос келмайди.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси худудида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро мамлакатда амалда бўлган қонунларни, жумладан, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни ҳурмат қилиши лозим.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. “Жоҳилия” деб қайси даврга айтилади?
2. Маккадан Мадинага ҳижратнинг сабаблари нимада эди?
3. Қуръони карим нечта сура ва оятлардан иборат?
4. “Ҳадис” сўзининг мазмун–моҳияти нимада?
5. Исломдаги илк бўлинишлар нималар билан боғлиқ бўлди?
6. Исломлаги қандай сиёсий фирқаларни биласиз?
7. Хорижийлик таълимоти қандай бўлган?
8. Шиаликда қандай мазҳаблар мавжуд?
9. Суннийликда қандай мазҳаблар мавжуд?
10. Мотуридия таълимоти асосан қаерда ривожланган?
11. Ашъария таълимоти асосан қаерда ривожланган?
12. “Мўътазилий” сўзининг маъноси қандай?

Мустақил иш топшириқлари

1. Ислом дини юзага келиши арафасида Арабистон ярим оролидаги ижтимоий–маънавий вазият ҳақида маълумот тўплаб, реферат тайёрланг.
2. Ислом динининг манбалари ҳақида гапириб беринг.
3. Марказий Осиё алломаларининг Ислом дини ривожига кўшган ҳиссалари ҳақида кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).
4. Хаворижларнинг сиёсий ва ақидавий қарашлари ҳақида реферат тайёрланг ва курсдошларингизга тақдим этинг.
5. Шиалик, унинг фирқалари ва замонавий тарқалиши ҳақида илмий маъруза тайёрланг .
6. Суннийлик фикҳий мазҳабларининг муштарак ва фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг.
7. Мавзу бўйича кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

Адабиётлар

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
3. Ат-Термизий. Саҳиҳ ат-Термизий / А. Абдулло таржимаси. – Т.: Ғ. Ғулом номли “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1993.
4. Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Сайид Махмуд Тарозий Алихонтўра таржимаси. – Т.: “Меҳнат” нашриёти, 1991.
5. Ислом: энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
6. Муҳаммад Хузарий. Нур-ул яқин. – Т.: Чўлпон-Камалак, 1992.
7. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
8. Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи. Арабчадан Абдуллоҳ шайх Исмоил Махдум ўғли таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 1995.
9. Ҳасанов А., Комилов Н., Уватов У., Азимов А., Раҳимжонов Д., Зоҳидов Қ. Ислом тарихи. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
10. Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. Жоҳилия асри. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001.
11. Ҳасанов А.А. Макка ва Мадина тарихи (Қадимги Арабистон тарихидан лавҳалар). – Т.: Меҳнат, 1992.

11–МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДИН ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР

Режа:

1. Диний бағрикенгликнинг мазмуни.
2. Мутаассибликнинг ғайриинсоний моҳияти.
3. Миссионерлик ва прозелитизм таҳдиди.
4. Ўзбекистонда виждон эркинлигининг ҳуқуқий асослари.
5. Ноқонуний диний ҳатти ҳаракатларга қарши курашнинг ҳуқуқий амалий асослари.

Таянч тушунчалар:

Бағрикенглик, диний бағрикенглик, виждон эркинлиги, мутаассиблик, диний экстремизм, террорчилик, миссионерлик, прозелитизм, диний секталар, диний ташкилотлар.

Мавзу ўқув мақсади:

Диний бағрикенгликнинг мазмуни, мутаассиблик, миссионерлик каби тушунчаларнинг салбий оқибатлари ҳамда Ўзбекистонда виждон эркинлигининг ҳуқуқий асослари, ноқонуний диний ҳатти ҳаракатларга қарши курашнинг ҳуқуқий амалий асослари ҳақида талабаларда атрофлича тасаввур ҳосил қилиши.

2013 йил январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида 16 конфессия ва 2223 та диний ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Улар қуйидагилардир: Ислом (Ўзбекистон мусулмонлари идораси), Православлик (Тошкент ва Ўзбекистон епархияси), Католиклик (Рим–католик черкови), Лютеранлик (Немис–лютеран черкови), Арман–апостол черкови, Пятидесятниклар (Тўлиқ инжил христианлари), Баптистлар (Евангель–христиан баптистлар черкови), Новоапостол черкови, Еттинчи кун адвентистлари, “Голос божий”, Иегово шоҳидлари, Корейс протестант

черковлари, Яҳудийлик, Баҳойлик, Кришнани англаш жамияти, Буддавийлик. Рўйхатга олинган “Ўзбекистон Библия китоб жамияти” эса диний ташкилот ҳисобланиб, бошқа конфессиялардан алоҳида фаолият олиб борсада, “диний конфессия” мақомига эга эмас. Мазкур диний жамоалар ўртасида бағрикенглик маданиятини шакллантириш мамлакатимиз тараққиёти, турмушимиз ободлиги гаровларидан биридир.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ МАЗМУНИ

Диний бағрикенглик турли динга эътиқод қилувчилар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳининг устуворлигини англатади. У диний ташкилотлар, давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларининг тизимли ва тадрижий фаолияти, алоҳида олинган кишиларнинг бу борадаги талаблар, қоидалар ва қадриятларга оғишмай амал қилиши натижасида воқеликка айланади.

Кишиларда виждон эркинлиги билан боғлиқ билимларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шароитларнинг яратилиши давлат томонидан жамиятда диний бағрикенглик муҳити устувор бўлишини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шу билан бирга, эътиқодий асосдаги душманлик ва адоват уйғотадиган, ҳис-туйғуларни ҳақоратлайдиган ҳаракатлар, ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган реал механизмларнинг яратилгани ҳам диний бағрикенглик барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Диний бағрикенгликнинг устуворлигига эришишда диний ташкилотларнинг мавжуд ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари доирасида фаолият олиб боришининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Хусусан, яширин диний фаолиятга йўл қўйилмаслиги турли кўринишлардаги мутаассиблик ва экстремизмнинг олдини олишга, конфессиялар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат, тинчлик ва тотувликни таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, жамиятнинг маънавий-ахлоқий не-

гизларини издан чиқаришга қаратилган, шахснинг шаъни ва кадр—қимматини камситувчи ва бошқа шунга ўхшаш хатти—харакатларда фойдаланишга йўл қўймаслик ҳам ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Алоҳида олинган кишиларда диний бағрикенглик маданиятини тарбиялашда эса дин кишиларнинг ижтимоийлашувига, ҳаёт тарзини ташкил этиш ва тартибга солишга хизмат қилувчи омиллардан бири экани ҳақида тизимли тасаввурлар ҳосил бўлишига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик баробарида ҳар қандай динга эътиқод қилиш инсоннинг конституциявий ҳуқуқи эканини англаш, диний мурасасизлик, нафрат ва зўравонликларнинг асл сабаблари, манбаалари ва илдизлари тўғрисида чуқур билимга эга бўлиш ҳам шахсда диний бағрикенглик маданияти шаклланишида ўзига хос ўринга эга.

Бошқа эътиқод шаклларига нисбатан ноҳолислик, паст назар билан қараш, уларнинг соҳибларига салбий муносабат тарихнинг ҳамма даврларида кўплаб фожиаларни келтириб чиқарганини инобатга оладиган бўлсак, бундай билимларнинг ҳаётий—амалий аҳамиятга эгаллигини англаш мумкин.

Диний ибодат, расм—русумлар ва маросимларга ётсираб қараш умуминсоний маданият ва маънавият ривожига салбий таъсир кўрсатган бўлса, диний заминдаги адоват ва душманлик, акидапарастлик ва экстремизм инсониятнинг бир бутунлиги, тинчлиги ва тараққиётига таҳдид солмоқда. Диний қарашларни мажбуран сингдириш йўлидаги уринишларнинг турли шакл—шамойил касб этиб, кенгайиб бораётгани эса инсоннинг виждон эркинлиги билан ҳуқуқларини хавф остида қолдирмоқда. Буларнинг барчаси алоҳида олинган инсонда тегишли билимлар ва баҳолар билан бир қаторда фаол ижтимоий позицияни шакллантириш зарурлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, кишиларда юртимизда тарихан диний заминдаги адоват ва келишмовчиликлар бўлмагани, турли конфессиялар ва дин вакилларига нисбатан юксак эҳтиром ва ҳурмат, ўзаро муросада яшашга интилиш

халқимизнинг асрлар оша камол топган фазилатларидан бири экани ҳақида тегишли билим, кўникма ва кадриятлар тизимини шакллантириш ҳам бағрикенглик маданиятини тарбиялашнинг зарурий шарти ҳисобланади.

МУТААССИБЛИКНИНГ ҒАЙРИИНСОНИЙ МОҲИЯТИ

Бағрикенглик анъаналари қанчалик қадимий илдишларга

эга бўлса, тоқатсизлик ва муросасизлик билан боғлиқ қарашлар ва ҳаракатларнинг илдишлари ҳам шунчалик қадимийдир. Мутаассиблик (фанатизм – французча «ибодат») унинг кенг тарқалган кўринишларидан биридир.

Мутаассиблик кенг маънода муайян ғояларнинг тўғри эканига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан берилганликни, “ўзгалар” ва “ўзгача” қараш ва ғояларга муросасиз муносабатни ифодаловчи қарашлар ва хатти–ҳаракатларни англатади. Унинг хусусий кўринишларидан бири бўлган диний мутаассиблик эса ўз ақидасининг шак–шубҳасиз тўғрилигига ишониб, бошқа фирқа ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда уларни тан олмасликни билдиради.

Айни пайтда, диндаги муайян қоидаларни, ўринли ёки ўринсизлигидан қатъи назар, кўр–кўрона қўллаш ва мутлақлаштиришга интилиш, ўз ғояларини тарғиб этиш ва унда ифодаланган мақсадларга эришишда тушунтириш ва ишонтиришдан кўра муросасизлик, куч ишлатиш ва зўравонликка таяниш ҳам унга хос хусусиятлардан ҳисобланади. Мутаассиблик барча даврларда турли дин, мазҳаб ва йўналишлар орасида кескинлик, низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабабчи бўлган.

“Соф исломдан чекинган” давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш ва исломда “ширк” (бутпарастлик)ка барҳам беришга даъво қилиш исломни ўзига байроқ қилиб олган мутаассиб гуруҳларга хос яна бир умумий хусусият ҳисобланади. Шу билан бирга, азиз авлиёлар хотираларига ҳурмат, қабрлари жойлашган ҳудудларни обод қилиш ва озода сақлашни ҳам бутпарастлик, деб ҳисоблаш бундай гуруҳларни бирлаштириб турувчи ғоялар сирасига киради.

Бугунги кунда ислом байроғи остида фаолият олиб бораётган, мутаассиб гуруҳларнинг аксарияти куч ишлатиш усулларини кўллаган ҳолда қонуний ҳокимиятга қарши кураш олиб бормоқдалар. Диний таълимни ташкил этиш, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, университетлар фаолиятида иштирок этиш, турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот–ташвиқот ишларини олиб бориш ва шу йўл билан ҳокимиятга эришишга ҳаракат қилишни даъво қилаётган гуруҳлар ҳам охир–оқибатда жангариларни тайёрлайдиган инкубаторга айланиб қолаётгани мутаассибликнинг зўравонликка асосланганини англашга ёрдам беради.

Мутаассиблик инсоннинг илмсизлиги ва жоҳиллигининг хосиласи, унинг ўзига хос шаклидир. Онги заҳарланган ва мутаассибга айланган кишилар ўзлари қилаётган ишларни тўғри деб ҳисоблаган ҳолда, ҳар қандай номақбул ишлардан ҳам бош тортмайдилар. Ваҳоланки, уларни бу йўлга бошлаган «рахнаомоларнинг» асл мақсади моҳиятан ғайриинсоний характерга эга. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек «Энг ачинарлиси шундаки, бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдалан–моқдалар. Бу эса исломнинг инсонпарварлик ғояларини обрўсизлантиришга олиб келмоқда».

Ҳар қандай жамият учун, қандай шаклда чиқишидан қатъи назар, мутаассибликнинг таҳдиди ақидапарастликка асосланган ғояларни ёйиш орқали давлатга, унинг раҳбарларига бўлган ишончни йўққа чиқаришга уринишда намоеън бўлишини алоҳида қайд этиш лозим. Бунда диний асосда қарама–қаршилиқни ва унинг оқибати сифатида ижтимоий парокандаликни юзага келтириш ғараз мақсадларга эришишнинг асосий шарти деб қаралади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган бугунги кунда кишиларнинг виждон эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқлари бузилаётгани ҳақида айюҳаннос солиш орқали конкрет мамлакатларнинг халқаро обрўсига путур етказишга

уриниш ҳам мутаассиб гуруҳлар стратегиясининг таркибий қисми ҳисобланади.

Диний мутаассиблик давлатлараро муносабатларда чигалликлар, ўзаро тушунмовчиликларни келтириб чиқаришга замин яратиши билан ҳам хавфлидир. Кўп конфессиялилиқ шароитида ақидапарастлик ғоялари ривож ва унга асосланган ҳаракатларнинг кучайиши цивилизациялараро қарама–қаршиликни кучайтиришга йўл очиши мумкинлигини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Глобаллашув шароитида, халқаро алоқалар тобора эркинлашаётган бир пайтда мутаассиб гуруҳлар ўз ҳаракатларини бутун дунё бўйлаб ёйишга интилмоқдалар. Кейинги вақтларда рўй бераётган террорчилик ҳаракатлари бу ҳодисанинг нафақат инсониятнинг бугунги куни, балки истиқболи учун ҳам реал таҳдидга айланганини кўрсатади.

МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМ ТАҲДИДИ

Миссионерлик ва прозелитизм дин билан боғлиқ ҳолда шаклланган ва мутаассибликка асосланган ҳодисалар ҳисобланади.

Миссионерлик сўзи латин тилидаги «missio» феълидан олинган бўлиб, «юбориш», «вазифа топшириш», миссионер эса “вазифани бажарувчи” деган маъноларни англатади. Миссионерлик бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш билан боғлиқ назарий ва амалий фаолиятни билдиради.

Миссионерлик ўзига хос ва узоқ тарихга эга. Жумладан, бундай ҳаракат дастлаб буддавийлик доирасида милоддан аввалги III асрдан бошлаб ёйилган. Бугунги кунда эса миссионерлик фаолияти билан фаол шуғулланишга ҳаракат қилаётганлар орасида баҳоийлар, кришначилар билан бир қаторда янги пайдо бўлган секталар борлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Миссионерликнинг узвий қисми бўлган прозелитизм – тўғридан–тўғри бирон бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишни англатади.

Маълумотларга кўра, дунёдаги умумий миссионерларнинг 2/3 қисмини христиан миссионерлари ташкил этади. Хусусан, протестантлик замонавий миссионерликнинг асосий ҳомийси қолмоқда. Уларнинг фаолияти кўплаб давлатларда катта мувафақият келтирган. Ҳозирги кунда Жанубий–Шарқий Осиёдаги анъанавий равишда буддавийликка эътиқод қилиб келган айрим мамлакатлар аҳолисининг катта қисми ёки аксарияти христианликка эътиқод қилиши ана шу зафарли юришларнинг натижасидир.

Дин миллий маънавиятнинг таркибий қисми, миллатни бирлаштириб турувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бир тилда гаплашадиган, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган, аммо турли динлар ёки конфессияларга эътиқод қиладиган миллатлар ҳамон ички бирликни таъминлай олмаётгани, кичкина бир сабаб қайта–қайта низоли вазиятлар ва фуқаролар урушининг келиб чиқишига замин яратаётгани ва мамлакатлар ўз тараққиётида ўнлаб йилларга орқада қолиб кетаётгани ҳам шундай ҳулоса чиқариш имконини беради.

Ливан аҳолисининг 90 фоиздан ортигини араблар ташкил этади. Расмий тил араб тили ҳисобланади. Аммо ливанликларнинг бир қисми исломга (сунний, шиа, друз), қолган қисми христианликка (мароний, православ, католик) эътиқод қилиши натижасида миллий бирликни таъминлаш қийин кечмоқда. Мамлакатнинг амалдаги қонунчилигида давлат бошқарув идораларининг диний белгилар асосида шакллантирилиши мустаҳкамлаб қўйилгани эса, кўпгина ҳолларда хилма–хил омиллар таъсирида унинг тўлақонли фаолиятига тўсиқ бўлмоқда. Мусулмонлар ва христианлар ўртасида вақти–вақти билан келиб чиқаётган фуқаролар уруши эса бу бирликни таъминлашни янада мушкуллаштирмоқда.

Турли миллат ва дин вакиллари истиқомат қилиб келган Югославиянинг парчаланиб кетгани ҳам, этноконфессионал зиддиятлар қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигининг ҳаётий–амалий ифодасидир.

Масаланинг ана шу жиҳатига эътибор берилса, миссионерлик ҳаракатлари ортида диний заминда миллатни ичидан бўлиб ташлашга қаратилган ғаразли сиёсий мақсадлар ётганини ва у келтириб чиқарадиган фожиаларни англаб етиш мумкин. Бу миссионерлар ўз мақсадларига эришадиган бўлсалар, улар фаолият олиб бораётган мамлакатда низо ва жанжалларнинг авж олиши, душманлик ҳиссиётларининг пайдо бўлиши орқали динлараро низоларнинг келиб чиқишига замин яратилиши, халқнинг парокандаликка юз тутиши ва маънавий таназулнинг келиб чиқиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Миссионерларнинг бугунги кундаги фаолияти ҳеч бир минтақа, ҳеч бир давлат бундай таҳдиддан ҳоли эмаслигини кўрсатади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса миссионерликнинг моҳиятини тўғри ва чуқурроқ англаш, уни бартараф этиш йўлида мақсадли, тизимли ва тадрижий фаолият олиб бориш зарур бўлади

Замонавий миссионерлик ташкилотлари. Дастлабки халқаро христиан миссиялари, 1910 йилда Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида пайдо бўлган эди. Бугунги кунда юзлаб шундай мақомга эга миссиялар фаолият кўрсатмоқда. Уларни янада ривожлантириш, етарли моддий, маънавий ва инсон ресурслари билан таъминлаш жуда яхши йўлга қўйилган. Одатда, халқаро миссияни ташкиллаштиришда маълум бир конфессиянинг барча шахобчалари қатнашади. Масалан, ташкилотнинг нашриёти уни тегишли адабиётлар билан таъминласа, тадқиқот маркази муайян мамлакат аҳолиси, унинг ҳаёт тарзи, урф–одатлари, заиф томонлари ҳақидаги маълумотларни йиғиш ва диний адабиётларни маҳаллий тилларга таржима қилиш билан шуғулланади. Миссияни моддий–молиявий таъминлашда ишлаб чиқариш тузилмаларининг, миссионер кадрлар тайёрлаш ва кўнгилли ҳомийларни топишда миссионерлик базаларининг аҳамияти бекиёсдир. Мана шундай куч ва тайёргарлик билан халқаро миссия исталган мамлакатда тегишли тарғибот–ташвиқот ишларини самарали ташкил этишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Замонавий халқаро миссиялар бугунги кунда ўз фаолиятини:

– янги халқаро миссиянинг мақсад ва вазифаларини эълон қилиб, кенг кўламдаги тушунтириш ишларини олиб бориш;

– халқаро миссия таркибида маълум мамлакатга юбориладиган кўнгилли номзодларни аниқлаш;

– кўнгилли номзодлар орасидан бўлажак халқаро миссионерларни танлаб олиш;

– танлаб олинган бўлажак миссионерларни махсус мактабларда ўзлари юбориладиган мамлакат аҳолиси, уларнинг тили, урф–одатлари, фаолият олиб боришнинг самарали воситалари ва усуллари бўйича махсус тайёргарликдан ўтказиш;

– тайёр бўлган миссионерни тегишли молиявий манбалар ва махсус режалар билан таъминлаган ҳолда белгиланган мамлакатга жўнатишдек беш босқичда амалга ошираётганини алоҳида қайд этиш зарур.

Қайд этилган хусусиятлар ҳам замонавий халқаро миссиялар ўз фаолиятини тизимли ва тадрижий ташкил этаётгани ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Бугунги кунда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида миссионерликнинг муҳим таркибий қисми сифатида кўплаб халқаро христиан миссиялари фаолият олиб бормоқда.

Миссионерлик ривожига “Ибодат Ҳаракати–2000”, “Жаҳон Ибодат Маркази” ва “Халқаро Ҳаворийлар Коалицияси” каби ўнлаб ташкилотлар ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда. Уларнинг ичида Патрик Джонстоун томонидан асос солинган “Дунё операцияси” миссияси глобал миқёсда фаолият юритаётган энг йирик миссия ҳисобланади.

Бугунги кунда муайян молиявий имкониятларга эга ва ўзи мансуб бўлган конфессия таълимотини дунё бўйлаб ёйишга ҳисса қўшишни муқаддас бурч, деб биладиган алоҳида диндорлар томонидан ташкил этиладиган “хусусий миссия”лар пайдо бўлганини ҳам қайд этиш лозим. Одатда бундай фаол диндорлар маълум мамлакатга келиб у ерда

Ўз номларидаги миссия ва параллел равишда хайрия жамғармаси тузиб, миссионерлик билан шуғулланидилар. Ҳозирда МДХ ҳудудида Канада фуқароси Кеннет Коупленд томонидан ташкил этилган “Кеннет Коупленд”, АҚШлик аёл Жойс Майер тузган “Жойс Майер” миссиялари фаолият юритаётгани фикримизнинг исботи бўла олади.

Халқаро миссионерлик ташкилотлари христианликдан бошқа динлар доирасида ҳам мавжуд. Жумладан, буддавийлик доирасида юзага келган Сока Гаккай, Фогуаншанг ва Вон каби ташкилотларни шу қаторга қўшиш мумкин. Улар ўз миссионерлик фаолиятида асосан адабиётлар тарқатиш ва хайрия тадбирларини ўтказиш амалиётидан фойдаланидилар.

Муайян ҳудудларни эътиқодий таъсир ва таъйик ўтказиш объекти сифатида танлаб олиш ва улар билан мақсадли ишлаш миссионерлик стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Бугунги кунда Марказий Осиё ҳам христиан миссияларининг диққат–эътибори қаратилган ҳудудлардан бирига айланганини алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу ҳудудни ўзлаштириш учун бир қатор режалар ишлаб чиқилган. 2000 йилга бориб дунёдаги черковлар сонини 7 миллионга етказиш кўзда тутилган “Тонг – 2000” дастури доирасида минтақамизда черковлар сонини бир неча баробарга ошириш назарда тутилгани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Миссионерлар ўзлари фаолият олиб борадиган мамлакатга хос хусусиятларни ҳамisha эътиборга олишган. Масалан, ижтимоий мазмунга эга кўплаб тадбирларга “ўз улушларини қўшишга” ва ўзларининг беғаразлигини иддао қилган ҳолда муҳтож оилаларга моддий ёрдам беришга ҳаракат қилишлари ҳам шундай ҳулоса чиқариш имконини беради.

Айни пайтда, миссионерлар ҳудудий ўзига хосликларини инобатга ҳолда фаолият олиб боришга ҳаракат қилишини ҳам таъкидлаш зарур. Чунончи, конкрет вазият ва шароитни инобатга олиб, миссионерлар ўз ҳамкорлари бўлган хорижий халқаро ташкилотлар билан биргаликда “ичимлик

сувининг сифатини яхшилаш”, “экологик вазиятни барқарорлаштириш”, “болалар ва оналар саломатлигини мустаҳкамлаш”, “кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни оқилона ташкил этиш” деган турли шиорлар ва тамойиллар остида иш олиб боришга ҳаракат қилишларини алоҳида қайд этиш лозим.

Миссионерлар макон ва замонга мослашган ҳолда ўз услуб ва воситаларини доимий такомиллаштириб келганлар. Хусусан, сўнги вақтларда улар маълум бир ижтимоий қатламни ажратиб олиб, мақсадли иш олиб боришга интиломқдалар. Жумладан, миссионерлар асосий эътиборни аралаш миллат вакилларида иборат оилаларнинг аъзолари, илгари ҳеч бир динга эътиқод қилмаган, оғир хасталикка, жудоликка, моддий қийинчиликка дуч келган, ахлоқ тузатиш муассасаларидан чиқиб келган, яъни моддий ва маънавий кўмакка муҳтож кишиларга қаратмоқдалар.

Миссионерлар саноат корхоналари жойлашган ҳудудларда ишчилар ва вақтинча ишсизлар ҳамда хусусий тадбиркорлар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор бера бошлаганларини таъкидлаш зарур.

Зиёлиларнинг турли қатламлари ичида санъат соҳаси ходимлари, кутубхоначилар, ўрта мактаб ўқитувчилари, турли идоралар хизматчилари фаол миссионерлик тарғиботи объекти сифатида танланаётганини ҳам қайд этиш лозим. Бундай ёндашувда ўзига хос мантиқ бор. Масалан, прозелит санъаткор санъатнинг ҳиссий–эмоционал таъсир қувватидан фойдаланиб, эътиқодий босим ўтказишда юқори самарадорликка эришиши мумкин бўлса, эътиқодини ўзгартирган кутубхоначида эса “ўлжа” сифатида танланганлар билан яқка тартибда ишлаш имконияти мавжуд бўлади.

Миссионерлар табиатан ишонувчан, ташқи таъсирга мойил бўлган ва айни пайтда, ҳаётда сабр–бардошли ва фидоий бўлиш билан бир қаторда ҳамиша маънавий–руҳий кўмакка, қўллаб–қувватлашга эҳтиёж сезадиган аёлларга ҳам алоҳида эътибор билан қарамоқдалар.

Миллатнинг бирлиги ва жипслиги, мамлакатдаги барқарорлик ва тараққиёт оиладаги яқдиллик ва аҳиллика боғлиқ. Бу прозелит аёлни тарбиялашга интилиш ортида жамиятда беқарорликни келтириб чиқариш, ижтимоий ва миллий тотувлик асосларига раҳна солишдек мақсад–муддаолар ётганини кўрсатади.

Оила – миллат ва мамлакатнинг келажаги бўлган ёшлар тарбияси амалга ошириладиган қутлуғ маскан. Шу нуқтаи назардан қараганда, миссионерларнинг аёлларга бўлган эътибори уларнинг эътиқодини ўзгартириш орқали фарзандлари дунёқарашини ҳам тегишли йўналишда шакллантириш, миллат, жамиятнинг эртанги кунини муайян йўсинга солишга бўлган интилиш билан белгиланишини ҳам таъкидлаш зарур.

Ёшларнинг фаол ижтимоий кучга айланиб бораётгани бугунги кунда уларнинг турли мафкуравий таъсир ва таъйиқларнинг бош объектига айланишига олиб келди. Бунда уларнинг жамиятнинг ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, ташқи таъсирларга тез берилувчан ва айни пайтда, энг ҳаракатчан қатлами экани инобатга олинмоқда.

Миссионерликнинг таниқли назарийчиси П.Джонстоун талаба ёшларни миссионерлик фаолиятининг асосий объекти деб қараб, ўзининг “Дунё операцияси” китобида жумладан, шундай ёзади: “Бутун дунёда университет ва коллежларда 37 миллион талаба таҳсил олади. Уларнинг кўплари 20 йилдан сўнг йирик мансабларни эгаллашади”. Ушбу фикрлар миссионерларнинг жамиятнинг эртанги кунини белгилаб берадиган авлод онгини эгаллаш, назорат қилишни кўзлаб иш юритаётганини англаш имкониятини беради.

“Зарғалдоқ” инқилоблар, турли диний экстремистик ҳаракатлар, террорчилик хуружларининг асосий иштирокчилари ёшлар экани эса юқоридаги каби эътиқодий ва ғоявий таъсир ва таъйиқлар қандай оқибатларга олиб келишини, ўсиб келаётган авлодга хос фаоллик ва социал энергиядан ғайриинсоний мақсадлар йўлида нечоғлиқ усталик билан фойдаланиш мумкинлигини яққол намоиш этади.

Қайд этилган мисоллар ҳам миссионерлик объекти сифатида танланаётган қатламлар доираси мунтазам равишда кенгайиб бораётганини кўрсатади.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ВИЖДОН
ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ**

Кишиларнинг виждон эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқ ва эркинликларининг ка-

фолатлангани, уларга оғишмай амал қилиниши жамиятда бағрикенглик кадриятлари устуворлигини кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади.

Конституциямизда виждон эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга, жумладан, эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгаллиги, дини ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги ҳақидаги қоида уларнинг асосини ташкил этади.

Қайд этилган тамойилларнинг мантиқий давоми сифатида Конституциямизнинг 31–моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”, – деган қоида мустаҳкамлаб қўйилганини ҳам таъкидлаш зарур.

Ушбу қоида, бир томондан, инсоннинг эътиқоди билан боғлиқ ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатласа, иккинчи томондан, унинг танлови давлат томонидан муҳофаза қилинишини эътироф этади. Бошқача айтганда, виждон эркинлиги билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатда ҳам фуқарони у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги фақат хавфсизлик ва жамоат тартиби, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин. Бу, демократиянинг ёрқин белгисидир. Зеро, демократия қонуннинг устуворлигини, ижтимоий барқарорликка

тахдид солувчи ҳаракатларнинг олдини олиш учун амалдаги меъёрий ҳужжатлар доирасида, барча чора–тадбирларни кўришни ҳам англагади.

Бундай шаклдаги чеклашлар халқаро ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси”нинг 29–моддаси 2–бандида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тан олиниши ва ҳурмат қилиниши ҳамда ахлоқ–одоб талабларидан келиб чиқиб, қонунда белгилаб қўйилган тартибда чекланиши мумкинлиги қайд этилган.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт”нинг 18 моддаси 3–бандида ҳам “Дин ёки эътиқодга сиғиниш эрки қонунда белгилаб қўйилган ва жамоат хавфсизлигини сақлаш, тартиб, сиҳат–саломатлик ва ахлоқ–одобни сақлаш учун, айти вақтда бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини сақлаш учун зарур бўлган чеклашларгагина нозил бўлади”,– деган қоида мустаҳкамлаб қўйилганини таъкидлаш зарур.

Конституциямизнинг 61–моддасида виждон эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган яна бир қоида мустаҳкамлаб қўйилган: “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди».

Мазкур қоида қайси конфессияга мансублигидан қатъи назар, диний ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми тенглигини ва уларнинг ҳеч қайсига нисбатан бирон–бир имтиёз ёки чеклашларга йўл қўйилмаслигини белгилайди. Бу, ўз навбатида давлатга турли динларга эътиқод килувчи фуқаролар, ҳар хил диний конфессияга мансуб ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва тотувликни қарор топтириш имконини беради. Бу қонуннинг аҳамияти яна шундаки, у давлатнинг диний ёки даҳрийлик тарғиботида оид фаолиятни қўллаб–қувватламаслигини белгилаб беради.

Шу билан бирга, қайд этилган қоидага кўра, давлат диний ташкилотларнинг соф диний масалалари, ибодат ва

расм–русумларга, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа турдаги фаолиятига аралашмайди, бу уларнинг ички иши ҳисобланади ва давлат назоратидан холи ҳисобланади.

Айни пайтда, диннинг давлатдан ажратилишининг ўзи демократиянинг энг ёрқин намунаси эканини ҳам ёдда тутиш зарур. Бундай ёндашув чуқур мазмунга эга. Зеро, шундай пайтдагина улкан куч–қудратга эга бўлган давлат органларининг диний ташкилотлар ва бирлашмалар фаолиятига аралашшига чек қўйилади.

Аммо, диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилгани диннинг жамиятдан ажратилганини англатмайди. Зеро, дин халқ, жамият маънавиятининг узвий қисми ҳисобланади. И.Каримовнинг қуйидаги сўзларида бу тамойил ўзининг ёрқин ифодасини топган: «Мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм–фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимизни, миллий ўзлгимизни асраб–авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйганмиз». Бундай ёндашув ҳаётий асосга эга бўлиб, у дин соҳасида кечаётган ўзгаришларни холис ва илмий ўрганиш ва шундан келиб чиқиб, ижобий жараёнларни янада ривожлантириш, салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун имконият яратди.

Давлат ўз хавфсизлигини, жамиятдаги барқарорлик, тенглик ва ҳамкорликни таъминлаш учун зарурий ҳуқуқий асосларни яратади ҳамда уларга қатъий риоя этилишини назорат қилади. Мамлакатимиз Конституциясининг 57-моддасида ана шундай ҳуқуқий асослар ўз ифодасини топган. Кенг қамровли ва чуқур мазмунга эга бўлган ушбу моддада конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи диний руҳдаги сиёсий партиялар ҳамда жамоат

бирлашмалари, махфий жамиятлар ва уюшмаларнинг тузилиши ва фаолияти тақиқланган.

Ўзбекистонда кишиларнинг виждон эркинлигини амалда рўёбга чиқариш, диний вазиятни тартибга солиш борасида тизимли ҳаракатлар олиб борилмоқда. Фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида илк қадам сифатида 1991 йилнинг 14 июнида Республика Олий Кенгаши Ўзбекистон тарихида биринчи марта “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди. Ушбу Қонун 1993 йилда киритилган баъзи қўшимча ва ўзгартишлар билан 1998 йилга қадар амалда бўлиб келди.

Қонуннинг ижросини таъминлаш ва тегишли назоратни олиб боришнинг амалий механизми сифатида 1992 йил 7–мартда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилди.

Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида диний эҳтиёжларни қондириш, эркин ибодат қилиш, диний маросимларни нишонлаш, муқаддас жойларни зиёрат қилиш, диний таълим муассасалари фаолиятига кенг йўл очилди. Диний ташкилотлар томонидан йўл қўйилаётган турли суиистеъмолликларга маълум даражада чек қўйилди.

Шундай бўлсада, асрлар давомида ҳанафий мазҳабига эргашиб келган халқимизни чалғитиш, аҳоли орасида ақидапарастлик ва мутаассибликка асосланган қарашларни тарқатишга уринишлар содир бўлди. Натижада, диндорлар орасида келишмовчиликлар пайдо бўла бошлади. Диний экстремистлар таъсирига тушиб қолган баъзи фуқаролар томонидан бир қатор оғир жиноятлар содир этилди. Яратилган имкониятларни суиистеъмол қилган айрим ноисломий диний ташкилотлар томонидан миссионерлик ҳаракатларини олиб боришга уринишлар кўпайиб борди.

Қайд этилган ва бошқа бир қатор омилар “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунни диний соҳада юзага келган долзарб вазифаларни ҳал қилиш,

мамлакатда тинчлик–тотувлик, хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан келиб чиқиб қайта кўриб чиқишни ҳамда виждон эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқлар доирасини янада аниқ қилиб белгилашни тақозо қилди. Шу мақсадда 1998 йил 1 майда Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни янги тахрирда қабул қилинди.

Янги тахрирдаги Қонун кишиларнинг виждон эркинлигини ҳуқуқий кафолатлашга диний ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда давлат ва дин муносабатларини тартибга солишга хизмат қиладиган муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Қонунда Конституциямизда белгиланган виждон эркинлиги билан боғлиқ қоидалар ва тамойиллар янада конкретлаштирилди. Хусусан, ўша пайтда хорижлик фуқароларнинг диний ташкилотларга раҳбарлик қилиши кенг тарқала бошлаган эди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Қонунда тегишли диний маълумотга эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари уларга раҳбарлик қилиши, диний ташкилотлар раҳбарлигига Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахсларнинг номзоди эса Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олинishi зарурлиги ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, бу даврда юртимизда диний фаолият билан шуғулланган кўплаб хорижлик фуқаролар яратиб берилган имкониятлардан очикдан–очик миссионерлик мақсадида фойдалана бошлаган эдилар. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун Қонуннинг янги тахририда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланишлари билан бир қаторда амалдаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишлари белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, Қонуннинг янги тахририда, аввалги матндан фарқли равишда фақат диний ташкилотларнинг

марказий бошқарув органлари томонидан тузиладиган муассасаларда диний таълим берилиши мумкинлиги, диний мазмундаги адабиёт, аудио ва видео маҳсулотлари Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмига экспертизаси асосида тайёрланиши ва тарқатилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонунда кўрсатилмаган баъзи ҳолатлар юз берган тақдирда аҳолининг конституциявий ҳуқуқларига оғишмай риоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши билан 1998 йил август ойида Адлия вазири бошчилигида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг амалга татбиқ қилиниши мониторингини олиб борувчи махсус ҳайъат тузилди.

Шундай қилиб, Қонун талабларини амалга ошириш жараёнида юзага келган айрим масалалар ҳам одилона ҳал этилди. Масалан, баъзи диний жамоалар қонунда белгиланганидек, юз кишилиқ ташаббускорлар гуруҳини ташкил эта олмасликлари маълум бўлиб қолганда махсус ҳайъат қарорига кўра, бу муаммолар ўз ечимини топди.

Юртимизда том маънодаги виждон эркинлигини таъминлаш учун яратилган ва яратилаётган ҳуқуқий асослар ҳақида гап кетар экан, ўтган йиллар мобайнида юртимизда дин соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинганини ҳам қайд этиш лозим. Улар қаторида 2003 йил 22 августда қабул қилинган “Дин соҳасидаги маънавий–маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 364–сонли Қарори ўзига хос ўринга эга. Унга кўра, Тошкент ислом институти ва ўрта махсус ислом билим юртралида жорий этилган таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда талабаларнинг қабул қилинган

давлат меъёрларига мувофиқ диний ва дунёвий билимлар олаётганини инобатга олиб, мазкур ўқув юртларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим хужжати сифатида эътироф этилди. Шундай хужжат (диплом)ларга эга бўлган шахсларга давлат олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилди.

Ушбу далиллар ҳам фуқароларнинг виждон эркинликларини демократик тамойиллар асосида тўлиқ кафолатлаш борасидаги ишлар изчил амалга ошириб келинаётганини ва бунинг натижасида барча диний конфессиялар вакилларининг эмин–эркин эътиқод қилишлари учун етарли шарт–шароитлар яратилганини кўрсатади.

**НОҚОНУНИЙ ДИНИЙ ХАТТИ
ХАРАКАТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

Мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг у билан боғлиқ ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш соҳасида яхлит тизим яратилган. “Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари, Ўзбекистон имзолаган халқаро шартномалар қайд этилган қоидаларни ўзида мужассам этган ҳуқуқий хужжатлар бу тизимнинг асосини ташкил этади. Улар воқелик ўзгаришига мос равишда такомиллаштириб борилаётганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши ва унинг амалда қатъий қўлланишини таъминлаш заруратидан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”га хусусан, ноқонуний диний хатти–ҳаракатларнинг олдини олиш билан боғлиқ бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади. Жумладан:

– диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш;

– диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш;

– Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталар фаолиятида катнашишга ундаш;

– нолегал диний фаолият билан шуғулланиш;

– диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши;

– диндорлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғарақлар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш;

– бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти;

– махсус диний маълумоти бўлмайд туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилганда белгиланган энг кам иш ҳақининг тегишли миқдоридаги жарима солинишига ёки белгиланган муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлиши ҳақидаги қоидалар мустаҳкамлаб қўйилганини таъкидлаш зарур.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, муайян ҳолларда биринчи марта қонунни бузган шахс ёки ташкилотга маъмурий жазо қўлланилади. Агарда ўша шахс ёки ташкилот шундан кейин ҳам қонунни бузишда давом этса, унга энди жиноят кодексидаги чоралар қўлланилади. Масалан, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси” нормаларига кўра, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”нинг юқорида қайд этилган бандларидаги ҳаракатлар маъмурий жазо қўллангандан кейин яна содир этилса, бу “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”да белгиланганидан кўра оғирроқ жазолар қўлланишига олиб келади.

Шу билан бирга, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси”да “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”да назарда тутилмаган бир қатор ҳаракатлар учун ҳам жазолар белгиланганини қайд этиш зарур. Жумладан:

– вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш;

– вояга етмаган болаларни уларнинг ихтиёрига, ота–оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш;

– диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш;

– диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм–русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш;

– ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш;

– ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки ташкилотлари фаолиятида фаол қатнашиш билан боғлиқ ҳаракатлар белгиланган энг кам иш ҳақининг тегишли миқдорида жарима солинишига ёки белгиланган муддатга ахлоқ тузатиш ишлари, ёки қамок ёҳуд озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан ҳам “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси”даги чоралар, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”дагидан анча жиддийроқ мазмун касб этганини, ғайриқонуний ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қиладиган зарурий ҳуқуқий асослар яратилганини англаб этиш мумкин.

Шу билан бирга, мамлакатимиздаги барқарор ижтимоий–иқтисодий вазият, олиб борилаётган кучли

ва тизимли ижтимоий муҳофаза сиёсати, миллий ғоя концепциясининг ишлаб чиқилгани ва унга асосланган ҳолда олиб борилаётган мафкуравий тарбия ва маънавий–маърифий тарғибот ишлари, халқимизнинг ўз эътиқодида мустаҳкамлиги миссионерлик ҳаракатлари йўлида жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилаётганини ҳам таъкидлаш зарур.

Бизга қўшни бўлган айрим давлатлардан фарқли равишда, жумладан, меҳрибонлик уйлари давлат қармоғида ва ҳимоясида экани, ёш авлодни жисмонан бақувват ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш йўлида олиб борилаётган тизимли ишлар ҳам бундай ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Бундай ҳаракатлар Конституциямизнинг 64–моддасида мустаҳкамлаб қўйилган давлат ва жамият етим болаларни ва ота–оналарининг васийлигидан махрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, деган қоидаларнинг ҳаётий–амалий ифодасидир.

Аmmo миссионерлар ўз ишларини мамлакатимиздаги вазиятга мослашган ҳолда ташкил қилишга уринаётганликларини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Жумладан, айрим христиан диний ташкилотларида ибодатларни ўзбек ва бошқа маҳаллий тилларда олиб бориш, ўзбек тилида “Библия” ўқиш дарслари ташкил қилиш йўлидаги ҳаракатларни давом эттиришга уринмоқдалар.

Қайд этилган ҳолатлар, ноқонуний хатти–ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган ишларни янада изчил давом эттириш зарурлигини кўрсатиши баробарида, қонунларимизда белгилаб қўйилган қоидаларга риоя қилинишини таъминлаш ҳар биримизга боғлиқлигини, барчамиздан огоҳлик ва хушёрликни, лоқайдлик ва бефарқликка йўл қўймасликни талаб этишини ёдда тутиш лозим. Ана шундагина дин байроғи остида юзага келаётган турли салбий ҳодисаларнинг олдини олинадиган, диний бағрикенглик барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг муҳим омили сифатида намоён бўлади.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Бағрикенглик ва диний бағрикенглик деганда нимани тушунаси?
2. Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг моҳияти ва ижтимоий аҳамияти нимада?
3. Диний мутаассиблик ва экстремизмнинг қандай умумий ва ўзига хос жиҳатларини ажратиш мумкин?
4. Миссионерларнинг фаолият услублари ҳақида нималарни биласиз?

Мустақил иш топшириқлари

1. Виждон эркинлигининг халқаро ҳужжатларда акс этиши ҳақида маълумот тўпланг ва курсдошларингизга айтиб беринг.
2. Бағрикенглик тушунчасининг турли талқинлари ҳақида реферат тайёрланг.
3. “Диний жамоа” ва “диний ташкилот” тушунчалари ўртасидаги фарқни ажратиб беринг.
4. “Конфессиялараро ҳамжиҳатлик – барқарорлик гарови” мавзусида кўргазмани слайд тайёрланг (MS Power Point).

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
2. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 19–том. –Т., Адолат, 1998.
3. Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолат-

- лари // Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Туркистон пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар // Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7–том. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
 6. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир – А.Ачилдиев. – Т., 2007.
 7. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга юз жавоб) / Ачилдиев А. ва бошқалар. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт–матбаа бирлашмаси, 2007.
 8. Ислом ва ҳозирги замон / Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир Ш.Ёвқочев. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт–матбаа бирлашмаси, 2010.
 9. Ўзбекистонда дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт–матбаа бирлашмаси, 2009.
 10. Ҳасанов А. Диний бағрикенглик. Ўзбекистон – анъанавий диний бағрикенглик ўлкаси // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби / Масъул муҳаррир Р.В.Абдуллаев. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт–матбаа бирлашмаси, 2009.
 11. Хуснидинов З. ва бошқалар. Жаҳолатга қарши маърифат – тинчлик ва барқарорлик омили. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт–матбаа бирлашмаси, 2003.
 12. Хуснидинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. Т.: ТИУ, 2006.

12–МАВЗУ. ЗАМОНАВИЙ ДИНИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА ЯНГИ ДИНИЙ ОҚИМЛАР

Режа:

1. Конфессия тушунчасининг мазмун–моҳияти
2. Дунёдаги конфессионал ўзгаришларнинг сабаблари
3. Дунёнинг бугунги кундаги конфессионал манзараси
4. Ўзбекистон Республикасидаги конфессиялараро муносабатлар
5. Христианлик доирасида юзага келган ноанъанавий оқимлар
6. Ислом дини доирасида юзадаги диний ҳаракат ва оқимлар
7. Ҳиндуийлик замирида юзага келган оқимлар.

Таянч тушунчалар:

Дин, Конфессия, Секта, Диний ташиқлот, Миссионерлик, Харизматика, Христианлик, Ислом, Буддавийлик, Ҳиндуийлик, Хитой динлари, Ўзбекистондаги диний конфессиялар, Диний ташиқлот, Мормонлар, Кришинани англаш жамияти, Иегово шоҳидлари, Баҳойлик, Бобийлик, Ноанъанавий дини оқим, Аҳмадия

Мавзу ўқув мақсади:

Конфессия, секта тушунчаларининг мазмун–моҳияти, бугунги кунда дунёнинг конфессионал харитасида бўлаётган ўзгаришлар, динларнинг географиясидаги янги тенденциялар ва уларни келтириб чиқараётган омиллар ҳақида талабаларда кенг тасаввур ҳосил қилиши.

XIX–XX асрларда йирик динлар доирасида юзага келган диний ташиқлотлар, уларнинг эътиқоди ва фаолияти, жамиятга таъсири ҳақида талабаларда кенг тасаввур ҳосил қилиши.

КОНФЕССИЯ ТУШУНЧАСИ- НИНГ МАЗМУН–МОҲИАТИ

“Конфессия” сўзи
(лотинча – “confessio”)

Ўзбек тилига айнан таржима қилинганда “эътиқод қилиш”, деган маънони англатади. Умуман олганда, диний конфессия деганда муайян диний таълимот доирасида шаклланган ва ўзига хос хусусиятларга эга эътиқод ва ушбу эътиқодга эргашувчилар жамоаси тушунилади. Бир дин доирасида юзага келган бўлса–да, ақидалар борасида фарқланадиган жамоалар ҳам диний конфессиялар жумласига киради.

Шуни инобатга олган ҳолда, мутахассислар ҳозирги кунда дунёда тахминан 1000 дан ортиқ диний конфессиялар мавжуд, деб ҳисоблайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ислом динида бундай ҳолат кузатилмайди. Ҳеч қайси мамлакатда ханафий мазҳаби алоҳида, бошқа мазҳаблар алоҳида конфессия сифатида рўйхатдан ўтмайди. Масалан, Ўзбекистонда ҳам бир неча шиа жамоалари бўлишига қарамай, улар ўзларини алоҳида диний конфессия ҳисобламайдилар.

Дин жамият ҳаётининг таркибий қисми сифатида кишиларнинг ижтимоийлашувига, уларнинг турмуш тарзини ташкил этиш ва тартибга солишга хизмат қилувчи меъёрий омиллардан бири бўлиб келган. Диннинг бундай роли унинг тарихан шаклланган ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Чунки, дин, биринчидан, умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уларни ҳамма учун мажбурий хулқ–атвор қоидаларига айлантирган; иккинчидан, одамларнинг баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган; учинчидан, одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган ҳамда ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган; тўртинчидан, умуминсоний ва маънавий кадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан–авлодга етказишга ёрдам берган ва шу йўл билан маданият ривожига катта таъсир кўрсатган.

Бугунги кунда динга бўлган қизиқишнинг кучайиб бориши глобаллашув жараёнларининг ўзига хос инъикоси дейиш мумкин. Зеро, глобаллашув дунёни бир бутун ва

яхлит қила бориши билан бир қаторда, унинг ҳосиласи сифатида алоҳида олинган миллат ва жамиятлар даражасида ўз-ўзини англашга бўлган интилишнинг чуқурлашувига ҳам замин яратмоқда. Бу жараёнлар ўз навбатида инсон маънавиятининг узвий қисми бўлган диннинг моҳиятини тушуниш, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини англашга бўлган эътиборнинг кучайишини келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга, динга бўлган қизиқишнинг кучайиши бугунги кунда кишилик жамияти олдида турган муаммолар, инсоннинг уларни ҳал қилиш йўллари ҳақидаги ўй-изланишлари, дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлигини таъминлаган ҳолда бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топишга интилиши билан боғлиқ эканини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

ДУНЁДАГИ КОНФЕССИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

Дунёнинг диний манзараси қотиб қолган, ўзгармас бир ҳодиса эмас.

Хусусан, мазкур манзара йилдан-йилга ўзгариб бораётгани, мавжуд динлар ўзларининг анъанавий ареаллари доирасидан чиқиб бораётганларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Сўнгги тадқиқотларга кўра, 2013 йил ҳолатига динларнинг эътиқод қилувчилари сони қуйидаги кўринишга эга.

№	Конфессия	Издошлари сони	Ер юзи умумий аҳолисига нисбатан фоз кўрсаткичи
1	Христианлик	2,038,905,000	32%
а)	<i>Католиклар</i>	1,076,951,000	—
б)	<i>Протестантлар</i>	349,792,000	—
в)	<i>Православлар</i>	217,522,000	—
г)	<i>Англиканлар</i>	81,663,000	—
д)	<i>Бошқа йўналишлар</i>	537,135,000	—
2	Ислом	1,226,403,000	21%

3	Ҳиндуййлик	828,130,000	13,26 %
4	Анъанавий Хитой динлари	389,543,000	6%
5	Буддавийлик	364,014,000	5,84 %
6	Сикхийлик	23,821,000	0,35
7	Яхудийлик	14,535,000	0,23
8	Баҳойлик	6, 000,000	0,12

Бугунги кундаги ўзгаришлар ҳақида сўз кетар экан куйидагиларни алоҳида қайд этиш лозим. Энг аввало, шаклланган динлар доирасида муайян ўзига хосликларга эга бўлган янги йўналиш ва секталарнинг пайдо бўлиши давом этмоқда. Масалан, мутахассислар маълумотларига кўра, XX асрнинг иккинчи ярмида христианлик, буддавийлик, ислом ва бошқа динлар доирасида юзлаб секталар пайдо бўлган. Бу шундай жараёнлар келажакда давом этиши мумкинлигини тахмин қилиш имконини беради.

Секта сўзи, энг умумий маънода, муайян диний, сиёсий ёки фалсафий қарашларга эргашувчилар гуруҳини англатади. Диний секта деганда маълум бир диндаги расмий ақидаларга зид равишда ажралиб чиққан ёки мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳлар тушунилади. Бугунги кунда ҳар иккала йўналишга мансуб бўлган кўплаб секталар фаолият кўрсатмоқда. Мутахассислар уларнинг сонини тахминан 5000 атрофида, деб баҳолайдилар.

**ДУНЁНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ
КОНФЕССИОНАЛ МАНЗАРАСИ**

Замонавий воқе-лик диний–экстремистик хара к т е р д а г и

секталарнинг инсон онги ва қалби учун кураш йўлидаги фаолиятининг жонланиши кузатилаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, маълумотларга кўра, бизга қўшни бўлган давлатларда “Богородичий центр”, “Церковь объединения”, “Церковь Иисуса”, “Церковь Нового Завета”, “Белое

братство”, “Божественный орден Первого Ангела” каби ўнлаб диний секталар ноқонуний равишда фаолият олиб бормоқда. “Сатанизм” деб аталадиган секта ҳам кенг тарқалган. Айрим маълумотларга кўра, ўта хавфли бўлган бу сектанинг Россияда 100 минг, Ер юзида 5 миллиондан ортиқ тарафдорлари бор.

Улар аҳолининг диний билимлари пастлигидан фойдаланиб, охиратнинг яқинлиги билан кўрқитиш ҳамда асосан ёшлар ва моддий аҳволи ночор бўлганлар ичида иш олиб бориш йўли билан ўз тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай секталарга асос солган “авлиё”лар ўз издошларини алдаш йўли билан уларнинг мол–мулкларига эгалик қилишга уринмоқдалар.

Яширин фаолият олиб бориши, секта ичида бўлаётган воқеаларнинг кўпчиликка маълум бўлиб қолмаслигининг қаттиқ назорат қилиниши, улар фаолиятдан жамоатчиликнинг беҳабар қолишини келтириб чиқармоқда.

Угандадаги “Охират куни” сектаси бошлиқларининг фаолияти бунга мисол бўлади. Охиратни 1999 йилнинг 31 декабрига “белгилаган” ушбу секта раҳбарлари ўз тарафдорларини мол–мулкларини сотиш, тушган маблағни уларга беришга ва шу йўл билан гуноҳлардан фориғ бўлишга чақирган. Қиёматнинг 2001 йил 1 январга “кўчирилиши” секта раҳбарларига нисбатан шубҳа уйғонишига олиб келган. Шундан сўнг раҳбарлар Канунгу қишлоғида 500 дан ортиқ ўз тарафдорларини алдаб бир жойга тўплаб, устларидан ёпиб бинога ўт қўйиб юборишган. Оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, тезкор тадбирларни ўтказган полиция яна тўрт жойда оммавий қабрларни топган. Умуман бу сектанинг қурбонлари 1000 ортиқ бўлгани қайд қилинган.

Ижтимоий–иқтисодий муаммоларнинг кескинлашиб кетиши, очлик, фуқаролар урушлари, оммавий эпидемиялар, спиднинг тарқалиши юқоридаги каби секталарнинг кенг ёйилишига олиб келмоқда.

Умуман олганда, бундай секталарнинг барчаси инсоннинг ожизлиги, маънавий ва жисмоний камолотга

эришишга бўлган интилиши, кишилар ҳаётда дуч келадиган кийинчиликлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида шахсий бойлик орттириш ниятида фойдаланадилар.

Мавжуд диний таълимотлар, улардаги муайян қоидаларни давр талабига мослаштириш, бошқача айтганда, модернизация қилиш жараёни ҳам давом этмоқда. Масалан, христианлар амалга оширган инквизиция ва салб юришлари хато бўлганини тан олиб, Рим Папаси ҳатто, расман кечирим ҳам сўради. 1992 йилда Папа Иоанн Павел II ўз пайтида Ернинг Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги қарашларни ёқлагани учун черков трибунали томонидан тавба қилдирилиб, ўз қарашларидан воз кечишга мажбур қилинган Галилео Галилейнинг ҳақ бўлганини тан олиб, барчадан узр сўрагани ҳам бунга мисол бўла олади.

Шунингдек, мавжуд динларнинг тарқалиш ҳудудида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганини таъкидлаш зарур. Масалан, ўтган асрда асосан христианлар яшаб келган Европада бугунги кунда 20–25 миллион атрофида мусулмонлар истиқомат қилмоқдалар. Жумладан, Буюк Британияда – 3 миллион, Германияда – 5 миллион, Францияда – 6–7 миллион исломга эътиқод қилувчи фуқаролар яшамоқда. Тадқиқотчилар фикрига кўра, ҳозирда айнан ислом эътиқодчилари сони энг тез кўпайиб бораётган дин ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, исломнинг йиллик ўсиш суръати 6,4 фоизни ташкил этиб, 1989 йилдан 2011 йилга қадар мусулмон аҳоли сони Шимолий Америкада – 25, Африкада – 2,15, Осиёда – 12,57, Европада – 142,35, Австралия ва Океанияда – 257,01 фоизга кўпайган. Фақат Лотин Америкасида исломга эътиқод қилувчилар улуши 4,73 фоизга камайган.

Бундай ўзгаришлар, бир томондан, глобаллашув келтириб чиқараётган одамлар миграцияси натижасида, иккинчи томондан, кишиларнинг буддавийлик, кўпгина ҳолларда ва асосан исломни онгли тарзда қабул қилиши билан боғлиқ.

Шунингдек, аҳолиси анъанавий равишда буддавийлик ва исломга эътиқод қилиб келган ўлкаларда христианликни

ёйишга интилиш кузатилмоқда. БМТ маълумотларига кўра христианликнинг ўсиш кўрсаткичи йилига 1,46 фоизни ташкил қилади. Мазкур жараён айрим христиан ташкилотлари ва йўналишларининг фаол миссионерлик ҳаракати натижасида содир бўлмоқда.

Қайд этилган мулоҳазалар бугунги кунда ҳам дунёнинг диний манзарасида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганидан далолат беради. Диний конфессиялар манзараси ранг–баранглигини Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтиб фаолият юритаётган диний конфессиялар мисолида ҳам кўриш мумкин. Христианликка мансуб бўлса–да, юртимиздаги 11 та йўналишнинг ҳар бири ўзини алоҳида диний конфессия, деб ҳисоблаши фикримизнинг исботи бўла олади.

Ноанъанавий диний ташкилот ёки оқим деганда бир минтақа, ҳудуд аҳолиси учун бегона бўлган, муайян тарихий шароит ёки ижтимоий вазият сабабли ўша ерга кириб келган ёки киришга ҳаракат қиладиган динлар тушунилади.

ХРИСТИАНЛИК ДОИРАСИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ОҚИМЛАР

XIX аср
ўргалари XX аср
бошларига келиб

Европа, Америка ва Осиё китъаларида “пайгамбарлик” ва “армагеддонизм” эпидемиялари авж олди. АҚШда 1840 йилларда “миллеризм” номи остида пайдо бўлган ҳаракат тез орада бошқа ҳудудларга ҳам тарқалди. Натижада, аксарият йирик динлар доирасида янги, “ислоҳотчи” оқимлар юзага келди.

Улардан, христианлик доирасида “Иегово шоҳидлари” ва “Мормонлар”ни, ислом дини доирасида “Баҳоийлар”, “Аҳмадийлар” ва “Қора мусулмонлар”ни, ҳиндуийлик доирасида “Халқаро Кришнани англаш жамияти”ни санаш мумкин.

Иегово шоҳидлари (ёки Яхве гувоҳлари) йўналишига 1873 йилда Чарльз Тейз Рассел (1852–1916) томонидан асос солинган. Йўналишнинг диний таълимоти унинг етти томлик “Муқаддас Ёзувни ўрганиш” китобига асосланади.

Ч.Рассел вафотидан кейин ташкилотга раҳбарлик қилган Иосиф (Джозеф) Франклин Рузерфорд иеговочиликка

“армагеддон” (яъни, гўёки, охирзамонда Исо бошчилигидаги иеговочилар ва Шайтон бошчилигидаги жинлар кўшини ўртасида бўлиб ўтадиган жанг) тушунчасини киритди. Шунингдек, у ҳар йили иеговочиларнинг халқаро конференцияларини ўтказишни, 50 га яқин китоб муаллифи сифатида тарғибот ишларида радио ва грамма–пластинкалардан фойдаланишни йўлга қўйди.

“Иегово шоҳидлари” Учлик ҳақидаги ақидани рад этишади, лекин бошқа йўналишлар каби унинг барча кўринишларини изоҳлашади. Улар худонинг ўз шахсий исми бор, бу исм “Иегово” дир ва у барча нарсаларнинг асоси ва яратувчиси, деб ҳисоблайдилар.

Иеговочилар Исо Худонинг Ўғли бўлган деб эътиқод қилса–да, унинг Худо бўлганини инкор қилишади. Уларнинг таълимотига кўра, Исо Иегово томонидан яратилган ягона инсондир, қолган барча инсонлар Масих орқали яратилган. Муқаддас Рух – Худонинг кўринмас кучи бўлиб, у дунё яратилишида қатнашган. Исо Голгофа тоғида хочга эмас, балки устунга миҳланган деб ҳисоблаганлари сабабли бу рамз ишлатилмайди.

Иегово бутун инсоният тарихида 144 минг кишини танлаб олган, улар ўлгандан сўнг тўғридан–тўғри тирилади ва осмон подшоҳлигига ўтиб кетишади. Ҳозирги кунда ўша танланган 144 минг киши, яъни “кичик пода”дан (имони мустаҳкам ва дин йўлида кўп хизмат қилган) 11 мингтаси тирик, деб эътиқод қилинади. Қолган имондилар, яъни Иегово шоҳидларига қўшилган “кўйлар”га (оддий диндорлар) Ер юзида абадий жаннатда яшашлари ваъда қилинади.

“Иегово шоҳидлари” фақатгина Исо Масих ўлимини эслаш кечалари билан боғлиқ байрамни нишонлайдилар. Шу куни жамоа аъзолари қариндош ва танишларини уйларига таклиф қилишади. Дастурхонда Исонинг тана ва қонининг ифодаси деб билинадиган ҳамиртуруишсиз нон ва қизил, қуруқ вино бўлиши шарт.

“Иегово шоҳидлари” диний ташкилоти қатъий марказлашган характерга эга. Унинг диний–маъмурий маркази – Бошқарув корпорацияси ҳисобланади. У 15

кишидан иборат бўлиб, Бруклинда (АҚШ, Нью-Йорк) жойлашган. Бошқарув корпорациясининг 90 дан ортик филиаллари дунёнинг турли мамлакатларида тарғибот ишларини олиб боради. Христианликнинг кўзга кўринган вакиллари иеговочиларнинг христианлик билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ, деган фикрдалар.

Марказий Осиёда “Иегово шоҳидлари” диний ташкилотининг биринчи жамиятлари 1950 йилларда пайдо бўлган ва норасмий равишда фаолият кўрсатиб келган. Бугунги кунда республикамызда “Иегово шоҳидлари”нинг 1 та ташкилоти расман рўйхатга олинган.

“Иегово шоҳидлари” миссионерликка катта эътибор беради. Жамоа пайдо бўлган даврдан бошлаб, асосан уйма-уй юриш ва адабиётлар тарқатиш билан ўз издошларини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Айрим маълумотларга кўра, ҳозирги кунда иеговочи миссионерларнинг сони 700 мингдан ортик кишини ташкил этади. Жамоа раҳбарияти томонидан миссионерларни тайёрлаш ишларига катта аҳамият берилади. АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида, жамоанинг бош офиси билан бир жойда “Галаад” номли миссионерлар тайёрлаш маркази мавжуд. Ушбу марказда ташкил этилган беш ойлик курсларда бутун дунёдан келган миссионерлар таҳсил олишади.

Миссионерлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ва адабиётларни нашр этиш учун “Кўриқчи минора”, “Библия” ва “Рисолалар жамияти” тузилган. Ушбу жамият корпорация деб аталиб, бош қароргоҳи ташкилот асосий биноси билан бир жойда, АҚШнинг Бруклин шаҳрида жойлашган. Корпорацияни етти директордан иборат бошқарув кенгаши бошқаради ва улар корпорация президентини сайлайдилар.

Ҳозирги кунда “Иегово шоҳидлари” 230 дан ортик мамлакатда фаолият олиб боради ва дунё бўйича 111 та минтақавий ваколатхоналарга эга.

Иеговочилар миссионерликни ўзига хос тарзда ва тизимли ташкил этганлар. Мутахассислар фикрича, “Иегово

шоҳидлари” ўз тарафдорларини шакллантиришда жалб этишнинг 80 дан ортиқ усулидан фойдаланадилар. Жумладан, улар ўз даъватчиларининг овоз оҳангларида тинчлантириш ва меҳр туйғулари бўлишига алоҳида эътибор берадилар.

Иеговочилар миссионерликни:

– ўз қарашларига заррача бўлса ҳам қизиқиш билдирган одамларни қидириб топиш ва сўнг уларни таълимотни қабул қилишга тайёрлаш;

– даъват қилинаётган одамнинг онгига “Библия” курслари ва унинг матнини ўрганиш орқали диний таълимотни сингдириш;

– прозелитларни сув билан чўқинтириш;

– уларни миссионерлик фаолиятига тайёрлаш каби тўрт босқичда амалга оширадилар.

Иеговочиликнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шуки, унда ҳар бир аъзо миссионерлик фаолиятида қатнашиши шарт. Жумладан, жамоа раҳбарияти томонидан ҳар бир аъзо ойига 10 соатдан 150 соатгача миссионерлик фаолиятига сарфлашлари талаб қилинади. Жамоа аъзолари қанча кўп вақтларини миссионерликка сарфлаганларига қараб ташкилот иерархиясида кўтарилиб боради. Сўнгги пайтларда иеговочилар мактаб ўқувчилари ва ёшлар орасида тарғибот ишларини олиб боришга интилиш кучли намоён бўлаётганини таъкидлаш зарур. Ана шундай мақсадли фаолият натижасида иеговочилар сони йилдан–йилга ортиб бормоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозирда иеговочилар сони дунё бўйича қарийб 7 миллионни ташкил этади. Уларнинг бош ташкилоти томонидан адабиётлар нашр этиш, черковлар фаолиятини таъминлашга кетадиган сарф–харажатлардан ташқари миссионерларнинг кундалик харажатларига йилига 100 миллион АҚШ долларига яқин маблағ сарфланади.

Мормонлар. Мазкур оқимга 1830 йили Нью-Йорк (АҚШ) шаҳрида Жозеф Смит (1805–1844) исмли шахс томонидан асос солинган.

Смит 1823 йилда Вермонт шаҳридаги Шерон ўрмонида камбағал ва бечора тарафдорларига Морони номли бир

фариштанинг ўзига ваҳий олиб келганини даъво қилади. Унга кўра Морони, Смитга Нью-Йоркдаги Кумора тепалигига кўмилган, қадимги Миср тилида ёзилган олтин лавҳлар ва уларни таржима қилиш учун Урим ва Тхуммин тошларини келтириб берган.

Жозеф Смит матнларни ўқигани ва фаришта ёрдамида таржима қилганини эълон қилади ва уни нашр эттиради. Шундай қилиб, 1830 йилда “Мормон китоби” босиб чиқарилган. Китобдаги буйруққа биноан янги бир черков қурилган. Бу черков, “Исо Масихнинг охириги кун азизлари черкови” деб номланган. Унинг тарафдорлари эса шундан сўнг “Мормонлар” дейила бошланган.

Мормонлар эътиқодига кўра, америкаликлар исроил кабилаларидан келиб чиққан ва қизил оқ танлилардан ташкил топган. Исо тирилганидан кейин оқ танлилар орасида фаолият олиб борган, лекин унинг черкови қизил танлилар томонидан вайрон қилинган. Охириги октанлилар XV асрда яшаган Мормон билан унинг ўғли Моронидир. Лавҳларни ана ўшалар кўмган ва уларни Смит топиб олган.

Смит 1831 йилда янги Қуддуснинг Киртландда (Огайо шатати, АҚШ) қурилишига доир ваҳий олганини айтган. Тарафдорлар сонини орттириш мақсадида мормонлар фаол равишда миссионерлик билан шуғулланганлар.

Сиқувга олинган Мормонлар, Киртландни ташлаб Миссурига; у ерда ҳам айна холга дуч келгач эса Иллиноисга кўчишга мажбур бўлишади. 1840 йилда ботқоқзор ўрнида Наву шахрини қуриб ўз марказларини шу ерда ташкил этадилар.

Омадли кечган бир–икки йилдан кейин Смит “Мормон китоби”да акси ёзилган бўлишига қарамасдан, янги бир “ваҳий”га асосланиб, кўпхотинлиликни тарғиб қилган ва ўзи бу ишни бошлаб берган. Унинг бу фикрига жиддий қаршилиқлар бўлган, натижада Смит укаси ва тарафдорлари билан қамоқхонага ташланган. Қисқа бир муддатдан кейин улар маҳбуслар томонидан ўлдирилган.

Смитдан кейин мормонларга Брижман Янг бошчилик қилди. У ўлими ортидан 178 та хотин ва 49 та болани қолдириб

кетди. Мормонлар Ютада “Буюк туз кўли” қирғоғида, “Туз кўли шаҳри” ҳозирги Солт Лейк Сити шаҳрини қурганлар. Улар бу ерда жуда ҳам кучайиб кетганлар ва улкан мормон ибодатхонасини барпо этишган.

“Исо Масихнинг охирги кун азизлари” сифатида ўзларига баҳо берувчи мормонларнинг эътиқод асослари Ж.Смит томонидан тартибга солинган. Черков бошлиғи “раис” деб номланади.

Мормонлар Ота–Худо, Исо Масих ва Муқаддас Рух билан боғлиқ эътиқодни тан оладилар. Уларга кўра, Инжил Худонинг сўзидир, уни, хато қилмаслик шарти билан таржима қилиш мумкин. Мормон китоби ҳам Худонинг сўзидир. Исо Масихнинг қайта тирилиш жойи Америка қитъасидир. Янги Қуддус Америкада курилади; шахсан Исонинг ўзи уни бошқаради, дунё янгиланади ва худди жаннатдек кўриниш олади. Исо минг йиллик салтанат куради ва унга имон келтирганлар, ёрдамчи бўлган (мормон) лар нажот топадилар.

Улар чўқинтиришда сувга бўктириш усулини қабул қилганлар. Улуғликда олдинга силжишни ва ҳатто, илоҳийликкача юксалишни эътироф қиладилар. Эътиқод асослари орасида жой олган кўп хотинга уйланиш 1895 йилда В.Вудрафт томонидан бекор қилинган. Причащение яъни “Покланиш” маросими, сигарет ва ароқ ҳаром бўлгани сабабли фақатгина нон ва сув билан амалга оширилади.

Мормонлар миссионерлик фаолиятини олиб борадилар ва ушбу фаолият бутун дунёга тарқалганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Мормонлар наздида ҳар бир аъзо икки йил миссионерлик қилиши керак. Миссионерлик фаолияти бугунги кунда 4000 дан ортиқ аёл ва эркак мормон томонидан олиб борилмоқда. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади ва улар ўз ҳаётларини миссионерлик учун бағишлаган.

Бугунги кунда мормонлар дунёнинг 160 мамлақатида фаолият олиб бориб, тахминан 30 минг черков ва 12 миллион издошларига эга. Расмий христианлик мормонларни “адашган оқим” сифатида эътироф этади.

**ИСЛОМ ДИНИ ДОИРАСИДА
ЮЗАГА КЕЛГАН ОҚИМЛАР**

Баҳойлик – XIX
асрда Эронда
бобийлик йўналиши

замирида вужудга келган диний йўналиш. Шерозлик Сайид Али Муҳаммад (1819–1850) 1844 йилда Боб (арабча “эшик”), яъни янги даврга “эшик” номини олиб, яқин орада “Худо элчиси”нинг намоён бўлиши, кишиларга янги даврнинг асосий қонунлари ва низомларини инъом этишини тарғиб қила бошлаган.

Бобнинг йирик издошларидан бири Мирза Хусайн Али Нурий (1817–1892) 1863 йилда Боб башорат этиб кетган худонинг элчиси унинг ўзи эканини эълон қилади ва Баҳоуллох, яъни “Аллоҳнинг жилоси” номини олади. Ушбу йўналишнинг номи ҳам Баҳоуллоҳнинг номидан олинган.

Баҳоуллонинг “Китоби Ақдас” (“Энг муқаддас китоб”) ва “Китоби Иқон” (“Мустаҳкам ишонч китоби”) асарлари баҳойлик таълимотининг асосларини ташкил этади. Йўналиш асосчиси ўзига ислом дини эътиқодига кўра, оламларнинг Яратувчиси бўлган “Аллоҳнинг жилоси” номини қабул қилган бўлса–да, баҳойлар ақидасига кўра, баҳойлик мустақил дин, у бирор бир диндан ажралиб чиққан секта ҳам, мазҳаб ҳам эмас, деб ҳисобланади.

Баҳойлик Ҳиндистон, Уганда, Кения, Эрон, Миср, АҚШ, Канада каби қатор мамлакатларда тарқалган. Ҳозирги вақтда дунёда баҳойларнинг 9 та ибодат уйи, 200 га яқин миллий ҳамда бир қанча маҳаллий диний мажлислари мавжуд. Баҳойларнинг умумий миқдори тахминан 6 миллион кишини ташкил этади.

Баҳойлик таълимотига кўра:

– барча динлар бир илдиздан пайдо бўлган ва пайғамбарлар биродар ҳисобланади;

– Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад пайғамбарлардан ташқари Будда, Зардушт, Кришна, Боб ва Баҳоуллох ҳам пайғамбар ҳисобланади. Баҳойликда улар энг буюк 9 та пайғамбар сифатида эътироф этилади;

– худо ҳар минг йилда Ер юзига янги пайғамбар туширади;

– жаннат ва дўзах, охират, шайтон ва фаришталар инкор қилинади;

– ҳозирги барча динлар бир–бирини инкор қилади, шунинг учун ҳам, уларни бирлаштириш ва инсонлар орасидаги турли фарқларни йўқотиш лозим. Баҳойлар даъвосига кўра, бундай бирлаштирувчилик вазифасини баҳойлик бажариши лозим.

– Ватан, миллат деган тушунчалар маънисиз ҳисобланади. Зеро, уларнинг фикрича, Ер юзининг ҳамма жойи Ватан ҳисобланади.

Баҳойликда руҳонийлар йўқ. Маҳаллий жамоаларни йилда бир маротаба 21 апрель куни яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган 9 кишидан иборат Маҳаллий диний мажлис бошқаради. Баҳойлар йирик жамоаси мавжуд бўлган ҳар бир давлатда Миллий диний мажлис сайланади. Ўз навбатида Миллий диний мажлис вакиллари 9 кишидан иборат бўлган Умумжаҳон Адолат Уйи аъзоларини сайлайдилар. Ҳар беш йилда сайланадиган Умумжаҳон Адолат Уйи умумжаҳон баҳойлар жамиятининг фаолиятини бошқариб боради.

Баҳойликда ҳар бири 19 кунлик 19 ойдан иборат бўлган диний тақвим қабул қилинган. Ҳар 19 кунда жамоанинг барча аъзолари ибодат қилиш, жамоа билан боғлиқ ишларни муҳокама қилиш, ўзаро биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун йиғиладилар.

Кунига уч марта Исроилнинг Акка шаҳрига қараб ибодат қилинади. Умумий ибодат дуо ўқиш, медитация ҳамда баҳойликнинг асосий китоблари ва жаҳон динлари муқаддас китобларидан матнлар ўқиш орқали амалга оширилади. Ҳар йили 2 мартдан 20 мартгача баҳойлар кун чиқардан кун ботгунга қадар овқат ва сувдан ўзларини тийиб, рўза тутадилар.

Баҳойларнинг муқаддас ибодатхонаси Акка шаҳрида жойлашган. Хайфа шаҳри муқаддас шаҳар ҳисобланиб, дунё баҳойларининг зиёратгоҳи ҳисобланади. Бу ерда Боб

ибодатхонаси, 1957 йилда баҳойликнинг раҳбарлик органи сифатида ташкил этилган Умумжаҳон Адолат Уйининг қароргоҳи жойлашган.

Аҳмадия (Қодиёния). Мазкур оқим XIX асрнинг охирларида Мирзо Ғулом Аҳмад Қодиёний томонидан тузилган. Дастлаб у асосчисининг номи билан – “Мирзоия”, кейинчалик эса вужудга келган жойга нисбатан – “Қодиёния” деб номланган. Мирзо Ғуломнинг 1900 йил 4 ноябрдаги баёнотида биноан охир–оқибат “Аҳмадия” номини олган.

Мирзо Ғулом Аҳмад 1840 йилда ҳозирги Покистон худудидаги Панжоб вилоятининг Гурдаспур минтақасидаги Қодиён қишлоғида туғилган. Отасининг хоҳишига биноан 1864 йилда Сялкот шаҳрига борган ва ўша ерда бир муддат ишлаган. Шу пайтда, у кундалик ишидан ташқари ислом илмлари ҳамда бошқа динлар ҳақида ва ўзи билан яқиндан муносабатда бўлган миссионерлардан христианлик ҳақида кўпгина маълумотлар олган, ҳиндуийлар билан мунозараларга киришган.

1876 йилда Ғулом Аҳмад Аллоҳнинг ҳузурига чиққани ва ваҳий ола бошлаганини даъво қилиб чиқади. 1880 йилда у ўз таълимоти асосларига бағишланган “Бароҳини Аҳмадия” (Аҳмад далиллари) номли китобининг илк икки жилдини нашрдан чиқаришга эришади. Унда у исломни бошқа динлардан ҳимоя қилган. Шу тўғрисида мусулмонлар китобдаги “илоҳий илҳомлар”, кароматлар, ўз–ўзини мақташларга, дастлаб, унча эътибор бермаганлар. Учинчи ва тўртинчи жилдларда эса Ғулом Аҳмад ўзига ваҳий тушаётгани ва пайғамбар эканини даъво қилган. Шунингдек, инглиз ҳукумати мақтаб, ҳозирги пайтга келиб “жиход” тушинчасининг ўринсиз, ҳукмсиз ҳолга келиб қолганини айтган. Бошланишда 50 жилд бўлиши режалаштирилган “Бароҳини Аҳмадия”нинг 5 жилдигина нашр қилинган.

1885 йили Мирзо Ғулом Аҳмад ўзини ўзи яшаб турган давр (ҳижрий XIV аср) “муҷаддиди” эканини, 1888 йилга келиб эса инсонлардан “байъат” олиб, алоҳида “жамоат” ташкил қилиш ҳақида буйруқ олганини эълон қилади. 1891 йилда у Исо ибн Марямнинг табиий йўл билан ўлганини

айтиб ва шундан келиб чиқиб ўзини мусулмонлар кутаётган “Масих” ва “Маҳдий” деб даъво қилган. 1904 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб эса очикдан–очик ўзини мусулмонлар учун “маҳдий”, христианлар учун “масих” ва ҳиндулар учун “кришна” деб эълон қилган.

Аҳмадийларга кўра барча динлар қандайдир халоскорни кутадилар, унинг келишига умид билан яшайдилар. Агар кутилаётган кутқарувчи, бир одамда мужассам бўлса, динларо келишмовчилик бартараф этилиб, бирдамлик, ҳамжиҳатликка эришилган бўларди.

Мирзо Ғулом Аҳмад 1908 йил 26 майда Лаҳорда вафот этган. Қабри Қодиёнга олиб кетилган ва тарафдорлари учун зиёратгоҳга айланган.

Мирзо Ғулом Аҳмаднинг ўлимидан кейин шогирдлари унинг фикрларини йиғишда давом этдилар ва натижада “Синкретик Қодиёния–Аҳмадия ҳаракати” юзага келган. Кейинчалик оқим “Қодиён аҳмадийлари” ва “Лаҳор аҳмадийлари” номи икки жамоага бўлиниб кетди.

Дастлаб, пайғамбарликнинг Муҳаммад (с.а.в) билан туггани ва қиёматгача ундан бошқа пайғамбар келмаслигини тан олишини таъкидлаган Мирзо Ғулом, 1901 йилдаги “Жума хутбаси”да унинг издоши бўлган Мавлавий Абдулкарим Мирзо Ғулом Аҳмадга нисбатан “набий” ва “расул” сифатларининг ишлатиш мумкин деб эълон қилган.

Авалроқ, “Муҳаддас” (хитоб қилиниб, гаплашилган) деб номланган Мирзо Ғулом кейинчалик муҳаддасликни бир маънода жузъий набийлик сифатида баҳолаган; пайғамбарликнинг бутунлай тугганини, лекин жузъий набийликнинг қолганлигини очик ва ошкора айтган.

ҲИНДУЙЛИК ЗАМИРИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ОҚИМЛАР
--

*Халқаро Кришнани
англаш жамияти*

Шрила Бхактиведанта

Свами Прабхупада номи билан танилган асли ҳиндистонлик Абхай Чаран Де (1896–1977) томонидан ташкил этилган. У 1947 йилда “Веда” фалсафаси билимдони сифатида “Бхактиведанта” (санскр. “содиклик”, “фидокорона хизмат”) унвонига сазовор бўлади. Санскрит тилидан инглиз

тилига кўпгина “Веда” матнлари, жумладан, “Бхагавадгита” (“Худо кўшиқлари”)ни шарҳлар билан таржима қилди. 1959 йилда 63 ёшида дунёдан воз кечишга аҳд қилади ва Свами (“Ақл ва ҳиссиётлар эгаси”) унвонига эришади.

1965 йилда А.Ч.Бхактиведанта Свами АҚШга кўчиб ўтди ва “Халқаро Кришнани англаш жамияти”га асос солди. Бу даврда Шарқ мистик таълимотига нисбатан катта кизиқиш Кришнани англаш фалсафасини тарғиб қилиш учун қулай шарт–шароит яратди ва ҳаракат тез ривож топди. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида уларнинг 150 дан ортиқ ибодатхоналари мавжуд.

Кришначилик (вайшнавизм) одам қиёфасидаги худо Кришна (Вишну)га эътиқод қилишга асосланган ҳиндуйликнинг икки асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Кришначиликнинг муқаддас ёзувларига “Бхагаватгита”дан ташқари бошқа “Веда” матнлари ҳам қиради.

Кришначилик яқкахудодликка, яъни ягона ва мутлоқ худо – Кришнани тан олишга асосланади. У абадий, яратилмаган ва чексиз шаклларга кириш қобилиятига эга. Кришначилик таълимотига кўра, олам руҳий ва моддий дунёга бўлинади. Инсоннинг руҳи танасига нисбатан бирламчидир. Кришначилар руҳни ривожлантириб ички комилликка эришиш ва шу йўл билан худога қўшилишни олий мақсад, деб биладилар.

Ҳар бир инсон ўзида Кришнани англаш қобилиятини ривожлантириши мумкин. Бунинг учун бир қанча ҳаракат шаклларини ўз ичига олган ва худога муҳаббатни ривожлантириш ҳамда уни бутунлай руҳий англашга шўнғишга қаратилган бхакта–йога машқлар тизими ишлаб чиқилган. Айни пайтда, инсон ўзини моддий эҳтиёжлардан холи қилиши, гўшт, балиқ, тухум, маст қилувчи нарсаларнинг барчаси, жумладан, спиртли ичимликлар, тамаки, қахва, чой истеъмол қилиш, никоҳсиз жинсий ҳаёт кечириш ва қимор ўйинлардан воз кечиши зарур, деб ҳисобланади.

Кришначиликда медитация деб аталувчи, ибодатхонада ўтказиладиган диний маросимлар ҳар куни соатлаб бажарилади. У махсус ҳаракатлар, Санкиртана – биргаликда худо Кришнани “Харе Кришна, Харе Кришна, Кришна Харе, Харе, Харе Рама, Харе Рама, Рама, Рама, Харе, Харе” деган, махамантра (“озод бўлишнинг буюк қўшиғи”)ни куйлаш билан шарафлаш амалиётини қамраб олади. Буларнинг ҳаммаси, уларнинг таъбирича, ақлни тозалаш, фикрни ташқи дунёдан халос этиш, бутун диққат–эътиборни худога нисбатан муҳаббатга йўналтириш учун бажарилади.

“Халқаро Кришнани англаш жамияти”да ўз эргашувчиларининг мол–мулкларини жамият ҳисобига хайр–эхсон қилишлари ҳамда ибодатхонада руҳонийлик вазифасига ўтишлари рағбатлантирилади. Бу таълимотни қабул қилган ҳар бир кишига янги – санскритча ном берилади. Жамоа аъзолари сари, дхоти ва бошқа ҳинд миллий либосларини киядилар.

Кришначилар томонидан миссионерлик фаолияти ўтган асрнинг 70–йилларида бошланган. Улар томонидан амалга ошириладиган тарғиботчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари қаторида кўчаларда ибодат кийимларида юриб қўшиқлар айтиш ва адабиётларини тарқатиш, “Ҳаёт учун озуқа” деб номланадиган, бепул озиқ–овқат тарқатиш акциялари ўтказилишини кўрсатиш мумкин. Бундай ҳаракатларнинг асосий объектлари сифатида одатда талабалар, мактаб ўқувчилари, қариялар ва меҳрибонлик уйларида истиқомат қилувчилар танлаб олинади.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. “Конфессия” атамасининг моҳияти нимада?
2. “Секта” сўзининг моҳияти нимада?
3. Ҳозирги замонда дунё диний манзараси ўзгаришида асосан қандай омиллар роль ўйнамоқда?
4. Ўзбекистонда қандай конфессиялар фаолият юритади?
5. Ноанъанавий диний ташкилотларнинг қандай хусусиятлари мавжуд ?

6. Янги диний йўналишларнинг юзага келишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
7. Иегово шоҳидлари қандай ташкилот?
8. Мормонларнинг бошқа христиан йўналишларидан асосий фарқи нимада?
9. Баҳоийларнинг қибласи қайси шаҳар ҳисобланади?
10. Аҳмадийлар қандай йўналишларга бўлинган?
11. Кришнани англаш жамиятига қачон ва ким томондан асос солинган?

Мустақил иш топшириқлари

1. “Конфессия” ва “Дин” ўртасидаги фарқни очиб беринг.
2. Динларнинг географик тарқалиши ҳақида хариталарни топинг.
3. Динлар издошларининг ўсиб бориши тенденциялари таҳлили ҳақида кўргазмани слайд тайёрланг (MS Power Point).
4. Ўзбекистондаги диний конфессиялар фаолияти ҳақида гапириб беринг.
5. Миссионерлик ва прозелитизм тушунчаларининг мазмун-моҳияти ва бундай фаолиятнинг жамиятимизга таҳдиди ҳақида реферат тайёрланг.
6. “Анъанавий” ва “ноанъанавий дин” тушунчаларини очиб беринг.
7. Ноанъанавий динлар юзага келган тарихий ва ижтимоий-сиёсий омилларни атрофлича ўрганинг ва гапириб беринг.
8. Ғарбда янги секталарнинг пайдо бўлиши сабабларини таҳлил қилинг.
9. Ислом дини доирасида юзага келган оқимларга анъанавий уламоларнинг фикри ҳақида илмий иш тайёрланг.

Адабиётлар

1. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.

2. Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: кеча ва бугун. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт–матбаа бирлашмаси, 2008.
3. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: мохият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт–матбаа бирлашмаси, 2009.
4. Миронов А., Бабинов Ю. Основы религиоведения: Рабочая книга преподавателя и студента. Учеб. пособие. – М.: НОУ, 1998.
5. Пучков П., Казьмина О.Е. Религии современного мира. Учеб. пособие. – М.: 1997.
6. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир – А.Ачилдиев. – Т., 2007.
7. Ёвқочев Ш. Ислом ва сиёсат. – Т., 2011.
8. Сирожиддинов Ш. Бағрикенглик – динларнинг маърифий асоси. – Т., 2010.
9. Миронов А., Бабинов Ю. Основы религиоведения: Рабочая книга преподавателя и студента. Учеб. пособие. – М.: НОУ, 1998.

ГЛОССАРИЙ

АВТОКЕФАЛЬ ЧЕРКОВЛАР (юнонча, “ўз-ўзини бошқариш”) – православликдаги мустақил бошқарувга эга бўлган черковлар тузилмаси. Маълум бир ташкилот “автокефаль” мақомини олиши учун миро мойини мустақил равишда тайёрлай олиш имкониятига эга бўлиши керак.

АВЕСТО (“Апастак”, “Овисто”, “Овусто”, “Абисто”, “Авасто”) – жорий қилинган қатъий қоидалар, санскрит тилига яқин ўзига хос авесто тилида ёзилган зардуштийликнинг муқаддас китоби.

АВТОНОМ ЧЕРКОВЛАР (юнонча, “мустақил”) – бирор–бир автокефаль черковдан ички тартиб–қоидаларни мустақил бажариш ҳуқуқини олган черков. Автоном черков раҳбари автокефаль черков патриархи томонидан тасдиқланади.

АГНИ – ер худодарининг энг улуғи (куёш, чакмоқ, олов) ҳисобланган олов худоси. Агни ҳақидаги афсоналар Ҳиндистондан ташқарида вужудга келган. У одамлар қурбонликларини худодарга етказувчи руҳоний сифатида тасаввур қилинган ва бирор қурбонлик унинг воситасисиз худодарга етиб бормади, деб ҳисобланган.

АДЖИ – Тўрт томони тенг бўлган салб бўлиб, тангричилик динининг рамзи ҳисобланади. У барча нарса аслига қайтишининг ифодаси бўлган.

АДОНАЙ – Яхудийликда ибодат вақтида зикр қилинадиган Худонинг исмларидан бири.

АЗИЗ – иснод табақасининг барчасида ровийлари сони иккитадан оз бўлмаган ҳадис.

АКЕМ МАНА – ёмон фикр, адаштириш маъбуди, Ахриман тарафдори.

АҚИДА – (арабча, бирон нарсани бир-бирига боғлаш) ақоид илмининг машхур номларидан бири.

АҚИҚА – (арабча, “қорин сочи”) туғилган чақалоқнинг сочини олиш ва таваллуди муносабати билан сўйиладиган кўйга айтилади.

АҚЛИЙ ДАЛИЛ – мутакаллимларнинг нақлга асосланиб берган ўз раъйлари. Фикрий қарашлари асосида бирон ақидавий масалага берган жавоблари. Ақлий далил асосан мантиқ билан боғлиқ ҳисобланган.

АМЕРЕТАТ – зардуштийликда бахт, абадийлик маъбуди, Ахура Мазда тарафдори.

АМЭША СПЭНТА (абадий муқаддас) – зардуштийликда Ахура Мазда яратган 7 махлуқдан бири. Бошқа фикрга кўра, Амеша Спента – Ахура Мазданинг тимсоли.

АНЖУМАНИ МОҒОНЕ ИРОН – зардуштий руҳонийлар иерархиясидан ташкил топган Эрон Мобадлари кенгаши.

АНХРА–МАЙНЬЮ (юнонча, Ахриман) – зардуштийликда ёмонлик, ёвузлик, бузғунчилик ибтидоси, зулмат эгаси бўлиб, эзгулик ва ёруғлик соҳиби Ахура Мазда ва унинг тарафдорларига қарши бош кўтарган маъбуд.

АПОСТОЛ (юнонча, «элчи») – христиан таълимотига биноан Исонинг энг яқин ёрдамчиларининг унвони. Уларнинг асосийлари 12 та: Пётр (Симон Ионин), Андрей, Иоанн, Иаков Зеведеев, Филипп, Варфоломей, Матфей, Фома, Иаков Алфеев, Фаддей, Симон Кананит, Иуда Искариот (Исони сотган ҳаворий), Матфий (Иудадан сўнг унинг ўрнини эгаллаган). Булардан ташқари яна 70 нафар ҳаворий мавжуд бўлгани христиан адабиётларида қайд этилади.

АРОН КОДЕШ – Синагогаларда “Таврот” ўрамлари сақланадиган махсус жой.

АТХАРВА ВЕДА – “Афсун ва жодулар ведаси” – коинот билан боғлиқ, мистик парчалар ва сеҳр билан алоқадор дуолардан иборат китоб. Ўша даврда афсун ва жодулар олов устида бажарилгани сабабли, у афсонавий руҳоний Атхарвана – “Олов руҳонийси” номи билан узвий боғлиқ.

Атхарва Веда 6000 шеърдан иборат 371 мадҳияни ўз ичига олади. Улар жами 20 китобда жамланган.

АХУРА МАЗДА (юнонча, Ормузд) – зардуштийликда до-нишмандлик соҳиби, яхшилик, эзгулик, яратувчанлик ибтидоси, ёруғлик соҳиби бўлиб, ёвуз Ахриман ва унинг тарафдорларига қарши доимий курашда.

АША ВАХИШТА – зардуштийликда адолат, ҳақиқат маъбу-ди, Ахура Мазда тарафдори.

АШВИНА ВА САВИТАР – Ҳинд ҳаво худолари.

БАРАШНУМ – зардуштийликда жасадни кўтарган ва юв-ган кишиларнинг узок вақт давомида итлар ёрдамида амалга ошириладиган покланиш маросими.

БАР–МИЦВА (ибр., “буюрилган амрлар ўғли”) – яҳудийликда 13 ёшга тўлган ўғил бола, балоғат ёшига ет-гани муносабати билан ўтказиладиган маросим.

БИБЛИЯ (юнонча, “китоблар”) – яҳудийлик ва христиан-лик динларидаги асосий муқаддас манбанинг номланиши. Яҳудийлар “Библия”си “Китве кадеш” ва “Танах” ҳам деб номланади. Христианлар томонидан тан олинадиган “Би-блия” “Қадимги Аҳд” ва “Янги Аҳд”дан иборат бўлиб, умумий ҳисобда 66 китобдан иборат.

БИБЛИЯ ЖАМИЯТИ – “Библия”нинг алоҳида қисмларини ёки тўлалигича дунё тилларига таржима қилиш билан шуғулланадиган жамиятлар номи. Бундай жамиятлар би-рор бир диний конфессияга қарашли бўлмай, буюртма асосида ишлайди. Илк “Библия” жамияти 1804 йилда Британияда тузилган. Ҳозирда дунё бўйича 140 дан ортиқ шундай жамиятлар мавжуд.

БОДЎХИСАТТВА – худонинг нури, олий камолотга эриш-ган ва нирванага кўтарилиш ҳуқуқига эга бўлган инсон.

БОЗКУРТ – Қадимий туркий тилда “Кулранг бўри” маъно-сида келиб, тангричиларнинг тотеми бўлган.

БРАХМАН – санскрит тилидан олинган бўлиб “Брахмага аталган, ўзини бағишлаган”, деган маъноларни билдира-ди.

БУТУНЖАҲОН СОБОРЛАРИ – христиан черкови епископларининг маълум диний масалаларни ҳал қилиш мақсадида ўтказиладиган йиғилиши. Илк собор милодий 325 йилда Никея шаҳрида бўлиб ўтган. Ҳозиргача 21 марта Бутунжаҳон соборлари ўтказилган.

ВАЖРАЯНА – “олмос ғилдирак”, илк буддавийликнинг дҳармалар табиати ҳақидаги турли қарашлари натижасида юзага келган йўналиш.

ВАЙШЛАР – ҳинд каста тизимида савдогар, хунарманд ва деҳқонлар.

ВАРАНА – Тридандиналарнинг маркази бўлиб, унда таркидунёчиликда ҳаёт кечирадилар.

ВАҲИЙНОМА – рус ва бошқа тилларда Апокалипсис. “Янги Аҳд”нинг таркибий қисми бўлиб, уни “Инжил” муаллифларидан бири Иоанн илоҳий илҳом орқали ёзган, деб эътиқод қилинади. Ушбу китобда қиёмат ва Исонинг иккинчи қайтиши билан боғлиқ ҳодисалар баён қилинган.

ВЕДАЛАР – орийлар ўзлари билан олиб келган муқаддас ёзувлари, санскрит тилидан таржима қилинганда “муқаддас, илоҳий билим” маъноларини англатувчи Ҳиндистоннинг асосий муқаддас манбаи.

ВЕРЕТРАГНА – зардуштийликда энг машҳур эзгулик язатларидан бири.

ВИДЕВДАТ – 22 бобдан ташкил топган “Авесто”нинг сақланиб қолган энг мукаммал бўлими.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ – кишиларнинг бирор динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқи.

ВИСПАРАД – “Авесто”нинг 24 бобдан ташкил топган маъбудлар шаънига ўқиладиган дуо ва панд–насихатлардан иборат бўлими.

ВИШНУ – ведаларда зикр қилинган ва кейинчалик унутилган худолар орасида абадий ҳисобланган ва ҳозирда бутун Ҳиндистонда улуғланувчи қуёш худоси.

ВОЖИБ –Қуръони каримда тўғридан–тўғри буйруқ келмаган ҳолда бажарилиши шарт бўлган амаллар.

ВОҲУМАНАҲ (Беҳмен) – зардуштийликда ақл, эзгу фикр, тушуниш язати (фариштаси).

ГАЛАҲА – яхудийлик шариати.

ҒАРИБ – биргина ишончли одамдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадис.

ГАТ – “Авесто” таркибидан жой олган Зардуштнинг сўзлари ҳисобланадиган бўлим.

ГЕГИГ – тангричиликда Ер олами.

ГОВМАРД (форсча, хўкиз–одам) – зардуштийлик таълимотига кўра, биринчи инсон.

ГОҲИ – зардуштийликда куннинг муайян қисмида бажариладиган (Хаван гоҳ – тонгдан пешингача, Рапитвин гоҳ – пешиндан сўнг, Узарин гоҳ – кун ботишдан олдин, Ависрутрим гоҳ – кун ботгандан сўнг, Ушахин гоҳ – ярим кечадан тонгача ибодатлари.

ДАСТУР – Мобад оиласига мансуб зардушт руҳонийлари табақасининг юқори вакили.

ДАХМА – зардуштийликда ердан 4–5 метр баландликда цилиндр шаклида бўлган махсус жой бўлиб, унга ўликлар устма–уст тартиб билан ётқизилади.

ДАЭН – зардуштийликда имон, яхши амал, у инсон вафотидан сўнг гўзал қиз қиёфасида кўриниб, уни Чинванда кўприкдан олиб ўтишга ёрдам беради.

ДЕВ ВИЗАРЕШ – зардуштийликда инсон вафотидан сўнг унинг қилмиши ёвузлик бўлса, жазо берувчи, дўзахга ташловчи маъбуд.

ДЕНКАРТ (“Имон фаолияти”) – IX асрда Сосонийлар ҳукмронлиги даврида ёзилган қомусий луғат бўлиб, у ўз ичига бадийий ва тарихий маълумотларни олган. Даставвал 9 бўлимдан иборат бўлган, кейинчалик унинг 2 қисми йўқотилган.

ДИАКОН (юнонча, хизматчи) – христиан черковларидаги энг қуйи руҳонийлик даражаси.

ДИН АРКОНЛАРИ – маълум бир диндаги асосий ибодатлар мажмуи.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – кишилар ва жамиятда диний асосда ўзаро бир–бирини тушуниш, холис ва ҳаққоний билимлар, адолатли ва ҳақиқий баҳолар, ўзаро ҳурмат ва ишончга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка асосланган қарашлар ва амалий фаолият тизимини ўз ичига оладиган ижтимоий–маданий ҳодиса.

ДИНИЙ МУТААСИБЛИК – ўз ақида ва ғояларининг шак–шубҳасиз тўғрилигига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан берилганликни, бошқа фирқа ва мазҳабларга мурасасиз муносабатни ифодаловчи қарашлар ва хатти–ҳаракатлар мажмуи.

ДИНИЙ СЕКТА – маълум бир диндаги расмий ақидаларга зид равишда ажралиб чиққан ёки мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳ.

ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР – бир дин издошларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм–русум ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжид, черков, синагога, монастыр ва бошқалар).

ДОДГОҲ – зардуштийликда ҳамма учун очиқ бўлган муқаддас олов ёниқ турадиган хона.

ДРОН – зардуштийликда ибодат маросимлари учун махсус тайёрланган нон.

ДРУДЖ – зардуштийлик динида ёлгон сўз.

ДУЖВАРТШТА – зардуштийлик динида ёвуз фикр.

ДУЖМАТАДАН – зардуштийлик динида ёвуз амал.

ДУЖУХТА – зардуштийлик динида ёвуз сўз.

ДЯУС, ВАРУНА, ИНДРА – ведизмда турли осмонларни бошқариб турувчи осмон худолари. Варуна кейинчалик сув ва денгизлар худосига айланиб кетган.

ЕПИСКОП (юнонча, “назоратчи”) – христиан черковидаги руҳонийлик унвони. Епископлар ҳаворийларнинг издошлари, деб ҳисобланади.

ЖАБРОИЛ – Аллоҳ билан пайғамбарлар ўртасида элчи ва зифасини бажарувчи фаришта.

ЖЕБРЛАР – замонавий зардуштийларнинг Эрондаги вакиллари.

ЗАБУР – Довуд пайғамбарга туширилган китоб. “Қадимги Аҳд” таркибига киритилган бўлиб, турли қўшиқ ва мадҳиялардан иборат.

ЗАИФ – саҳиҳ шартларидан бирортасини йўқотган ва ҳасан даражасига етмаган ҳадис.

ЗАКОТ – (арабча, поклаш) эҳтиёждан ташқари бўлган бойликнинг қирқдан бир қисмини (2,5 %) садақа қилиш. Закоат моли закот миқдорига етган бадавлат кишилар учун фарз этилган.

ЗАУРВИ – зардуштийликда қарилик, ўлим маъбуди, Ахриман тарафдори.

ЗЕНД (парфиёнча, “шарҳланган матн”) – милодий III асрга оид қонунлардан иборат Авестонинг шарҳи.

ИЛМ АЛ-ЖАРҲ ВА-Т-ТАЪДИЛ – ровийларнинг адолати ва забти ҳақида баҳс юритиб, уларнинг ишончли ёки ишончсизлиги ҳақида якуний хулоса чиқарувчи ровийга танқидий ёндашиш илми.

ИЛМ АР-РИЖОЛ – ровий ҳақида тўлиқ маълумотни ўрганувчи ҳадис илми соҳаси.

ИЛОҲИЙ КИТОБ – Аллоҳ томонидан пайғамбарларга нозил қилинган Забур, Таврот, Инжил ва Қуръон китоблари.

ИМОН – ишонмоқ, тасдиқламоқ бўлиб, истилоҳда эса “Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ” (“Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад – Аллоҳнинг пайғамбари”) калимасини тил билан айтиб (ал-икрор би-л-лисон), дил билан тасдиқлаш (ат-тасдиқ би-л-қалб) демакдир.

ИНДРА – зўрлик, зулм маъбуди, Ахриман тарафдори.

ИНЖИЛ ʘ (юнонча, “Евангелие”) “Янги Аҳд»даги Марк, Матто, Луко ва Юҳаннолардан ривоят қилинган китоблар назарда тутилади. Уларда Исо Масиҳнинг ҳаёт йўли ва мўъжизалари баён қилинган.

ИСЛОМ – (арабча, таслим бўлиш, бўйсунуш) ягона Аллоҳга бўйсунуш маъноларини беради.

ҚАВЛИЙ СУННАТ – Расулulloх (а.с.)нинг турли ҳолат ва муносабатларда айтган сўзлари.

ҚАДИМГИ АҲД – “Библия”нинг қисмларидан бири. “Таврот” (Мусонинг 5 китоби), “Забур” ва бошқа китоблардан иборат, жами 39 китобни ўз ичига олади.

КАЛОМ – сўз, нутқ маъносини билдиради. Мўътазилийлар пайдо бўлгандан кейин ақида илмининг номи “калом” деб атала бошланган.

КАРДИНАЛЛАР КОЛЛЕГИЯСИ – Рим католик черковидаги олий кенгаш. Папа ўрни бўшаб қолганда унинг вазифасини бажариш ва янги Папани сайлаш вазифаларини бажаради.

КАСТА – ҳиндуйликда айни иш билан шуғулланувчи, оталардан мерос қолган ҳақ, вазифа ва одатлар билан қаттиқ боғланган шахслар тоифасидир. Каста инсонлар томонидан сайланмайди ва танланмайди, унинг ичида фақатгина дунёга келиш мумкин. Бу тизим 4 синфдан ташкил топади.

КАУТХУМА (КАУТНУМА) – Сама Веданинг ҳозирги кунгача етиб келган таҳрири. Каутхума тўплами 1810 шеърдан иборат бўлиб, ундан фақатгина 76 таси Ригведада учрамайди, шеърлар, асосан, Ригведанинг VIII ва IX мандаласидан олинган бўлиб, улар тантанали қурбонлик маросимида роҳиблар томонидан ўқилади.

ҚИЁМАТ – (арабча, “тик туриш”, “ўриндан туриш”) ўликларнинг қайта тирилиши ва ўрнидан туриши.

КИРОМУН КОТИБУН – исломда ҳар бир инсоннинг ҳаёти давомида бажарган ҳар бир амал ва сўзларини ёзиб борадиган фаришталар.

КИРХА (немисча, “черков”) – лютеран черковларининг номи.

КОСТЕЛ (полякча, чехча, “черков”) – Рим католик черковига қарашли ибодатхоналарга нисбатан ишлатиладиган атама. Ушбу атама православ ёки протестант черковларига нисбатан қўлланилмайди.

КРИШНА – “қора” маъносини англатади, ўзининг табиий келиб чиқишига кўра жуда мураккаб образ. У ҳақда олов,

чакмоқ, момақалдирок, осмон, куёш билан боғлиқ афсоналар мавжуд. Кришна жанговар, енгилмас қахрамон сифатида таърифланади. У урушда ҳам, севгида ҳам енгилмас баҳодир, аммо жуда айёр табиатга эга.

ҚУДСИЙ ҲАДИС – Маъноси Аллоҳ таолодан бўлиб, айтилиши, яъни лафзи Расулуллоҳ (а.с.)дан бўлган ҳадислар.

КУНЕЛ (кунелем сизе) – Қўнгил сезиши қобилияти, интуиция бўлиб, тангричилик эътиқодига кўра, у Тангри томонидан инсонга жон киритилаётганда берилган.

ҚУРЪОНИ КАРИМ – Ислом динининг бирламчи муқаддас манбаси бўлиб, 23 йил мобайнида Муҳаммад пайгамбар (а.с.)га Жаброил фаришта (а.с.) орқали баъзан оят–оят, баъзан эса тўлиқ сура тарзида нозил қилинган илоҳий китоб.

КУТ – Қувват, куч, энергия манбаи. Тангричилик эътиқодига кўра, у инсоннинг моддий тириклиги сабабидир.

КУШТИ – зардуштийликка эътиқод қилувчи шахс диний маросимларда тақиши лозим бўлган махсус камар.

КШАТРИЙ – ҳинд каста тизимида ҳоким ва жангчилар табақаси.

ЛУҚО (Лука) – “Янгиши Аҳд” таркибига кирувчи тўрт Инжил муаллифларидан бири. Христианлик тарихида Биби Марямнинг суратини чизган биринчи инсон сифатида танилган. Исо Масиҳнинг 70 ҳаворийлари қаторига киради.

“ЛЮ И” НИНГ ОЛТИ САНЪАТИ – Мил.авв 6–5 асрларда Хитойда диний маросимларни бажариш, мусиқани тушуниш, ўқиш, санаш, икки ғилдиракли жанг аравасини бошқариш ва камондан ўқ отиш санъати шундай ном билан атлаган ва уни эгаллаган одам билимли ҳисобланган.

МАВЗУЪ – Расулуллоҳ (а.с.)га нисбат берилиб тўқилган ёлғон ҳадис.

МАГЕН ДАВИД – Яҳудийлик динининг рамзларидан бири бўлмиш олти бўрчакли “Довуд юлдузи”.

МАКРУҲ – бажарилиши ёмон саналган амал.

МАНДУБ – бажарилиши тарқ қилинишидан афзал бўлган амал.

МАНУ ҚОНУНЛАРИ – каста тизимидаги барчага хос вазифаларни ўзида қатъий белгилаб берган тўплам.

МАРК – “Инжил” муаллифларидан бири. Ҳаворийлардан Пётрнинг шогирди бўлган. Александрияда черков тузиб, ўзи биринчи епископ бўлган.

МАТТО (Матфей) – “Инжил” муаллифларидан бири, Исо Масихнинг 12 асосий ҳаворийларидан бири. “Инжил”да Левий Матфей ва Левий Алфеев номлари билан ҳам тилга олинади.

МАҲАЯНА – “катта ғилдирак”, илк буддавийликнинг диний–ахлоқий йўналишларидан бўлиб бурчга содиқлик, пок бўлиш ҳақидаги қарашлардан юзага келган.

МАҲШАР – қиёмат куни бандалар йиғиладиган ва савол–жавоб бўлиб ўтадиган жой

МАШҲУР – иснод йўлларининг ҳар бирида учта ва ундан ортиқ шахслар томонидан ривоят қилинган ва мутавотир даражасига етмаган ҳадислар.

МЕДИТАЦИЯ – “фикрлаш, ўйлаш”, шахснинг ўз рухий фаолиятига чуқур берилиш ҳолати, мушоаба, ҳикмат ва ҳақиқат ҳақидаги илм.

МЕНОГ – Руҳ олами.

МЕНОРА (ибр., “шамчирок”) – етти устунли, тиллодан ясалган шамчирок. Яҳудийликнинг асосий рамзларидан биридир.

МЕҲРЖОН – 23 сентябр куни нишонланадиган Ҳосил байрами.

МИРО МОЙИ (юнонча, «хушбўй мой») – христианликнинг етти сирли маросимларидан бирида танага суриладиган хушбўй мой. Ушбу мой черков епископи томонидан олий навли зайтун мойига оқ узум виноси, атиргул япроқлари, бинафша, занжабил илдизлари, мускат, атиргул, чиннигул ва лимон мойлари каби махсулотларни қўшиб қайнатиш орқали тайёрланади.

МИССИОНЕРЛИК – бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш билан боғлиқ назарий қарашлар ва амалий хатти–ҳаракатлар мажмуи.

МИТРА (авесто, дўстлик, келишув) – инсон вафотидан сўнг унинг руҳини ҳимоя қилувчи эзгулик язатларидан бири.

МОБАД – диний маросимларни авлоддан авлодга сақлаб қолиш масъулиятини олган, руҳонийлар оиласи, ўрта мақомли руҳоний.

МОБАДАН МОБАД – мобадларнинг мобади, мобад оиласига мансуб зардушт руҳонийлари табақасининг юқори вакили.

МОБАДЁР – мобадлардан бўлмаган диний маълумотга эга хирбадлардан кейин турувчи мартаба.

МОНАСТЫРЬ – христианликда руҳонийлар жамиятдан ажралиб, фақат ибодат билан шуғулланадиган жой, муассаса. Аёллар ва эркаклар учун мўлжалланган монастирлар мавжуд.

МОНОФИЗИТЛАР (юнонча, «якка, ягона», «табиат») – руҳоний Евтихий томонидан асос солинган христианликдаги илк йўналишлардан бири бўлиб, милодий V асрда пайдо бўлган. Исо Масих худо ва инсон табиатида пайдо бўлган бўлса–да, кейинчалик унинг фақат худолик табиати сақланиб қолган деган ғояни олға сурган. Ушбу йўналиш вакиллари 451 йилда Халкидонияда бўлиб ўтган Бутунжаҳон соборида куфрда айбланишган.

МУБОҲ – ислом шариати қилиш ёки қилмасликни кишилар ихтиёрига қўйган амаллар.

МУҚАДДАС ЁЗУВ, ХУШҲАБАР – христианликнинг муқаддас китоби “Инжил”га нисбатан ишлатиладиган номлар.

МУҚАДДАС КИТОБ – “Библия” ва унинг таркибига кирувчи китоблар номи.

МУҚАДДАС РИВОЯТЛАР – “Библия” таркибига кирмаган, черков авлиёлари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ва номалар.

МУҚАДДАС РУҲ – христианликда Худонинг уч кўринишидан бири. Муқаддас Руҳ дунёнинг яралишида иштирок этган, Биби Марям ҳам у орқали Исога хомилдор бўлган.

МУСАННАФ – ҳадис тўпламларининг муайян мавзуларга ажратилган тури.

МУСНАД – 1. Исноди муттасил равишда ўз нихоясига етган ҳадис, яъни санади билан ривоят қилинган ҳадис. 2. Санад, иснод сўзларининг синоними. 3. Ҳадис тўпламларининг тури.

МУТАВОТИР – ёлғонга йўл қўйиши мумкин бўлмаган ростгўйлиги эътироф этилган кишиларнинг бошдан охиригача ўзлари каби кишилардан нақл қилган ривояти.

МУТАКАЛЛИМ – калом илми билан шуғулланган олимлар “мутакаллим” деб аталган.

МУТТАСИЛ – исноди узлуксиз бўлган марфуъ, мавкуф ҳадислар. Яъни ровийлар силсиласи – санад узлуксиз Расулуллоҳ (а.с.)га етиб борган бўлади.

МУЪТАЗИЛИЯ – (арабча, “ажралиб чикмоқ”) ислом оламида биринчи пайдо бўлган, энг ката, адашган эътиқодий таълимотнинг номи.

НАВРЎЗ – йилнинг кун ва туни тенг бўлган 21 мартда нишонланадиган эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабасига бағишланган янги йил байрами.

НАҚЛИЙ ДАЛИЛ – ақлий далилдан фаркли равишда нақлий далил фақат Қуръон ва суннатга асосланган.

НАМОЗ – ҳар бир мусулмон кишининг кунига беш маҳал покланиб, қибла томонга юзланган ҳолда амалга оширадиган фарз ибодати.

НАСУСА – кутига қўмувчилар, дафн маросимида иштирок этувчи ижтимоий табақа вакиллари.

НЕР ТАМИД (ибр., “абдий шамчирок”) – синагогада “Таврот” солинган сандиқ рўпарасида жойлашган, доимо ёниб турувчи шамчирок. Сингогаларда Нер тамид Менорани эслатиб турувчи рамз сифатида куйилади.

НИРВАНА – инсон ички дунёсининг мукамаллиги, орзу-истаклари, яшаш ҳисси, қаноат, тарки дунёчилик каби руҳий ҳолатни ўз ичига олган олий интилиш.

НОУС – инсон вафотидан сўнг ундан қолган суяклар сақланадиган махсус қутича бўлиб, у даҳмага қўйилган.

ОҚ ВА ҚОРА РУҲОНИЙЛАР – православ руҳонийлари қатлами. “Оқ” руҳонийлар оила қуриш ҳуқуқига эга, “қора” руҳонийларга эса оила қуриши мумкин эмас.

ОРИЙЛАР – оқ танли қавм ҳисобланиб, Ҳазар, яъни, ҳозирги Каспий денгизининг шимолий, Европанинг ши-моли ёки Туркманистон минтақасида милoddан аввалги XVII – XVI асрдан XII асргача турли қабила ва гуруҳлар шаклида яшаганлар.

ОСОР – хабар, суннат ва ҳадиснинг синоними сифатида иш-латиладиган атама. Осор одатда саҳобийлар ёки тобеъий-ларга мансуб сўзларга нисбатан қўлланилади.

ОТА ХУДО – Христианликда Худонинг уч кўринишидан бири ва асосийси. Ота Худо дунёни яратган бўлиб, учлик-нинг қолган кўринишлари (Ўғил Худо ва Муқаддас Рух) ундан келиб чиққан.

ОТАШ АДУРАН (Оловлар олови) – ўрта даражадаги асл-зодалар олови, 1000 кишидан кам бўлмаган аҳоли турар жойларида Мобадлар томонидан ёқилади.

ОТАШ ДОДГОҲ (Қонуний олов) – куйи даражадаги олов, маҳаллий жамоаларнинг кундалик диний эҳтиёжлари учун ишлатилади. Форсларда бу қаби жойлар Дар ба меҳр (адолат эгаси бўлган Митранинг ҳовлиси) деб ҳам атал-ган.

ОХИРАТ КУНИ – одамлар қайта тирилиб, ҳаёти давомида бажарган ҳар бир амали учун ҳисоб–китоб қилинадиган кун. У Қиёмат куни деб ҳам аталади.

ОҲОД – ровийлар сони мутавотир даражасига етмаган ҳадис тури.

ОЯТ – (арабча, «белги, мўъжиза») Қуръон сураларини таш-кил этувчи қисм, «жумлалар».

ПАЙҒАМБАР – Аллоҳнинг ердаги элчиси бўлиб, одамлар-ни Аллоҳга ибодат қилишга чақирувчи ва охират ҳақида хабар берувчи киши

ПАНЧА ШИЛА – буддавийликда беш насихат, яъни котиллик, ўғрилик, гумрохлик, ёлғон, маст қилувчи нар-салардан сақланиш.

ПАСТОР (лотинча, чўпон) – протестантликдаги черков раҳбари. Пасторлар оммавий ибодатларда маърузалар ўқиш ва черковнинг ички фаолиятини бошқариш билан шуғулланади.

ПАСХА (юнонча, ивритча – “ёнидан ўтиш”) – христи-анликдаги асосий диний байрамлардан бири. Исо Масихнинг қайта тирилган куни шарафига нишонланади. Ҳозирги кунда Пасха куни Ой–Қуёш календари асосида ҳисобланиб, ҳар йили ўзгариб туради.

ПОРСИЙЛАР – VII асрда Эронга исломнинг кириб кели-ши оқибатида Ҳиндистонга кўчиб ўтишга мажбур бўлган зардуштийларнинг бугунги кундаги авлодлари.

ПРЕСВИТЕР (лотинча, “оқсокол, жамоа бошлиғи”) – хри-стиан руҳонийлик иерархиясида юқори ўринни эгалловчи диний лавозим. Қадимда епископлар ҳам пресвитер деб аталишган.

ПУШАН – ҳиндлар эътиқодидаги куёш худоси. У мурув-ватли ҳисобланиб, куёшнинг маҳсулдорлик фаолиятини ўзида намоён қилади.

ПЯТИДЕСЯТНИКЛАР – протестантликдаги энг йирик йўналишлардан бири. Ўзларини Исо вафотидан 50 кун ўтгач Муқаддас Рух инъомига эга бўлиб, турли нотаниш тилларда гапира бошлаган хаворийларнинг издошлари, деб ҳисоблаганлари учун шу номни қабул қилганлар.

РАТУ (авесто, намуна, раҳбар) – зардуштийликнинг ҳимоячиси, масъум мобад, зардушт руҳонийлари табақасининг энг юқори вакили.

РАШНУ – зардуштийликда инсон вафотидан сўнг унинг руҳини ҳимоя қилувчи эзгулик язатларидан бири.

РИГ ВЕДА – “Мадҳиялар ведаси”, худоларга айтил-ган мадҳиялар тўплами бўлиб, тангриларни улуғлаш мақсадида ёзилган, 1017 та илоҳидан ташкил топган.

Ҳар бир илоҳий 10 га яқин “оят”дан иборат. Бу илоҳийлар ўнта китоб, яъни Мандалага бўлинади. Улар ичида энг узун 191, энг қисқаси 43 та илоҳийдан иборат.

РИМ ПАПАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ – турли даврларда Папа томонидан чиқарилган дин соҳасидаги қарорлар. Рим католик черкови ақидасига биноан Папанинг қарорлари ҳам муқаддас аҳамиятга эга.

РИШИ – ғайритабиий кучлар билан алоқада бўла оладиган кишилар.

РОЖДЕСТВО – Христианликнинг асосий байрамларидан бири. Исо Масихнинг одам танасида мужассам бўлиб туғилиши куни муносабати билан ўтказилади. Ушбу байрам ҳақидаги илк маълумотлар IV асрга тегишли христиан манбаларида қайд қилинган.

РОҲИБ (юнонча, монах – “зоҳид”) – христианликда дунёвий лаззатлардан таркидунёчилик қилиб, фақат ибодат билан шуғулланувчи шахс.

РУДНА – Ҳинд худоларидан бири, одамларнинг унга нисбатан чексиз қўркувлари уларни доимий равишда Руднага бағишлаб мадҳия ва дуолар ўқишга ундаган. У Риг Ведада Шива – “ёқимли” номи билан зикр этилади.

РЎЗА – йилда бир ой – ҳижрий қамарий календарнинг Рамазон ойи давомида кундуз кунлари ейиш–ичиш ва жинсий алоқада бўлишдан тийилиш.

САВИТРИ – ҳиндлар эътиқодидаги қуёш худоси. Қуёшнинг кувват берувчи кучида намоён бўлади.

САМА ВЕДА (МЕЛОДИЙ) – “Кўшиқлар ведаси” – Назмлар ведаси ҳисобланиб, у Риг Ведадан олинган, турли хил мавзулардаги илоҳийлар ва роҳиблар ўқийдиган назмий илоҳийлардан иборатдир.

САМАВЕДИНАЛАР – Ҳиндистонда ҳозиргача ведаларни куйга солиб куйловчилар.

САНГҲА – “олий ҳақиқат”га етишган авлиёлар, Будда асос солган ва ҳозиргача фаолият кўрсатиб келаётган роҳиблар жамоаси.

САОШЬЯНТА – халоскор, зардуштийликка кўра, дунёга 3 нафар саошьянта келиши лозим. Улар Зардушт таълимотини қайта тиклайди, Қиёматга яқин уларнинг охиргиси Анхра–Майнью билан жанг қилиб, барча ёвузлик кучларини мағлуб этади.

САРАСВАТИ – дарё худоси. Сарасвати кейинчалик брахманликда сўз худоси сифатида тасвирланган.

САР–МОБАД (Бозорг дастур) – мобадларнинг сардори, катта мобад, мобад оиласига мансуб зардушт руҳонийлари табақасининг юкори вакили.

САҲИҲ – исноди бошидан охиригача адолатли, аниқлик эгаси бўлган кишининг ўзи каби кишидан ривоят қилган, шозз (ўзидан кучлироқ ровийга қарши туриш) ва иллатли (нокислик) бўлмаган ҳадис.

САҲОБИЙ – Расулуллоҳ (а.с.)ни имон келтирган ҳолда кўрган ва шу мусулмонлик ҳолида вафот этган киши.

СИДДУР (ибр., “тартибга солиш”) – яҳудийликда ибодат вақтида ўқиладиган дуо китоби.

СИКХЛАР – шогирдлар маъносини билдиради.

СИНАГОГА (юнонча, “синагоге” – “йиғилиш”, ибронийча “бейт кнесет” – “йиғилиш уйи”) – яҳудийликда асосий ибодат ва маросимлар ўтказиладиган жой.

СМАРТЛАР – ҳаққоний ривоятлар деб номланувчи шиваликдаги оқим. Уларнинг бир қисми роҳибликда, яна бир қисми дунёвийлик ҳолатида яшайдилар.

СМИТРИ – “Достоний” деган маънони англатади. Ҳинд муқаддас китобларининг иккинчи қисми.

СОҒДИД – зардуштийликда ит ёрдамида амалга ошириландиган одамдан девларни қувиш ва поклаш маросими.

СПЕНТА АРМАЙТИ – зардуштийликда муҳаббат, ишонч, раҳм, фидойилик маъбуди, Ахура Мазда тарафдори.

СПЕНТА–МАНЬЮ – зардуштийликда ёруғлик, яралиш ибтидоси маъбуди, Ахура Мазда тарафдори.

СРАОША – зардуштийликда инсон вафотидан сўнг унинг руҳини ҳимоя қилувчи эзгулик язатларидан бири.

СУНАН – Ҳадислар «таҳорат» бобидан «васиятлар» бобига-ча фикҳ тартиби бўйича жамланган тўпламлар.

СУННАТ – ислом шариатига кўра, зиммага юкланмаган, лекин бажарилиши талаб қилинган амал. У Пайғамбар (а.с.)нинг покиза сайратлари, турмуш тарзлари, диний йўллари дир. Учга бўлинади: қавлий, феълий ва тақририй.

СУР – Рух, ички қувват. Тангричиликда у Тангри томонидан инсонга пуфлаш орқали киритилган деб эътиқод қилинган.

СУРА – Қуръондан бир бўлак бўлиб, энг ками учта, энг кўпи 286 оятни ўз ичига олади.

СУРЯ – хиндлар эътиқодидаги қуёш худоси. Қуёшнинг ёрқинроқ намоён бўлган кўриниши ҳисобланади. У юнонлардаги Аполлон каби етти от бириктирилган ғилдиракли араваларда тасвирланган.

СЯО ЖЭНЬ – “кичкина одам” конфуцийлик таълимотига кўра инсонларнинг бошланғич табақаси, яъни оддий халқдан чиққан, ҳеч қандай билимга эга бўлмаган шахс. “Сяо жэнь”дан билим олиш ва маросимларни тўла-тўқис бажариш орқали “Цзень–цзе” даражасига эришиш мумкин бўлган.

ТАВОФ – Каъбанинг атрофини айланиш.

ТАЙ–ЛЯО – Хитойдаги энг муқаддас қурбонлик маросими. Унда учта жонивор – қўй, хўкиз ва чўчқалардан иборат “учлик” қурбонлик келтирилади.

ТАҚРИРИЙ СУННАТ – саҳобийлар томонидан қилинган бирор хатти–ҳаракат ёки гап–сўзга Пайғамбар (а.с.)нинг индамасликлари ёки маъқуллашлари.

ТАЛЕС – Яҳудийларда ибодат вақтида елкага ташлаб олинган чойшаб. Талеслар одатда қора ёки кўк йўл–йўл оқ матодан тикилади.

ТАНГРИ – Тангричилик эътиқодининг бош ва ягона Осмон худоси, Тангрихон деб ҳам аталади.

ТАРАМАИТИ – зардуштийликда такаббурлик маъбуди, Ахриман тарафдори.

ТАУРВИ – зардуштийликда касаллик, нуқсонлик маъбуди, Ахриман тарафдори.

ТИН – Жон, тириклик. Тангричилик эътиқодига кўра, инсон тириклигининг сабабчиси.

ТРИПИТАКА (ТИПИТАКА) – уч сават донолик, дуолар шаклидаги буддавийликнинг муқаддас китоб.

ТИРТХАКАР – жайнийликда йўл тузувчи, рухларни озод қилувчи.

ТРИДАНДИНАЛАР – уч таёқчилар, шиваликдаги оқим.

ТРИМУРТИ – яъни, учлик – Брахма, Вишну, Шива худолари асосий худолар ҳисобланиб, Брахма уларнинг энг каттаси, дунёни яратган худо ҳисобланади. Бироқ, ҳиндуийликда фақатгина Вишну ва Шивагагина сиғинадилар. Шунга биноан, ҳиндуийлик икки асосий оқимга бўлинади: Шивага сиғинувчилар ва Вишнуга сиғинувчилар.

ТУРК ҲОҚОНЛИГИ – 552–603 йиллар давомида замонавий Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Мўғулистон, Манжурия (шимолий–шарқий Хитой) ва Шимолий Кавказ худудларини ўз ичига олган Бумин ҳоқон асос солган қадим туркийлар давлати.

ТУРКИЙЛАР – Евроосиё худудида милоддан аввалги I минг йилликда асосан чорвачилик билан шуғулланган кўчманчи Олтой қабилаларидан ташкил топган замонавий туркий халқлар (ўзбек, турк, туркман, озарбайжон, уйғур, қozoқ, қирғиз ва бошқалар)нинг аجدодлари.

ТЎЛИҚ ИНЖИЛ ХРИСТИАНЛАРИ – протестантликдаги энг йирик йўналишлардан бири бўлган пятидесятникликнинг иккинчи номи. “Инжил”га ҳақиқатан амал қилувчи соф эътиқод вакиллари деб билганлари учун ҳам ўзларига нисабатан шундай номни ишлатадилар.

УЛУМ АЛ-ҲАДИС – ҳадисларни ривоят қилиш, ишончли ва ишончсизини ўрганадиган илм.

УМАЙ (Жумай) – тангричилик эътиқодига кўра, аёл жинсидаги Ердаги ҳаётнинг сабабчиси ва макони Ер юзида бўлган маъбуда, “Ҳаёт онаси” деб эътиқод қилинган.

УПАНИШАДЛАР – ҳиндуийликда руҳий–маънавий йўл ҳисобланиб, диний такомиллик занжирининг энг юқори мартабаси ҳисобланади.

УПАНИШАДЛАР ДАВРИ – милоддан аввалги VI асрдан милоддан кейинги бир неча асргача чўзилади. У тасаввуфий оқимлар сир–асрорлари ва шахсий мушоҳадаларини ўз ичига олган бўлиб, ботиний ҳаётга берилиб, зохирдан йироқлашган руҳоний ва таркидунёчиларни тўғри йўлга бошлаш учун тартибга келтирилган.

ФАРЗ – ислом дини таълимотига кўра, инкор қилиб бўлмайдиган даражада қатъий далил билан бажарилиши талаб қилинган амал.

ФЕЪЛИЙ СУННАТ – Расулуллоҳ (а.с.)дан содир бўлган шаръий ишлар ёки саҳобийлар Пайғамбар (а.с.)нинг бажарган ишларидан нақл қилган нарсага.

ФРАВАН – ибодат маросимларида ўқиладиган дуо.

ФРАВАШИ (авесто, олдиндан танлов) – Осмонларда яшовчи ва Зардуштга ваҳий олиб тушувчи махлуқотлар.

ФРАШО КЕРЕТИ – зардуштийликда охир замонда пайдо бўладиган ёвузлик эгаси.

ХАБАР – Муҳаммад (а.с.)нинг сўзлари ва хатти–ҳаракатлари ҳақида ривоят (синоними ҳадис, осор).

ҲАДИС – Пайғамбар (а.с.)га нисбат берилган гаплар.

ҲАЖ – кодир бўлган киши учун умрида бир марта Макка шаҳридаги Каъбани зиёрат қилиш ва ушбу ибодат ўз ичига оладиган арконларни адо этишдан иборат.

ХАЛҚИЙ СУННАТ – Расулуллоҳ (а.с.)нинг ташқи қиёфа ва кўринишлари ҳақидаги суннат.

ХАЛОСКОР – яҳудий ва христиан атамасида Мессия (ивритча, машиах; қадимги юнонча, христос). Яҳудийлар ақидасига кўра, Халоскор қиёматга яқин келиб яҳудийларни нажот сари етаклайди. Яҳудий “мессияси” Довуд авлодидан бўлиши шарт. Христиан ақидасига кўра эса, халоскор бу Исо Масихдир.

- ҲАРОМ** – атамаси ислом таълимотига кўра, инкор қилиб бўлмайдиган даражада қатъий далиллар билан бажарилиши тақиқланган амал.
- ҲАСАН** – саҳиҳ ҳадис шартларига эга бўлган, лекин заботи пастроқ бўлган адолатли ровийнинг ўзи кабилардан қилган ривояти.
- ҲАУРВАТАТ** – зардуштийликда саломатлик, мукамаллик маъбуди, Ахура Мазда тарафдори.
- ХВАРТША** – зардуштийликда эзгу амал.
- ХИНАЯНА** – кичик ғилдирак, нажот топишнинг тор йўли.
- ХИРБАД** – мобад оиласига мансуб зардушт руҳонийлари табақасининг энг қуйи вакили.
- ХРАФСТРА** (Жирканчли) – зардуштийликда ўлдириш мумкин бўлган ёвузлик тарафдори дея эътиқод қилинадиган йиртқич ҳайвонлар.
- ХУДОНИНГ РАҲМАТЛАРИ** – протестантликнинг пятидесятниклик йўналишига ҳос ақидалардан бири. Худонинг раҳматлари деганда Масиҳни қабул қилиш, Муқаддас Рух билан чўқинтирилиш ва руҳий қайта туғилиш назарда тутилади.
- ХУДО–ОДАМ** – Исо Масиҳга нисбатан ишлатиладиган ном. Христианлик ақидасига кўра Исо асли худо бўлиб, инсонларни халос қилиш учун инсон қиёфасига кирган.
- ХУЛУҚИЙ** – Расулulloҳ (а.с.)нинг ахлоқий сифатлари ҳақидаги суннат.
- ХУМ** (Хаома) – ибодат маросимларида махсус тайёрланган ичимлик.
- ХУМАТА** – зардуштийликда эзгу фикр.
- ХУРДАК АВЕСТО** (“Кичик Авесто”) – диндорлар кундалик фаолияти учун “Авесто”нинг ихчамлаштирилган шакли.
- ХУХТА** – зардуштийликда эзгу сўз.
- ХШАТРА ВАИРЬЯ** – зардуштийликда қудрат, қатъийлик, ҳукмронлик маъбуди, Ахура Мазда тарафдори.
- ЦЗЕНЬ–ЦЗЕ** – “Юксак маърифатли одам”. Қадимги Хитойдаги билим ва донишмандлик култи ҳисобланиб, у билим

олиш йўлида сабр–матонатли ва ўта интилувчан одамларни юқори мартабага кўтарилишига ёрдам беради, деб эътиқод қилинган. Цзень–цзе даражасига эришган одам фақат учта нарсадан – Осмоннинг амри, буюк инсонлар ва ўта донишмандлардан кўрқиши мумкин бўлган.

ЧИНВАД (ажратиш кўприги) – инсон вафотидан сўнг унинг руҳи эзгулик ва ёвузликни ажратувчи кўприқдан ўтиши лозим. Чинвад кўпригида инсон руҳи эзгулик язатлари Сраоша, Митра ва Рашну ҳимоясига ўтса, абадий роҳат ва фароғат макони Кўшиқлар уйига боради.

ШАУРВА – зардуштийликда кўрқоқлик, пасткашлик маъбудиди, Ахриман тарафдори.

ШЕОЛ (ибр., “остки, қуйи”) – яхудийлик мифалогиясига кўра, ўликлар дунёси.

ШИВА – оддий халқ оммаси, камбағаллар илоҳиёти ҳисобланади. У Риг Веданинг биринчи нусхаларида Рудра номи билан зикр этилган. Атхарва Ведада Рудранинг роли ошиб боради. Яжур Ведада Рудра Агни тимсолида берилган. У Ишана, Ишвара, Махадева (буюк худо) номлари билан ҳам аталади.

ШОЗЗ – ишончли ровийнинг ўзидан кучлироқ ровийга муҳолиф бўлиши.

ШОЙИХЕТ – яхудийларнинг қассоблари

ШОҲ ОТАШ ВАРАХРАМ (Ғолиб Шох Баҳром олови) – маҳсус шоҳона маросимлар, йирик ғалабаларга бағишланиб 16 хил олов жамланиб, ёқилган олов.

ШРУТИ – “Ваҳийга таянувчи” деган маънони англатади. Ҳинд муқаддас китобларининг биринчи қисми.

ШУДРАЛАР – ҳинд касталаридаги ишчилар, энг қуйи табақа.

ЭРЛИК – Тангричилик эътиқодига кўра, эркак жинсидаги ўлим сабабчиси ва макони Ер остида бўлган маъбуд

ЮҲАННО (Иоан) – Исонинг 12 ҳаворийларидан ва “Инжил”нинг муаллифларидан бири. Христианликка кўра,

Юханно “Янги Аҳд” таркибига кирувчи “Ваҳийнома” китобининг муаллифи ҳамдир.

ЯЖУР ВЕДА – “Қурбонликлар ведаси”. Қурбонлик маросими кўринишлари билан алоқадор ведадир. Унинг асосий қисмини қурбонлик қилиш усуллари – яжус ташкил қилади. Мазкур яжуслар қурбонлик маросимнинг маълум бўлимларида жуда паст овозда, ижро этилади, улар маъносини эса, маросимнинг ўтказилиш тартибидан келиб чиқиб тушуниш мумкин. Яжусларнинг баъзи қисмлари назм, баъзилари эса наср шаклида ёзилган бўлиб, қурбонлик билан боғлиқ сўз ва дуоларни ўз ичига олади.

ЯЗАТ (авесто, эҳтиромга лойиқ) – Ердаги турли ходиса ва ҳолатларга масъул Ахура Мазда томонидан яратилган куйи руҳлар, фаришталар.

ЯНГИ АҲД – “Библия” қисмларидан бири. Тўрт Инжил, Ҳаворийлар фаолияти китоби, 21 та ҳаворийнинг номалари ва Юханнонинг “Ваҳийномаси” ни ўз ичига олган, 27 китобдан иборат.

ЯСНА – диний маросимларда ўқиладиган дуолардан иборат бўлган 72 бобли “Авесто”нинг бўлими.

ЯШТ – “Авесто”нинг 22 бобдан ташкил топган маъбудлар шаънига айтилган мадҳиялардан иборат бўлими.

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.– Т.: Ўзбекистон, 2009.
3. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, № 19. –Т.: Адолат, 1998.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И. А.Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. –Т.:Ўзбекистон, 1999.
6. Каримов И. А. Юсак маънавият енгилмас куч. –Т.:Маънавият, 2008.
7. Абдуллоҳ Ҳасан Али Муборак. Дирасаат фил яҳудийя. Қоҳира. “Дар ат-такво”, 2007.
8. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. –Т.: Ўзбекистон, 1990.
9. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Танланган асарлар, I том, Т., 1968.
10. Али Абдулвоҳид Вофий. Ал-Яҳудийя вал яҳуд. Қоҳира. “Мактаба ан-наҳда ал-мисрийя”, 2005.
11. Али Шариатий. Динларни таниш ва динлар тарихи. Анкара. 1996.
12. Античная литература. Под редакцией проф. А.А.Тахо-Годи. –М.: Просвещение, 1980.
13. Ат-Термизий. Саҳиҳ ат-Термизий / А.Абдулло таржимаси. Т.: Ф. Ғулом номли «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1993.
14. Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Сайид Махмуд Гарозий Алихонтўра таржимаси. Т.: «Мехнат» нашриёти, 1991.

15. Атхарваведа. Избранное. М., 1977.
16. Ахмад Шалабий. Ал-Яхудийя // Мукоранат ал-адйан. Қоҳира. “Дар ан-наҳда ал-мисрийя”, 1998.
17. Безертинов Р.Н. Тенгрианство – религия тюрков и монголов. –Набережные Челны: Аяз, 2000.
18. Беруни Абу Райхан. Избр. произведения. Ташкент, 1963.
19. Беруний, Абу Райхон. Ҳиндистон // Беруний А.Р. Танланган асарлар. II том. Т., 1968.
20. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. –Т.1.–М.–Л.–1950.
21. Боги, брахманы, люди. Четыре тысячи лет индуизма. М., 1969.
22. Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. М.: Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1988.
23. Большаков О.Г. История Халифата. 1-3 части. М, 1989-1998.
24. Бонгард-Левин Г.М. Древнеиндийская цивилизация. М., 1980.
25. Бонгард-Левин Г.Н. Древнеиндийская цивилизация: философия, наука, религия. М., 1980.
26. Буддийская философия в средневековой Японии. – М., 1998.
27. Бэшем А. Чудо, которым была Индия. Пер. с англ. М., 1977.
28. Васильев Л.С. История религий Востока. М., 1988.
29. Вихнович В. Л. Иудаизм. –СПб, 2006.
30. Гумилев Л.Н. Тысячелетие вокруг Каспия. –Баку, 1991. Делорман А. Бозкурт // Хазар. –№ 1.– 1990.
31. Гусева Н.Р. Джайнизм. М., 1968.
32. Гусева Н.Р. Индуизм. История формирования. Культурная практика. М., 1977.
33. Джеймс У. Многообразие религиозного опыта. М., 1993.
34. Диншунослик асослари / Проф. Анвар Абдусамедов таҳрири остида.
35. Доктор Ахмад Чалабий. Адёнул Ҳиндил Кубро. Қоҳира. 1983.

- 36 Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
37. Женщина в мифах и легендах. Энциклопедический словарь. –Т.: Главная редакция энциклопедий, 1992.
38. Жўраев У., Саиджонов А. Дунё динлари тарихи. Тошкент, 1998.
39. Жўраев У., Саиджонов Ё. Дунё динлари тарихи. –Т., 1998.
40. И.Н. Яблоков. Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь–минимум по религиоведению. –М.: Гардарики, 2000.
41. И.Н. Яблоков. Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь–минимум по религиоведению. –М.: Гардарики, 2000.
42. Ильин Г.Ф. Религия Древней Индии. М., 1955.
43. Индуизм. Джайнизм. Сикхизм. Словарь / Под ред. Альдебиль М. и др. –М., 1996.
44. Индуизм. Джайнизм. Сикхизм. Словарь. М., 1996.
45. Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь. – Т. I. / сост. и отв. ред. С.М.Прозоров. – М.:Восточная литература, 2006.
46. Ислам. Историографические очерки. М., 1991.
47. Ислам: Энциклопедический словарь. М., 1991, ее. 141-144, 262-263.
48. Ислом тарихи / А. Ҳасанов, Н.Комилов, У.Уватов, А.Азимов, Қ.Зоҳидов. –Т.: Тошкент ислом университети, 2008.
49. История Древнего мира. – М.: Просвещение, 1979.
50. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий этикоқлар тарихи. – Т.: ЖДИУ, 2008.
51. Кёйпер Ф.Б.Я. Труды по ведийской мифологии. М., 1986.
52. Комилов Н., Жўраев К. Давлат, жамият ва дин. – Т.: Академия, 2006.
53. Крывелев И. История религии. Москва, 1988.
54. Кун Н. Легенды и мифы Древней Греции. Главная редакция Таджикской Советской Энциклопедии, Душанбе, 1988.
55. Ландау Ж. Будда қиссаси // Инглиз тилидан Жамол Камол таржимаси. – Т., 1992.

56. Леви-Брюль Л. Сверхъестественное в первобытном мышлении. М., 1994.
57. Леви-Строс К. Первобытное мышление. М., 1994.
58. Луния Б.Н. История индийской культуры с древних времен до наших дней. М., 1960.
59. Луния Б.Н. История индийской культуры, М., 1960.
60. Малиновский Б. Магия, наука, религия. М., 1998.
61. Малявкин А.Г. Уйгурские государства в IX-XII вв. – М.: 1983.
62. Махабхарата. М., 1967.
63. Миронов А.В., Бабинов Ю.А. Основы религиоведения: Рабочая книга преподавателя и студента. Учеб. пособие. –М.: НОУ, 1998.
64. Мифы народов мира. В 2-томах. М., 1980-82.
65. Мифы народов мира. Энциклопедия: в 2-х т. –Т. 2. // Гл. ред. С.А. Токарев. – М.: НИ Большая Российская энциклопедия, 2000.
66. Мухаммад Хузарий. Нур-ул яқин. –Т.: Чўлпон–Камалак, 1992.
67. Невелева С.Л. Мифология древнеиндийского эпоса (пантеон). М., 1975.
68. Низомиддинов. Н.Ф. Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. –Т.: Зар қалам, 2006.
69. Оливер П. Мировые религиозные верования. М., 2003.
70. Ошо. Будда: его жизнь и учение / Перевод с английского Е.Никитина. – М.: Астрель, 2004.
71. П.И.Пучков, О.Е.Казьмина. Религии современного мира. – Москва. 1997.
72. Переселение душ. Сборник статей. Москва, 1994.
73. Потапов Л.П. Алтайский шаманизм. – Л., 1991.
74. Пучков П.И., Казьмина О.Е. Религии современного мира. Учеб. пособие. – М.: 1997.
75. Радугин А.А. Введение в религиоведение. 2-е изд., испр., и доп. Москва, 2000.
76. Радхакришнан С. Индийская философия. Т. I-II. М., 1956-1957.
77. Рак И. В. Зороастрийская мифология. 1998.

78. Религии мира. Энциклопедия. –Т. 6. Ч. 1. –М., 1996.
79. Религия. Энциклопедия. Минск. «Книжный дом», 2007
80. Ригведа. Мандалы I-IV. М., 1989; Мандалы V-VIII. М., 1995.
81. Розенберг О. Труды по буддизму. – М., 1994.
82. Ртвеладзе Э. В. Авеста. Закон против девов. Видевдад. 2008.
- 83 С.А.Токарев. Религия в истории народов мира. – М.: Политиздат, 1964.
84. Сергеев В.С., История древней Греции, М., 1963
85. Сигх Мохиндер. Угнетенные касты Индии. М., 1951.
86. Снесарев А.Е. Этнографическая Индия. М., 1981.
87. Сокио О., Вудард У. Синтоизм: Древняя религия Японии. «София», 2007. ISBN 5-91250-240-6.
88. Солдатов А.В. Религиоведение. М., 2004.
89. Ставиский Б. Судьбы буддизма в Средней Азии. По данным археологии. – М., 1998.
90. Стеблин-Каменский И. М. Гаты заратуштры. 2009.
91. Темкин Э., Эрман В. Мифы Древней Индии. – М.: Наука, 1985.
92. Темкин Э.Н., Эрман В.Г. Мифы Древней Индии. М., 1982.
93. Токарев С. Ранние формы религии. – М.: Политиздат, 1990.
94. Три великих сказания древней Индии. М., 1978.
95. Уватов У. Муслим ибн ал-Хажжож. –Т.: А. Қодирий номли «Халқ мероси» нашриёти, 1995.
96. Уватов У. Муҳаддислар имоми. –Т.: «Маънавият», 1998.
97. Уотерхауз Д. В. Катехизис зороастризма. Древняя религия магов. 2002
98. Упанишады. В 3–х книгах. М., 1992.
99. Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. Жоҳилия аси. –Т.: Тошкент ислом университети, 2001..
100. Ҳасанов А.А. Макка ва Мадина тарихи (Қадимги Арабистон тарихидан лавҳалар). – Т.: Мехнат, 1992.
101. Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского, введ и примеч. М., 1994.
102. Чағониён тарихи. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2002.

103. Чаттерджи С., Датта Дж. Введение в индийскую философию. М., 1955.
104. Чунакова О. М. Пехлевийский словарь зороастрийских терминов. 2004.
105. Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи. Арабчадан Абдуллоҳ шайх Исмоил Махдум ўғли таржимаси. – Т.: Мовароуннахр, 1995.
106. Шапошников А., Евса И. Учение огня. Гаты и молитвы. 2006.
107. Шохин В.К. Брахманистская философия. М., 1994.
108. Элиаде М., Кулиано И. Словарь религий, обрядов и верований При участии Винер Г.С., – М.: «Рудомин», СПб.: «Университетская книга», Научный редактор: Е.Мурашкинцева. Перевод: Н.Зубков, Е.Морозова, Е.Мурашкинцева. 1997.
109. Эрман В.Г. Очерк ведийской литературы. М., 1980.
110. Юнг К. Архетип и символ. М., 1991.
111. Юнг К. Сознание и бессознательное. М., 1997.
112. Яковлев Е.Г. Искусство и мировые религии. Москва, 1985.
113. Bhagavad-gita As It Is. The Bhaktivedanta Book Trust reg., 1990.
114. Byron Earhart. Религиозные традиции мира. Том 1. / Пер. с английского. – М.: КРОН-ПРЕСС, 1996.
115. Delli, David. Guide to Hindu religion. Boston, Mass, 1981.
116. Edward Tylor. Religion in primitive culture. Gloucester, Mass.: P.Smith, 1970.
117. Jaina J. Jainism: the oldest living religion. Varanasi: P.V.Research Institute, 1988.
118. Nicholson, Julia. Jainism: art and religion. Leicester, 1987.
119. Read Carveth. Man and his superstitions. 2nd ed. London: Senate, 1995.
120. Smith, Jonathan. Imagining religion: from Babylon to Jonestown, Chicago, 1982.
121. The sacred east: Hinduism, Buddhism, Confucianism, Daoism, Shinto/ gen. editor C. Scott Littleton. London, 1999.
122. Titze, Kurt. Jainism: a pictorial guide to the religion of non-violence. Delhi, 1998.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-мавзу. Диншунослик фанига кириш ва унинг таркибий қисмлари	6
2-мавзу. Динларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги тасаввурлар.....	23
3-мавзу. Қадимги цивилизациялар динлари	35
4-мавзу. Марказий Осиё динлари	50
5-мавзу. Яҳудийлик	68
6-мавзу. Ҳиндистон динлари: ведизм – брахманлик – ҳиндуийлик, жайнийлик, сикхийлик	87
7-мавзу. Хитой ва Япон динлари	116
8-мавзу. Буддавийлик	143
9-мавзу. Христианлик	164
10-мавзу. Ислом.....	202
11-мавзу. Ўзбекистонда дин ва диний ташкилотлар.....	247
12-мавзу. Замонавий диний жараёнлар ва янги диний оқимлар.....	271
Глоссарий.....	291
Фойдаланилган манбалар рўйхати	313

ДИНШУНОСЛИК
АСОСЛАРИ
(Ўқув қўлланма)

«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2013

Муҳаррир: Ж.Жўраев
Саҳифаловчи: Л.Абдуллаев

Нашриёт гувоҳнома рақами АИ № 224. 2012 йил 16 ноябрь.
Босишга 2013 йил 26 декабрда берилди.
Бичими 84×108 ^{1/32} Шартли б.т. 16,80. Нашр т. 16,80
Адади 50 нусха. Буюртма № 89
Баҳоси келишилган нархда.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмаҳонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.